

---

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ  
УНИВЕРСИТЕТИ

**ИҚТИСОДИЁТ  
ВА  
ТАЪЛИМ**

5

---

2017

Тошкент

№5  
5/2017

Илмий журнал  
Научный журнал  
Scientific magazine

# ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАЪЛИМ

## Муассис:

Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети

## Таҳрир кенгаши раиси:

Ходиев Баходир Юнусович – и.ф.д., профессор

## Таҳрир кенгаши

Абдурахмонов Қаландар Ходжаевич – и. ф. д., профессор  
Ахмедов Дурбек Кудратиллаевич – и. ф. д., профессор  
Бегалов Баходир Абдусаломович – и. ф. д., профессор  
Бекмуродов Адхам Шарипович – и. ф. д., профессор  
Болтабаев Махмуджон Рустамович – и. ф. д., профессор  
Набиев Дилмурод Хамидуллаевич – и. ф. д., профессор  
Содиқов Авазбек Мадаминович – и. ф. д., профессор  
Бегимкулов Узокбой Шоимкулович – п. ф. д., профессор  
Ғайибназаров Баходир Каримович – и. ф. д., профессор  
Ражаббаев Шароф Рахимбердиевич - и.ф.н., доцент

## Таҳрир ҳайъати

Беркинов Бозорбой – и.ф.д., профессор  
Йўлдошев Нуриддин Қурбонович – и.ф.д., профессор  
Нишанбай Сиражиддинов – и.ф.д., профессор  
Рашидов Оқтам Юнусович – и.ф.д., профессор  
Тошматов Шухрат Амонович – и.ф.д., профессор  
Умурзаков Баходир Хамидович – и.ф.д., профессор  
Усманов Анвар Саидмахмудович – и.ф.д., профессор  
Эргашходжаева Шахноза Джасуровна – и.ф.д., профессор  
Ғофуров Убайдулла Вахобович – и.ф.д., доцент  
Мустафакулов Шерзод Игамбердиевич – и.ф.н., доцент  
Насретдинова Шахноза Саидакмаловна – ф.-м. ф. н., доцент  
Урманов Низамиддин Тулаганович – и.ф.н., доцент  
Хакимов Рашид Хамдамович – и.ф.н., доцент  
Ташматов Рустам Хусанович – и.ф.н., доцент

ISSN 2010-6130

**Бош муҳаррир:**

Абдувалиев А. А. - и.ф.н.

**Бош муҳаррир ўринбосари:**

Рустамов Б.М.

**Масъул котиб:**

Турсунов М.Б.

**Адабий муҳаррир:**

Караев М.Ю.

**Мусахҳиҳ:**

Абдуллаева М.С.

**Техник муҳаррир ва саҳифаловчи:**

Турсунов М.Б.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссияси томонидан иқтисодий фанлар йўналиши бўйича олиб борилаётган тадқиқотларнинг натижалари асосида ёзилган илмий мақолаларни нашр этишга тавсия этилган оммавий ахборот воситалари жумласига киритилган

Журнал саҳифаларида чоп этилган материаллардан фойдаланилганда “Иқтисодиёт ва таълим” илмий журналдан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятини олмаган. Мақолада келтирилган далиллар ва маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Веб-сайт манзили: [www.economedu.uz](http://www.economedu.uz)  
E-mail: [economedu@cedr.uz](mailto:economedu@cedr.uz)

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 02-0041-сон билан рўйхатга олинган.

# Мундарижа

## МОЛИЯ ВА СОЛИҚЛАР ФИНАНСЫ И НАЛОГИ

<b>Хусаинов Ғ.Л.</b> Ўзбекистон Республикасида корпоратив қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиш тенденциялари.....	7
<b>Хамроев Б.Б.</b> Ҳудудлар солиқ потенциални шакллантириш юзасидан назарий ёндашувлар .....	12
<b>Джалилов А. А., Хидиров А.И.</b> Молия тизимининг иқтисодий ўсиш омилларига таъсири .....	17
<b>Джураев А.М.</b> Корхоналарнинг инвестицион фаолиятини рағбатлантиришда берилаётган солиқ имтиёзларининг иқтисодий таҳлили .....	23
<b>Жалилов Ш.Қ.</b> Ёқилғи - энергетика корхоналарини солиққа тортиш тизимини ислоҳ қилишнинг замонавий йўналишлари .....	27
<b>Каюмов Р. И., Байтурсунова А.А.</b> Фундаментальные подходы к активизации инвестиционной деятельности на фондовом рынке Узбекистана .....	32
<b>Шарипов Ф.Г.</b> Научно – теоретические основы налогообложения экспортно – импортных операций.....	39
<b>Narzullaev N.</b> Main tendencies of financial intermediation development in foreign countries and its implications in Uzbekistan.....	43
<b>ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ ЭКОНОМИКА СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА</b>	
<b>Ташматов Р. Х.</b> Перспективы промышленного производства и экспорта корня солодки в Узбекистане .....	47
<b>Кадыров Т. А.</b> Пути повышения эффективности рационального размещения сельскохозяйственного производства.....	54
<b>Тавакалов Ж.Т.</b> Ўзбекистон ҳудудларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ресурслар базасини шакллантиришнинг асосий йўналишлари....	60
<b>Умурзақов Ў.П., Ибрагимов А.Г.</b> Шоличиликнинг иқтисодий ривожланиши ва унинг самарадорлигини ошириш .....	66
<b>Нурибетов Т. У.</b> Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялашнинг замонавий хусусиятлари . .....	72

**ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ  
ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ**

<b>Акрамова Ш. Г.</b> Хорижий мамлакатларда меҳнат ресурсларини шакллантириш моделлари.....	78
<b>Искандарова Д.Б.</b> Саноат тармоғи ривожланишининг Малайзия тажрибаси .....	85

**ТАРМОҚЛАР ИҚТИСОДИЁТИ  
ОТРАСЛЕВАЯ ЭКОНОМИКА**

<b>Отажонов Ш.И.</b> Инновацион кластерларни ривожлантириш асосида ҳудудий иқтисодиёт тармоқлари инновацион фаоллигини оширишнинг методологик жиҳатлари .....	90
<b>Зокиров Ш.Э.</b> Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантиришнинг иқтисодий механизмлари .....	95
<b>Холбоев Ш., Усманова Д. К.</b> Направления повышения эффективности деятельности ГУП «Международного аэропорта «Самарканд»» .....	103
<b>Мирзарайимов Д.У.</b> Энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда энергия тежовчи технологиялардан фойдаланиш имкониятлари .....	107
<b>Эрназаров Ғ.Б.</b> Коммунал хизмат тизимини ислоҳ қилишда илғор ёндошувлардан фойдаланиш .....	111

**ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ  
ГОСУДАРСТВЕННОЕ УПРАВЛЕНИЕ**

<b>Холов А.Х.</b> Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислам Каримов асарларида бошқарув қарорларини қабул қилишга доир қарашлар.....	115
--	-----

**АҲОЛИШУНОСЛИК ВА ДЕМОГРАФИК СИЁСАТ  
НАРОДОНАСЕЛЕНИЕ И ДЕМОГРАФИЧЕСКАЯ ПОЛИТИКА**

<b>Мамадалиева Х.</b> Методика оценки семейно-брачных отношений в Узбекистане .....	123
--	-----

**ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯ  
ИННОВАЦИИ И ИНВЕСТИЦИИ**

<b>Арипов У. Б.</b> Ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	129
<b>Эшева С.А.</b> Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашдаги роли.....	138

## МЕҲНАТ ИҚТИСОДИЁТИ ЭКОНОМИКА ТРУДА

- Расулова Д.В., Зайнутдинова У.Д.**  
Аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш..... 147
- Насриддинов Ф.Ф., Джураева С.Қ.**  
Барқарор иқтисодий ўсиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш  
муаммолари ..... 154
- Юсупов И.А.**  
Ротация как способ решить проблему текучести проектного персонала  
и повышения производительности труда на предприятии..... 159

## КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ КОРПОРАТИВНОЕ УПРАВЛЕНИЕ

- Якубов Ш.Ш.**  
Корпоративное управление государственными предприятиями в  
Узбекистане..... 164

## БАНК ИШИ БАНКОВСКОЕ ДЕЛО

- Бердиназаров З.У.**  
Валюта курси режимининг таснифлари, таҳлиллари ва уларни  
такомиллаштириш масалалари ..... 167
- Алиева Ш.Т.**  
Мамлакат иқтисодиётини модернизациялашда тижорат банклари  
инвестицион фаолиятининг ўрни ҳамда уларни такомиллаштириш  
йўналишлари..... 178

## БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ, ЭКОНОМИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ И АУДИТ

- Тўраев А.Н.**  
Акциядорлик жамиятларида ички аудит хизматини ташкил этишнинг  
амалий жиҳатлари..... 182

## ИҚТИСОДИЁТДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ЭКОНОМИКЕ

- Турсунов Н.Н.**  
Особенности формирования конкурентной корпоративной стратегии  
в условиях цифровой экономики..... 191
- Шералиев О.Р.**  
АСЕАН шарқий ва жануби-шарқий осиеда марказий интеграциявий тузил-  
ма сифатида..... 197

---

## МОЛИЯ ВА СОЛИҚЛАР ФИНАНСЫ И НАЛОГИ

---

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРПОРАТИВ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Хусаинов Ғулом Луқмонович

Сектор мудирини ўринбосари, ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодий тини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий- тадқиқот маркази

**Аннотация.** Мақолада мамлакатимиз фонд бозорининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш натижалари келтирилган ҳамда. Қимматли қоғозлар бозорининг асосий кўрсаткичлари таҳлили асосида унинг турли сегментлари баҳоланган, ҳамда фонд бозори ривожланишининг асосий тенденциялари ва уни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ўрганилган.

**Таянч тушунчалар:** Фонд бозори, жамғармалар, инвестициялар, корпоратив облигациялар, биржа облигациялари, листинг, инвестиция фондлари.

**Аннотация.** В статье рассмотрены тенденции развития фондового рынка Республики Узбекистан. На основе анализа основных показателей дана оценка сегментам рынка ценных бумаг также рассмотрены основные тенденции и некоторые направления развития рынка ценных бумаг.

**Ключевые слова.** Фондовый рынок, сбережения, инвестиции, корпоративные облигации, биржевые облигации, листинг, инвестиционные фонды.

Хар қандай молия тизимининг асосий кўрсаткичларидан бири – бу фонд бозори ва банк секторининг компанияларнинг инвестициявий фаоллигини молиялаштиришдаги иштироки даражаси ҳисобланади. Фонд бозори қанчалик ривожланган бўлса, қанча кўп компаниялар инвестициявий лойиҳалари учун қўшимча маблағ олиш мақсадида ўз қимматли қоғозларини фонд бозорида жойлаштиришса, фонд бозорининг иқтисодий молиялаштиришдаги аҳамияти шунчалик ортади. Ривожланган фонд бозори иқтисодий хорижий инвестициялар жалб қилинишига ҳам шароит яратади. Бу иқтисодий жамғарилган маблағлар миқдорига нисбатан кўпроқ ҳажмдаги инвестицияларга эҳтиёжманд бўлган мамлакатлар учун айниқса муҳим ҳисобланади. Шу билан бирга кредитлар бозори ва қимматли қоғозлар бозори молиявий капиталнинг шаклланишини таъминлайди [1].


Бозор иқтисодиёти шароитида фонд бозори жамғармаларни қайта тақсимлашнинг асосий механизмларидан ҳисобланади. Жадаллашиб бораётган иқтисодий глобаллашув жараёнлари турли молия воситалари ва фонд бозори институтларининг ривожланиши, улар сонининг ортишига туртки бўлмоқда. Натижада иштирокчиларнинг кўлами, ҳар хиллиги, шунингдек қимматли қоғозлар бозорида муомалада бўлган воситаларнинг турли ту-

манлиги уни мураккаб, кўп даражали тизимга айлантормоқда.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда корхоналар томонидан ўз хўжалик фаолиятини молиялаш жараёнида бозор воситалари ва механизмларидан кенг фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Молиявий ресурсларни иқтисодийнинг бир секторидан бошқасига ўтишига хизмат қиладиган фонд бозорининг ҳозирги босқичда юқори даражада ривожланмаганлиги туфайли мамлакатимизда тижорат банклари асосий молиявий воситачи вазифасини бажариб келмоқда.

Мамлакатимиз ҳукумати томонидан қабул қилинган соҳага тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қимматли қоғозлари бозорининг шаклланиши ва ривожланишига замин яратди. Шу билан бирга, мазкур бозорнинг айрим сегментлари - қимматли қоғозлар иккиламчи бозори, ҳосила қимматли қоғозлар бозори ҳали етарли даражада ривожланмаганини қайд этиш зарур.

Сўнги йилларда мамлакатимиз фонд бозори умумий айланмасида иккиламчи бозор ўлушининг камайиб бориш тенденцияси кузатилмоқда (1-расм) [2]. Иккиламчи бозорда савдо фаоллиги камайиб бориши сабабларидан бири молиявий жиҳатдан барқарор, юқори ликвидли ва инвестициявий жозибдор бўлган йирик эмитентлар акцияларининг тақчиллиги ҳисобланади.



1-расм. 2012-2016 йилларда фонд бозори савдо айланмаси таркиби

Қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозори ривожланганлиги мамлакат фонд бозори рақобатбардошлик даражасини кўрсатувчи асосий кўрсаткичлардан бир ҳисобланади. Умуман олганда, иккиламчи фонд бозори ўзининг асосий вазифаси – қимматли қоғозларнинг доимий котировкаси орқали уларнинг ликвидлигини ошириш вазифасини бажармаяпти. Акциялар бўйича доимий котировка мавжуд эмаслиги, котировка қилинаётган акцияларнинг сотиш ва сотиб олиш котировкалари ўртасидаги сезиларли даражадаги спрэд, нархларнинг тебранишлари кам бўлиши фонд бозорининг ноликвидлигини кўрсатмоқда. Натижада фонд бозорининг профессионал иштирокчилари ҳисобланган инвестиция фондларининг аҳоли ва юридик шахсларнинг бўш турган пул маблағларини инвестиция капиталига айлантириш вазифаси деярли амалга оширилмаяпти. Қимматли қоғозлар бозори фаолияти, унинг макроиқтисодий роли намоён бўлмасдан, корпоратив қимматли қоғозлар бозорининг миқдорий кўрсаткичлари қисқа муддатли ўсиши кузатилмоқда.

Фонд бозорининг инвестициялаш жараёнларидаги роли юқори эмас. Шу сабабли ҳозиргача давлат қарз мажбуриятлари ва корпоратив қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш масаласи долзарблигича қолмоқда. Фонд бозорини ривожлантириш шунинг учун ҳам муҳимки, у бўш пул маблағларини иқтисодиётнинг секторлари ўртасида қайта тақсимлаб, инвестициявий ресурслар оқими ҳаракатланишини таъминлайдилар. Айнан фонд бозорида корхоналарнинг ҳақиқий баҳоси аниқланади.

2016 йил якунларига кўра иккиламчи акциялар ва корпоратив облигациялар бозорининг жами айланмаси 1,27 трлн. сўмни (ЯИМга нисбатан 0,6 фоизни), шу жумладан акцияларнинг ташкиллашган бозорида 238,1 млрд. сўмни ва ташкиллашмаган бозорда 1,03 трлн. сўмни ташкил этди. Мамлакатимиз акциядорлик жамиятлари томонидан эмиссия қилинган жами акцияларнинг номинал қиймати сўнгги беш йил давомида уч баробардан кўпроққа ошиб, 30,5 трлн. сўмни ташкил этди (2-расм) [3].



2-расм. Акцияларнинг номинал қиймати бўйича капитализацияси ўзгариш динамикаси.



Ўзбекистонда банк-молия тизими ва капитал бозори ўзаро боғлиқликда ривожланишига тўсқинлик қилаётган омиллар сифатида фонд бозорининг капиталлаштириш даражасининг пастлигини, фонд бозорида институционал инвесторларнинг инвестиция ресурсларини жойлаштириш учун узоқ муддатли молиявий воситалар турлари ва миқдорининг чекланганлигини келтириш мумкин. Бунга муомаладаги қарз қимматли қоғозлари корпоратив облигациялари эмиссияси мисол бўлади. Корпоратив облигациялар эмиссияси 2015 йил 1 январ ҳолатига

кўра 54 та чиқарилиш умумий суммаси 378,8 млрд. сўмни ташкил этган. Бу жами эмиссияси қилинган акциялар номинал қиймати бўйича умумий суммасининг 3,2 фоизини ташкил этади [4]. Корпоратив облигацияларнинг фонд биржасидаги умумий айланмаси 2014 йилда 8,3 млрд. сўмни ташкил этган. Айрим МДХга аъзо давлатлар Белоруссия ва Россия Федерациясида 2015 йилда муомаладаги облигациялар ҳажми ЯИМга нисбатан 20 фоиздан ортиқ бўлиб, Қозоғистонда бу кўрсаткич ЯИМга нисбатан 32,1 фоизни ташкил этган (1-жадвал) [5].

#### 1-жадвал

#### МДХ га аъзо мамлакатлар қимматли қоғозлар бозори асосий кўрсаткичлари

	Акциялар бозори капитализацияси, ЯИМга нисбатан %	Муомаладаги қарз қимматли қоғозлари ҳажми, ЯИМ га нисбатан %
Белоруссия	-	20,1
Қозоғистон	19	32,1
Россия	29	21,6
Ўзбекистон	5	0,25

Жадвалда келтирилган мамлакатларда облигациялар бозорининг капитализацияси акциялар бозори капитализациясидан юқори эканлигини кўриш мумкин. Бу кўрсаткичлар қарз қимматли қоғозларининг юқори инвестиция салоҳиятидан дарак бериб турибди. Узоқ муддатли қарз қимматли қоғозлари бозорини шакллантириш ва ривожлантириш авваламбор давлатнинг фаол иштирокини, инвесторлар ҳуқуқларини юқори даражада таъминланишини шунингдек, корпоратив облигация эмитентлари молиявий тарафдан барқарор бўлиши ва бошқа нобанк молия институтларининг фаол иштирокини талаб этади.

Фонд бозори асосий инструментларидан бўлган қарз қимматли қоғоз ҳисобланувчи облигациялар капитал бозори иқтисодиёти юқори даражада ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган. Облигациялар бозори АҚШ ва Европа давлатларида акциялар бозори капитализациясидан бир неча марта ортиқ. Ушбу давлатларда облигациялар бозорининг ривожланишига сабаб бўлган омиллар сифатида қуйидагиларни санаб ўтишимиз мумкин:

- облигациялар бўйича олинадиган даромадларнинг солиқдан озод этилганлиги;
- эмитентларнинг облигациялар бўйича фоиз тўловлари маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича бошқа харажатлари сирасига киритилганлиги;
- облигациялар эмиссиясини давлат

рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ тартиб-қоидалари соддалаштирилганлиги;

- давлат рўйхатидан ўтказилмасдан фақат биржада жойлаштириладиган ва муомалада бўладиган биржа облигацияларининг жорий этилганлиги;

- хорижий инвесторларга ипотека билан таъминланган облигацияларни сотиб олиш имконияти берилганлиги;

- давлат томонидан юридик шахслар облигациялари эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича тартибга солишнинг кучайтирилганлиги;

- устав капиталидан ортиқ миқдорда облигация эмиссия қилиш, эмиссия қилинган облигациялар бўйича давлат томонидан кафолат тақдим этиш амалиёти ва бошқалар.


Мамлакатимизда корпоратив облигациялар эмиссия қилиш йўли билан инвестиция жалб қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Мисол учун “Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси томонидан 2011 йилда 35 млрд. сўмлик корпоратив облигация 5 йил муддатга йиллик 7 фоиз дивиденд тўлаш шarti билан жойлаштирилган. Ҳозирда мамлакатимизда 650 дан ортиқ акциядорлик жамиятлари фаолият юритиб келмоқда ва уларнинг аксарияти иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ҳисобланади. Ушбу корхоналарни модернизациялаш, янги технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришда қимматли

қоғозлар бозорига кенг жалб этилиши фонд бозори савдо айланмасини оширишга хизмат қилади ва корхоналар банк кредитидан бошқа манбалардан ҳам инвестициялар жалб қилиш имкониятига эга бўлади. Корпоратив облигациялар бозорининг ривожланиши фонд бозори ёрдамида хорижий инвесторлар маблағларини ҳам инвестиция жараёнларига жалб этиш имкониятини яратади. Бунинг учун фонд бозори молиявий воситалар турларини кўпайтириш муҳим аҳамият касб этади. Реал сектор корхоналари томонидан чиқарилган қарз қимматли қоғозларидан олинган дивидендлар бўйича солиқ имтиёзи тақдим этилиши инвесторларнинг вақтинча бўш турган маблағларини иқтисодиётга узоқ муддатли инвестициялар сифатида йўналтиришга хизмат қилади. Шунингдек, облигациялар бозорининг ривожланиши мамлакатимиз молия тизимининг барқарорлигини ошириш, иқтисодиёт реал сектори корхоналари бошқа манбалардан, яъни капитал бозоридан ҳам ресурс жалб қилиш йўли билан банк тизимига боғлиқлигини қисқартириш, молия тизимида маълум даражада рақобат юзага келиши мумкин. Ҳозирги вақтда корпоратив облигациялар бўйича тўланадиган фоизлар бўйича солиқ ставкаси уни тўлаш манбаидан 10 фоизни ташкил этмоқда. Фикримизча, корпоратив облигациялар жозибадорлигини ошириш, тижорат банклари ва бошқа акциядорлик жа-

миятлари томонидан облигациялар эмиссия қилиш йўли билан инвестиция ресурслари жалб этишни рағбатлантириш мақсадида эмитентларга солиқ имтиёзлари тақдим этилиши мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга, институционал инвестор ҳисобланадиган жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини корпоратив облигациялар бозорига жалб этишни янада ошириш ушбу бозор ривожланишига ўз ҳиссасини қўшади.

Фонд биржанинг энг асосий вазифаларидан бири биржа котировка варағига молиявий барқарор ва ликвидли акциядорлик жамиятларини жалб қилиш ҳисобланади. Қайд этиш лозимки, акциядорлик жамиятларининг фонд биржасининг биржа котировка варағига киритилиши ушбу корхоналарнинг акциялари тегишли даражада ишончли, молиявий барқарор, инвестициявий жозибадор ва ахборот ошкорлиги тан олинганлигини англатади.

Фонд биржасининг сўнги беш йилдаги савдолари ҳажми таҳлили биржа битимлари ушбу даврда сезиларли ошганлигини кўрсатмоқда. “Тошкент” Республика фонд биржасида биржа битимлари 2016 йил якунлари бўйича биржанинг бутун фаолияти давомидаги энг юқори кўрсаткич 299,8 млрд. сўмга етди, бу ўтган йилга нисбатан 1,9 марта кўп ва 2011 йилдаги энг юқори савдо айланмасидан (213,1 млрд. сўм) 41 фоизга юқори кўрсаткични ташкил этди (3-расм).



**3-Расм. 2012-2016 йилларда биржа савдо айланмаси ўзгариши динамикаси [6].**

Умуман олганда, қимматли қоғозлар билан умумий бозор айланмаси тузилмаси қўйидаги кўринишга эга:

- давлатга тегишли акциялар пакети - 22,3 млрд. сўм, шундан 0,4 млрд. сўми (0,13 млн. АҚШ доллари) хорижий валютага сотилган қимматли қоғозлар секциясида;

- иккиламчи бозордаги акциялар - 205,5 млрд. сўм, шу жумладан 112,6 млрд. сўми (35,9 млн. АҚШ доллари ва 45,7 минг. евро) корпоратив қимматли қоғозларни хорижий

валютага сотиш бўйича савдо майдончасида;

- қўшимча эмиссия акциялари - 68,0 млрд. сўм, шундан 10,0 млрд. сўм (3,4 млн. АҚШ доллари) корпоратив қимматли қоғозларни хорижий валютага сотиш бўйича савдо майдончасида;

- корпоратив облигациялар – 4,0 млрд. сўм.

2016 йилда биржа савдолари ҳажмида иқтисодиётнинг молия соҳаси ташкилотлари улуши биржа айланмасининг 51,6 фоизини, ёки 154,8 млрд. сўмни, шу жумладан бан-

қларнинг улуши биржа айланмасининг 50,6 фоизини, ёки 151,8 млрд. сўмни, суғурта компаниялари улуши 2,5 млрд. сўм (0,9 фоиз) ташкил этди. 2015 йилда молия секторининг улуши 88,4 фоизни, ёки 142,3 млрд. сўмни ташкил этган эди [7]. Ушбу кўрсаткичлар биржа савдоларида реал сектор корхоналари қимматли қоғозлари улуши ошганлигидан далолат бермоқда.

Биржа листинги компанияларнинг молиявий барқарор, инвестициявий жозибадорлигини ва ахборот шаффофлик даражаси юқорилигини кўрсатади. Биржа листингидаги акциядорлик жамиятлари сони 313, уларнинг бозор капитализацияси 8,9 трлн. сўмни ташкил этди.

Биржа кўрсаткичлари инвесторлар тоифаси бўйича ўрганиладиган бўлса, қайд этиш лозимки, юридик шахсларнинг инвестициялари ҳажми биржа айланмасининг асосий қисмини, яъни 251,2 млрд. сўм, ёки биржа умумий айланмасининг 83,7 фоизини ташкил эмоқда. Биржада акциялар савдоси ҳажмининг ижобий динамикаси улар билан олди-сотди қилиш шартлари либераллашиб бораётганлигидан далолат беради. Бироқ, биржа бозорининг турли сегментлари ўртасидаги номутаносибликни бартараф этиш учун эркин муомаладаги акцияларнинг улушини ошириш, қимматли қоғозлар бозоридаги операцияларга аҳоли кенг қатламларини жалб қилиш, ички қимматли қоғозлар бозорига хорижий инвесторларни жалб қилиш бўйича туб ўзгаришлар амалга ошириш талаб этилади. Келтирилган маълумотлар таҳлили шундан далолат бермоқдаки, биржа бозоридан давлат қимматли қоғозлари, маҳаллий ҳокимият органларининг акциялари ва облигацияларини бозор шартларида юқори даражада операцион ошкораликни таъминлаган ҳолда жойлаштириш учун марказлаштирилган майдон сифатида фойдаланиш учун им-

кониятлар мавжуд.

Акциядорлик жамиятларининг акциялари иштирокидаги биржа битимларининг улуши камлиги корхоналар акциялар чиқариш орқали молиявий ресурсларни жалб қилишга ва акцияларнинг бозор нархини билиш мақсадида ташкиллашган бозорга чиқишга тайёр эмасликлари, шунингдек иқтисодиёт тармоқларидаги хўжалик бошқаруви органлари томонидан ўз таркибидаги корхоналарни ривожлантириш учун юқорида келтирилган молиялаш усуллардан фойдаланишга рағбатлантиришдаги сусткашлиги ҳисобланади. Молиявий воситачилик секторининг жорий ҳолати таҳлили натижалари молия институтлари, фонд бозорининг инвестициявий салоҳиятидан етарлича фойдаланилмаётганлигидан далолат бермоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз банк тизими ва молия бозорини янада ривожлантириш, ресурс базасини мустаҳкамлаш, фонд бозори молиявий воситалар турларини кўпайтириш ва уларнинг иккиламчи бозорини ривожлантиришда корпоратив облигациялар эмиссияси қилиш шартларини енгиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилиши зарур. Шунингдек хориж амалиётида кенг қўлланиладиган ипотека облигацияларини жорий этиш юзасидан зарур норматив-ҳуқуқий база яратилиши, ушбу қимматли қоғозларнинг жозибадорлигини ошириш учун улардан олинадиган дивиденд кўринишидаги даромадлар бўйича солиқ имтиёзлари берилиши республикамиз банк тизимининг ресурс базасини ошириш ва фонд бозори капитализация даражасини оширишга хизмат қилади. Ўз навбатида иқтисодиёт реал сектори корхоналарини модернизациялаш ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартиришда банк-молия тизимининг аҳамияти янада ортади.

#### Манба ва адабиётлар:

1. Мещерова Н.В. Финансовые рынки и финансовый капитал в современной экономике: содержание, структура, институциональная характеристика // Вопросы экономики и права. - 2010. - №11. - С. 94 - 104
2. <http://csm.gov.uz/ru/deyatelnost/pokazateli>
3. <http://www.deponet.uz/page/kvartalnye-otchetu>
4. <http://csm.gov.uz/ru/litsenzirovanie>
5. Банковский вестник Республики Беларусь 2014 <https://www.nbrb.by/bv/Contents.aspx?id=625>
6. Тошкент республика фонд биржаси маълумотлари [www.uzse.uz](http://www.uzse.uz)
7. <https://uzse.uz/boards/183>

## ҲУДУДЛАР СОЛИҚ ПОТЕНЦИАЛИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР

Хамроев Ботиржон Бахромжонович

Андижон вилояти иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи

**Аннотация.** 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида ҳудудларни комплекс ривожлантириш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган бўлиб, бунда ҳудудларнинг солиқ потенциалини баҳолаш алоҳида аҳамиятга эга. Маҳаллий бюджетлар даромадлари ҳақида сўз борганда албатта, ҳудудда йиғиладиган солиқ тушумлари муҳим ҳисобланади. Бунда ривожланган давлатлар илғор тажрибаларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади, яъни ҳудудлар солиқ потенциалини баҳолаш ҳудудларни комплекс ривожлантиришга хизмат қилади.

**Таянч тушунчалар:** ҳудуд, ҳудуд ривожланиши, солиқ тизими, ҳудуд солиқ потенциали.

**Аннотация.** Оценка налогового потенциала регионов является одним из актуальных задач Стратегии развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годы. Говоря о доходах местных бюджетов, конечно, значительную роль играют сборы налоговых поступлений в регионе. Считается целесообразным широкое использование передового опыта развитых стран, то есть, использования налоговой потенциала для оценки налоговых поступлений регионов. В данной статье представлены результаты независимых исследований по поводу использования налогового потенциала в расчете доходной базы местных бюджетов в условиях Узбекистана.

**Ключевые слова:** регион, развитие региона, налог, налоговые доходы, налоговый потенциал.

Бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солишда солиқлардан кенг фойдаланилади. Чунки солиқлар хўжалик юриштининг турли босқичларида такрор ишлаб чиқариш жараёнига таъсир этади ва яратилган маҳсулотни тақсимлашда иштирок этади. Шу нуқтаи назардан давлатда ёки алоҳида олинган ҳудуддаги солиқ муносабатлари борасидаги назарий тадқиқотлар солиқ тизими, солиққа тортиш тартиби билан бирга солиқ потенциали ва уни баҳолашни назарда тутати.

Ўзбекистоннинг ўрта муддатли ривожланиш стратегиясида маҳаллий бюджетлар даромадлар базасини ошириш, уларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш, ҳудудлар ўртасида рақобат муҳитини шакллантириш каби муҳим вазифалар белгиланган бўлиб, мазкур вазифаларни таъминлашда ривожланган давлатлар илғор тажрибасини ўрганиш, уларнинг ижобий натижаларини республикамизда қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳудудларни ривожлантириш борасида фикр юрита туриб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев шундай дейди: “ҳудудларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни молиялаштириш учун маҳаллий бюджетларнинг маблағлари етарли эмас” [1].

Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда маҳаллий бюджетлар даромадлари ошириш, уларнинг барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш, бунда илмий асосланган таклиф ва тавсияларни кенг қўллаш орқали масалага тизимли ёндашиш муҳим аҳамият қаб этади.

Ривожланган давлатларда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда солиқ потенциалидан кенг фойдаланилади. Лекин, ушбу тушунча юзасидан олимлар ўртасида ягона ёндашув мавжуд эмаслигини қайд этиш ўринли.

Дунё амалиётида солиқ потенциали дейилганда молия йили давомида мамлакат ҳудудлари бўйича ягона солиққа тортиш шартларини қўллаган ҳолда давлат ҳокимияти органлари томонидан йиғилган, аҳоли жон бошига тўғри келадиган давлат бюджет даромадлари тушунилади [2].

Солиқ потенциали ва уни баҳолаш масаласи илмий мунозаралар марказидаги масалалардан бири ҳисобланади. Хориж илм-фанида мазкур иқтисодий категориянинг моҳияти борасидаги ёндашув ва қарашларни мужассамлаштирган қатор ишланмалар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПҚ-4947-сонли Фар-

мони билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси 2017-2021 йилларга мўлжалланган бўлиб, ундаги бешта устувор йўналишнинг учинчиси иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштириш белгиланган. Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришга бағишланган устувор йўналишда саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳисобига субвенцияга қарам туман ва шаҳарларни камайтириш ва маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш белгилаб берилган.

Сўнгги йилларда амалга оширилаётган Дастурлар туб моҳиятини ҳудудларни комплекс ривожланишини таъминлашга эришиш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳудудларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан яқиндан танишиши жараёнида ҳудудларни ривожлантириш, уларни иқтисодий тараққиётини таъминлашга қаратилган лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уни рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон тараққиётининг Ҳаракатлар стратегиясининг тўлиқ ҳолда амалга ошириш натижасида ҳудудларнинг иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва таркибий тузилишини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтиришни тақозо этади.

Солиқ потенциали хориж адабиётларида ушбу категория негизида аксарият ҳолларда маълум ҳудуднинг солиқ тушумлари кўринишида даромад келтирадиган солиқ базаси тушунилади. Жумладан, Каролла Пессино ва Рикардо Феночьетто (Carola Pessino & Ricardo Fenochietto, 2010) тадқиқотларида қайд этилишича, солиқ потенциали мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий, институционал ва демографик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда солиқлардан олинадиган максимал даромад миқдорини ифодалайди[3].

Жорж Чун-Ян Куо (George Chun-Yan Kuo) солиқ потенциалини солиқ тўловчиларнинг солиқ тўлай олиш ёки давлатнинг даромад олиш қобилияти тарзида ифодалайди[4]. Мазкур ёндашувни Лью Бингянг ва Гуо Кингванг (Lü Bingyang & Guo Qingwang) каби тадқиқотчилар учун ҳам хос[5]. Муаллифлар фикрича, солиқ потенциали давлат томонидан йиғилган умумий солиқ суммаси бўлиб, солиқ тўловчининг солиқ потенциали ва мамлакат солиқ потенциали каби турлардан иборат.

Маҳаллий иқтисодчилардан А.Исламқулов мазкур мавзуга тўхталган ҳолда солиқларни

тўлаш қобилиятини солиқ потенциали билан тенглаштириб бўлмаслигини, солиқ тўловчининг қобилияти солиқли даромадлар миқдорига таъсир этишини қайд этади[6].

Солиқ потенциали категориясини кўриб чиқар эканмиз, ушбу йўналишдаги хориж адабиётлари ва мутахассислари томонидан кенг қўлланиладиган солиқ тўловчининг солиқ потенциали, мамлакатнинг солиқ потенциали, ҳудуднинг солиқ сифими каби тушунчаларни кенг миқёсда ёритиш, уларнинг мазмун моҳиятини очиб бериш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳудуд солиқ потенциали солиқ тўловчилар солиқ потенциалидан иборат бўлиб, маҳаллий бюджетлар солиқли даромадларини шакллантиришга хизмат қилувчи асосий, йирик солиқ тўловчиларнинг солиқ потенциалидан таркиб топади. Ҳудуд солиқ сифими эса ҳудуд миқёсида ундирилиши мумкин бўлган солиқ суммалари йиғиндисидир. Мамлакат солиқ потенциали мамлакат ҳудудлардаги солиқ сифими мажмуи сифатида тушуниш мумкин бўлади.

Жозиах Стэмп (Josiah Stamp) солиқ потенциалини давлат харажатларини қоплаш имкони мавжуд бўлган жамиятнинг максимал суммасидир деб эътироф этади[6]. Шунга ўхшаш таъриф АҚШнинг ҳукуматлараро муносабатлар бўйича Маслаҳат қўмитаси томонидан ҳам илгари сурилган[7].

Хориж (инглиз) тилидаги илмий адабиётларда солиқ потенциали категорияси ва солиқ юки баъзан синонимлар сифатида фойдаланилади, масалан, Стефан Брем, 2013[8]. Бизнингча, ушбу фикрга ҳам қўшилиб бўлмайди. Шунингдек, Тван Мин Ле (Tuan Minh Le), Бланка Морено-Додсон (Blanca Moreno-Dodson) ва Жиип Рожджайчанинтерн (Jeep Rojchaichanthorn) [9] тадқиқотларида солиқ потенциали дейилганда мамлакат хусусиятини ҳисобга олган ҳолда регрессион анализ ёрдамида баҳоланадиган солиқ юки прогноз миқдори, солиқ потенциали категориясига эса молиявий потенциалнинг таркибий қисми сифатида қаралган.

Профессор Гэмлат Рау (Hemlata Rao) [10] солиқ потенциалини миқдорий баҳолаш ва уни шакллантиришга доир чора-тадбирлар бўйича фикр юрита туриб, солиқ потенциални даромадлар ўлчови ва солиқли даромадлардан олинган сумма тарзида ифодалаган. Биринчи ҳолатда давлат бюджетига шакллантириладиган умумдават ва маҳаллий солиқлар ҳамда бошқа даромадлар тарзида солиқ потенциали ўлчови сифатида қабул қилинади. Иккинчидан, солиқ потенциали ресурсларни англатади, яъни, давлатнинг солиқли даромадлари прогноз суммалари,

бошқа давлатлар солиштириш тарзида намоён бўлади. Ушбу категориянинг ажралмас бўғини шундаки солиқли даромадлар ва солиқ потенциални қиёслашда солиқ идораларининг солиқли даромадларни шакллантиришдаги сайъи-ҳаракатларини ҳам ҳисобга олишни тақозо этади.

Мазкур йўналишдаги тадқиқотларда Льюк Алферман (Luky Alfirman)нинг солиқ потенциалининг стохастик чегаралари борасидаги изланишлари алоҳида эътиборни тортади. Унинг фикрича, солиқ потенциалининг солиқ сиғими, яъни иқтисодий барча ресурс ва имкониятлардан фойдаланган ҳолда умумий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда барча солиқли даромадларни шакллантириш тарзида ифодалайди [11]. Бошқача айтганда, солиқ сиғими – ҳақиқатдаги солиқли тушумлар миқдори, солиқ потенциали – стохастик чегаралар регрессион таҳлили нтижасида олинган солиқ тушумларининг прогноз миқдоридир.


Энлинсон Матос (Enlinson Mattos), Фабиян Роша (Fabiana Rocha) ва Пауло Арвейт (Paulo Arvate) каби олимлар Алферманнинг фикрини қўллаб қувватлайди ҳамда фойдаланилмаган солиқ потенциали самарасизлик ўлчови эканлиги бироқ уни аниқлаш мумкин эмаслигини таъкидлайди [12].

Солиқ потенциални баҳолаш репрезентатив солиқ тизими усули дан фойдаланувчи давлатлар учунгина хосдир. Хорацио Собарцоушбу индексни солиқ потенциалдан фойдаланиш индекси (Tax Potential Index Use

(ТPIU)) сифатида аниқлаб, уни ҳақиқий солиқ тушумларини тушиши мумкин бўлган даромадларга нисбати кўринишида ҳисоблашни таклиф қилган [13].

Ҳудуд солиқ потенциали тушунчаси тегишли бюджетга шакллантириш мумкин бўлган яширин даромадлар миқдорини аниқлаш ва бюджетлараро мутаносибликни таъминлаш учун фойдаланилади. Хориж адабиётлари ва илмий тадқиқотларида ушбу тушунча кенг ва тор маъноларда ифода этилади. Тор маънода “ҳудуд солиқ потенциали” амалдаги солиқ қонунчилигига асосан ҳисобланган солиқ ва йиғимларнинг максимал суммасидир. Кенг маънода ҳудуд ривожланиш даражасини ифодаловчи макроиқтисодий кўрсаткичлар (солиқ ва йиғимлар йиғилувчанлиги, ўртача транзакцион солиқ чегирмалари ва б.) ҳисобга олган ҳолда ҳудуднинг солиққа тортиладиган ресурсларнинг умумий ҳажми ҳисобланади. Яъни амалдаги солиқ қонунчилигига кўра солиқлар воситасида бюджетга ундириладиган ҳудуд даромадининг бир қисми саналади [14].

Юқорида қайд этилган ёндашувлар муайян даврда солиқ потенциални баҳолаш учун фойдаланилиши мумкин. Шундан келиб чиқиб истиқболли тарзда ҳудуд солиқ потенциални баҳолашда қўлланиладиган усулларга боғлиқ бўлади. Ҳудуд солиқ потенциални баҳолаш усуллари қуйидаги 1-расмда келтирилган.



Манба: Формирование налогового потенциала региона // АА Зубин - Вестник Югорского государственного университета, 2007 - cyberleninka.ru

1-расм. Ҳудуд солиқ потенциални баҳолаш усуллари таснифи

Ҳудуд солиқ потенциалини солиқли даромадларни шакллантириш кўрсаткичларига кўра баҳолаш бевосита уусул бўлиб, солиқ потенциалини белгилаб берувчи ҳисоб-китобларга таянади. Ҳудуднинг иқтисодий фаоллиги кўрсаткичлари асосида баҳоланиши билвосита усул бўлиб, солиқ потенциали ҳисоб-китобларининг ишлаб чиқариш кўрсаткичларга асосланган ҳолда белгиланиши изоҳлайди.

Маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан ҳам солиқ потенциали ҳақида фикр-мулоҳазалар, айрим ёндашувлар билдириб ўтилган. Хусусан, Ф.М.Мирзаев ўз илмий изланишларида солиқ йиғилувчанлиги даражасини ҳудудлар солиқ потенциали асосида баҳолаш услубини таклиф этган. Шунингдек, ҳудуднинг жорий ҳисобот даври учун солиқ потенциали ҳисоблаш бўйича ўз ёндашувини билдирган [15].

Шунингдек, У.У.Пардаев томонидан давлат бюджети даромадларини режалаштиришда солиқ потенциалдан фойдаланиш зарурлигини эътироф этган ҳолда, солиқ потенциали юзасидан қарашлари илгари сурилган [16].

Қайд этиб ўтилган иқтисодчилар, тадқиқотчиларнинг фикрларини умумлаштириб айтадиган бўлсак, солиқ потенциали мазмунини ёритиш мақсадида турли терминлардан (taxable capacity, tax capacity, tax potential) фойдаланилади. Аксарият тушунчалар ва қарашлар бир бирига ўхшаш, фарқи эса уларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган. Фикримизча, уларнинг қарашлари албатта, ҳар бир давлатнинг ўзига хос бўлган миллий солиқ қонунчилиги, солиқ маъмурчилиги, солиқ тизими хусусиятлари билан изоҳланади.

Умуман олганда, бизнингча, мамлакат солиқ потенциали ҳудудлар солиқ потенциали йиғиндисидан иборат, ҳудудлар солиқ потенциали ўз навбатида солиқ тўловчиларнинг солиқ ва йиғимларни тўлаш салоҳияти сифатида изоҳланиб, юридик ва жисмоний шахсларнинг мақомидан келиб чиқиб маъмурий-ҳудудий бирликларни солиқли даромадлар билан таъминлаш даражаси билан боғлиқ.

Солиқ потенциали макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисобга олиши билан бирга солиқ тўловчининг солиққа тортиш тартиби юзасидан танловини ҳам эътиборга қаратишни назарда тутаяди. Бу ўз навбатида мамлакатда қўлланилаётган солиқ сиёсати самарадорлиги ва солиқ маъмурчилиги натижадорлиги кўрсаткичларини аниқлаш имконини беради.

Маҳаллий солиқларнинг салмоғининг ошишига Ҳукуматимиз томонидан маҳаллий бюджетларнинг жамият ҳаётида ролини ошириш мақсадида унинг даромад манбасини ошириш учун қабул қилинаётган қарорлари сабаб бўлмоқда. Бунинг натижасида маҳаллий солиқларнинг маҳаллий бюджетлар даро-

мадларининг умумий ҳажмида салмоғини ўсишига эришилмоқда.

Ҳаракатда бўлган солиқ турлари каби жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк ва ер солгини мавжуд механизмининг назарий жиҳатдан таҳлили бу солиқ турини ундиришни ҳам янада такомиллаштирилиши лозим, деган хулосани чиқаришга имкон беради. Қайд этиш лозимки, жисмоний шахслар тўлайдиган мол-мулк ва ер солигини ундириш механизми бошқа солиқ турларини ундириш механизмларидан бир мунча фарқ қилади, бу фарқ уларнинг бироз мураккаблиги билан тавсифланади. Биз бу ерда мураккаблик деганда солиқларни ҳисоблашни эмас, балки, бу солиқ турларини ундириш механизмининг назарда тутаяпмиз. Масалан, жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғини ёки тадбиркорлик фаолиятдан олиннадиган даромад солиғини ундириш жисмоний шахслардан олиннадиган мол-мулк ва ер солиғига нисбатан осон ва қулайлиги билан ажралиб туради. Чунки, даромад солиғи шахс ишлайдиган ташкилот томонидан ушлаб қолинса, тадбиркор ўз фаолияти тухтатмаслик учун қатъий солиқни ўзи масъулиятни сезган ҳолда тўлашга ҳаракат қилади. Бу солиқ хизмати органлари ишини енгиллаштиради. Аммо, жисмоний шахслар тўлайдиган мол-мулк ва ер солиғи хусусида бундай фикрни келтириш унчалик ўринли эмас. Сабаби, аҳоли юқорида санаб ўтилган солиқларга нисбатан мол-мулк ва ер солиғини тўлашдан манфаатдорлик даражаси паст, шу сабабли улар бу солиқларни ўз вақтида тўлашга ҳаракат қилмайдилар. Бу ҳолатлар шундай хулосага олиб келадики, жисмоний шахслардан олиннадиган мол-мулк ва ер солиғини такомиллаштиришда ушбу солиқларни ундириш билан боғлиқ жараёнларга кўпроқ эътибор қаратиш лозим.

Хулоса ўрнида юқорида солиқ потенциали борасидаги келтирилган фикр-мулоҳазалар, ёндашувларни умумлаштирган ҳолда айтганда, солиқ потенциали шакллари, турлари таснифлаш мезонларидан келиб чиқиб янада кенгайтириш мумкин. Фикримизча, 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар Стратегиясини амалга ошириш шароитида маҳаллий бюджетлар даромадларини ошириш, уларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш, бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда солиқлар тизимини такомиллаштириш борасида бюджет-солиқ сиёсатини амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Келгусида Ўзбекистонда бюджетлараро мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромадлари оширишда саноат ишлаб чиқаришни ошириш ҳисобига солиқ солинадиган базани кенгайтириш, ҳудудлар солиқ потенциали тушунчасини солиқ қонунчилигига киритган ҳолда ҳар бир

ҳудуднинг солиқ потенциаллини ҳисоблаб ларини рағбатлантириш механизмини яра-  
чиқиш, уни орттириш борасида маҳаллий тиш лозим.  
давлат ҳоқимияти органларининг ташаббус-

**Манба ва адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 417-сонли Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 52-сон, 598-модда
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь.–Тошкент:«Ўзбекистон», 2017.–104 б.
3. Gaspar, V., Jaramillo, L., & Wingender, M. P. (2016). *Tax Capacity and Growth: Is there a Tipping Point?*. International Monetary Fund.
4. Pessino, C., & Fenochietto, R. (2010). *Determining countries' tax effort*.
5. Gupta, M. S. *Governance, corruption, and economic performance*. / M. S. Gupta, G. T. Abed.// International Monetary Fund.– 2002.– 564 p.
6. Исламкулов А.Х. маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришда солиқ потенциалидан фойдаланиш масалалари // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2017 йил
7. Kuo, C. Y. *Estimation of Tax Revenue and Tax Capacity*. / C. Y. Kuo // JDI Executive Programs.- 2000. – №. 2000-08.- 34p.
8. Sobarzo, H. *Tax effort and tax potential of state governments in Mexico: A representative tax system*. / H. Sobarzo // Helen Kellogg Institute for International Studies.–Working Paper № 315. – 2004. – 31 p.
9. Advisory Commission on Intergovernmental Relations (ACIR). 1982. *Tax Capacity of the Fifty States: Methodology and Estimates*. Washington, D.C.: U.S. Government Printing Office. <http://www.library.unt.edu/gpo/acir/Reports/M-134.pdf>
10. Brehm, S. *Fiscal Incentives, public spending, and productivity – county-level evidence from a Chinese province* / S. Brehm // *World Development*.– Vol. 46.– 2013.-P. 92–103.
11. Tanzi, V. 12 *Structural factors and tax revenue in developing countries: a decade of evidence* / V. Tanzi // *Open Economies: Structural Adjustment and Agriculture*. – 1992. – P 267.
12. Rao, H. *Taxable capacity tax-efforts and forecasts of tax-yield of Indian States* / H. Rao // *Institute for Social and Economic Change, Bangalore*.– 1993.- 165 p.
13. Alfirman, L. *Estimating stochastic frontier tax potential: Can Indonesian local governments increase tax revenues under decentralization* / L. Alfirman // *Department of Economics, University of Colorado at Boulder, Colorado. Working Paper*. – 2003. – №. 03-19.– 37 p.
14. Mattos, E. *Flypaper effect revisited: evidence for tax collection efficiency in Brazilian municipalities* / E. Mattos, F. Rocha, P. Arvate // *Estudos Econômicos (São Paulo)*. – 2011. – Т. 41. – №. 2. – P. 239-267.
15. Sobarzo, H. *Tax effort and tax potential of state governments in Mexico: A representative tax system*. / H. Sobarzo // Helen Kellogg Institute for International Studies.–Working Paper № 315.– 2004.– 31 p.
16. Жеребцов, А.Б. Управление формированием и развитием налогового потенциала региона: автореф. дис. ... канд. экон. наук: 08.00.05 (15.); 08.00.10 / Жеребцов Андрей Борисович. - Москва, 2007. - 28 с.
17. Формирование налогового потенциала региона // АА Зюбин - Вестник Югорского государственного университета, 2007 - cyberleninka.ru
18. Мирзаев Ф.И. Ўзбекистонда солиқ йўғилувчанлиги даражасини ошириш йўллари // и.ф.н. илмий даражаси олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2012. – Б.5.
19. Пардаев У.У. Давлат бюджети солиқли даромадларини режалаштиришда солиқ потенциалидан фойдаланиш // Молия журнали, 2013 йил 5-сон. – Тошкент, 2013. – Б.65-70.
20. <http://www.library.unt.edu/gpo/acir/Reports/information/M-134.pdf>
21. <http://www.financemotion.ru>
22. [http://www.science-sea.bgita.ru/2010/ekonom\\_2010/metod.htm](http://www.science-sea.bgita.ru/2010/ekonom_2010/metod.htm)
23. <http://www.vestnykeps.ru/0212/6.pdf>
24. [https://wp.hse.ru/data/2016/11/14/1110320762/WP8\\_2016\\_1.pdf](https://wp.hse.ru/data/2016/11/14/1110320762/WP8_2016_1.pdf)
25. [http://elib.altstu.ru/elib/Files/pa2009\\_1\\_appendix/pdf/031yerko.pdf](http://elib.altstu.ru/elib/Files/pa2009_1_appendix/pdf/031yerko.pdf)
26. <http://eprints.tversu.ru/5136/1.218-224..pdf>



---

## МОЛИЯ ТИЗИМИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ОМИЛЛАРИГА ТАЪСИРИ

**Джалилов Абдумалик Абдуазизович**

Кичик илмий ходим, ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази

**Хидиров Абдулла Ибодуллаевич**

Магистрант, Тошкент молия институти

**Аннотация.** Мақолада молия тизимининг ривожланиши иқтисодий ўсишнинг асосий омиллари билан ўзаро алоқадорлиги 94 мамлакат мисолида аниқланган. Тадқиқот натижаларидан маълум бўлдики, банк кредитларининг ошиши иқтисодий ўсишнинг меҳнат самарадорлиги ва ялпи омиллар самарадорлигига фонд бозорига нисбатан кучлироқ таъсир кўрсатади.

**Таянч иборалар:** қимматли қоғозлар бозори капиталлашуви, хусусий тизимга банк кредитлари, капитал самарадорлиги, меҳнат унумдорлиги, ялпи омиллар самарадорлиги, иқтисодий ўсиш.

**Аннотация.** В статье на примере 94 стран определена зависимость развития финансовой системы от основных факторов экономического роста. Результаты исследования показали, что увеличение банковских кредитов сильнее влияет на производительности труда и эффективности комплексных факторов, чем фодновой рынок.

**Ключевые слова:** капитализация рынка ценных бумаг, банковские кредиты в частный сектор, эффективность капитала, производительность труда, эффективности комплексных факторов, экономический рост.

Миллий иқтисодиёт нормал фаолият юритишининг асосий омилларидан бири капитал ҳисобланади. Унинг шаклланиши ва доимий равишда янгилашиб боришида молиявий ресурслар асосий ўринни эгаллайди. Молиявий ресурсларни иқтисодиётнинг реал тизимига доимий равишда керакли миқдорда етказиб берилиши ва реал тизими кислороди бўлган молиявий ресурслар узлуксизлигини таъминлашида молия тизими самарали фаолият юритиши муҳим ҳисобланади. Молия тизимининг самарали фаолият юритиши иқтисодий агентлар тасарруфидаги бўш турган молиявий ресурсларни мамлакат иқтисодиётининг реал тизими доирасидаги самарали лойиҳаларга жойлаштириш ҳамда жалб этилган ресурсларни капитал эгаларига фойдаси билан қайтариши реал тизимни барқарор ривожланишига замин яратади.

Молия тизимининг асосий мақсади иқтисодий агентлардан ортиқча пулни жалб қилиб уларни иқтисодиётда молиявий ресурсларга муҳтож агентларга етказиш ҳисобланади. Кенг қамровли иқтисодий адабиётлар таҳлилини умумлаштириб айтиш мумкинки,

бўш маблағларни иқтисодиётни реал тизимига жалб этиш икки канал орқали амалга оширилади. Булар, иқтисодий агентлар молиявий ресурсларини жалб этиш ва уларни инвестициялашда фонд бозори орқали амалга оширишади ва жалб қилиш ҳамда йўналтиришни банклар, суғурта компаниялари каби молиявий воситачилик институтлари орқали амалга оширишади. Иккала каналдан қай биридан фойдаланилиши реал тизим корхоналарига боғлиқ бўлади. Йирик ва молиявий барқарор корхоналар фонд бозоридан, янги ташкил этилган ва кичик корхоналар эса банклардан капитал ресурсларини жалб этишади.

Шундан келиб чиқиб иқтисодчи олимлар мамлакат иқтисодиётини молиявий воситачилик моделини иккига бўлишади, булар, банкларга асосланган ва фонд бозорига асосланган молиявий воситачилик моделлари. Мамлакатнинг молия тизими айнан қайси турига мансублиги одатда фонд бозорининг капиталлашув даражасини банк активларига нисбати орқали аниқланади, кўрсаткични бирдан юқори бўлиши мамлакат молия тизими фонд бозорига мансублигини, бирдан кичик бўлиши эса бан-

---

\* Иқтисодиётни реал тизими тушунчаси кенг қамровли тушунча бўлиб, уни кўп иқтисодчи олимлар турлича талқин қилишади. Бу тадқиқотда иқтисодиётни реал тизими деганда иқтисодиётни қишлоқ хўжалиги, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳалари қўшилган қиймати йиғиндиси тушунилади.

кларга асосланганлигидан далолат беради.

Олимлар ўртасида молия тизимининг қай бири мақбуллиги тўғрисида ҳалигача бир тўхтамга келинмаган. Бир гуруҳ олимлар банк тизими афзаллигини таъкидлашса, бошқа бир гуруҳ олимлар молия бозори мамлакат иқтисодиётидаги бўш маблағларни жалб этиш ва уларни самарали лойиҳаларга тақсимлаш механизмини самарали амалга оширади деб таъкидлашади.

Шунинг учун тадқиқотларда молиявий воситачилик моделини иқтисодий ўсишнинг интенсив омилларига қай даражада боғлиқлигини баҳолаш орқали қайси модель афзаллиги тадқиқ қилинади.

#### **Қўлланилган услублар**

Мақолада молия тизимининг ривожланганлиги ва иқтисодиётни қамраб олиш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлардан қимматли қоғозлар бозорининг капиталлашуви даражаси ва банк тизимини хусусий тизимга берган кредитларини иқтисодий ўсишнинг асосий омилларидан бири бўлган капитал самарадорлиги, меҳнат унумдорлиги ва ялпи омиллар самарадорлиги кўрсаткичлари ўртасидаги мамлакатлар бўйича кросс ва динамик корреляцион таҳлили орқали молия тизимининг айнан қай бир модели мамлакат иқтисодий ўсишига кучли таъсир кўрсатиши баҳоланган.

Тадқиқот давомида кросс корреляцион таҳлил олиб борилишидан мақсад молия тизимининг конкрет бир модели иқтисодий ўсиш омиллари билан маълум бир қонуният асосида боғлиқлик мавжудлигини аниқлаш учун фойдаланилди. Динамик корреляцион таҳлил эса кросс таҳлил натижалари қониқарсиз чиққан шароитда мамлакат ривожланиш босқичи ва

ўзига миллий иқтисодиёти ўсига хослигидан келиб чиқиб боғлиқлик мавжудлик аниқланиши учун фойдаланилди.

#### **Илмий абадиётлар таҳлили**

Молия тизимининг иқтисодий ўсишга таъсирини ўрганишга оид тадқиқотларни шартли равишда 3 гуруҳга бўлиш мумкин, булар молия тизимини иқтисодий ўсишга таъсирини хусусий ҳоллар орқали баҳолаш билан ўзаро алоқадорлигини ифодалаган (бу гуруҳ XIX асрда ижод қилган У. Бейджот, Р. Кантильона, Д. Юма, Г. Торнтон ва бошқа бирқатор иқтисодчи олимлар тадқиқотларини ўз ичига олади), умумий молия тизимини иқтисодий ўсишга таъсирини тадқиқ қилганлар (уларга асосан XX асрда вужудга келган иқтисодий интеграция ва глобаллашув жараёнининг кучайиши натижасида юзага келган, Д. Гёрли, Э. Шоу, Мак-Кинон, Р. Ливайн ва бошқалар томонидан олиб борилган тадқиқотлар мисол бўлади) ҳамда учинчи гуруҳ молия тизими институтларининг мамлакат иқтисодиётида оптимал даражада бўлишини тадқиқ этган тадқиқотчилар (асосан 2008 йилдаги глобал молиявий-иқтисодий инқироздан кейин Э. Демрик-Кунт, Э. Фейн, Р. Ливайн [1]; Й. Лин, Х. Сан, Е. Жианг [2] ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар).

Мамлакатларни молиявий воситачилик модели таҳлили тадқиқотларини F. Allen ва D. Gale [3] умумлаштириб, бозор етакчилиқ қилувчи молиявий воситачилик моделига мисол қилиб АҚШ, Буюк Британия каби мамлакатларни, банклар етакчилиқ қилувчи молиявий воситачилик моделига мисол қилиб Германия, Франция каби мамлакатларни санаб ўтади, бошқа мамлакатлар эса бир моделдан иккинчисига ўтувчи мамлакатлар деб таъкидлайди.

*Бозор етакчилиқ қилувчи модель*

*Банклар етакчилиқ қилувчи модель*

АҚШ    Буюк Британия    Япония    Франция    Германия

*1-расм. Молиявий воситачилик моделлари таҳлили [3, 20 б.]*

Ҳозирги кунда кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда бу икки модель ўртасидаги чегара деярли сезиларсиз даражага келиб қолган. Мамлакат иқтисодиётида жамғармаларни жалб этиш ва уларни инвестицияларга трансформациялаш жараёнида ҳар иккала молиявий воситачилик институтлари фаол қатнашмоқда.

Молиявий воситачилик моделларини ўрганишда А. Анзолатус, Ж. Санпаулус, С. Томас [4] томонидан олиб борилган тадқиқотлар муҳим ўрин эгаллайди. Улар ўз тадқиқотларида молия тизимини баҳоловчи 18 та кўрсаткич ёрдамида ИХТТ (ОЭСР) мамлакатларини 5 та кластерга бўлиб ўрганишган. Мамлакатларнинг молия тизимини кластерлаш жараёнида Вард иерархия-

сидан фойдаланишган.

Табиий савол туғилади агар А. Анзолатус ва бошқалар томонидан олиб борилган тадқиқотда биргина ИХТТ мамлакатлари бўйича 5 гуруҳга бўлиш мумкин бўлса, бутун дунё мамлакатлари бўйича молиявий воситачилик моделларини неча гуруҳга бўлиш мумкин? Бу борада М. И. Столбов [5] молия бозорини мамлакатлар бўйича бу турда кластерлаш аниқмаслигини ва конкрет мамлакатда айнан қайси молия тизимининг устунлиги мамлакатнинг ривожланиш эволюциясида айнан қайси молия тизимига асосланганлиги асосий роль ўйнайди деб таъкидлаган.

Ўрганилган адабиётлар таҳлилидан кўриниб турибдики, мамлакатларнинг молиявий во-


ситачилик модели ва иқтисодий ривожланиши ўртасида кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Лекин молиявий воситачиликнинг ривожланиши иқтисодий ўсиш интенсивлигини баҳоловчи кўрсаткичга қандай таъсир кўрсатиши ўрганилмаган. Шунинг учун мазкур тадқиқотда мамлакат молиявий воситачилик моделларининг иқтисодий ўсиш самарадорлиги кўрсаткичлари билан ўзаро алоқадорлиги баҳоланади.

#### Натижалар


Молиявий воситачилик модели ва иқтисодий ривожланишнинг самарадорлик кўрсаткичлари орасидан қуйидагилари танлаб олинди. Мамлакатда банк молиявий воситачилигини ифодалаш учун хусусий тизимга банклар томонидан берилган кредитларни ЯИМга нисбати кўрсаткичи, фонд бозори молиявий воситачилигини ифодалаш учун эса листинг қилинган қимматли қоғозлар бозорининг капиталлашув даражасининг ЯИМга нисбати орқали ифодаланади. Иқтисодий ривожланиш самарадорлиги кўрсаткичларига ялпи омиллар самарадорлиги (TFP), меҳнат унумдорлиги ва капитални

иқтисодий ўсишдаги улуши кўрсаткичлардан фойдаланилди. Молиявий воситачилик кўрсаткичлари Жаҳон банкининг расмий сайти маълумотлари ва иқтисодий ривожланиш кўрсаткичи Conference Board тадқиқот гуруҳи ташкилотининг расмий сайти маълумотлари асосида таҳлил олиб борилди.

Молиявий воситачиликнинг мақсади бўш турган маблағларни иқтисодиётнинг молиявий ресурсларга муҳтож бўлган қисмига етказишдан келиб чиқиб, молиявий воситачилик модель турлари ва капитал самарадорлиги кўрсаткичи ўртасида корреляцион таҳлил олиб бориш мақсадга мувофиқ. Олиб борилган кросс корреляцион таҳлил натижалари кўрсатишича, танланган мамлакатлар бўйича банк кредитлари ва капиталнинг иқтисодий ўсишдаги улуши ўртасида суст тескари корреляцион боғлиқликка бозор капиталлашуви даражаси билан суст ижобий боғлиқликка эга (2-расм). Бу эса молиявий воситачилик ва моделларининг биронтаси капитал самарадорлиги билан умуман боғлиқлик мавжуд эмаслигини англатади.



а) Банк воситачилиги



б) Бозор воситачилиги

Жаҳон банки расмий сайми <http://data.worldbank.org/indicator/FD.AST.PRVT.GD.ZS?view=chart> ва The Conference Board тадқиқот гуруҳ ташкилоти расмий сайми <https://www.conference-board.org/data/economydatabase/index.cfm?id=30565> маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган


**2-расм. Капитални иқтисодий ўсишдаги улуши ва молиявий воситачилик турлари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик (банк воситачилиги 94 мамлакат, бозор воситачилиги 30 мамлакат бўйича кросс таҳлил)**

Мамлакат иқтисодиёти реал тизими-ни интенсив ривожланишини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири бўлган капитални иқтисодий ўсишдаги улуши ва молиявий воситачилик моделлар ўртасида алоқадорлик мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш учун мамлакатлар бўйича 1991-2015 йил оралиғида алоҳида корреляцион таҳлил олиб бори керак бўлади. Мамлакатлар бўйича капиталнинг иқтисодий ўсишдаги улуши ва молиявий воситачилик модели ўртасидаги корреляцион таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики бозорга асосланган молиявий воситачилик моделига нисбатан банкларга асосланган молиявий воситачилик капитал самарадорлиги ошишига олиб келади (4-расм). Танланган мамлакатлар-


дан 30 тасида банк молиявий воситачилиги ва капитал самарадорлиги ўртасида сезиларли корреляцион боғлиқликка эга бўлиб улар ўртача 0,66 ни ташкил этмоқда. бозорга асосланган молиявий воситачилик моделида эса бу кўрсаткич ҳам танланган 30 мамлакатнинг учдан бир қисмида сезиларли чизиқли боғлиқлик кузатишган лекин коэффициент ўртача 0,52 ни ташкил этмоқда. Мусбат ишорали мамлакатлар эса молия тизимининг алтернатив тури етакчилик қилишини англатади. Яъни (а) расмдаги мусбат ишорали мамлакатлар бозор етакчилиги қилади, (б) расмдаги мамлакатларда банклар етакчилиги қилади. Корреляция коэффициентини мусбат ишораси кўра таҳлил қиладиган бўлсак ҳам банкларга асосланган молиявий воситачилик

моделли реал тизимнинг капитал самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатишини англатади. Чунки а расмда келтирилган мамлакатларда корреляцион коэффициентни максимал қиймати 0,94 ни ташкил этган бўлса минимал

қиймати -0,8 ни ташкил этмоқда, b расмда келтирилган мамлакатларда эса бу кўрсаткичнинг максимал қиймати 0,64 ни ташкил этган бўлса, минимал қиймати -0,7 ни ташкил этмоқда.



а) Банк воситачилиги




б) Бозор воситачилиги

Манба: Жаҳон банки расмий сайти [www.worldbank.org](http://www.worldbank.org) маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби


**4-расм. Капитални иқтисодий ўсишдаги улуши ва молиявий воситачилик турлари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик (банк воситачилиги 94 мамлакат, бозор воситачилиги 30 мамлакат бўйича)**

Юқорида олиб борилган таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики банк воситачилиги бозор воситачилигига нисбаттан юқорироқ капиталнинг иқтисодий ўсишдаги улушини ошишга таъсир кўрсатар экан. Лекин молиявий воситачилик реал тизимни интенсив ривожланишини таъминловчи капитал омилига эмас балки меҳнат самарадорлигига ҳам таъсир кўрсатади. Чунки капитал самарадорлиги юқори тармоқда тармоқ фоалияти фойдалилик даражаси юқори бўлади, шу билан бирқаторда ишчиларнинг маоши ва талаб этиладиган малака даражаси ҳам юқори бўлади. Шу канал орқали ҳам молиявий воситачилик иқтисодиётни реал тизими тармоқлари меҳнат самарадорлигига таъсир кўрсатади.

Мамлакатлар бўйича крос корреляцион таҳлил натижаларига кўра меҳнат самарадорлиги ва молиявий воситачилик моделлари ўртасида деярли чизиқли корреляцион боғлиқлик мавжуд эмас. Икки кўрсаткич ўртасидаги корреляцион коэффициент банк молиявий воситачилиги учун 1991-2015 йиллар орқалиғида ўртача 0,3 ни ташкил этган, бозор молиявий воситачилиги учун эса 1996-2015 йиллар орқалиғида ўртача 0,07 ни ташкил этган (5-расм). Бу билан, молиявий воситачиликни аниқ тури билан меҳнат самарадорлиги ўртасида маълум бир қонуниятга бўйсинувчи чизиқли боғлиқлик мавжуд эмаслигидан далолат беради.



а) Банк воситачилиги




б) Бозор воситачилиги

Манба: Жаҳон банки расмий сайти [www.worldbank.org](http://www.worldbank.org) маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби


**5-расм. Меҳнат самарадорлиги ва молиявий воситачилик турлари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик (банк воситачилиги 94 мамлакат, бозор воситачилиги 30 мамлакат бўйича)**

Мантикий жиҳатдан олганда, иқтисодиётга капитал ресурсларини реал тизимга жалб этилгандан сўнг иқтисодиёт ялпи ишлаб чиқариш ҳажми ошиши керак. Лекин бу ўсишда интенсив омилларнинг улушини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Реал тизимни ривожланиши интенсивлигини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири ялпи омиллар самарадорлиги ҳисобланади. Ялпи омиллар самарадорлиги ва молиявий воситачилик турлари ўртасидаги корреляцион

боғлиқлик корос таҳлили шуни кўрсатяптики банк молиявий воситачилигининг ва ялпи омиллар самарадорлиги ўртасида 1991-2015 йиллар оралиғида 0,3дан -0,3 оралиғида ўзгармоқда, ялпи омиллар самарадорлигини фонд бозори воситачилиги ўртасидаги корреляцион коэффициент эса 0,3 дан -0,45 оралиғида ўзгармоқда бу эса молиявий воситачилик ва ялпи омиллар самарадорлиги ўртасида чизиқли боғлиқлик мавжуд эмаслигини англатади (6-расм).



а) Банк воситачилиги



б) бозор воситачилиги

Манба: Жаҳон банки расмий сайти [www.worldbank.org](http://www.worldbank.org) маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби

**6-расм. Ялпи омиллар самарадорлиги ва молиявий воситачилик турлари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик (банк воситачилиги 94 мамлакат, бозор воситачилиги 30 мамлакат бўйича крос таҳлили)**

Корреляцион таҳлилни янада чуқурлаштириш ялпи омиллар самарадорлиги ва молиявий воситачилик турлари ўртасидаги боғлиқликни мавжуд ёки мавжудмаслигини аниқлаш мақсадида корреляцион таҳлилни ҳар бир мамлакат учун алоҳида олиб борилди (6-расм). Таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики банклар томонидан хусусий тизимга берилган кредитларни ЯИМ га нисбати ва ялпи омиллар самарадорлиги ўртасидаги 94 мамлакат бўйича корреляцион коэффициенти -0,8 дан 0,8 гача ўзгармоқда корреляцион коэффициенти манфий бўлган аксарият мамлакатлар бозорга асосланган молиявий воситачилик моделига мансуб мамлакатлар (а), қимматли қоғозлар бори капиталлашуви ва ялпи омиллар самарадорлиги кўрсаткичи ўртасидаги корреляцион коэффициент эса -0,6 дан 0,5 оралиғида ўзгармоқда. Бу эса танланган 94 мамлакатлар таҳлилдан кўриниб турибдики бозорга асосланган молиявий воситачиликга нисбатан банкларга асосланган молиявий воситачилик самаралироқлигидан далолат беради. Лекин банклар бўйича олиб борилган таҳлил натижаларидан танланган 94 мамлакатдан 6 фоизигина кучли боғлиқлигини кўрсмоқда қолган мамлакатларда боғлиқлик мавжуд эмас ёки умуман таскари боғлиқликга эга бўлмоқда. Бундан ташқари айрим мамлакатлар бўйича олиб борилган сабаб оқибат Гренжер тестидан натижаларидан маълум бўлдики, банк кредитлари ялпи омиллар самарадорли-


гини ривожланган мамлакатларда 2-3 йил, ривожланаётган мамлакатларда 4-5 йил ҳамда ўтиш ва даромад даражаси паст мамлакатларга 5-6 йилда тасир кўрсатади.

#### Муҳокама


Тақиқот натижаларини умумийлаштириб қуйидаги натижалар асосида қуйидаги умумийлаштирувчи хулосаларни келтириш мумкин:

- кўплаб даромад даражаси паст, пастдан юқори ва ўрта даромадли мамлакатларда банклар иқтисодиётдаги асосий молиявий воситачилик бўлиб келмоқда. Бу кўплаб тадқиқотларда келтирилган банкларнинг ҳуқуқий тизим такомиллашмаган шароитда фаолият юрита олиши, мамлакатда қимматли қоғозлар бозори фаолият юритиши учун етарли инфратузилмани яратилмаганлиги ва мамлакат молия тизимини тарихий шаклланиши ва ривожланишига боғлиқ бўлади;

- кузатув натижаларидан маълум бўлдики кўплаб ривожланган мамлакатларда иккала воситачилик институти фаол қатнашиб бири-бири билан қўшилиб келганлиги кузатилмоқда. Бу эса мамлакат даромадининг ошиши биргина банк тизими ёки қимматли қоғозлар бозори етарли эмаслигидан далолат беради. Бу соҳада эса кўплаб молиявий инқироздан кейинги тадқиқотларда ўз аксини топган, яъни мамлакатда молия тизимининг воситачилик функцияси самарали фаолият юритиши учун банк тизими ва қимматли қоғозлар бозори



а) Банк воситачилиги



б) бозор воситачилиги

Манба: Жаҳон банки расмий сайти [www.worldbank.org](http://www.worldbank.org) маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби

**7-расм. Ялпи омиллар самарадорлиги ва молиявий воситачилик турлари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик (банк воситачилиги 94 мамлакат, бозор воситачилиги 30 мамлакат бўйича)**

биргаликда фаолият юритишлари керак бўлади;  
- корреляцион таҳлил натижаларидан аниқ бўлдики банк молиявий воситачилиги бозор молиявий воситачилигига нисбаттан капиталнинг иқтисодий ўсишдаги улуши ва меҳнат унумдорлиги билан зичроқ чизиқли боғлиқликка эга. бундан ташқари айрим мамлакатлар бўйича Гренджернинг сабаб-

оқибат тести натижаларига кўра банк кредитлари ялпи омиллар самарадорлигини ривожланган мамлакатларда 2-3 йил, ривожланаётган мамлакатларга 4-5 йил ҳамда ўтиш ва даромад даражаси паст мамлакатларга 5-6 йилда таъсир кўрсатади.

#### Манба ва адабиётлар:

1. Demircuc-Kunt, E.Feyen, R. Levine 2011. *The Evolving Importance of Banks and Securities Markets Policy Research Working Paper 5805*.
2. J.Y. Lin, X. Sun, Y. Jiang 2009. *Toward a Theory of Optimal Financial Structure. Policy Research Working Paper 5038*.
3. Allen, F. and D. Gale 2000. *Comparing Financial Systems, Cambridge, MA: MIT Press.* – P. 22.
4. Antzoulatos A., Thanopoulos J., Tsoumas C. *Financial System Structure, Change and Convergence: Evidence from the OECD Countries.* – University of Piraeus Working Paper, 2007. – P. 28.
5. Столбов М.И. *Финансовый рынок и экономический рост: контуры проблемы / Монография.* – М.: Научная книга 2008 г. – стр. 20.
6. Rajan, R. and L. Zingales 1999. *“Financial Systems, Industrial Structure and Growth,” working paper, University of Chicago*
7. Levine, R. 1997. *“Financial Development and Economic Growth: Views and Agenda” Journal of Economic Literature 35, 688-726.*
8. *Financial Sector Growth, Capital Formation and Productivity, Australian Financial Markets Association. 9 January 2016.*

## КОРХОНАЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШДА БЕРИЛАЁТГАН СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ

Джураев Анвар Мейлиевич

Ассистент, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

**Аннотация.** Мақолада мамлакатимизда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг аҳамияти ва уларни солиқлар воситасида рағбатлантириш истиқболлари тадқиқ этилган.

**Таянч тушунчалар:** Инвестиция, хорижий инвестиция, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция, солиқ сиёсати, иқтисодий рағбатлантириш, солиқ имтиёзлари, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, махсус иқтисодий (индустриал) зоналар.

**Аннотация.** В статье были исследованы перспективы развития предприятий с иностранными инвестициями и стимулирование их в сфере налогообложения в нашей стране.

**Ключевые слова:** Инвестиция, иностранные инвестиции, прямые иностранные инвестиции, налоговая политика, экономическое стимулирование, налоговые вычеты, налоговые и другие обязательные платежи, специальные экономические (промышленные) зоны.

Барча мамлакатларнинг солиқ тизимида кўришимиз мумкинки, асосий ҳамда ажралмас қисмларидан бири бу солиқ имтиёзлари ҳисобланади. Маълумки, ҳар қандай давлатнинг бюджет даромадлари таркибининг асосий қисмини солиқлар ҳамда солиқсиз тўловлар орқали шакллантирилади. Иқтисодиётда амалда қўлланиладиган солиқлар фақат соф физикал шаклда ташкил этилиши мумкин эмас. Чунки, фақат бюджет манфаати нуқтаи назаридан ўрнатилган солиқлар доимий ёки узоқ вақт амал қилмайди. Шу сабабли ҳар қандай давлатнинг солиқ тизимида муайян даражадаги солиқ имтиёзларидан фойдаланиш тақозо этилади.

Солиқ имтиёзлари борасида Буюк Соҳибқирон Амир Темур ўзининг “Темур тузукларида” “Солиқлар давлатнинг иқтисодий таянчи ва номён бўлишидир”. [1] дея таъриф келтирган бўлиб унда “Кимки бирон саҳрони обод қилса ёки полиз қилса, ёки бирон боғ кўкартирса ёхуд бирон ҳароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили қонун - қонунга мувофиқ ҳирож йиғилсин”. [1] Бундан кўринадики, солиқлардан бериладиган имтиёзлар бевосита давлатни иқтисодий қудратига боғлиқ бўлиб, унда солиқ имтиёзлари билан бюджет даромадларини шакллантиришнинг ўзаро боғлиқлиги акс эттирилган.

Солиқ соҳасида изланиш олиб борган иқтисодчи олимлар солиқ имтиёзларига оид турлича фикрларни билдиришган. Мисол учун инглиз иқтисодчиси Кейнс назариясида солиқ имтиёзлари макроиқтисодиёт шароитида иқтисодиётни тартибга солишнинг таркибий элементи сифатида ҳамда давлатнинг тадбиркорлар манфаатига таъсир этиш ва бюджетнинг даромад қисмини

тўлдириш борасидаги муҳим “иқтисодий қурол” сифатида қаралади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин ғарб давлатларида неоклассик йўналиш, институционал - ижтимоий йўналиш талабларига мос тарзда солиққа тортиш тизимида имтиёзлар назариясига анча эътибор берилди. Мазкур иқтисодий мактаблар назарий ёндошувларидаги туб фарқлар бўлишига қарамай уларнинг вақиллари умумий тарзда солиқ имтиёзлари орқали иқтисодиётни барқарорлаштириш ва уни тартибга солиш воситаси сифатида қараганлар. Иқтисодиётни бошқаришда солиқ имтиёзлари ролини улар қўйидагича ифодалар эди: агар у ёки бу давлатнинг иқтисодиёти ортиқча ишлаб чиқариш билан хусусиятланувчи ўсиш даврини ўтаётган бўлса, у ҳолда давлат солиқ имтиёзларини камайтириш, яъни солиқларни кўпайтириш, солиққа тортишни кучайтириш орқали корпорациялар бўш маблағларини кўпроқ бюджетга жалб қилиш лозим деб ҳисоблаганлар. Агар мамлакат иқтисодиёти турғунлик ҳолатини кечираётган бўлса, иқтисодиётни жонлантириш учун қўшимча сармоя жалб қилиш лозим. Бунда солиқ имтиёзларидан ҳам кенг фойдаланиш зарурати туғилади деган хулосага келишган. Бу ҳолатда иқтисодчилар давлатга, солиқ миқдорини камайтириш, солиқ имтиёзларини кўпайтиришни маслаҳат берадиларки, бу нарса бюджетга қўшимча маблағлар ва капитал қўйилмалар учун маблағлар туғилишига имконият туғдиради.

Профессор Қ.Яҳёев фикрига кўра “Солиқ тўловчиларни солиқдан озод этиш, улар тўлайдиган солиқ миқдорини (солиқ базасини) камайтириш ёки солиқ тўлаш шартини энгиллаштириш солиқ имтиёзидир”. [2]

Иқтисодчи олим Ш.Гатаулин солиқ имтиёзларига қўйидагича таъриф беради: “Солиқ имти-

ёзлари амалдаги қонунларга мувофиқ равишда солиқлардан тўлиқ ёки қисман озод қилишдир (скидкалар, чегириб ташлашлар ва ҳоказо)”. [3]

Профессор Т.Маликовнинг таъкидлашича солиқ имтиёзлари деганда солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятлари ҳажмининг тўлиқ ёки қисман қисқариши, тўлов муддатининг кечиктирилиши ёки орқага сурилиши тушунилади. Солиқларнинг рағбатлантирувчи функцияси солиқ имтиёзлари тизими орқали амалга оширилади. Солиқ имтиёзи солиққа тортиш объектининг ўзгаришида, солиққа тортиш базасининг камайишида (қисқаришида), солиқ ставкаларининг пасайтирилишида ва бошқаларда ўз ифодасини топади. Солиққа тортилмайдиган объект минимуми, алоҳида шахслар ва солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларини солиқ тўлашдан озод қилиш, солиққа тортиш объектдан айрим элементларни чиқариш, солиқ ставкаларини пасайтириш, мақсадли солиқ имтиёзлари, солиқ кредитлари (солиқларнинг ундирилишини кечиктириш) ва бошқалар солиқ имтиёзларининг кўринишларидир. Масалан, корхоналар фойдасидан олинмайдиган солиқ бўйича имтиёзлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва уй-жой қурилишини ривожлантириш харажатларини молиялаштиришни, тадбиркорликнинг кичик шакллари, ногиронлар ва пенсионерларнинг бандлигини таъминлашни, ижтимоий, маданий ва табиатни муҳофаза қилиш соҳаларини рағбатлантиришга қаратилгандир. Индивидуал характерга эга бўлган имтиёзларни бериш, одатда, таъқиқланади. [4]

Кўришимиз мумкинки, солиққа тортиш бора-сида солиқ имтиёзлари хусусида турли хил фикрлар мавжуд.

Имтиёзлар амал қилиш муддатига қараб доимий ва муайян муддатга берилмайдиган имтиёзларга бўлинади

Доимий имтиёзлар чекланмаган хусусиятга эга бўлиб, уларнинг асосий қисми Солиқ кодексида келтирилади.

Муайян муддатга берилмайдиган солиқ имтиёзлари вақтинчалик ҳисобланиб, улар Солиқ кодекси, айрим қонунлар, Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан белгиланади. Бундан ташқари, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни амалга ошираётган, ҳудуд инфратузилмасини ривожлантиришда иштирок этувчи ёки Ўзбекистон инвестиция Дастури қатнашчиси ҳисобланган корхоналарга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қўшимча тарзда имтиёзлар берилиши мумкин.

Фойдаланиш нўқтаи назаридан мақсадли ва мақсадсиз имтиёзларларга бўлинади:

- мақсадли имтиёзлар бўшаб қолган маблағларни муайян мақсадларга, мисоли учун ишлаб чиқаришни модернизациялашга, кенгайтириш, ходимларни рағбатлантириш, ва бошқаларга йўналтириш шартли билан тақдим этилади. Шунинг ҳам таъкидлаш шартки, бундай имтиёзлардан фойдаланиган корхоналарда белгиланган шартларга риоя қилинмаган тақдирда тўланмаган солиқ суммалари бюджетга пеняни ҳисобга олган ҳолда ундирилади.

- мақсадсиз имтиёзларда, мақсадли имтиёзлардан фарқли равишда қанақадир шартлар назарда тутилмайди, яъни солиқ тўловчи бўшаган маблағлардан ихтиёрий равишда фойдаланиши мумкин бўлади.

Иқтисодиётда солиқ имтиёзларидан фойдаланиш қўйидаги мавжуд объектив ҳамда ижтимоий-иқтисодий сабабларни ўз ичига олади:

- солиқ тўловчиларнинг мавқеи ва ижтимоий ҳолати турлича эканлигини (барчага бир хил тартибда (миқдорда) солиқ солиш маънога эга бўлмайди);

- давлат иқтисодиётга таъсир этиб уни тартиб-лаш вазифасини амалга оширадигани, бунда турли хил дастаклардан фойдаланади. Бу дастакларнинг асосийларидан бири бу жамиятдаги баъзи муҳим соҳаларни ёки солиқ тўловчиларнинг фаолиятини рағбатлантириш мақсадида солиқ имтиёзлари белгиланади. Яъни, давлат солиқ имтиёзлари орқали иқтисодиётни самарали ва қўлай бошқариш ёки тартиб-лаш имкониятига эга бўлади, бундан кўринадигани, солиқ имтиёзлари давлатни ўз функция ва вазифаларини юзага чиқарувчи муҳим дастак сифатида юзага чиқади;

- миллий даромадни қўлай, самарали ва оқилона тақсимланишига эришилади. Яъни, бундан солиқлар сифатида бюджетга жалб этилиши лозим бўлган молиявий ресурслар имтиёз бериш тўғрисида бюджетга жалб этилмасдан солиқ тўловчиларнинг ўзларига мақсадли равишда қолдирилади. Бунинг афзаллик томони шундаки, солиқ тўловларини бюджетга олиш ва уни яна қайта тақсимлаш ишларини осонлаштиради ва иш фаолият турларини рағбатлантиришга эришилади.

Мавзуйимиз доирасида солиқ имтиёзларини таҳлил қилар эканмиз, иқтисодий жиҳатдан ривожланган ва ривожланиб бораётган мамлакатлар тажрибаси шуни кўсатадигани, мамлакат иқтисодиётига жалб қилинаётган чет эл инвестицияларига берилаётган иқтисодий эркинликлар айтиш жоизки, солиқ имтиёзлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Бундан келиб чиқади мамлакатимиз иқтисодиётида инвестицион муҳитни жозибадорлигини ошириш мақсадида, корхоналар инвестицион фаолиятини рағбатлантириш бўйича жорий этилган солиқ имтиёзлари муҳим аҳамият касб этади.

Бу соҳада жалб этилаётган хорижий инвестицияларнинг минтақавий нотекис жойлашганлиги, солиқ имтиёзлари тизимининг тез ўзгарувчанлиги, айниқса инвестицион фаолиятни рағбатлантирувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ундирилаётган фойда солиғидан берилаётган имтиёзларидан самарали фойдаланилмаётганлиги каби муаммоларнинг мавжудлиги мавзунинг долзарблигини асослаб беради.

Инвестиция иштирокида фаолият юритадиган корхоналарга қўлланиладиган солиқ имтиёзларининг таҳлилига юзланамиз (қисқача фойда солиғи мисолида).

Маълумки, тақдим этилаётган барча солиқ имтиёзлари аниқ бир мақсадга, яъни солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятлари миқдорини



қисқартиришга қаратилгандир. Амалдаги солиқ қонунчилигига кўра, корхоналар томонидан эришилган фойдани солиққа тортиш вақтида бериладиган умумий солиқ имтиёзлари қуйидаги асосий гуруҳларга бўлинади:

Биринчи - айрим юридик шахсларни солиқ тўлашдан тўлиқ озод қилиш;

иккинчи - солиққа тортишдан маълум бир фаолияти туридан олган фойдасини озод қилиш (қоида бўйича бундай тартибдаги озод қилишлар Давлат учун алоҳида фаолият турининг устиворлиги билан боғлиқ бўлади);

учинчи - солиққа тортиладиган фойдани камайтирадиган устувор қонунчилигида белгилаб берилган харажат суммаси, яъни чегирма, амалдаги қонунчиликка асосан юридик шахсларнинг солиқ солинадиган фойдасини камайтириш;

тўртинчи - солиқ ставкасини пасайтириш. Фойда солиғи суммасини ёки ставкасини пасайтириш, солиқ тўловчининг соҳаси ёки кўламига, унинг иштирокчилари таркибига ва корхонага қўйиладиган алоҳида талабларни бажариш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган даромадларига солиқ солишда, уларнинг инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб қилинган кредитлар бўйича Ўзбекистон Республикаси банклари ва лизинг берувчилари томонидан хорижий молия институтларига тўланадиган даромадлар солиққа тортилмайди.[5]

Худди шунингдек, инвестиция ва хусусийлаштириш инвестиция фондларининг ўз инвестиция портфелида турган хусусийлаштирилган корхоналар акцияларидан дивидендлар шаклида олинган даромадларига солиқ солинмаслиги белгилаб берилган.[6]

Юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи бўйича, инвестиция фондларининг хусусийлаштирилган корхоналар акцияларини сотиб олишга йўналтириладиган фойдаси солиққа тортилмайди.[7]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги ПФ-4434-сонли Фармони билан тасдиқланган рўйхат бўйича иқтисодиёт тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар ҳажмига қараб:

- 300 минг АҚШ долларидан 3 млн. АҚШ долларигача – 3 йил;

- 3 млн. АҚШ долларидан 10 млн. АҚШ долларигача – 5 йил;

- 10 млн. АҚШ долларидан ортиқ бўлганда – 7 йил муддатга ялпи тушуми ягона солиқдан озод этилади.

Бунда, ҳисобот йили якунлари бўйича имтиёз тадбиқ этиладиган иқтисодиёт тармоқлари маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан олинган тушум улуши реализациянинг умумий ҳажмида камида 60%ни ташкил қиладиган корхона ихтисослаштирилган ҳисобланади. Имтиёз қуйидаги шартлар бажарилганда қўлланилади:

- корхоналари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан ташқари республиканинг барча шаҳарлари ва қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштириш;

- хорижий инвесторлар томонидан инвестицияларни Ўзбекистон Республикасининг кафолатлари берилмаган ҳолда амалга ошириш;

- устав капиталида хорижий иштирокчилар улуши камида 33%ни ташкил этиши лозим;

- инвестицияларни эркин алмаштириладиган валютада ёки замонавий технологик ускуна тарзида қўйиш;

- имтиёзнинг қўлланилиши муддати давомида уни тақдим этишдан олинган даромаднинг камида 50%ни корхонани янада ривожлантириш мақсадида қайта инвестициялашга йўналтириш лозим бўлади. (имтиёзни қўллаш тартиби АВ томонидан 11.10.2012 й. 2312-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низом асосида (мақсадли имтиёз ҳисобланади)).

Банкрот корхоналар мулки негизида, шу жумладан бошқа инвесторлар (ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва йўлга қўйиш маҳсулотларни сотишда муваффақиятли иш тажрибасига эга) иштирокида тижорат банклари томонидан янги ташкил этилган корхоналар (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги Ф-4010-сонли Фармойиши (2-банди) ҳамда Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарорига (4-банди) асосан), стратегик инвесторга сотилгунга қадар, бироқ улар рўйхатдан ўтказилган пайтда бошлаб 3 йилдан кўп эмас. Тижорат банкларига берилган банкрот корхоналарнинг мол-мулки базасида ташкил этилган корхоналар улар стратегик инвесторларга реализация қилиш учун берилган пайтдан бошлаб мазкур имтиёздан 3 йил фойдаланишга ҳақли бўладилар.

Бунда имтиёздан бўшайдиган маблағларни ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш, модернизация қилиш ва ривожлантириш шарти билан берилади (мақсадли имтиёз ҳисобланади).

Кўпчиликни эътиборини тортадиган, айтиж мумкинки, жуда кўп оқинлик киритилган имтиёзлардан бири бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Президентинининг 2008 йил 2 декабрдаги ПФ-4059-сонли Фармои билан амалиётга тадбиқ этилган “Навоий” эркин иқтисодий индустриал зонасидан рўйхатдан ўтказилган корхоналар нафақат ягона солиқ тўловчиси бўлган, балки умумбелгиланган тартибда солиқ тўловчилар учун ҳам кенг имкониётлар яратилганлигини кўришимиз мумкин:

Ягона солиқ тўлови (ЯСТ тўловчилари учун), ер солиғи, мол-мулк солиғи, юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, Республика йўл жамғармаси ва бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббий муассасаларни реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинган.

Бунда мазкур имтиёзлар тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажмига қараб:

– 3 млн. евродан 10 млн. еврогача – 7 йилга;

– 10 млн. евродан 30 млн. еврогача – 10 йилга берилади.

Кейинги 5 йил давомида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкалари амалдаги ставкаларнинг 50 фоизи миқдорида белгиланади;

– 30 млн. евродан ортиққа – 15 йилга берилди.

Кейинги 10 йил давомида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкалари амалдаги ставкаларнинг 50 фоизи миқдорида белгиланади (мақсадсиз имтиёз ҳисобланади).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 апрелдаги ПФ-4436-сонли Фармони билан корхоналар – “Ангрен” махсус индустриал зонаси қатнашчилари киритилган инвестицияларнинг ҳажмига қараб, шу жумладан эквиваленти:

- 300 минг АҚШ долларидан 3 млн. АҚШ долларигача – 3 йил;

- 3 млн. АҚШ долларидан 10 млн. АҚШ долларигача – 5 йил;

- 10 млн. АҚШ долларидан ортиқ бўлганда – 7 йил муддатга ялпи тушуми ягона солиқдан озод этилади.

Бунда имтиёз фақатгина “Ангрен” МИЗ декларацияси билан тузиладиган инвестициялаш тўғрисидаги битмда назарда тутилган фаолият турларига тадбиқ этилади. (МИЗ ҳудудида фаолият юритиш ВМнинг 29.05.2012 йилдаги 146-сонли қарори билан тартибга солинади). Худди шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 мартдаги ПФ-4516-сонли Фармони билан корхоналар – “Жиззах” махсус индустриал зонаси қатнашчиларининг киритилган инвестициялари ҳам “Ангрен” МИЗдаги каби амалга тадбиқ этилади.

Дунё амалиёти шуни кўрсатадики, бундан бир оз олдинги таҳлилларга юзланадиган бўлсак, халқаро молия ташкилоти (IFC)нинг Инвестициявий муҳитни яхшилаш бўйича маслаҳат дастури (FIAS) “инвестициявий муҳими ёмон бўлган мамлакатларда сўнги чегарачи самарали солиқ ставкасини пасайтириш тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари кўпайишига катта таъсир ўтказмайдми” деб ҳисоблайди.[8]

Инвестициявий муҳитни баҳолаш учун (FIAS) 180 дан зиёд мамлакатларда “Doing Business

2010”нинг қулай ишбилармонлик муҳити рейтингини қўллади. Ундаги бизнинг мамлакатимиз рейтингини 150-позицияни эгаллаб турибди. FIAS хулосасини Жаҳон банки (IFC)нинг Фарбий Африкадаги 12 та мамлакатда ўтказган эмпирик тадқиқотлари тасдиқлаган. Ундаги таҳлилларга қараганда солиқлардан озод бўлиш бу мамлакатларда инвестицияларни жалб этишга катта туртки берган деб бўлмайди.[8]

Мавжуд ҳолатни ўрганиб чиқиб, тақдим этилаётган имтиёзлар солиқ тўловчиларининг бўлгани сингари, давлат хизматчиларининг ҳам суиистеъ-молликларига сабаб бўлмоқда. Солиқ юкининг тенг тақсимланмаслиги ва давлат бюджетига солиқлар тушмай қолишига олиб келмоқда. Ана шу камчиликларни тушунган ҳолда кўпгина мамлакатлар солиқ имтиёзлари беришнинг ўрнига солиқ ставкаларини туширишни афзал билишмоқда. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, бундай чораларни қўлланилиши инвестицияларни самарали жалб қилишга, шунингдек, солиқ тушумларининг кўпайишига олиб келади.

Бизга маълумки, бугунги кунда республика-мизда хорижий инвестицияларнинг кириб келиши учун барча имконият ва шарт-шароитлар яратилган. Айниқса, солиқ имтиёзларининг қулай тартибда белгиланганлиги хорижий инвесторларнинг кўпроқ фойда олишига имкон беради албатта.

Таҳлиллар натижасидан яна шуни ҳам эътибордан четда қолдирмаслигимиз керак бўладики, республикаимиз иқтисодиётида инвестицион фаолият билан ишлаётган корхоналарга нисбатан қўлланилаётган солиқ сиёсатини яъни муайян муддатга солиқлардан озод қилинувчи солиқ имтиёзларини қайта кўриб чиқиш керак деган хулоса келиш мумкин.

#### Манба ва адабиётлар:

1. Темур тузуклари. Тошкент. 1993 йил. 98-бет
2. Яхёев Қ. Солиқ. Т. «Меҳнат». 1997 йил. 20-бет
3. Гатауллин Ш. “Солиқлар ва солиққа тортиш” Тошкент. 1996 йил. 74-бет
4. Маликов Т. Солиққа тортишнинг долзарб масалалари. Тошкент. 2000 йил. 276-бет.
5. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (ЎзР 25.12.2007 й. ЎРҚ-136-сон Қонуни билан тасдиқланган) Т.: “Адолат” 2010 й., 155-модда, 152-бет
6. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 156-модда, 160-бет.
7. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 158-модда, 4-банди, 162-бет.
8. FIAS, 2009. A Handbook for Tax Simplification. World Bank Group, Washington, D.C.

---

## ЁҚИЛҒИ - ЭНЕРГЕТИКА КОРХОНАЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Жалилов Шерзод Қахраманович**

И.ф.н., доцент, Тошкент молия институти

---

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон олдида турган ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш тизими билан боғлиқ муаммолар кўриб чиқилган. Ушбу корхоналар фаолиятини солиқлар орқали тартибга солиш масаласи тадқиқ этилган ва уни ислоҳ қилишнинг замонавий йўналишлари таклиф қилинган.

**Таянч тушунчалар:** ёқилғи-энергетика корхоналари, солиқлар ва солиққа тортиш, солиқ тизими, солиққа тортиш механизми, солиқ ставкаси, рентабеллик, фойда.

**Аннотация.** В статье рассматриваются проблемы, стоящие перед Узбекистаном, связанные с системой налогообложения топливно-энергетических предприятий. Исследуется существующее налоговое регулирование деятельности этих предприятий, и предлагаются современные направления его реформирования.

**Ключевые слова:** топливно-энергетические предприятия, налоги и налогообложение, налоговая система, механизм налогообложения, налоговая ставка, рентабельность, прибыль.

Мамлакатимиз миллий иқтисодиётининг ҳозирги аҳволи, кўп жиҳатдан, ёқилғи-энергетика мажмуидаги ишларнинг ҳолати билан белгиланади. Чунки айнан улар давлат бюджетининг даромадларини шакллантиришда ҳал қилувчи роллардан бирини ўйнайди. Шунингдек, валюта тушумларининг катта қисми ҳам ушбу корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Бир вақтнинг ўзида, улар мамлакатимиз савдо балансининг асосий ҳажмини таркиб топтиришда муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, бизнинг фикримизча, мамлакатимиз иқтисодиётида кейинги йилларда содир бўлаётган бир неча ҳолатлар мамлакатимиз ёқилғи-энергетика корхоналаридаги салбий жараёнларнинг кучайиб бораётганлигидан ва бу ерда баъзи бир муҳим муаммоларнинг пайдо бўлаётганлигидан дарак бермоқда. Қуйида уларнинг бир нечасини келтириб чиқамиз.

**Биринчидан,** геология-қидирув ишлари ҳажмининг қисқариши қидирув ишларининг етарли эмаслигига ва заҳиралар тавсифларининг ёмонлашувига олиб келдики, бунинг натижасида қидириб топилган (разведка қилинган) заҳираларнинг ўсиш суръатлари энергия ресурсларининг жорий қазилишини ҳатто қопламаяпти ҳам. Нефть ва газ қазиб олувчи корхоналар хом-ашё базасининг сифат жиҳатидан ёмонлашуви ва жиддий ортида қолиши содир бўлмоқда, эски қазилма конла-

ри заҳираларининг камайиб кетиши ёки уларнинг тугаши натижасида нефть қазиб олиш ҳажми ошмаяпти.

**Иккинчидан,** энергия ресурслари учун тўловларнинг вақтида амалга оширилмаслиги туфайли юзага келадиган қарздорликнинг даражаси, солиқ юкласининг юқори даражадалиги ва ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигининг етарли эмаслиги ишлаб чиқариш корхоналари учун молиявий ҳолатнинг кескинлашувига олиб келди. Бундай аҳволнинг қарор топишига табиий монополиялар маҳсулотлари (нефть, газ, электр энергияси ва б.) нархлари ўсишининг сунъий равишда ушлаб турилиши, қазилма бойликлари конларини лицензиялаш соҳасида қонунчиликнинг етарли даражада такомиллашмаганлиги ва ҳоказолар сабаб бўлмоқда.

Ҳозирги вақтда мазкур тенденция нафақат сақланиб қолмасдан, балки қидирув, қазиб олиш ва йўл-йўлакай нефтли газларни чиқитга чиқаришда замонавий технологияларни қўллашда ортида қолишнинг кучайиши давом этмоқда.

Халқаро тажриба шундан далолат бериб турибдики, ёқилғи-энергетика корхоналари фаолият кўрсатишининг самарадорлигини бозор механизмларини ривожлантириш ва давлат томонидан тартибга солиш йўли билан оширишга эришиш мумкин. Уларни тартибга солишнинг ўзига хослиги, энг авва-

ло, бу тармоқларнинг кўламлилиги, мамлакат иқтисодиёти учун уларнинг аҳамияти ва улар фаолият кўрсатишининг табиий-монополь характерда эканлигини албатта ҳисобга олиш кераклиги билан белгиланади. Бунда тармоқларнинг кўламлилиги учун эҳтимолий тартибга солишнинг хатоликлари ўз таъсирини бирданига кўрсатмасдан, балки хато қарор қабул қилинганлиги тўғрисидаги далил идрок этилганидан сўнг ўзини намоён этиши мумкин. Шунингдек, уларнинг оқибатларини тизимнинг юқори даражадаги инерционлиги учун тезда барҳам этишнинг иложи йўқ.

Мамлакатимиз ёқилғи-энергетика корхоналарида инвестиция жараёнларини фаоллаштириш ва уларнинг молиявий аҳволини яхшилашнинг муҳим омили, бизнинг фикримизча, бунга дахлдор бўлган солиқ тизимини такомиллаштириш ҳисобланади. Чунки амалга оширилган илмий тадқиқотларимиз натижаларининг кўрсатишича, бу корхоналарга нисбатан юргизилаётган солиқ сиёсати, фикримизча, тармоқ корхоналарида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни амалга оширишга етарли даражада ўз таъсирини кўрсата олмаяпти. Бунинг асосий сабаби шундаки, нефть ва газнинг мураккаб ва қийин қазиб олинувчи заҳираларини ишлаб чиқаришга жалб қилишнинг стратегик вазифаси нафақат қиммат турадиган техника ва технологияларнинг қўлланилишини, балки уни ҳал қилиш (ечиш учун) қулай иқтисодий шароитларни яратадиган солиқ режимининг бўлишини ҳам талаб қилади (тақозо этади).

Бизнинг фикримизча, ҳозирги пайтда мамлакатимиз олдида ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш тизимини шундай ислоҳ қилиш вазифаси турибдики, унга кўра ушбу вазифанинг бажарилиши, бир томондан, мазкур корхоналарда ишлаб чиқаришнинг ривожланишига ва, иккинчи томондан, давлат ва жамиятнинг манфаатларини қондиришга хизмат қилиши керак. Бунинг учун, ўз навбатида, ёқилғи-энергетика корхоналари ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижаларини ҳисобга олувчи ҳамда ички ва ташқи бозорлардаги баҳолар конъюнктурасига ўз таъсири кўрсатувчи солиққа тортиш тизимини яратиш зарур.

Маълумки, солиққа тортишнинг илмий-назарий асослари етарли даражада тадқиқ этилган. Иқтисодий тараққиётнинг турли босқичларида турли хилдаги солиқ воситаларининг амалий жиҳатдан қўлланилиши ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларнинг етарли даражада инobatга олинмаслиги қарама-қаршиликларга ва жиддий иқтисодий

муаммоларни келтириб чиқаради. Шу муносабат билан биз ёқилғи-энергетика корхоналари фаолиятини солиқ механизмлари ёрдамида тартибга солишнинг назарий асосларини ўрганиб, таҳлил қилдик, шунингдек, мустақиллик йилларида бу йўналишда амалиётда амалга оширилган ислохотларнинг асосий якунлари кўриб чиқдик.

Ёқилғи-энергетика корхоналарининг солиқ тизимида бу корхоналар фаолияти ва даромадларини солиқлар орқали тартибга солишнинг марказий бўғини ва асосий тамойили сифатида хўжалик (иқтисодий) ресурслар учун солиқ тўловлари тизими ёки ресурс солиқлари тизими, яъни қазиб олиш даражасини солиққа тортиш майдонга чиқади. Шу сабабли ресурс солиқлари томонидан ўз функцияларининг амалга оширилиш самарадорлигига ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортиш тизимининг яхлит фаолият кўрсатиш самарадорлиги бевосита боғлиқ.

Ёқилғи-энергетика корхоналарини солиқ механизмлари ёрдамида рағбатлантириш имкониятларини тадқиқ этиш натижалари, энг аввало, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни бу корхоналар ўз маҳсулотларини экспорт қилаётганлари ёки уларни ички бозорга йўналтираётганларига боғлиқ бўлмаган ҳолда тўлаётганларини кўрсатди. Шунингдек, хом ашёни қайта ишлашга нисбатан акцизлар салмоғининг юқорилиги бу корхоналарга хом ашёларни янада чуқурроқ қайта ишлаш йўналишида ривожлантиришга имкон бермайди, чунки бу жараён учун пастроқ рентабеллилик хосдир. Жаҳон инқирозининг ҳозирги вазиятида ва ишлов бериш (қазиб олиш)нинг сўнгги босқичларида жойлашган қазилма конларида углеводород хом ашёсини қазиб олиш ҳажмининг пасаётганлиги шароитида бу масала долзарблик касб этмоқда. Бундай иқтисодий вазиятда ёқилғи-энергетика корхоналарини солиққа тортишга нисбатан шунга ҳамоҳанг бўлган солиқ тизимини яратиш ўта муҳим ҳисобланади, чунки нефть-газ маҳсулотларига нисбатан паст баҳолар ва солиқ тўловларининг юқори юкланмаси шароитида бу корхоналарни тегишли қазилмаларни қазиб олишнинг пасайтириш кайфияти қамраб олади. Шунингдек, бундай вазиятда заҳираларнинг қийин қазиб олинадиган конлари ва янги конларга ишлов беришда ҳам муаммолар пайдо бўлади.

Ҳозирги кундаги солиққа тортишнинг қазилмалар ҳажмига қаратилганлиги шунга олиб келдики, ёқилғи-энергетика корхоналарига дахлдор бўлган солиқ юкламасининг 60,0-80,0 фоизи фойда билан эмас, балки

ишлаб чиқариш ҳажми билан боғлиқдир. Бу солиқ тўловлари миқдорининг корхоналар фаолиятининг молиявий натижалари билан етарли даражада боғлиқ эмаслигидан дарак беради. Масалан, айрим ёқилғи-энергетика корхоналарида тўланган солиқ суммаларининг умумий миқдорига нисбатан ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ 70,0 фоиздан кўпроқни, қўшилган қиймат солиғи деярли 15,0 фоиз ни ва фойда солиғи эса 7,0 фоизни ташкил этмоқда. Корхоналар ялпи тушумига нисбатан солиқларнинг ҳиссаси эса 19,0-22,0 фоизга тенг бўлмоқда.

Умуман олганда, бизнинг фикримизча, ёқилғи-энергетика корхоналарига нисбатан амалдаги солиқ тизими ўзлаштиришнинг дастлабки босқичларида қазилма конларига ишлов бериш ва заҳиралари тугаётган қазилма конларида қазиб олишни қўллаб-қувватлаб туриш учун инвестицияларни амалга оширишни рағбатлантирмайди. У, асосан, пишиб етилган қазилма конларига қаратилган. Шунинг учун ҳам ёқилғи-энергетика корхоналарида солиққа тортиш тизимини ислоҳ қилиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Шу муносабат билан ушбу солиқ тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида, энг аввало, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг амал қилиш механизмининг такомиллаштиришга, бу корхоналарнинг мулкларини солиққа тортишга нисбатан турли тажрибаларни ўтказишга, нефть маҳсулотларига нисбатан акциялар ставкаларини ўзгартиришга, ёқилғи-энергетика корхоналарининг айримларига нисбатан эса махсус солиқ режимини жорий этишга алоҳида эътибор берилиши керак.

Қазиб олиш ҳажмининг пасайишига нисбатан қарши кураш мақсадида ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг ставкасини табақалаштиришга ҳам эътибор бермоқ лозим. Бунда бу солиқ ставкаларига нисбатан турли коэффициентларни қўллаш қўл келиши мумкин. Коэффициентлар эса, ўз навбатида, жаҳон бозоридаги нефть ва газ маҳсулотларига нисбатан баҳоларнинг ўзгаришини, шунингдек, аниқ бир кондаги заҳираларнинг ишланганлик даражасини ҳам ҳисобга олиши лозим. Айрим ҳолларда эса “ноль даражали” ставкаларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бундай вазиятда пасайтирувчи коэффициентлар ва “ноль даражали” солиқ ставкасини қўллаш мақсадида қазиб олинган маҳсулотни ҳисобга олиш тартибининг янада аниқлаштириш, пасайтирувчи коэффициентни ҳисоблашда ҳисобга олиниши керак бўлган бир тонна нефть таннарни минимумини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, тадқиқотларимиз натижаларининг

кўрсатишича, барча ёқилғи-энергетика корхоналарида алоҳида олинган қудуқлар ва участкалар бўйича ҳисоб-китобларни юритиш тизими талаб даражасида йўлга қўйилмаган.

Мамлакатимизнинг ёқилғи-энергетика ресурсларидан янада самарали ва оқилона фойдаланиш мақсадида бу жараёнда қазиб олувчи корхонанинг йўл-йўлакай газдан ҳақиқатдаги фойдаланиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда шундай газни қазиб олганлиги учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг “ноль даражали” ставкасини бекор қилиш ёки уни ёқиб юборганлик учун жарималар жорий қилиш, шунингдек, нефтьни қазиб олаётганда технологик юқотмаларга нисбатан худди шундай ставкани бекор қилиш ҳам муҳим роль ўйнаши мумкин.

Ёқилғи-энергетика корхоналарининг барқарор ривожланиши учун янги ва янада самаралироқ бўлган объектларни қидириб топиш ва уларга ишлов бериш, шунингдек, янги технологияларни яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга янада тезроқ жорий этиш ҳисобидан қазиб олинаётган маҳсулотларга сарф қилинаётган харажатларни қисқартириш зарур. Қазиб олиш ҳажмларини ушлаб туришнинг бош омили қазиб олиш ҳажмининг сақлаб қолиш ва унинг самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Бироқ, ёқилғи-энергетика корхоналари қазилма конларини қазिशга доир инвестицион қарор қабул қилишлари учун бошланғич дебит остонавий ўлчамдан юқори бўлмоғи лозим. Янги қудуқлар ўртача бошланғич дебитларининг ҳисоб-китобли остонавий даражалар билан таққосланиши шунинг кўрсатмоқдаки, амалдаги солиққа тортиш тизимига асосланган қазिश иқтисодиёти рентабеллик чегарасида жойлашган бўлиб, у қазिश ҳажмининг пасайишига олиб келиши мумкин. Бу ўринда яна бир нарсани унутмаслик керак: углеводородлар қазиб олишнинг янада мураккаб шароитлари, янги транспорт тизимини қуриш, таъминлашнинг янги йўналишларига эга бўлиш жуда катта миқдордаги инвестицияларнинг амалга оширилиши тақозо этади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ҳозирги солиқ режимига мувофиқ мамлакатимизнинг ёқилғи-энергетика корхоналари нефть ва газга нисбатан юқори баҳолар шароитида гуллаб-яшнашади ва аксинча, уларга нисбатан баҳолар пасайганда эса ночор аҳволга тушиб қолишади. Бизнинг фикримизча, бу ерда тизим шундай таркиб топиши керакки, унда ёқилғи-энергетика корхоналари, масалан, 1 баррель нефтьнинг нархи 25 АҚШ доллари ёки 100 АҚШ доллари бўлганда ҳам ўзларини бир хил даражада барқарор ҳис этишлари ке-

рак. Бу эса, ўз навбатида, ресурсий солиққа тортишда эмас, балки корхоналар даромадларини солиққа тортишдагина мумкинدير, холос.

Яна бир муаммо: маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизнинг ички ва ташқи бозорларида газга нисбатан баҳолар босқичма-босқич оширилиб борилмоқда. Бироқ, нефть ва газ корхоналарини солиққа тортишнинг алоҳида-алоҳида таҳлили нефть қазиб олувчи корхоналардаги солиқ юкмасига газ қазиб олувчи корхоналардаги солиқ юкмасига нисбатан юқори эканлигини кўрсатди. Бунинг натижасида газ тармоғи корхоналари газга нисбатан баҳоларнинг ўсиб бориши, ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкасининг ўзгарма-ганлиги шароитида табиий рента характерида эга бўлган қўшимча даромадларга эга бўлиб қолмоқдалар.

Баён этилганлардан кўринмоқдаки, амалдаги ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ дифференциаль рентани ўзида мужассам этмайди, унинг қазилма конларига ишлов бериш босқичлари бўйича заҳираларнинг ишланганлик даражасини қудуқларнинг турли дебитлардаги ўзгаришини ҳисобга олмайди. Ёқилғи-энергетика корхоналари учун қазилма конларини ўзлаштириш босқичида минимум солиқларнинг тўланиши, улар фойдаси ва устама фойдасига нисбатан прогрессив солиққа тортишнинг жорий этилиши идеал солиқ тизими ҳисобланиши мумкин. Бунинг айнан мақсадга мувофиқлигини жаҳон илғор тажрибаси тасдиқлайди. Масалан, Шимолий денгиздаги қазилма конларига ишлов беришда баҳолар нисбатан юқори ва заҳираларнинг миқдори етарли даражада қўлай бўлган ҳолда бундай солиқ тизими Англия ва Норвегияда жорий этилган эди. Натижада айрим қазилма конларига ишлов берган корхоналар ўз даромадларининг 80,0 фоиздан кўпроқ бўлган қисмини давлатга берган эдилар.

Бундай ғояни амалга ошириш учун углеводородларни қазиб олишдан олинган устама фойдадан солиқ ундириш таклиф қилинган бўлиб, унга кўра ёқилғи-энергетика корхоналарининг тўпланган (жамғарилган) даромадларининг худди шундай харажатларига нисбатига боғлиқ равишда улар прогрессив етти босқичли ставкалар тизимининг “0” дан 60,0 фоизгача бўлган оралиғида даромад солиғини тўлашлари керак эди. Бунда тўпланган (жамғарилган) даромадлар тўпланган (жамғарилган) харажатлар билан тенглашгунга қадар бу корхоналарнинг даромадлари “ноль даражали” ставкада, тўпланган (жамғарилган) даромадлар лойиҳа бўйича умумий харажатлардан икки марта-

дан кўпроқ ортганда эса энг юқори ставкада солиққа тортилиши лозим эди.

Шу билан биргаликда, бизнинг фикримизча, солиқлар ва солиққа тортиш жараёнларини ёқилғи-энергетика корхоналарининг даромадларига тўлиқ боғлаб қўйиш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Чунки улар маҳсулотларига нисбатан баҳоларнинг пасайиб кетиши бундай корхоналарнинг бюджетга тўловларини “ноль” даражасигача олиб келиши мумкинки, бу нарса давлат манфаатларига жавоб бермайди.

Фикримизча, бу ерда яна бир нарса эътибордан четда қолган кўринадиди. Гап бу ўринда мамлакатимизда табиий ёки тоғ рентасини оқилона ундириш меҳна-низмининг ҳануз шаклланмаганлиги хусусида кетмоқда. Янада аниқроқ айтиладиган бўлса, бу ўринда давлат мулкида бўлган қазилма конларидан фойдаланганлик учун тўлов назарда тутилмоқда. Шу муносабат билан қайд этиш жоизки, бундай рентанинг икки кўриниши мавжуд. Дифференциал рента I хом-ашёнинг юқори сифатлилиги, унга ишлов беришнинг фойдали тоғ-геология шароитлари ва қўлай жойда жойлашганлиги билан характерланувчи табиий омиллар натижасида тегишли қазилма конларида мавжуд бўлади. Булар натижасида олинган қўшимча фойда дифференциал рента I ни вужудга кетиради ва у қазилма конига ишлов берувчи корхона томонидан эмас, балки шу қазилма конининг эгаси томонидан ўзлаштирилиши керак. Мулк эгаси (давлат) томонидан қанчалик яхши қазилма кони ишлов берувчига тақдим этилса, у шунчалик кўп миқдордаги тўловга давогар бўлиши мумкин.

Аксинча, дифференциал рента II эса капиталнинг қўшимча жойлаштирилиши (сарфланиши) натижасида вужудга келади. Шунинг учун ҳам бу вазиятда қўшимча даромад қазилма конининг эгаси (давлат) томонидан эмас, балки қўшимча харажат қилган корхона томонидан ўзлаштирилиши лозим.

Купля продажа скота предлагается осуществлять путем ее фиксации в ветеринарном отделе района или города, в том числена базарах где осуществляется купля продажа скота, и должно функционировать ветеринарное отделение. Если у домашнего животного есть бирка, то данные по животному автоматически переводят на нового хозяина. Таким образом, это позволит вести мониторинг домашнего скота. Если домашний скот реализуется вне рынка, то продавцу и покупателю скота предлагается зафиксировать данную сделку в ветеринарном отделе района или города.

Только необходимо правильно понимать такую процедуру, не как регистрация сделки, а проведение определенных процедур для ведения учета скота. Кроме этого на каждое животное выдается паспорт (некоторым домашним животным, например уже выдают паспорт, с фиксацией там ежегодных уколов против бешенства и других болезней). Учитывая некоторые расходы, зачастую данные о количестве скота некоторыми их владельцами могут скрываются, поэтому такую процедуру необходимо закрепить законодательно (то есть любая операция с домашним животным должна фиксироваться в ветеринарном отделе района или города). При рождении домашнего животного, необходимо так же проводить все необходимые мероприятия для идентификации животного и его здорового существования. Если говорить о стоимости процедуры биркования, то она не должна быть дорогой, так как это будет небольшой пластик закрепляемый на ухе животного с идентификационным номером. А в базе данных под этим номером будут записаны все необходимые данные о животном. Зарубежный опыт и практика показывает, что осуществление вышеуказанных процедур являются эффективными, так как позволяют рационально прогнозировать размещение животноводства и избегать больших потерь в отрасли, что является так же одним из актуальных вопросов продовольственной безопасности страны. А вообще целесообразно разработка и утверждение проекта Закона «Об идентификации животных».

Обобщая вышеизложенное, вопрос про-

изводства мяса необходимо рассматривать комплексно начиная от расположения хозяйств по выращиванию скота к кормовым базам, развития инфраструктуры, технологии

осеменения, кормления и выращивания скота до его забоя, уделяя внимание качественной стороне данной продукции.

#### **Источники и литература:**

---

---

1. *Размещение производительных сил* Е.Н.Карчевская, стр. 3, Гомель 2006г.
2. <http://podrobno.uz/cat/economic/uzbekistan-potratit-na-zhivotnovodstvo-svyshe-220-millionov-dollarov/>
3. *Подготовлено автором на основе данных бюллетеня Сельское хозяйство Узбекистана*
4. *Подготовлено автором на основе данных бюллетеня Сельское хозяйство Узбекистана и министерства экономики РУз*
5. *Подготовлено автором на основе данных министерства экономики РУз*
6. *Рассчитано автором на основе данных Демографического ежегодника Узбекистана, Ташкент – 2016г.*
7. <http://www.dairynews.ru/news/identifikatsiya-registratsiya-i-uchet-selskokhozya.html>
8. *Перечень документов разрешительного характера в сфере предпринимательской деятельности, утвержденного постановлением Кабинета Министров от 15 августа 2013 года № 225*

## ЎЗБЕКИСТОН ХУДУДЛАРИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ РЕСУРС БАЗАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Тавакалов Жонибек Тавакалович

Кичик илмий ходими, ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий тадқиқот маркази

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон ҳудудларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ресурс базасини шакллантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Шунингдек, ҳудудларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича таҳлиллар амалга оширилган ҳамда прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Таянч тушунчалар:** қишлоқ хўжалиги, рационалжойлаштириш, ер-сув ресурслари, озиқ-овқат маҳсулотлари, ресурс, қайта ишлаш, хавфсизлик даражаси.

**Аннотация.** В статье определены основные направления формирования ресурсной базы переработки сельскохозяйственной продукции на территории Узбекистана. А также проведены анализы по производству и переработки сельскохозяйственной продукции и разработаны прогнозные показатели.

**Ключевые слова:** сельское хозяйство, рациональное размещение, земельно-водные ресурсы, продовольственная продукция, ресурс, переработка, уровень безопасности.

Қишлоқ хўжалиги – иқтисодиётнинг бир соҳаси бўлиб, давлатнинг озиқ-овқат ишлаб чиқариш соҳасини ва минтақавий ривожланишни боғлаб туради. Ана шу сабабдан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши унинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, мос қайта ишлаш тизимини яратиш, уни сақлаш ва сотиш соҳанининг муҳимлигидир. Ҳар бир минтақадаги имконият ва ишлаб чиқариш имкониятларини умумиқтисодий ривожлантириш учун мақсадли йўналтириш, Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда рақобатбардош “нуқта”ларни эгаллаш ва янги муваффақиятларга эришиш муҳим мақсадлардан бири ҳисобланади.


Шундай экан бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноатининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамияти юқори. Бу тармоқлар нафақат аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш ва мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади, балки аҳолининг салмоқли қисми учун иш билан таъминлаш ва даромад олиш манбаи ҳамдир.

2017 йил 7 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармонидаги долзарб масалалардан бири бу “...қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, яъни таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза

маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш”[1] га қаратилган.

Шунингдек, бу тармоқларнинг изчил ва барқарор суръатлар билан ривожланиши мамлакатимиз иқтисодиётини саноатлаштириш асосида юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, иқтисодий тараққиётни юксалтириш ва унинг рақобатбардошлигини таъминлаш ҳамда мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашга имкон яратади ва бу айнан бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи мева-сабзавотчилик ҳисобланиб, бу тармоқ мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларининг эса хомашёга бўлган талабини қондиради. Шу билан бирга, мева-сабзавотчилик Ўзбекистон учун жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларига интеграциялашувни ва валюта тушумини таъминлаб берувчи тармоқлардан бири ҳисобланади. Албатта бу тармоқнинг ривожланишида республикамиз ҳудудларининг ўрни катта. Мамлакатимизнинг етакчи Қашқадарё ва Сурхандарё вилоятлари экин майдонлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, ҳар бир маҳсулот бўйича олинаётган ҳосилдорлик кўрсаткичларини таҳлил қилинди. Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики ҳар иккита вилоятнинг экин майдонларига нисбатан ҳосилдорлигидаги фарқ айрим маҳсулотлардан фарқли ўлароқ аксарият маҳсулотларда кўзга кўринмайди (1-расм).



Манба: Муаллиф ишланмаси

**1-расм. Қашқадарё ва Сурхандарё вилоятларида экин майдонлари билан ҳосилдорлик нисбати (2016 йил)**

Расм маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, дон экинлари бўйича Қашқадарё вилоятида 254,9 минг.га экин майдони бўлиб ҳосилдорлиги бир гектардан 42,1 центнерни ташкил этган, Сурхандарё вилоятида экин майдони 120,3 минг.га бўлиб бунинг ҳосилдорлиги эса 51 центнерни ташкил этган. Бу эса Қашқадарё вилоятига нисбатан 9 центнерга кўплигидан далолат беради. Ҳудди шундай полиз экинлар бўйича ер майдони Қашқадарё вилоятида 7,3 минг.га Сурхандарё вилоятида эса 3,4 минг.га ваҳоланки ҳосилдорлиги эса Қашқадарё вилоятида 196,7 ц/га, Сурхандарё вилоятида эса 328,0 ц/га ни ташкил этган. Бу эса Сурхандарё вилоятида Қашқадарё вилоятига нисбатан 131 центнерга кўп дегани. Узум ишлаб чиқариш бўйича Сурхандарё вилоятида ер майдони 13,4 минг.га бўлиб ҳосилдорлиги эса Қашқадарё вилоятига нисбатан 1,7 центнерга паст.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Қашқадарё вилоятида картошка ва узум маҳсулотларини етиштириш ва Сурхандарё вилоятида эса донли экинлар ва полиз экинларини кўпайтириш мақсадга мувофиқ бўларди. Айнан шу тартибда республикамизнинг қолган вилоятла-

рида ҳам мутаносибликни таъминлаш зарур бўлади. Қашқадарё ва Сурхандарё вилоятларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан олинadиган ҳосилдорлик 2020 йилгача прогноз қилинди (1-жадвал).

Жумладан, Қашқадарё вилояти деҳқон хўжалиги бўйича дон маҳсулотлари 2016 йил 42,1 ц/га ташкил этган бўлса бу кўрсаткич 2020 йилга бориб 58,8 ц/га ни ташкил этади ёки 2016 йилга нисбатан 140% га; картошка 2016 йил 212,7 ц/га дан 2020 йилга бориб 481,6 ц/га кўпайган ёки 2016 йилга нисбатан 226,4%; сабзавотлар 2016 йилда 291,8 ц/га ни ташкил этган бўлса бу эса 2020 йилга бориб 634,3 ц/га кўпайган ёки 2016 йилга нисбатан 217,3%; полиз экинлари 2016 йилда 196,7 ц/га ни ташкил этган бўлса бу эса 2020 йилга бориб 362,3 ц/га кўпайган ёки 2016 йилга нисбатан 184,1%; мева ва резаволар 2016 йилда 91,1 ц/га ни ташкил этган бўлса бу эса 2020 йилга бориб 241,7 ц/га кўпайган ёки 2016 йилга нисбатан 265,3%; узум эса 2016 йилда 115,4 ц/га ни ташкил этган бўлса бу эса 2020 йилга бориб 233,7 ц/га кўпайган ёки 2016 йилга нисбатан 202,5% га ошишини кўришимиз мумкин.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ўсиш тенденцияси**

	2016 ҳақиқатда	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2020 йилда 2016 йилганис- батан, +/-
Қашқадарё вилояти бўйича ҳосилдорлик, ц/га						
Дон маҳсулотлари	42,1	45,7	49,7	54,1	58,8	16,7
Картошка	212,7	260,9	320,0	392,6	481,6	268,9
Сабзавотлар	291,8	354,3	430,2	522,4	634,3	342,5
Полиз экинлари	196,7	229,2	267,0	311,0	362,3	165,5
Мева ва резаворлар	91,1	116,3	148,4	189,4	241,7	150,6
Узум	115,4	137,6	164,2	195,9	233,7	118,3
Сурхондарё вилояти бўйича ҳосилдорлик, ц/га						
Дон маҳсулотлари	50,9	50,2	49,4	48,7	47,9	-3,0
Картошка	199,4	230,6	266,6	308,4	356,6	157,2
Сабзавотлар	213,5	203,7	194,3	185,4	176,8	-36,7
Полиз экинлари	328,0	345,5	363,9	383,2	403,6	75,7
Мева ва резаворлар	98,4	117,3	139,8	166,6	198,6	100,2
Узум	101,4	136,9	184,8	249,5	336,8	235,4

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган*


Сурхондарё вилояти деҳқон хўжалиги бўйича картошка 2016 йил 199,4 ц/га ташкил этган бўлса бу кўрсаткич 2020 йилга бориб 356,6 ц/га ни ташкил этади ёки 2016 йилга нисбатан 178,8% га; полиз экинлари 2016 йилда 328,0 ц/га ни ташкил этган бўлса бу эса 2020 йилга бориб 403,6 ц/га кўпайган ёки 2016 йилга нисбатан 123%; мева ва резаворлар 2016 йилда 98,4 ц/га ни ташкил этган бўлса бу эса 2020 йилга бориб 198,6 ц/га кўпайган ёки 2016 йилга нисбатан 201,8%; узум эса 2016 йилда 101,4 ц/га ни ташкил этган бўлса бу эса 2020 йилга бориб 336,8 ц/га кўпайган ёки 2016 йилга нисбатан 332,1% га ошишини кўришимиз мумкин. Аммо вилоятда бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳисобига дон маҳсулотлари ва сабзавотлардан олинадиган ҳосилдорлик 2020 йилга бориб бир оз пасайшини кўришимиз мумкин, яъни 2020 йил 2016 йилга нисбатан дон маҳсулотлари -3,0 ц/га; сабзавотлар эса -36,7 ц/га ни ташкил этади.

Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича ўртача ҳосилдорликни проноз қилинганда республика бўйича 2020 йилга бориб дон маҳсулотлари 46,4 ц/га; картошка 359,0 ц/га; сабзавотлар 424,0 ц/га; полиз экинлари 268,3 ц/га; мева ва резаворлар

311,6 ц/га; узум 395,1 ц/га ни ташкил этган (2-расм).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики 2020 йилга бориб дон маҳсулотлари Қашқадарё вилоятида 58,8 ц/га, Сурхондарё вилоятида 47,9 ц/га ни ташкил этмоқда ёки республика кўрсаткичидан юқори, Қашқадарё вилоятида картошка (481,6 ц/га); сабзавотлари (634,3 ц/га); полиз экинлари (362,3 ц/га) республика кўрсаткичидан юқорилигини кўрсатиб турибди, аммо мева ва резаворлар (241,7 ц/га); узум (233,7 ц/га) етиштириш республика кўрсаткичига нисбатан анча паст бўлиб қолмоқда.

Сурхондарё вилоятида полиз экинлари (403,6 ц/га) узум (336,8 ц/га) етиштириш республика кўрсаткичидан юқоридир, аммо картошка (356,6 ц/га); сабзавотлар (176,8 ц/га); мева ва резаворлар (198,6 ц/га) етиштириш республика кўрсаткичига нисбатан анча паст. Таҳлиллар натижасида қуйидаги таклифни бериш мақсадга мувофиқ бўлади, яъни ҳар иккала вилоятнинг географик ва табиий шароитларини инобатга Қашқадарё вилоятида картошка ва сабзавотларни кўпроқ етиштириш ва Сурхондарё вилоятида полиз экинлари ҳамда узум етиштиришни кўпайтириш ўринли деб ҳисоблаймиз.



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

2-расм. Ўртача ҳосилдорлик прогноз параметрлари, ц/га (2020 йил)

Бундан ташқари қишлоқ хўжалигининг яна бир тармоғи чорвачилиқда ҳам Қашқадарё ва Сурхондарё республикада етакчи ҳудудлардан ҳисобланади. Айниқса гўшт ишлаб чиқариш Қашқадарё вилоятида 2015 йил

247,8 минг тоннани ташкил этган. Таҳлиллар натижасида мазкур вилоятлар бўйича 2020 йилгача гўшт ишлаб чиқариш прогноз параметрлари ишлаб чиқилди (3-расм).



Манба: муаллиф томонидан тузилган

3-расм. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари бўйича гўшт ишлаб чиқариш, минг тонна (2015-2020 й.й.)

Расм маълумотларидан кўриниб турибдики, Қашқадарё вилояти бўйича 2020 йилга бориб гўшт ишлаб чиқариш қарийиб 338 минг тоннани ташкил этмоқда, бу эса 2015 йилга нисбатан 136,2%га ўсишдан далолат бермоқда. Сурхондарё вилоятида эса

2015 йилда 155,6 минг тонна гўшт ишлаб чиқарилган бўлса бу кўрсаткич 2020 йилда 211,6 минг тоннани ташкил этмоқда ёки 2015 йилга нисбатан 136%га ўсишини кўришимиз мумкин.

Бундан ташқари чорвачиликнинг сўт, тухум, қоракўл тери ва пилла ишлаб чиқариш бўйича ҳам ижобий натижаларга эришилган, аммо Қашқадарё вилоятига нисбатан Сурхандарё вилоятида натижалар анча паст бўлиб қолмоқда (2-жадвал).

Жадвал маълумотлари бўйича Қашқадарё вилояти бўйича 2015 йилда 952,2 минг тонна сўт ишлаб чиқарилган ва бу кўрсаткич 2020 йилга бориб 1350,8 минг тоннани ташкил

этноқда ёки 2015 йилга нисбатан 2020 йилга 142 фоизга ўсишини кўришимиз мумкин. Бундан ташқари тухум ишлаб чиқариш 707,3 млн.донага кўпайган ёки 2015 йилга нисбатан 192,4%га; жун ишлаб чиқариш 9618,5 тоннага кўпайган ёки 2015 йилга нисбатан 129,8%га; қоракўл тери ишлаб чиқариш 205391,4 донага кўпайган ёки 2015 йилга нисбатан 108%га ўсганлигини кўришимиз мумкин.

**2-жадвал**

**Қашқадарё ва Сурхандарё вилоятлари бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш прогноз параметрлари**

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2015 ҳақиқатда	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил
<b>Қашқадарё вилояти</b>							
Сўт ишлаб чиқариш	минг тонна	952,2	1021,2	1095,1	1174,5	1259,5	1350,8
Тухум ишлаб чиқариш	млн. дона	367,5	418,9	477,5	544,3	620,5	707,3
Жун ишлаб чиқариш	тонна	7409	7806,0	8224,3	8665,0	9129,3	9618,5
Қора кўлтери и/ч	дона	190081	193048,9	196063,2	199124,6	202233,7	205391,4
Пилла ишлаб чиқариш	тонна	3080,6	3163,0	3247,6	3334,5	3423,7	3515,3
<b>Сурхондарё вилояти</b>							
Сўт ишлаб чиқариш	минг тонна	750,2	797,4	847,5	900,8	957,4	1017,6
Тухум ишлаб чиқариш	млн. дона	273,2	308,1	347,5	391,9	441,9	498,4
Жун ишлаб чиқариш	тонна	2382,0	2466,5	2554,1	2644,7	2738,6	2835,7
Қора кўлтери и/ч	дона	9314	9319	9323	9328	9332	9337
Пилла ишлаб чиқариш	тонна	1550,0	1576,7	1603,9	1631,6	1659,7	1688,3

Манба: муаллиф томонидан тузилган

Сурхандарё вилояти бўйича 2015 йилда 750,2 минг тонна сўт ишлаб чиқарилган ва бу кўрсаткич 2020 йилга бориб 1017,6 минг тоннани ташкил этмоқда ёки 2015 йилга нисбатан 2020 йилга 135,6%га; тухум ишлаб чиқариш 498,4 млн.донага кўпайган ёки 2015 йилга нисбатан 182,4%га; жун ишлаб чиқариш 2835,7 тоннага кўпайган ёки 2015 йилга нисбатан 119%га; қоракўл тери ишлаб чиқариш 9337 донага кўпайган ёки 2015 йилга нисбатан 100,2%га ҳамда пилла ишлаб чиқариш эса 2020 йилга бориб 1688,3 тоннага

кўпайганлигини кўришимиз мумкин.

Умумий қилиб айтганда ҳар иккала вилоят деҳқончилиги ва чорвачилигида ҳам ижобий, ҳам салбий тенденциялар мавжуд. Шунингдек, барча салбий ва ижобий тенденциялар маълум омиллардан ташкил топади: республика аҳолиси талаблари, мева ва сабзавотлар ишлаб чиқарувчиларининг кучсиз маркетинг ишлари, мева ва сабзавот ишлаб чиқарувчи ташкилотлар ва бу ташкилотларда стратегик таҳлилнинг ҳамда режалаштиришнинг йўқлиги. Кўпгина ташкилотларда ишлаб



чиқариш кучларидан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги кузатилади ва бунга сабаб ускуналарнинг эскилиги ва янгиланишга муҳтожлиги бўлади. Айрим ташкилотлар соҳада катта ишлаб чиқарувчи ҳисобланади, лекин чакана савдо билан шуғулланади, бу эса ишлаб чиқаришни кичик доирада эканлигидан далолат беради.

Биргина деҳқончилик ва чорвачилик соҳасида ички бозорни ривожланиши ва экспорт салоҳиятини оширилиши қуйидаги омилларга боғлиқ бўлиши мумкин:

- арзон импорт орқасидаги рақобат;
- аҳолининг уй хўжалиги маҳсулотларини афзал кўриши;

- деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларида бозор бошқарувида малаканинг етарли эмаслиги, бунинг оқибатида ички ишлаб чиқаришнинг кучсизлиги;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ресурс базаларини янада кўпайтирилиши.

Шунингдек, деҳқончилик бўладими ёки чорвачилик бўладими, ундаги маҳсулотларни етиштиришнинг асосий йўналишларидан бири бу, мавжуд муаммоларни ечими бўлиши керак, яъни, у музлатгич ва омборхоналар тизими, логистика ва йўл харажатларининг етарлича ривожланмаганлигидир. Айнан бунинг учун ер ва сув ресурсларининг етарлича эмаслиги, аҳоли сонининг ортиши, қишлоқ хўжалигини ривожлантирилишида янги ме-

тодлар ва қарашларни жалб қилишни, хом ашё тежовчи янги технологияларни жалб этиш, ишлаб чиқариш тизимини ўзгартириш керак.

Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ресурс базасининг ривожланиши қуйидаги омилларга боғлиқ бўлади:

- биринчидан, истеъмолчиларнинг табиий маҳсулотларга бўлган талаби;

- иккинчидан, аҳолининг сотиб олиш қобилиятини ошириш;

- учинчидан, узоқ муддатга мўлжалланган аҳолининг реал даромадларини ошириш;

- тўртинчидан, ички бозор ҳажмини ошириш;

- бешинчидан, ташқи бозорга чиқиш (ташқи бозордаги савдонинг кенгайтирилиши);

Таҳлил натижаларига кўра таклиф сифатида Қашқадарё вилоятида картошка ва узум маҳсулотларини етиштириш ҳамда Сурхандарё вилоятида эса донли экинлар ва полиз экинларини кўпайтириш мақсадга мувофиқ бўларди ва бунинг натижасида вилоятлар ўртасида мутаносиблик таъминланади ҳамда бу орқали хом ашё ресурс базасини кенгайтиришга эришилади. Биз ўйлаймизки, буларнинг барчаси қишлоқ хўжалигини ҳар томонлама ривожлантиришга, биринчи навбатда мева ва сабзавот етиштиришда мустақилликка эришиши кераклиги аграр секторни қайта тузишни тезлаштиришга хизмат қилади.

#### Манба ва адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони. 07.02.2017 й. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги “2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги пқ-2460-сонли Қарори

4. Хушматов, Н.С. Проблемы устойчивого развития экономики хлопкосеющих регионов Узбекистана в условиях маловодья // Достижения науки и техники АПК. - 2002. - N 11. - С. 43-44.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги статистик тўплам. Тошкент, 2016 й.

## ШОЛИЧИЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

### Умурзақов Ўқтам Пардаевич

Тошкент ирригация ва мелиорация институти “Сув хўжалиги иқтисоди” кафедраси профессори, и.ф.д.

### Ибрагимов Абдумалик Гаппарович

Тошкент ирригация ва мелиорация институти “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси доценти, и.ф.н.

**Аннотация.** Мақолада мамлакат шолчилилик хўжалигида сув тақчиллиги шароитида мазкур ресурсдан самарали фойдаланиш ва агротехник тадбирларни кенг қўллаш масалалари ўрганилган ва унинг шолидан юқори ҳосил олишдаги роли, шунингдек, мелиорацияни ва ерни суғоришнинг иқтисодий самарадорлиги очиб берилган.

**Таянч тушунчалар:** озиқ-овқат, шолчилилик, иқтисодий ривожланиш, уруғчилик, суғориш, инновация, агротехник тадбирлар, мелиорациянинг иқтисодий самарадорлиги, шол экини, ҳосилдорлик, суғоришнинг янги технологиялари.

**Аннотация.** В статье изучаются вопросы рационального использования воды в условиях нехватки и широкое применение агротехнических мероприятий в рисоводческом хозяйстве страны, раскрывается их роль в получении высоких урожаев риса, а также изучены условия экономической эффективности мелиорации и полива земледелия.

Иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида турли мулк шаклидаги хўжалик субъектларининг юқори иқтисодий самарадорликка эришишга интилиш йўлидаги фаолияти бозорда истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилар манфаатлари тенглиги, истеъмол бозорида аҳолининг эҳтиёжини сифатли маҳсулотларга бўлган талабини қондириш ва шу орқали уларнинг турмуш шароитини яхшилаш ва фаровонлигини оширишни назарда тутади. Бозорни кенг ассортиментдаги истеъмол товарлари, хусусан озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириб, истеъмолчиларнинг юқори сифатли товар харид қилишлари учун кенг имкониятлар яратиш орқали халқ соғлиғини ва фаровон турмуш шароитини таъминлашдан иборат.

Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол бозорини мамлакатимизда етиштирилган сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлдириш иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бунда, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги экинлари таркибини сув ресурслари миқдорининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда «сув кўп талаб қиладиган» ва «сув кўп талаб қилмайдиган» экинлар ҳисобига, шунингдек, «кўпроқ даромад келтирадиган» экинлар ҳисобига турли вариантларда ўзгартириб бориш масаласи ҳал этилади. Шу борада Республикамиз Президенти Ш.М. Мирзиёев: “...экин майдонлари ва экинлар таркибини оптималлаштириш, илғор агротехнологияларни жорий этиш ва ҳосилдорликни

ошириш...”[1] лозим деб, бу масалага жиддий эътибор қаратди.

Шунинг учун ҳам, озиқ-овқат маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши ва тақлифи фақат юқори даражадаги ижтимоий-иқтисодий аҳамияти билан ўлчанмасдан, балки самарадорлик нуқтаи назаридан ҳам ҳисобга олинади. Бу миллий хавфсизликни таъминлайдиган йўналишлар орасида озиқ-овқат мажмуаси ривожланишини юқори ўринлардан бирига қўяди. Озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишнинг физиологик, тарихий, миллий, ҳудудий, иқлимий, интеллектуал хусусиятларга асосланган чегараси мавжуд бўлиб, бозорларнинг маҳсулотлар билан тўлдирилиши натижасида аҳолининг даромадлари ўсиши кузатилади ва маҳсулотларга талабнинг ортиқча намоён бўлмаслигини кўрсатади. Натижада озиқ-овқат истеъмоли учун сарфланган харажатлар улуши камаяди, даромадлар бўйича салбий эгилувчанлик кузатилади ва бошқа товарларга эътибор қаратилиб, товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш рағбатлантирилади. Бу, ўз навбатида, озиқ-овқат маҳсулотларининг эластиклиги юқори бўлмаслик шарт-шароитларини вужудга келтиради. Айнан шу ҳолат аҳоли истеъмолида муҳим аҳамиятга эга бўлган шол маҳсулотлари учун хос бўлиб, дунёда кўплаб мамлакатлар халқлари унга нисбатан катта эҳтиёж сезишади. Шол дунёнинг 115 дан ортиқ мамлакатларида 151,2 млн. гектарга яқин майдонларда етиштирилади ҳамда қарийб 3 млрд. кишининг асосий

озиқ-овқат манбаи ҳисобланади (1-жадвал).

Жадвалдан кўриб турганимиздек, шили етиштиришнинг ялпи маҳсулоти бўйича жаҳонда биринчи ўринда Хитой (175,7 млн тонна ёки 31,8фоиз), иккинчи ўринда Ҳиндистон (129,2 млн тонна ёки 22,4%), учинчи ўринда Индонезия (53,4 млн тонна ёки 8,5%) туради. Ҳар йили ўртача 600 млн тоннага яқин ялпи шили маҳсулоти етиштирилиб, бу жараёнда Хитой, Ҳиндистон, Индонезия, Филлипин, Таиланд, Япония каби давлатлар етакчилик қилмоқда.

Шили етиштиришдаги энг муҳим ресурс, бу сув ресурси бўлиб, ундан фойдаланиш

ҳамма ерда бир хил кўрсаткичга эга эмас. Хусусан, агар Осиё ва Африка мамлакатларида ҳар бир одамга йилига 150-200 куб метрдан сув сарфланаётган бўлса, саноатлашган давлатларда ушбу кўрсаткич 500-600 куб метрни ташкил этапти. Нью-Йорк, Лос-Анжелес каби шаҳарлар аҳолиси ёз фаслида ичимлик суви билан таъминланишда қийинчиликларга дуч келмоқда. Сўнгги 100 йил ичида сув истеъмол қилиш ҳажми 7 баробарга ошди, экспертларнинг 2025 йилга бориб 3,2 миллиард аҳоли танг аҳволда қолиши ҳақидаги хулосаларини қайд қилиш лозим.

1- жадвал

**Дунё мамлакатлари бўйича шили етиштириш кўрсаткичлари**

	Майдони, мингга	Ҳосидорлик, (т/га)	Ялпи ҳосил (минг. т.)	Экспорт (минг. т.)
Хитой	28232	6.22	175694	1337
Япония	1682	6.27	10547	73
Корея	999	6.47	6459	0
Индонезия	11734	4.55	53404	1
Филиппин	4083	3.49	14266	0
Таиланд	9864	2.63	25966	14985
Вьетнам	7412	4.80	35599	6130
Ҳиндистон	42570	3.03	129167	7192
Покистон	2494	2.96	7387	2734
Миср	643	9,71	6243	1255
Эрон	610	5,37	3277	0
Африка	7991	1,46	11649	153
Лотин Америкаси	5954	3,84	22894	1414
Франция	19	5.68	108	175
Греция	24	7.11	168	58
Италия	223	6.37	1423	1003
Португалия	25	5.47	139	31
Россия	131	3.59	471	5
Испания	119	7.31	867	519
Туркия	72	6.45	462	1
АҚШ	1304	7.55	9839	46002
Ўзбекистон	90	34,2	400	-
Дунё бўйича	151249	3,98	601440	42501


Шуни қайд қилиш лозимки, дунё миқёсида глобал иқлим ўзгариши туфайли, қурғоқчилик кучаймоқда, ерларнинг шўрланиш - чўлланиш даражаси ошиб, ҳосил унумдорлиги пасаймоқда. Бу эса аграр соҳани модернизациялашни тақазо этади. Халқаро сув ре-

сурслари бошқаруви институти мутахассисларининг ҳисоб-китобига кўра, сув истеъмол қилиш ҳажмининг ошаётгани, қолаверса, аҳоли сонининг кўпайиб бораётганлиги туфайли яна 25 йилдан сўнг чучук сув захираси тугаши мумкин. Африка, Осиё қитъасида яша-

ётган 2 ярим миллиард аҳоли ичимлик суви таъминоти бўйича қийинчиликларни бошидан кечирмоқда.

Аҳоли истеъмолида шולי катта аҳамиятга эга бўлиб, у аҳолининг физиологик эҳтиёжини

қондиришда асосий озиқ-овқат манбаи ҳисобланади. 2015 йилда дунё бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган шולי истеъмоли айрим давлатларда расмда кўрсатилгандек ифодаланган.



Расм. 2015 йилда аҳоли жон бошига тўғри келган шולי маҳсулотлари истеъмоли

Расмдан кўриб турганимиздек, шולי маҳсулотлари истеъмолида Вьетнам, Индонезия, Филиппин, Ҳиндистон ва бошқалар юқори ўринларни банд этган ва бу тенденция йилдан-йилга янада ўсиб бормоқда.

Ўзбекистонда ҳам шולי маҳсулоти ҳисобланган гуруч аҳоли истеъмолида алоҳида аҳамиятга эга. Бу ерда ҳам сув танқислигини эътиборга олиб, шуни таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалигида сув сарфини камайтиришнинг устувор равишда иқтисодий услубларини жорий этиш талаб этилади. Яъни, сувдан самарали фойдаланишни рағбатлантириш, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ортиқча сув сарфига йўл қўйилган ҳолатларда жаримага тортиш масалалари кўзда тутилиши лозим.

Маданий шолнинг турли навларида сувга бўлган талаб бир хил эмас, лекин бостириб суғорилгандан кўра қуруқ шароитларда ҳосилдорлиги юқори бўладиган бирон бир нав ҳали мавжуд эмас. Шу аснода вегетация даврининг жуда катта қисмида шолени сув қатлами билан бостириб суғориш асосий агробиологик талаблардан ҳисобланади. Буни шולי экиннинг муҳим ўзига хос жиҳати деб ҳисоблаш зарур.

Бостириб суғоришни бошлашнинг мақбул муддатлари ва доимий сувга бостириб қўйишнинг давомийлиги ҳақида турли фикрлар мавжуд. Бироқ сувга бостиришнинг дастлабки даври чўзилиши вегетацион даврининг чўзилиб кетишига, далада бегона ўтлар

кўпайишига ва шולי ҳосилдорлигининг камайишига олиб келади. А.И.Алтуховнинг таъкидлашича, шולי кўчатлари чиқиш давридан донни бош олиб пишгунча сувга бостирилиши керак, вегетациянинг бошқа вақтида тупроқнинг энг юқори намлиги 2/3 қисми даражасида ушлаб турилиши лозим [2].

Турли ривожланиш босқичларида шולי кўчатининг сувга бўлган физиологик талаби вегетацион давр шароитида кўчат ривожланишининг турли босқичларида ўзгариб турадиган тупроқнинг сув режимини шולי кўчатига таъсирини ўрганишдан иборат бўлади. Махаллий нав бўлган "Арпа-шולי" билан ўтказилган тажрибада тупроқнинг намлиги 3 та даражада: сув қатлами билан бостириб, даладаги тўлиқ тупроқ намлигининг 100 фоиз ва 60 фоизга тенг намлик берилган.

Битта идишлар сериясида кўрсатилган намликнинг ҳар бири бутун вегетацион даврда худди шу даражада ушлаб турилади, бошқа сериялар эса шолнинг ривожланиши босқичлари бўйича ўзгариб туради. Бу мақсад учун шולי ривожланишининг қуйидаги асосий босқичлари келтирилган: экиш-униб чиқиш; униб чиқиш-сийраклатиш, сийраклатиш-пишиш. Айтиб ўтилган 2 та биринчи даврлардан ҳар бирида давомийлик 40 кунни ва сўнгги сийраклатиш-пишиш даври 30 кунни ташкил этади. Тупроқнинг сув режимига боғлиқ равишда шולי гуручи ҳосилдорлиги бўйича маълумотлар 2-жадвалда келтирилган.

**Тупроқ намлигига боғлиқ равишда шоли ҳосили**

Даврларда тупроқнинг сувга бойлиги шароити			Битта ўсимликдан олинди- ган гуруч ҳосили, гр.
Экиш-униб чиқиш	Униб чиқиш сийра- клатиш	Сийраклатиш - пишиш	Бир туп шоли поясида 100- 200 донагача дон етилади
			1000 дона уруғ оғирлигини эса 1, 2-3 граммгача ошириш

Жадвал маълумотларидан кўриб турганимиздек, шоли ўсимлиги униб чиқишдан сийраклатиш даврида тупроқни сувга тўлганлиги шароитига катта талаб қўйилади. Бу даврда сув қатламининг бўлмаслиги шоли ҳосилининг камайиб кетишига олиб келади, бу катта даражада кўчатларнинг бегона ўтлар билан ифлосланиши билан боғлиқ.

Бошоқли экинлар ҳаётидаги энг ёмон давр униб чиқиш даври ҳисобланади, бу даврда ўсимлик энг кўп сув талаб қилади ва сув буғлантиради. Шу аснода улар келтирган маълумотларга мувофиқ буғдой дони ҳосили ривожланиш (униб чиқиш)нинг 1-даврида тупроқ намлиги юқори бўлганда ва қолган даврларда намлик етишмаганда – 28 фоиз, 3 суғориш даврида намлик юқори бўлганда ва дастлабки 2 та даврда намлик етишмаганида – 25 фоиз ва униб чиқиш босқичида юқори намликда 9 фоизни, қолган даврларда намлик етишмаганда мутлақ қуруқ массасининг 52 фоизини ташкил этади.

М.И.Уклонская [3] тажрибаларининг кўрсатишича, шоли бундай ҳолатда униб чиқиш босқичиданоқ тупроқнинг сувга тўлиш шароитига энг кўп талабда бўладиган қолган нон бошоқли экинлари гуруҳидан мустасно ҳисобланади. Буердан турли тадқиқотлар олиб борилган шолени вақти-вақти билан суғориш тажрибаларининг қарама-қарши натижалари тушунарли бўлади. Ўз тажрибаларининг натижаларини келтириб, улардан жуда озчилиги шуни кўрсатдики, суғоришнинг тақвим муддати шолининг ривожланиш босқичлари билан боғлиқ, кўпчилик эса фақат суғоришнинг вегетацион даврида ўтказиладиган констатация миқдори, уларни ўтказиш муддатларига, суғориш сувининг сарфи ва навбатдаги сув қуйиш ўртасидаги оралиқлардаги тупроқни кўриш даражаси билангина чегараланди.

Шолини сув режимини ўрганиш бўйича тадқиқотлар Ф.А.Бараев [4] томонидан амалга оширилган. Бу муаммони ўрганишда Ф.А.Бараев, шундай тахминдан келиб чиқиб, табиатда мавжуд шоли навини 2 та гуруҳга бўлади: қуруқ ва сув бостириладиган навлар, уларнинг ҳар бири қуруқ ва сувга бостиришнинг генотипик белгиларига эканлигини

таъкидлайди. Бу гуруҳнинг жуда яхши ифодаланган вакиллари қаторида у оралиқдаги характерга эга, яъни сувга бўлган талабининг камлиги ёки кўплиги, қурғоқчиликка чидамли ва, ўз навбатида, кўп асрлардан бери турли экологик шароитларда етиштирилганлиги билан боғлиқ бўлганларни ҳам қўшади. Шунга кўра, Ф.А.Бараев, шолининг қуруқ ва сувга бостириладиган навларини физиологик ва биокимёвий ўрганиш бўйича ишларни бошлаб, тупроқнинг сув режими шароитига қараб сув истеъмоли даражаси бўйича навларни таснифлаш мумкин бўлган мезон ёки белгиларни топишни ўз олдига дастлабки вазифа қилиб қўйди.

Улар томонидан ўтказилган дастлабки тажрибалар сув қатлами остидаги шоли уруғ ва кўчатини сув қатламисиз шароитда ўсиши билан қиёслаганда қуйидагиларга олиб келишни исботлаш имкониятини берди:

- \* кислород етишмаслиги туфайли уруғ намлигининг қисман йўқотилиши;
- \* қуруқ модданинг катта қисмини йўқотилиши;
- \* хўл массани секин ўсиши;
- \* фермент аппаратининг эзилган ҳолати;
- \* уруғни ҳам, кўчатни ҳам нафас олиши учун ноқулай шароит.

Сувни сунъий аэрацияси билан ўтказилган қўшимча тажриба шуни кўрсатдики, бундай шароитларда дон бошоғининг эгилиб қолиши фоизи сезиларли даражада ортиб кетади ва униб чиқиш жараёни тезлашади.

Дастлабки тажрибаларнинг тадқиқот объекти қилиб шолининг 2 та нави олинди: "Особий" - сув бостириб суғориладиган ва "Белий" - қуруқ турадиган. Бу навларнинг сувга бўлган талаб даражаси бўйича уларга хос бўлган нам, бундай бўлишини шартли деб ҳисоблаш лозим.

Шу аснода сув қатламининг уруғ униб чиқиш даврида зарарли таъсирини исботланган факт деб ҳисоблаш мумкин. Кейинги тажрибалардан маълум бўлдики, шолининг турли навларида уруғнинг анаэроб нафас олиш жараёни ҳар хил ифодаланади, бу навларда сув қатламида униб чиқаётган уруғнинг эзилиб қолиш даражаси ҳам бир

хил бўлмайди. Ҳаттоки, кичик чуқурликда экилганда тупроқдаги шולי уруғининг униб чиқиш пайтида далада сув қатлами йўқ бўлишининг ижобий аҳамияти аллақачон ишлаб чиқарувчиларга маълум. Бу тажриба ўз вақтида собиқ иттифоқ давлатларида ҳам, хорижда ҳам амалиётда кенг қўлланилган.

Сувга бостирилган тупроқда шолининг ўсиши тўртинчи барг пайдо бўлиши билан сув юзасига чиқади ва фотосинтез жараёнининг ортишига ва нафас олиш жадаллигининг камайишига олиб келади. Бундан шундай муҳим хулоса келиб чиқадики, шולי ўсимлиги тўлиқ сув остида қолгандагина сув қатлами уни эзиб қўяди. Сувга бостирилмаганда шולי ўсимликларидаги меъёрий нафас олиш жараёни ва яхши фотосинтез шароитига қарамай, уларда қуруқ модданинги йиғилиб қолиши тўртинчи барг ҳосил бўлгандан кейин ва айниқса тўпланиш бошланишида сувга бостирилган тупроқдаги ўсимликларга қараганда анча секин боришини изоҳлаш қийин масала. Ф.А.Бараевнинг таъкидлашича, шолида тўртинчи барг пайдо бўлиши билан иккиламчи (қўшимча) илдиз шакллана бошлайди ва у ўсимликнинг ер устидаги органларини сув билан таъминланиши ва озикланишида муҳим роль ўйнайди. Унинг кузатишлари бўйича қўшимча илдизлар тўпланиш иплари етарли даражада намлангандагина (100%) ҳосил бўлиши ва ривожланиши мумкин. Бу тупроқ сувга бостириб суғорилганида амалга ошади. Сувга бостирилмаганда қўшимча томирларнинг пайдо бўлиши кечикади, бу шולי ўсимлигининг ривожланишини тўхтатади, тупроқ намлиги етарли бўлмаганда эса ён томирчалар пайдо бўлиши кўзатилиб, бу томирчалар қўшимча томирлар вазифасини бажара олмайди.

Тўлиқ сувга бостирилган ўсимликларда фотосинтез кескин камайиб, жадал нафас олиш ортади. Бундай шароитда атроф-муҳитда кислород етишмаслиги келиб чиқади, бу сув ҳароратини орттириб, майдон бирлиги ҳисобига кўчатлар қалинлигини орттиради. Натижада шולי ўсимликларининг қисман нобуд бўлиши кузатилади, сувга бостирилганда нобуд бўлган ўсимликлар сони униб чиқиш экиш пайтидан бошлаб сувга бостирилган шароитда ривожланаётган кўчатлардагидан ҳар доим юқори бўлади. Бу ҳолат сувсиз ривожланаётган ўсимликларни кейинги бостириб суғориш шароитига мослашмаганлигини кўрсатади. Майсалар сув қатламидан чиқиб турадиган узунликка етгандагина, келгусида улар меъёрида ривожланади ва тўпланиш бошланишида сувга бостирилмаган тупроқда ривожланаётган майсалар кўп бўлади. Шу асосда қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- ҳар қандай нав уруғининг униб чиқиши ва шולי майсасининг дастлабки ривожланиши сувга бостирилган тупроқдагидан кўра бостирилмаган тупроқда яхши бўлади: бу жиҳатдан шולי ўзининг уч баробар максимал гигроскопиклигида паст бўлмаган тупроқ намлигида тез униб чиқа оладиган бошқа маданий ўсимликлардан алоҳида фарқланмайди;

- майсани сув юзасига чиқиши билан ўсимликда кудук массанинги йиғилиши тезроқ кечади ва тўпланиш бошланишига келиб бундай ўсимликнинг оғирлиги сувга бостирилмай ривожланган майсаникидан юқори қийматга эришади;

- сув қатламисиз пайдо бўлган шולי майсани сувга бостириш атроф-муҳитда кислород етишмаслиги туфайли майсаларнинг қисман нобуд бўлишига олиб келади;

- сувга бостирилган жойдан чиқиб турадиган узунликка эга майсалар келгусида тўлиқ меъёрда ривожланади;

- шולי ривожланишининг бошланғич босқичидаги тупроқнинг сув режими қуйидагича бўлиши керак: уруғ униб чиқиши ва тўртинчи барг пайдо бўлгунча майсаларнинг ривожланиш даврида сув қатламининг бўлмаслиги ва шу вақтдан бошлаб шולי майсалари узунлигини 2/3 қисмидан ортмайдиган қилиб сув қатлами билан бостириш; дастлабки даврда сувга бостирмаслик экишга яроқли уруғлар нисбатан минимал нобуд бўлганда шולי майсаларини тез ва бир хил униб чиқишига имкон яратади, 2-даврда сув қатламининг бўлиши (шолида тўртинчи баргнинг пайдо бўлиши билан) ўсимликнинг ер усти органлари ривожланишида муҳим роль ўйнайдиган қўшимча илдизларнинг пайдо бўлишини таъминлайди.

Таъкидлаш лозимки, бу фактнинг пародоксаллиги чучук сизот сувларига эга шўр ерларда Ўзбекистон шоликорлари кўпинча шолини сувга бостирилган тупроққа экишади. Шундай фактлар биз томонимиздан 2015-2016 йилларда Тошкент вилояти Ҳамкор номидаги шоличилик хўжалигида аниқланди. Бу хўжаликнинг шоликорлари шолини сувга қўл билан экишга мажбур бўлишди, негаки машинада экиш учун тупроқни қурита олишмади.

ЎЗНИИР томонидан таклиф қилинган суғориш режимининг асосий ҳолатлари (ЎЗНИИРнинг муаллифлар жамоаси) қуйидагиларга олиб келади:

1. Шўрланмаган ва кам шўрланган тупроқларда шולי майсаси униб чиқиши давридаги сув режими:

а) 1-2 см дан кам бўлмаган чуқурликда машинада тупроқни меъёрида ёпиб экилганда экишдан кейин далада дарҳол 5-10 см чуқурликдаги сув қатлами бостирилади, сув

3-4 кунда ерга сингиб кетади ва майсалар сув қатламисиз униб чиққандан сўнг дала такро-ран сувга бостирилади.

Гербецидлар қўлланмайдиган участкаларда майсалар униб чиққандан кейин сувга бостириш 25 см.га етказилади ва уни 7-8 сутка ушлаб турилади. Курмаклар нобуд бўлгандан кейин сув 10-12 см.гача камайтиради. Майсаларга гербецидлар билан ишлов бериш сув қатламисиз амалга оширилади, кейин эса 10-12 см.дан баланд бўлмаган даражада сув бостирилади;

б) Қўлда ва машинада тупроқни меъёрда ёпмай уруф экилганда майсалар 5-6 см.дан ортиқ бўлмаган сув қатлами остида олинади, кейин эса курмакларга қарши курашиш усулига қараб сув даражаси оширилади;

в) 4-5 см чуқурликда уруғни меъёрдаги тупроқ билан ёпиб, машина билан эрта экилганда ва тупроқнинг табиий намлиги билан майсалар ундириб олинганда, сувга бостиришнинг дастлабки қатлами шолининг барг юзасини ёпмаслиги керак. Ўсимликнинг бўйига қараб сув чуқурлиги 10-12 см.гача етказилади. Бу усул, албатта, бошоқли экинларга қарши гербецидларни қўллаш билан олиб борилади ва бегона ўтларга қарши курашишнинг фаол агротехник усуллари фониди тавсия этилади;

2. Ўртача ва кучли шўрланган тупроқларда:  
а) юза қисмида сув ташлама билан ҳар

2-3 суткада вақти-вақти билан доимий сув бостириб суғориш тавсия этилади. Сув ташлаш миқдори экишдан тўплаш бошлангунча тупроқнинг шўрланиш даражасига қараб 2-4 марта бўлиши мумкин. Сув қатлами экишдан униб чиқиш давригача 5-6 см.дан ошмаслиги керак.

2. Тўплаш даврида шўрланган ерларда ҳам, шўрланмаган ерларда ҳам сув қатлами 5-6 см.дан ошмайди, труба бўлиш ва гуллаш фазасида 10-12 см бўлади.

Ўзбекистон Республикасида шולי экадиган туманлар учун тавсия қилинадиган сув режими тизимининг таҳлили шундан далолат бермоқдаки, унда суғориш сувидан оқилонга фойдаланиш бўйича чоралар кўрилмаган. Ҳаттоки, шўрланмаган тупроқда уруғни чуқур тупроқ билан ёпиб, эрта экилганда ҳам майсалар униб чиқиши билан дарҳол дастлабки сув бостириш назарда тутилган. Бир томондан, йилдан-йилга тупроқнинг тез шўрланиши таъкидланса, иккинчи тарафдан, шолиторлар қаттиқ туриб шолини доимий бостириб суғориш билан маҳсулот етиштиришни давом эттиришмоқда.

Бундай таклифлар қаторига шולי карталарини сувга бостириб қуйиш муддатларини қисқартириш, бевосита шולי далаларида антифилтрацион тадбирларни қўллаш, сув юзасини ташлашдан воз кечиш, вақти-вақти билан намлантириш ва бошқалар киради.

#### Манба ва адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси.//Халқ сўзи. 2017 йил, 16-январь.

2. Алтухов А.И. Национальная продовольственная безопасность: проблемы и пути их решения: Монография. - Москва: ФГУП «ВО Минсельхоза России», 2006. – 159 с.

3. Уклонская М.И. Экономический механизм инновационного развития агро-промышленного производства: Монография. 2011. – М.: ЭКСМО, 2012. - 124с.

4. Бараев Ф.А. Водосберегающие технологии и оптимальные мелиоративные режимы на рисовых чеках. Ташкент, Мехнат, 1988.

5. Хамраева С.Н. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантириш йўналишлари. Монография. –Т., «Фан ва технология». 2010. – Б.138.

6. Раҳимбоев Ф., Хамидов М. Қишлоқ хўжалиги мелиорацияси. – Т.: «Ўзбекистон». 1996. - 248-252 бб.

7. Ткач А.В. Сельскохозяйственная кооперация: учебное пособие. –М.: Дашков и Ко, 2006.

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Нуримбетов Тимур Узакбергенович

Катта илмий ходим изланувчи, Қорақалпоқ давлат университети

**Аннотация.** Мазкур мақолада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялашнинг замонавий хусусиятлари, уни татбиқ этиш заруратини белгилаб берувчи сабаб ва омиллар очиб берилган. Диверсификациялаш сиёсатига таъсир этувчи омиллар тизимлаштирилиб, қишлоқ хўжалиги корхоналарини диверсификациялаш сиёсатини амлга оширишнинг умумий алгоритми таклиф этилган. Тадқиқот натижалари ишлаб чиқариш таркиби ва технологияларини модернизация қилиш, товар ассортиментини кенгайтирган ҳолда ички ва ташқи бозорларга чиқиш йўли билан қишлоқ хўжалиги корхоналарининг рақобат устунлигини таъминлаш ҳамда диверсификациялаш стратегияларини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

**Таянч тушунчалар:** Қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, рақобатбардошлик, диверсификациялаш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, диверсификациялаш сиёсати.

**Аннотация.** В данной статье раскрыты современные особенности диверсификации сельскохозяйственного производства, основные мотивы и силы стимулирующие диверсификационной деятельности в отрасли. Систематизированы факторы, влияющие на диверсификационную политику и предложен общий алгоритм проведения диверсификационной политики сельхозпредприятий. Результаты исследования служат обеспечению конкурентных преимуществ сельскохозяйственных предприятий путем модернизации структуры и й производства, увеличения с выходом на внутренний и внешний рынок, а также разработке стратегии диверсификации.

**Ключевые слова:** Сельское хозяйство, продукция сельского хозяйства, конкурентоспособность, диверсификация, диверсификация производства, диверсификационная политика.

Иқтисодий эркинлаштириш шароитида аграр соҳанинг ривожланиши иқтисодий ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқлари ривожланиши билан ўзвий боғлиқ бўлиб, унга ушбу тармоқлар томонидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва уларни қайта ишлаш орқали саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатига қўйиладиган талаблар билан бир қаторда, соҳанинг ўзини ўзи ривожлантира олиш имкониятлари, яъни етарлича даромад олиши ва унинг ҳисобидан соҳага инвестициялар жалб қила олиш талаблари қўйилади.

Аграр саноат мажмуининг ишлаб чиқариш тизимидаги аҳамияти қуйидаги бир неча белгилар билан аниқланади:

- мамлакат иқтисодийига бевосита таъсири;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг тармоқлараро аҳамияти;
- республика аҳолисининг асосий қисми қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилиши сабабли, аграр соҳада тадбиркорликни ривожлантиришда ижтимоий манфаатнинг устуворлиги.

Шу нуқтаи назардан, аграр ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларини изчиллик билан тадқиқ этиш соҳада тадбиркорлик субъектлари ҳамда уларнинг ташкил топиш жа-

раёни ва ривожланиш босқичларини аниқлаб бориш имконини беради.

Авваламбор, аграр секторда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мутлақ мустақилликка интилиш, бир корхона доирасида бир неча фаолият турлари билан шуғулланиш имкониятлари ҳамда бир маҳсулот ишлаб чиқариш моделига доимо таяниб бўлмаслиги каби ўзига хос хусусиятлар билан ажралиб туради.

Қуйидаги шарт-шароитлар:

- қишлоқ хўжалигида технологик қуролланиш даражасининг индустриал тармоқларга нисбатан пастлиги;
- юқори малакали кадрларнинг индустриаллашган ҳудудларга миграциянинг юқорилиги туфайли, қишлоқ ишлаб чиқаришининг бундай кадрлар билан етарли даражада таъминланмаганлиги;
- қишлоқ тадбиркорларида бозор муносабатларига оид зарур билим, тажриба ва кўникмаларнинг етарли эмаслиги;
- қишлоқ хўжалиги субъектларида ўзини ўзи ташкил этиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимидан самарали фойдалана олмаслик;
- аксарият аграр соҳа тадбиркорлик тузилма-



ларининг маҳаллий бозорлар билан чекланиши, халқаро бозорларга чиқа олмаслиги;

- бозор ҳолати ва конъюнктураси тўғрисида етарли ахборотга эга эмаслик;

- тор йўналишларда маслаҳат ва таълим хизматларини кўрсатиш ҳажми ва сифатининг етарли эмаслиги ва бошқалар қишлоқ хўжалиги субъектлари фаолиятида хўжалик юритиш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ тадқиқотларни олиб боришни долзарб қилиб қўймоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми, турлари ва истеъмолнинг ортиб бориши, рақобатнинг кучайиши бозорнинг маълум бир улушига эга бўлиш учун соҳа корхоналари фаолиятида хўжалик юритишнинг замонавий усуллари қўллаш асосида ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш, бошқарув қарорларини қабул қилиш заруриятини келтириб чиқаради. Шундай йўналишлардан бири ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ҳисобланиб, уни энг аввало, соҳа корхоналари рақобат устунлигини таъминлаш, уларнинг табиий ресурслар (ер ва сув) ҳамда ўз иқтисодий, молиявий ва маънавий салоҳиятларидан максимал фойдаланиш ҳисобига рақобатдошликка эришишни таъминловчи тадбирлар мажмуаси сифатида эътироф этиш мумкин. Демак, рақобатдошлик намоён бўлишининг асосий йўналишларидан бири – рақобатчиларникига ўхшаш маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришдир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорининг муайян сегментда рақобат устунликлари ҳисобига сотувлар ҳажмини кенгайтириш ўзгарувчан конъюнктурага мослашувга имкон яратади.

Бугунги кунда замонавий корхоналарнинг стратегик мақсади шунчаки даромад олиш эмас, балки кўпроқ истеъмолчилар ишончини қозониш ва уларнинг талабларини мумкин қадар тўлиқ қондиришга эришиш ҳисобланади. Бунинг учун маҳсулотнинг ҳаётий цикли қонуниятлари асосида унинг ассортиментини тезкор диверсификациялаш имкониятига эга бўлмоқ лозим. Бунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар хилма-хиллиги корхонанинг моддий-техник даражаси билан белгиланиб, доимий равишда қулай бозорларни излашга қаратилган ўзини-ўзи ташкил этиш корхона фаолиятининг асосий мезони – бозорда жон сақлаб қолиши ва ривожланишини таъминлайди.

Иқтисодий атамашуносликда “диверсификациялаш” – ишлаб чиқаришда янги йўналишларни очиш ёки маҳсулотнинг янги турларини яратиш билан боғлиқ жараён сифатида талқин қилинади. Яъни, диверсификациялаш – бир-бири билан технологик жиҳатдан боғлиқ ёки боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш турларини бир вақтда ривожланиши ва маҳсулот турлари-

нинг кўпайишидир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялаш деганда, бир ёки бир неча хилдаги турдош маҳсулотни ишлаб чиқаришга таянган ишлаб чиқариш тузилмасидан, бир неча йўналишни ўз ичига олган, кенг турдаги ишлаб чиқариш тузилмасига ўтиш тушуниш мумкин.

Бир томондан, диверсификациялашга янги соҳаларни ўзлаштириш орқали корхонани ривожлантириш усули сифатида қаралса [4], иккинчи томондан, янги технологияларни жорий қилиш, янги бозорларга кириб бориш ва янги маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб бериш жараёни сифатида ҳам қаралади. Албатта бу тадбирлар ҳаммаси инвестицияларни талаб этади. Шундай экан, диверсификациялаш корхона стратегиясини ўзгартириш ва унга эришининг асосий воситаларидан бири бўлиб юзага чиқади [3].

Олиб борган тадқиқотларимиз натижасида қишлоқ хўжалиги корхоналари ишлаб чиқаришини диверсификациялашни уч асосий гуруҳга бўлиб ўрганиш илмий-амалий аҳамият касб этади деб ҳисоблаймиз (1-расм):

1) ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш жараёни;

2) янги фаолият турларини ўзлаштириш жараёни;

3) капитал таркибининг ўзгартирилиши ва кенгайтирилиши.

Диверсификациялашнинг стратегик афзалликлари бир неча омиллар билан таърифланади. Улардан энг муҳимлари қуйидагилар:

- синергизм салоҳияти – бу бошқарувнинг ягона тизими ҳамда назорат ва мувофиқлаштириш ҳисобига турли фаолият турларининг ўзаро бирлашувида кузатилувчи харажатларнинг қисқариши, шунингдек, капитал айланмасининг тезлашуви натижасидир;

- агробизнесни ахборотлар билан таъминланиш ҳолатини яхшилаш, маркетинг тадқиқотларининг интеграцияси;

- ишга оид алоқаларнинг доимийлиги, етказиб бериш кафолати ва турғунлиги ўз навбатида, маркетинг ва рекламага харажатларини тежаш имкониятини беради;

- технологиялар ўзгариши ҳисобига технологик ютуқ ҳамда ИТКТИни ҳамкорликда бажариш учун қулай шароит яратади;

- таъминот каналлари, маркетинг, хизмат ва сифат даражасини ошириш бўйича бажариладиган иш ҳисобига маҳсулотларни солиштириш имкониятлари яратилади [7].

Шунингдек, диверсификациялаш эҳтимолдан йироқ бўлмаган рискларни ҳисобга олиш билан боғлиқ манتيқий характерга эга бўлиши шарт. Диверсификациялаш фаолиятини, бир томондан стратегик салоҳиятни амалга ошириш эҳтимоли билан, бошқа томондан эса

мувозанатлашган иқтисодий ва технологик натижаларга эришиш йўли сифатида қабул қилиш керак. Бунда учта асосий муаммо юзага келади:

- янги бозорларга чиқиш харажатиининг юқорилиги;
- шериклар танлаш ва диверсификациялаш-

да мувозанатлашув ҳамда юқори мослашувчанликни корхона фаолиятига жалб этиш зарурияти;

- диверсификациялашнинг барча босқичларида инновацияларни татбиқ этиш.



Манба: Муаллиф инланмаси

**1-расм. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни диверсификациялаш моҳиятини ўрганишга бўлган ёндашувлар**

Диверсификациялаш фақатгина корхонанинг қуйидаги тузилмавий бўлимлари мавжудлигида муваффақиятли бўлиши мумкин [7]:

1. Мавжуд тузилма ва ишлаб чиқариш бўлимларининг имкониятлари доимий қидирувини амалга ошириш. Бу табиий равишда фаолиятнинг янги шакллариини ўзлаштиришга олиб келади.

2. Янги тадбиркорлик тузилмасини ташкил қилиш имкониятларини баҳолаш. Бир қатор тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, мўлжалланаётган фаолият соҳаси диверсификациялашга қадар жозибадор бўлиши шарт эмас. Янги соҳага тўлиқ иқтисодий салоҳиятни аниқлашга қадар ўтиш.

3. Диверсификациялашни амалга оширишда, асосий бизнес фаолиятида тўпланган амалий тажрибадан фойдаланиш. Бунда асосий мақсад қишлоқ хўжалиги корхонасининг кучайтирилган салоҳиятини шакллантиришдир.

4. Корпоратив бошқарув механизми (ходимларни рағбатлантириш, ҳудудий бўлинмаларни

ташкил этиш, корпоратив маданиятни ривожлантириш) ҳисобига ҳамкорликнинг ўзига хос жиҳатини ифодалаш, диверсификациялаш таъсирида корхонанинг пароканда бўлишига йўл қўймаслик мақсадида ходимлар ва корхона орасидаги ўзаро горизонтал боғлиқликни янада соддалаштириш учун мукамал асос яратиш.

Ҳар қандай соҳа корхоналари каби қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялашни келтириб чиқарувчи сабаблари бор бўлиб, уларни умумлаштирган ҳолда қуйидагича тизимлаштириш мумкин:

- тармоқнинг соҳа ва ҳудудлар кесимида нотекис ёки номуаносиб ривожланиши;
- фаолият ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларида рентабеллик ёки фойда даражасининг турличалиги;
- илмий-техникавий тараққиёт;
- ишлаб чиқариш тежамкорлигини таъминлаш;
- иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши ва кластерли иқтисоднинг шаклланиши;

- барча соҳаларда кескин рақобат муҳитининг шаклланиши;  
 - корхона ва ташкилотларнинг бозор улушини кенгайтиришга интилиши;  
 - молиявий мустақилликка эришиш;  
 - корхонанинг ишбилармонлик нуфузи ва имижини оширишга интилиши ва бошқалар.

Юқоридаги фикр - мулоҳазаларимизни умумлаштириган ҳолда хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳар қандай корхонада ишлаб чиқаришни диверсификациялаш алоҳида ўзига хос хусусиятга эга бўлса-да, умумиктисодиётни диверсификациялашнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Ўз навбатида, диверсификациялаш рақобат устунлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш таркибини модернизация қилиш ҳамда техник янгилаш орқали маҳсулотларнинг янги турлари билан ички ва ташқи бозорларга чиқиш каби иқтисодиётнинг устувор вазифалари ечимини ижобий ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади. Бунда натижадорлик юритиладиган диверсификациялаш сиёсатига бевосита боғлиқ.

Диверсификациялаш сиёсати ўз навбатида, стратегияни ишлаб чиқишни, бозорни таҳлил қилиш ва маркетинг операцияларини ўз ичига олувчи бир неча босқичлардан иборат (2-расм).



Манба: Муаллифлар ишланмаси

**2-расм. Қишлоқ хўжалиги корхонаси диверсификациялаш сиёсатини амалга оширишнинг кўп босқичли умумий алгоритми**

Замонавий диверсификациялаш сиёсати янги маҳсулотлар ва янги технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни бозорда сотиш учун маркетингнинг прогрессив усулларида фойдаланиш билан боғлиқ бўлиб, истеъмолчилар талабини тўлиқ қондириш ҳамда янги бозорларни эгаллаш имкониятини беради.

Диверсификациялаш сиёсатининг натижадорлигини самара келтирувчи маҳсулотлар,

хизматлар ва жараёнларда турли даражадаги ўзгаришлар сифатида кузатиш мумкин.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, технологиянинг ривожланиши янгича бошқарув ҳамда маркетинг сиёсати билан биргаликда бориши лозим. Ушбу чора-тадбирлар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин [1]:

1. Технологик инновацияларни юритиш шакллари ва янги бозорларни эгаллаш.

2. Истеъмолчилар фаоллигини рағбатлантиришнинг янги усуллари ишлаб чиқиш.


3. Комбинациялашган диверсификациялаш.

Изланишларимиз шуни кўрсатадики, диверсификациялаш сиёсатига маркетинг сиёсати концепцияси асосида корхонанинг рақобатдошлик стратегиясини шакллантириш сифатида қараш мумкин. Демак, қишлоқ хўжалиги корхоналари диверсификациялаш сиёсатини бошқаришга маркетинг стратегияси орқали ёндашилиб, бунда асосан, маҳсулот етиштирувчи, ишлаб чиқарувчи ҳамда истеъмолчи нуқтаи назаридан ўрганилади [2].

Диверсификациялаш сиёсатининг муҳим шаклларида бири - стратегик ҳамда тезкор сиёсат юритилиши ҳисобланади.

Омилларни бир бирига қарама-қарши икки йўналиш бўйича таснифлашни мақсадга мувофиқ деб топдик. Ўз навбатида, тизимга нисбатан бундай омилларни ички ва ташқи омил сифатида қараш мумкин.

Ушбу икки гуруҳ омилларининг ўзаро таъсири қанчалик бир-бирига мутаносиб бўлса, корхонанинг рақобат устунлиги кучаяди, бир-бирини инкор этса, аксинча таъсир кўрсатади. М.Портер [6] корхонанинг ички ва ташқи бозорлардаги рақобат устунлиги, корхона жойлашган мамлакатда шаклланган шароитларга юқори даражада боғлиқ, яъни ишчи кучининг мавжудлиги, табиий ресурсларининг кўплиги, давлатнинг маҳаллий корхоналарга нисбатан протекционистик сиёсати, корхоналарни бошқарув



Манба: Муаллиф ишланмаси.

**3-расм. Қишлоқ хўжалиги корхонаси диверсификациялаш сиёсатига таъсир этувчи омилларининг гуруҳланиши**

амалиётидаги фарқлар ва бошқа омилларга боғлиқлигини асослаб берган. Бироқ, кўриб ўтилган омиллардан алоҳида олинган ҳеч бири корхонанинг рақобатдаги муваффақиятини белгилаб беролмайди, деган хулосага келади. Олимнинг фикрича, рақобатдошлик ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги принципига асосланади ва бу принцип корхона даражасига ҳам, мамлакат иқтисодийёти даражасига ҳам бирдай тааллуқлидир.

Бир қатор иқтисодчилар [5, 8] рақобат муҳитидаги корхона муваффақиятининг асосий омилларига корхонанинг молиявий ҳолатини; илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари учун шароитлар мавжудлиги ҳамда уларга сарфланадиган харажатлар даражаси; илғор технологияларнинг мавжудлиги; юқори малакали кадрлар билан таъминланганлик даражаси; маҳсулот ва нархни ўзгартириш қобилияти; савдо тармоғининг мавжудлиги; техник хизмат кўрсатиш ҳолати; кредитлаш имконияти; реклама ва савдони рағбатлантириш воситаларининг амалийлиги; ахборот таъминоти; асосий харидорларнинг тўлов қобилиятларини киритадилар.

Диверсификациялаш сиёсатининг таркибий қисмларидан бири баҳо сиёсатини тўғри белгилай олиш рақобат устунлигини кучайтиради:

а) ресурс тежамкорлигига эришиш, яъни рақобатчиларга нисбатан маҳсулотни етиштириш ва қайта ишлаш харажатларини камайтириш;

б) ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш;

в) бир вақтнинг ўзида маҳсулот таннархини пасайтириш, унинг ҳажми ва ассортиментини оширишга эришиш.

Ҳар учала ҳолатда ҳам баҳо ижобий таъсир этувчи ҳосилавий омил бўлиб юзага чиқади.

Қишлоқ хўжалиги корхонаси диверсификациялаш сиёсати самарадорлигини таъминловчи омилларини таснифлаш тизимида бўлган умумий талабларни қуйидагича ифодалаш мумкин:

- таснифлаш тизими омиллар гуруҳларининг мумкин қадар тўлиқроқ рўйхатини қамраб оли-

ши;

- корхонада ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқарув тизимининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиши;

- жараёнларнинг динамиклиги туфайли янги омилларни киритиш ҳисобига тизимни кенгайтириш имконини таъминлаши лозим.

Ушбу тадқиқот вазифаларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги корхонаси диверсификациялаш сиёсатига таъсир қилувчи ташқи ва ички омилларини гуруҳларга ажратиш таклиф қилинади (3-расм).

Самарали диверсификациялаш сиёсатини юритиш, омилларнинг корхона амалий фаолиятида қанчалик самарали қўлланилишига боғлиқ бўлади. Бироқ, ушбу омилларнинг барчасини ҳам миқдоран баҳолаб бўлмайди, бу уларни жамланма баҳосини ҳисоблашни мураккаблаштиради. Бу мавжуд шароитларга мос бўлган кўрсаткичларни ишлаб чиқишнинг замонавий услубларини қўллаш заруриятини келтириб чиқаради.

Хулоса сифатида қайд этиш мумкинки, ҳеч бир корхона ишлаб чиқариш фаолиятини диверсификациялашсиз барқарор ўсиш суръатларига эга бўла олмайди. Яна шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, диверсификациялаш стратегияси доимий равишда ўзгартирилиб ва такомиллаштириб борилиши зарур. Янги вазиятга мослаштириш ишлари умумий ҳолда қуйидаги тадбирларни ўз ичига олиши мумкин:

– маҳсулотни табақалаштириш;

– технологияни ва маҳсулотни такомиллаштириш;

– янги сотиш тизимини ва каналларини яратиш, тажриба самарасини инобатга олиш;

– янги истеъмолчилар сегментларини топиш, фаолиятнинг географиясини кенгайтириш;

– баҳо пасайишига сезгир харидорларни ўзига жалб қилиш учун чегирмалар жорий этиш.

#### Манба ва адабиётлар:

1. Антипов А. Ю. Инновационная деятельность как фактор конкурентоспособности фирмы / А.Ю. Антипов, А.А. Балашов // *Маркетинг и маркетинговые исследования*. – 2009. – №3 – С. 212 - 221.
2. Демченко А. Маркетинговые инновации в условиях кризиса. / А.Демченко // *Маркетинг*. – 2009. – №1 – С. 44 - 50.
3. Зиядин С.Т. Инновации, их разработка и внедрение // *Общество и экономика*. – 2013 – № 11-12. – С. 184-189.
4. Котлер Ф. *Маркетинг XXI века. Маркетинг от А до Я. Новые маркетинговые технологии. Десять смертных грехов маркетинга: пер. с англ./под ред. Т.Р. Тэор*. – СПб.: Нева, 2005. – 432 с.
5. Миронов М.Г. *Ваша конкурентоспособность*. – М.: Альфа, 2004.
6. Портер М.Е. *Конкурентное преимущество: как достичь высокого результата и обеспечить его устойчивость / Пер. с англ, Е. Калинина*. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2005. – 714 с.
7. Просветов Г.И. *Стратегия предприятий. Учеб. пособ.* – М.: «Альфа-Пресс», 2010. – 84 с.
8. Фатхутдинов Р.А. *Управление конкурентоспособностью организации*. – М.: Эксмо, 2004. 54 с.

## ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ

### ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МОДЕЛЛАРИ

Акратова Шахноза Ганишеровна

Сектор мудирини ўринбосари, ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодийини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази

**Аннотация.** Мақолада меҳнат ресурсларини шакллантиришнинг демографик омилларига эътибор қаратган ҳолда, ушбу жараённинг назарий жиҳатлари кўриб чиқилган. Турли мамлакатларда меҳнат ресурслари шаклланишининг асосий манбаларини тизимлаштириш натижа-сида меҳнат ресурсларини шакллантириш моделлари таклиф этилган.

**Таянч тушунчалар:** меҳнат ресурслари, меҳнат ресурсларининг шаклланиши, меҳнат ресурсларининг такрор барпо бўлиши, институционал ёндашув, институционал модель, демографик сиёсат, миграция сиёсати.

**Аннотация.** В статье рассматриваются теоретические аспекты формирования трудовых ресурсов, акцентируясь на демографических факторах этого процесса. В результате систематизации основных источников формирования трудовых ресурсов в зарубежных странах, предложены модели формирования трудовых ресурсов.

**Ключевые слова:** трудовые ресурсы, формирование трудовых ресурсов, воспроизводство трудовых ресурсов, институциональный подход, институциональная модель, демографическая политика, миграционная политика.

Меҳнат ресурслари ижтимоий-иқтисодий муносабатларининг, хусусан меҳнат муносабатларининг ажралмас қисми ҳисобланади. Меҳнат ресурслари асосий ишлаб чиқариш омиллари қаторидан жой олган бўлиб, уларсиз аҳоли эҳтиёжларини қондириш ва бошқа ҳар қандай иқтисодий масалаларни ҳал этиб бўлмайди. Меҳнат ресурслари дейилганда мамлакат аҳолисининг жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи ҳисобланган, ўзининг руҳий-физиологик ва интеллектуал хусусиятлари туфайли моддий ва маънавий неъмат ва хизматларни ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этиб, жамият учун фойдали меҳнат фаолиятида қатнаша оладиган қисми тушунилади.

Бугунги кунга келиб меҳнат ресурслари категориясининг моҳияти борасида аниқлаштириш ва тизимлаштиришни талаб этадиган кўплаб ёндашувлар мавжуд.

“Меҳнат ресурслари” атамаси илк бор 1922 йилда С.Г.Струмилин томонидан марказлашган бошқарувни амалга ошириш мақсадида 16-59 ёшдаги ишчи кучини англатувчи категория сифатида ишлаб чиқилган. Унга кўра, меҳнат ресурслари дейилганда мамлакат меҳнат салоҳиятини тавсифловчи ишчи кучи назарда тутилган [2]. Хорижий адабиётларда бу тушунчага мос келадиган термин сифатида “инсон ресурслари” тушунчаси ишлатилади.

Меҳнат ресурсларини миқдорий жиҳатдан

баҳолаган Т.И.Заславскаянинг фикрича, “меҳнат ресурслари бу муайян ишлаб чиқариш муносабатлари, шунингдек ишлаб чиқариш кучларининг муайян даражаси доирасида ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этиш лаёқатига эга бўлган жамият аъзоларининг йиғиндиси” [3, 27-б.].

Адабиётларни таҳлил қилиш натижасида меҳнат ресурсларини тавсифлашга нисбатан шартли равишда учта ёндашувни ажратиш мумкин. Булар: миқдорий (С.Г.Струмилин, Т.И.Заславская ва бошқалар [2,3]); сифатий-миқдорий (Ю.Г.Одегов, Г.Г.Руденко ва бошқалар [4]); иқтисодий (Г.С.Вечканов [5]).

Ўз навбатида, меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва ривожланиши бир қатор омиллар таъсирида юз бериб, шундай омиллар қаторидан жой олган демографик омил меҳнат ресурслари такрор барпо бўлишининг асосий шarti ҳисобланади.

Ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг асосида инсон туради. Мамлакат аҳолиси сони ва сифатининг ўзгариши ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларига ўз таъсирини кўрсатади. Иқтисодий демография йўналишининг йирик намоёндаси ҳисобланган Б.Ц.Урланис аҳоли билан иқтисодий ўртасидаги муносабатларни изоҳлаб, иқтисодий омиллар демографик жараёнларни ҳал қилишнинг муҳим шarti

бўлса, демографик жараёнлар ҳам ўз навбатида иқтисодий жараёнларнинг боришига таъсир этмасдан қолмайди, дейди [6, 8-бет].

Аҳоли сонининг ўзгариши ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги муносабат иқтисодчилар ва демографлар томонидан бир неча ўн йилликлар давомида ўрганиб келинмоқда. Бунинг натижасида учта муқобил қараш шаклланди, яъни аҳоли сонининг ўсиши иқтисодий ўсиш учун замин яратади, аҳоли сонининг ўсиши иқтисодий ўсишга тўсқинлик қилади ва бу иккала ҳодиса бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳодисадир [7]. Ҳар бир қарашнинг намоёндалари ўз фикрини исботловчи исбот ва далилларни келтиради.

Меҳнат ресурсларининг ҳаракатланиши мураккаб ижтимоий-демографик ва иқтисодий жараёндир. Уларнинг шаклланиши такрор барпо бўлиш жараёнининг таркибий босқичи бўлиб, уни бир бутун жараён кўринишида таҳлили этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Меҳнат ресурслари такрор барпо бўлишининг моҳияти ва қонуниятларини англаш учун уларнинг босқичлар бўйича ҳаракатини тушунишни талаб этади.

1. Меҳнат ресурсларининг шаклланиши – меҳнат ресурслари сонининг доимий янгилашиб бориши жараёнидир. Меҳнат ресурсларининг шаклланиши, авваламбор, аҳолининг, янги авлоднинг табиий такрор барпо бўлишини ҳамда уларда меҳнат қилиш қобилиятнинг шаклланиши ва ривожланишини назарда тутаяди. Меҳнат ресурсларининг шаклланиши билан боғлиқ муаммони ҳал этишнинг долзарблиги шундан иборатки, мамлакат ва минтақа миқёсида шаклланган меҳнат ресурсларининг фонди ўзининг миқдорий ва сифатий хусусиятлари билан мамлакат иқтисодий салоҳиятига тўлиқ мос тушиши лозим. Бунда миграция жараёнларини ҳисобга олиш жуда ҳам муҳимдир.

Меҳнат ресурсларининг шаклланишини тадқиқ этиш мамлакат миқёсида, авваламбор, аҳоли ва меҳнат ресурсларининг такрор барпо бўлишини белгилаб берувчи омиллар, тенденциялар, шарт-шароитлар, ўзига хос хусусиятлар ва қонуниятларни аниқлашни ўз ичига олади. Меҳнат ресурслари шаклланишининг механизмини аниқлаш, ушбу тизимни бошқариш амалиётини такомиллаштиришнинг самарали усули ва воситаларини аниқлаш имконини беради.

2. Тақсимлаш босқичи меҳнат ресурсларининг минтақалар, фаолият соҳалари, тармоқ ва ташкилотлар бўйича жойлаштирилишини назарда тутаяди. Меҳнат ресурсларининг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, уларни товар ёки ускуналар каби тўплаш мумкин эмас, балки шаклланиши билан фойдаланиш учун уларни тақсимлаш лозим.

Тақсимлаш босқичининг моҳияти ялпи ишчи кучини иқтисодиёт эҳтиёжларига мос равишда шакллантиришга қаратилган. Ушбу босқичда меҳнат ресурсларини бошқариш қўйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади: меҳнат би-

лан бандликни бошқариш, ишчи кучининг бирламчи тақсимланишини тартибга солиш, ишчи кучининг қайта тақсимланишини бошқариш. Миллий иқтисодиёт доирасида меҳнат ресурсларининг тақсимланиши ишлаб чиқариш кучларининг ривожланганлик даражасини, меҳнат тақсимотини акс эттириб, асосий иқтисодий муносабликлар қаторидан жой эгаллайди.

3. Фойдаланиш босқичи – бу меҳнат ресурслари такрор барпо бўлишнинг якуний босқичидир. Мазкур босқич моддий ва маънавий неъмат ва хизматларини ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат фаолияти ва меҳнатга бўлган қобилиятни амалга ошириш давомида содир бўлади. Ушбу босқичнинг асосий вазифаси самарали бандликни таъминлаш ва меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратишдан иборат.

Умумлаштирилган ҳолда меҳнат ресурсларининг такрор барпо бўлиши дейилганда, иқтисодий фаол аҳолининг жисмоний ва маънавий қобилиятларини доимий ва узлуксиз равишда тиклаш жараёни назарда тутилади [8]. Ушбу жараён меҳнат ресурслари такрор барпо бўлишининг барча босқичларида содир бўлади.

Институционал ёндашувга кўра меҳнат ресурсларининг такрор барпо бўлиши – меҳнат ресурсларининг шаклланиши, тақсимланиши ва фойдаланилиши доирасида давлат, уй хўжаликлари ва фирмалар ўртасида вужудга келадиган узлуксиз ривожланиб борувчи иқтисодий муносабатлар тизимидир [9].

Бизнинг фикримизча, меҳнат ресурсларининг такрор барпо бўлишига нисбатан институционал ёндашув меҳнат ресурслари ҳаракатланишининг ҳар бир босқичида вужудга келадиган масалаларни атрофича тадқиқ этиш имконини беради.

Меҳнат ресурслари такрор барпо бўлишининг барча босқичларида давлат амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва демографик сиёсат воситасида ишчи кучининг миқдори ва сифатини тартибга солувчи вазифани бажаради.

Оила мустақил институт сифатида, ўз навбатида, меҳнат ресурсларининг миқдори ва сифатига бевосита таъсир кўрсатади. Инсон ресурсларининг, шу жумладан, меҳнат ресурсларининг сифати авваламбор, оила даврасида шаклланади. Оилада таълим-тарбия бериш, саломатлигини сақлаш, унинг социаллашувини таъминлаш орқали фарзанднинг келажакдаги меҳнат салоҳиятини белгилаб берувчи қобилият ва имкониятларига замин яратилади.

Айнан оилада фарзандни дунёга келтириш, уни тарбиялаш, таълим ва малака бериш, жисмоний ва маънавий соғлом қилиб вояга етказиш билан боғлиқ бўлган қарорлар қабул қилинади ва бу билан боғлиқ харажатлар амалга оширилади. Ўтган асрнинг ўрталаригача бу каби харажатларга иқтисодий қийматга эга бўлмаган истеъмол харажатлари сифатида қаралган бўлса, бугунги кунга келиб “инсон капитали на-

зарияси” таъсирида бу харажатларга келажакда юқори самарадорликни ва қайтимни таъминлайдиган инвестициялар сифатида қаралмоқда. Баъзи тадқиқотларга қараганда, инсон билимларининг 70 фоизгача бўлган қисми 5 ёшгача болалик даврида тўпланади. Инсоннинг меҳнатсеварлик, ҳалоллик, тўғри сўзлик, адолатпарварлик каби сифат хусусиятлари авваламбор оила даврасида шаклланади. Бу эса, фикримизча, меҳнат ресурсларининг сифати ва қиймати таъсир этувчи маънавий унсурлардир. Чунки меҳнат ресурслари бутун жамият учун наф келтирадиган ва халқ фаровонлигига олиб келадиган хусусиятлар, қобилиятларга эга бўлиши лозим.

Оила инсон қобилиятларини шакллантирувчи ва ривожлантирувчи бирламчи манба бўлиб, бу авваламбор ирсият, яъни генетика, сўнг оиланинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, ота-онанинг фарзандига қилган инвестициялари ва уни ўраб турувчи муҳитни танлашга ўз таъсирини ўтказиш орқали амалга оширилади. Инсон капиталини микродаражада, яъни оила миқёсида инвестициялаш муҳим аҳамият касб этади. Нафақат, у ёки бу билимларни эгаллаш ёки қандайдир спорт тури билан шуғулланиш учун имконият яратиш, балки билимларни эгаллашга ва ўз соғлиғини мустаҳкамлаш ва парваришга иштиёқ, муҳаббатни шакллантириш ҳам инвестиция сифатида қабул қилиниши мумкин.

Бугунги кунда оила инсон капиталини ташкил этувчи унсурларни шакллантирувчи ва ривожлантирувчи асосий инвестор сифатида юзага чиқади, шу билан бирга оила аъзоларининг индивидуал инсон капиталини шакллантириш орқали оила инсон капиталини шакллантиради. Инсон капиталининг асосий ташкил этувчи унсурлари сифатида саломатлик, таълим тарбия, меҳнат фаолиятига рағбат кабиларни қарайдиган бўлсак, уларнинг барчасида оиланинг ўрни беқиёс. Фарзанд саломатлиги ота-онанинг жисмоний ва руҳий салоҳияти, уларнинг ирсий мойиллиги, оилада саломатлик ва жисмоний меҳнатга муносабат, соғлом турмуш тарзини олиб бериш, саломатликни мустаҳкамлаш ва спортга инвестиция қилиш даражаси асосида шаклланади. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, инсон саломатлигининг 50 фоизи соғлом турмуш тарзини олиб бориш, яъни тўғри овқатланиш ва спорт билан шуғулланиб туришга боғлиқ.

Таълим капитали ҳам оила доирасида тўпланган билимларни бевосита мулоқат давомида кейинги авлодга ўтказиш, бутун ҳаёт давомида норасмий таълим олиш, таълимга инвестиция қилиш даражаси билан белгиланади. Агар таълим оилада қадрият сифатида саналса, фарзандларнинг юқори таълим даражаларини олиш учун замин яратилади ва аксинча.

Меҳнат ресурсларининг такрор барпо бўлишида фирмаларнинг ҳам ўрни катта. Фирмалар меҳнатга лаёқатли аҳоли учун иш

ўринларини яратиш ва уларни даромад билан таъминлаш натижасида ишчи кучига бўлган талабни шакллантириш билан бирга ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш мақсадида юқори малакали ишчиларни ёллашдан манфаатдор. Шу сабабли фирмалар ўзлари учун зарур малакага эга бўлган мутахассисни топа олмаган тақдирда, мавжуд ходимларнинг малакасини оширишга мажбур бўлади. Ривожланган давлатларнинг йирик корхоналарида бу ҳолат яққол кўзга ташланади. Шунини айтиб ўтиш керакки, ҳар қандай фирма ходимларининг махсус билим ва малакаларини, яъни фақатгина ўзининг корхонаси учун зарур бўлган билимларни эгаллаши учун харажат қилишга ҳаракат қилади. Лекин аксарият ҳолларда фирмалар ишлаб чиқариш самарадорлигини арзон ишчи кучи ёллаш орқали оширадilar. Бозор иқтисодиёти шароитида эгаллик ҳуқуқининг хусусий мулк шаклига эга бўлган корхоналар, баъзи ҳолларда меҳнат қонунчилигини бузувчи шаклларда ҳам ходимларига ҳақ тўлашдан иқтисод қилишга уринадилар. Аксарият бундай ҳолатларда аёллар азият чекишади. Меҳнатга бўлган талабнинг чекланганлиги шароитида ишчилар нисбатан паст иш ҳақи ва иш шароитларининг ёмон бўлишига қарамай ишлашга рози бўладilar.

Қуйида келтирилган жадвалда ҳар бир институтнинг меҳнат ресурсларининг такрор барпо бўлиши жараёнига таъсири изоҳланган.

Жамиятнинг ривожланиш даражаси қанчалик юқори бўлса, меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва, умуман олганда, такрор барпо бўлиши жараёнида ижтимоий-иқтисодий омиллар (аҳоли даромади, маълумот даражаси, бандлик даражаси ва б.)нинг таъсири шунчалик юқори бўлади. Турли давлатлар меҳнат ресурсларининг ҳолати ва уларнинг такрор барпо бўлиши шарт-шароитларининг таҳлили шуни кўрсатдики, турмуш даражаси ва сифати ошган сари меҳнат ресурсларининг маълумот ва малака даражаси, меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари ошиб боради. Иқтисодиётда ва жамиятда содир бўладиган ўзгаришлар таъсирида меҳнат ресурслари сифат ва таркибий жиҳатдан ўзгаради.

Иқтисодиётнинг ягона тизим сифатида самарадорлигини таъминлаш учун соҳа ва тармоқлар кесимида меҳнат ресурсларининг шаклланиши, тақсимланиши ва фойдаланилиши ижтимоий такрор барпо бўлишининг барча жараёнлари билан мос тушуши лозим. Бунда бандлик ва меҳнат ресурсларининг сифати билан боғлиқ муаммолар юзага келади.

Биринчидан, ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши бозор иқтисодиёти шароитида кенг тус олган ишсизликни келтириб чиқаради. Ишсизлик муаммоларининг ҳал этилиши эса ЯИМни ишлаб чиқаришдаги йўқотишларни қисқартиради.



Иккинчидан, ижтимоий ишлаб чиқариш унумдорлиги, авваламбор, сифатли меҳнат ресурсларидан фойдаланиш натижасида таъминланади. 2009 йилдаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейинги аксарият ривожланган давлатлардаги ҳолат меҳнат ре-

сурслари ва ундан самарали фойдаланиш масаласининг аҳамиятини янада оширди. Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш бутун иқтисодий тизим фаолият юритиши самарадорлигининг ошишида ўз тасдиғини топди [10].

1-жадвал

Меҳнат ресурслари шаклланишига институтларнинг таъсири [9].

Институт номи	Меҳнат ресурсларининг такрор барпо бўлиши босқичлари		
	Шаклланиш	Тақсимот	Фойдаланиш
Оила	- фарзандлар сони тўғрисида қарор қабул қилади; - фарзандларнинг жисмоий ва интеллектуал қобилиятларининг шаклланиши ва ривожланиши учун замин яратади	- меҳнат бозорида ишчи кучининг тақлифини шакллантиради	- маълум бир йўналишда таълим олиш орқали ишчи кучининг профессионал-малакавий тузилишини аниқлайди
Фирма	- иш кучи нарҳини белгилаш орқали меҳнат ресурслари оқимини таъминлайди	- меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талабни шакллантиради	- ёлланиб ишловчиларнинг меҳнат шaroитларини ва уларга ҳақ тўлаш шартларини белгилайди
Давлат	- ижтимоий кафолатларни таъминлайди (таълим, соғлиқни сақлаш)	- миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилишини оптималлаштиради; - янги иш жойларини ташкил этиш ва ишсизларни ишга жойлаштириш дастурларини амалга оширади	- иш вақти ва меҳнат шароитларига риоя қилинишининг назоратини таъминлайди

Ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб қилинган меҳнат ресурсларининг миқдори, биринчидан, иқтисодий тармоқларида мавжуд иш ўринлари ва иккинчидан, алоҳида тармоқлардаги меҳнат унумдорлиги билан белгиланади. Меҳнат унумдорлиги қанчалик юқори бўлса, ишчи кучининг жалб қилиниш даражаси шунчалик пасаяди ва мос равишда меҳнат ресурсларининг сифатига бўлган талаб шунчалик ортиб боради. Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин: юқори меҳнат унумдорлиги, биринчи навбатда, оддий меҳнат ўрнини босувчи юқори технологияларнинг қўлланилиши орқали таъминланади. Юқори технологияларни амалда қўллаш эса, ишчидан махсус билим ва малакани талаб этади, бу билан меҳнат ресурсларининг сифат кўрсаткичларига бўлган талабни оширади. Шу сабабли инсон меҳнатини машина меҳнатига алмаштириш имкони бўлган соҳаларда аҳолининг бандлик даражаси пасайиши ва аксинча инсон меҳнатининг ўрнини босиш имконияти паст бўлган хизмат кўрсатиш соҳасида бандлик даражаси юқори суръатлар


билан ўсаётганини кўриш мумкин.

Қуйидаги жадвалдан маълум бўлишича, барча ривожланган давлатларда аҳоли бандлигидаги ўзгаришларидаги глобал тенденциялар, биринчидан, бугунги кунда ҳам давом этаётган қишлоқ хўжалиги соҳасида бандлик даражасининг пасайиши, иккинчидан, саноат соҳасида бандликнинг пасайиши; учинчидан, хизмат кўрсатиш соҳасида бандликнинг ортишида намоён бўлмоқда.

Умуман олганда, мамлакат миқёсида меҳнат ресурсларини ривожлантириш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этишнинг энг оптимал модели сифатида институционал модель юзага чиқади. Меҳнат ресурслари такрор барпо бўлишининг институционал модели такрор барпо бўлиш жараёнининг барча босқичларида юқорида кўриб чиқилган барча институтларнинг ҳамоҳангликда фаолият юритишини назарда тутаяди. Шартли равишда ушбу моделни қуйида келтирилган расм кўринишида ифодалаш мумкин.

Айрим иқтисодиёти ривожланган давлатларда иқтисодиёт тармоқлари бўйича бандлик, % [11].

Мамлакат	Қишлоқ хўжалиги кўрсатиш			Саноат			Хизмат		
	1920 й.	1990 й.	2015 й.	1920 й.	1990 й.	2015 й.	1920 й.	1990 й.	2015 й.
АҚШ	26,3	2,8	0,7	24,5	18,0	20,3	38,4	71,0	79,1
Япония	54,9	7,1	2,9	16,6	23,6	26,2	23,8	58,4	70,9
Германия	30,9	3,2	1,4	33,0	32,2	24,2	27,9	55,6	74,3
Франция	42,4	6,3	2,4	26,4	21,3	18,3	26,9	64,4	79,3
Италия	56,7	9,5	3,9	19,9	21,8	25,3	18,5	47,8	67,8
Б.Британия	7,1	1,3	1,3	36,8	22,5	15,2	43,7	69,5	83,5
Канада	35,2	4,4	2,2	17,0	22,0	19,0	37,1	71,4	76,0



1-Расм. Меҳнат ресурслари такрор барпо бўлишининг институционал модели [12].

Ушбу модель қуйидаги тадбирларнинг амалга оширилишни назарда тутди:

Меҳнат ресурсларининг шаклланиши босқичида давлат мамлакатдаги демографик вазиятни ҳисобга олган ҳолда меҳнат ресурсларининг оптимал даражада шаклланишига замин яратадиган демографик сиёсатни олиб бориши лозим. Бу сиёсат турли мамлакатларда турли хусусиятга эга бўлиши мумкин. Аксарият ривожланган давлатлардаги демографик сиёсатга хос бўлган хусусият туғилиш кўрсаткичларининг пасайиши ва аҳолининг такрор барпо бўлиши кўрсаткичларининг манфий томонга ўзгариши содир бўлаётганлиги сабабли ушбу тадбирлар оила қадриятларини тарғиб этиш, оналик ва болаликни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Тақсимот босқичида давлат ишлаб чиқаришни, хусусан, миллий ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаши лозим. Чунки ишлаб чиқариш ривожланган сари мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш ва янгиларини ташкил этиш имконияти кенгайди.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш босқичида давлатнинг асосий вазифаси аҳолининг иш билан бандлик даражасини оширишга йўналтирилади.

Ушбу моделнинг натижадорлиги меҳнат ресурслари такрор барпо бўлишининг миқдорий ва сифат кўрсаткичларининг яхшиланиши, аҳолининг турмуш даражасининг ошиши ҳамда меҳнат ресурсларининг унумдорлиги кўрсаткичларининг яхшиланишида ўз аксини топади.

Жаҳон мамлакатларида меҳнат ресурсларининг шаклланиши тенденциялари ва ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этиш натижасида мамлакат меҳнат ресурсларини шакллантириш ёки, бошқача қилиб айтганда, меҳнатга лаёқатли аҳолининг сонини кўпайтиришга қаратилган тадбирлардаги фарқларга қараб шартли равишда иккита моделни ажратишни таклиф этамиз. Булар:

- Ички салоҳиятни рағбатлантириш модели.

- Ташқи омилларни жалб этиш модели.

Ички салоҳиятни рағбатлантириш модели – мамлакат миқёсида истиқболда меҳнатга лаёқатли аҳоли сонини бевосита мамлакат аҳолиси орасида туғилишни рағбатлантириш орқали кўпайтиришни назарда тутди. Бунинг турли давлатлар тараққиётнинг турли босқичларида демографик сиёсатнинг ажралмас қисми сифатида қўллашган.

Ташқи омилларни жалб этиш орқали меҳнат ресурсларини шакллантириш модели

асосан демографик тенденциялар аҳолининг қариши ва туғилиш кўрсаткичларининг пастлиги билан тавсифланадиган ривожланган давлатларда кузатилади. Япония бунга яққол мисол бўла олади. Маълумки Японияда депопуляция жараёни юзага кела бошлаган. Узоқ йиллар давомида Япония бир миллатли давлат сифатида маълум бўлган, япон бўлмаган халқларнинг мамлакат умумий аҳолисидаги улуши 1 фоиздан ҳам ошмаган. Лекин, жамият ва иқтисодиёт тараққий этган сари эҳтиёжларнинг ўзгариши ҳамда аҳоли сонининг камайиб бориши ва ишчи кучининг етишмаслиги муаммоларига дуч келган ушбу мамлакат ҳукумати миграция сиёсатини модернизация қилишни талаб этди. Айни вақтда Япония меҳнат бозоридаги ишчи кучининг етишмаслик муаммосини миграция сиёсати орқали ҳал этмоқда. 2016 йилда Япония умумий аҳолисининг таркибида 65 ва ундан катта ёшлиларнинг улуши 27 фоизни ташкил этган, прогноз кўрсаткичларга қараганда, 2050 йилга келиб 35 фоиздан ортиб, шу пайтга келиб қўшимча 8,5 млн. киши миқдорида ишчи кучининг етишмаслиги прогноз қилинмоқда.

БМТ ҳисоб китобларига кўра, Россия ва Белорусияда пенсия ёшини Европа мамлакатлари даражасига келтирган тақдирда ҳам, яқин истиқболда ишчи кучининг сони 20 фоизга қисқариши кутилмоқда [13].

Амалиётда бу икки моделни соф ҳолда қўллайдиган давлатлар сони чекланган бўлиб, аксарият давлатларда уларнинг синтези қўлланилади. Сўнгги йилларда Россияда туғилишни рағбатлантириш билан бирга, меҳнат бозоридаги ишчи кучининг тақчиллигини бартараф этишга қаратилган фаол иммиграцион сиёсат олиб борилмоқда. Меҳнат бозоридаги тақчилликни ташқи ресурслар воситасида қоплаш Германия ва АҚШда ҳам яққол намоён бўлади.

Умумий аҳоли сонининг қисқариши, ўз навбатида, маълум бир босқичда меҳнат ресурсларининг камайишига олиб келади. Меҳнат ресурслари энг муҳим ишлаб чиқариш омили бўлиб, улардан оқилона фойдаланиш нафақат ишлаб чиқариш даражасини ва унинг иқтисодий самарадорлигини оширади, балки бутун ижтимоий тизимнинг сифат жиҳатдан ривожланишини ҳам таъминлайди. Меҳнат ресурсларининг тақчиллиги иқтисодиётнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши тайин.

**Манба ва адабиётлар:**

---

---

1. Остапенко Ю.М. Экономика труда: учеб. пособие / Ю.М. Остапенко. – М.: ИНФРА-М, 2011. с.31.
2. Струмилин С.Г. Наши трудовые ресурсы и перспективы хозяйственного строительства / С.Г. Струмилин. – М.: Наука, 1982.
3. Заславская Т.И. Методологические проблемы социологического исследования мобильности трудовых ресурсов / Т.И.Заславская, Р.В.Рывкина. – Новосибирск: Наука, 1974. с.27.
4. Одегов Ю.Г. Экономика труда: учеб.в 2 т., Т.1 / Ю.Г. Одегов, Г.Г. Руденко, Л.С. Бабынина. – М.: Альфа-Пресс, 2007. с.307.
5. Вечканов Г.С. Современная экономическая энциклопедия / Г.С. Вечканов, Г.Р. Вечканова. – СПб: Лань, 2002. с.692.
6. Тожиева З.Н. Ўзбекистон аҳолиси: ўсиши ва жойланиши (Монография). – Т.: “Фан ва технология”, 2010, 8-бет.
7. Bloom D, Canning D, Sevilla J. Economic Growth and the Demographic Transition. NBERWorkingPaperNo. 8685. December 2001.
8. <https://ru.wikipedia.org/wiki>
9. Гармаева Б.Ж., Цыренова Е.Д. Институциональная модель расширенного воспроизводства трудовых ресурсов. / Управление экономическими системами. № 11. 2014. <http://uecs.ru/makroekonomika/item/3195-2014-11-28-13-31-12>
10. Bullard J. The Rise and Fall of Labor Force Participation in the United States. Federal Reserve Bank of St. Louis Review, First Quarter 2014, 96(1), pp. 1-12. <https://files.stlouisfed.org/files/htdocs/publications/review/2014/q1/bullard.pdf>
11. <https://www.cia.gov/library/publications/resources/the-world-factbook/fields/2048.html#ca>
12. Ўрганланган адабиётлар асосида тузилган.
13. Ящук А. Трудовые ресурсы: проблемы формирования. //Белорусская думка. №7. 2014. С.69. (64-71)

---

## САНОАТ ТАРМОҒИ РИВОЖЛАНИШНИНГ МАЛАЙЗИЯ ТАЖРИБАСИ

**Искандарова Дилдора Бахтиёровна**

Кичик илмий ходим, ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази

**Аннотация.** Маколада Малайзиянинг ижтимоий-иқтисодий тизимини саноатлаштириш ва модернизациялаш бўйича чора-тадбирларни олиб бориш бўйича тажрибаси ва уни Ўзбекистон шароитида тадбиқ этиш масалалари ўрганилган.

**Таянч тушунчалар:** саноат, экспорт, инновациялар, кичик бизнес, хорижий инвестициялар.

**Аннотация.** Статья посвящена изучению современного состояния экономики Малайзии и разработке предложений по внедрению передового опыта Малайзии по индустриализации и модернизации экономики республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** промышленность, экспорт, инновации, малый бизнес, иностранные инвестиции.

Маълумки, Республикамизда мустақилликка эришган кундан бошлаб, саноат тармоғини ривожлантиришда кичик бизнес субъектларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга турли ҳил имтиёзлар бериш ҳисобига кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз ЯИМ таркибида саноатнинг улуши ортиб бормоқда, хусусан бу кўрсаткич 2014 йилда 24.2% ни ташкил этган бўлса, 2015 йилда 26.2% ни ташкил этди. Шунингдек, иқтисодиётимиз олдига 2030 йилга бориб ЯИМни 2 баробарга ошириш устувор вазифа қўйилган эди. Бу албатта саноат тармоғида, хусусан шу соҳада фаолият кўрсатувчи кичик корхоналар томонидан мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиш, янги имкониятларни қидириб топиш ва пировардида ишлаб чиқариш ҳажмини оширишни тақозо этади.

Бу борада хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини ва ушбу давлатларда кичик саноат корхоналарини ташкил этишни қўллаб-қувватлаш ва фаолиятини рағбатлантириш амалиётини ўрганиш ҳамда уларни Ўзбекистон шароитига мослаган ҳолда илмий асосланган амалий тавсияларни ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Ўрганиш объекти сифатида Малайзия танланган бўлиб, ушбу давлат охириги йилларда

тез суръатлар билан ривожланди. Шуниси эътиборлики, Ўзбекистон ва Малайзия ўртасида бир қанча ўхшаш демографик, географик жиҳатлар мавжуд. Бу эса Малайзия тажрибасини Ўзбекистонга тадбиқ этиш имконияти беради.

Маълумки, Малайзия импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган маҳсулотларини ишлаб чиқаришга босқичма-босқич ўтган, саноатлашган иқтисодиётини шакллантирган ва айни дамда “билимлар иқтисодиётини” қуриш концепциясини ривожлантирмоқда. Мустақилликнинг дастлабки йилларида импорт ўрнини босувчи стратегиясини амалга ошириш туфайли мамлакатда саноатлашган базани яратишга замин қўйилган. Экспортга йўналтирилган стратегиясини ривожлантириш импорт ўрнини босувчи стратегиясининг давоми бўлган. Асосий эътибор экспортга йўналтирилган саноатга хорижий инвестицияларни жалб этишга қаратилган.

Малайзияда экспортга йўналтирилган иқтисодиёти ўсишининг негизида экспорт таркибидаги ҳамда бутун ЯИМ таркибидаги ўзгаришлар турган. Хорижий инвестицияларни, иқтисодиётнинг экспортга йўналтирилган тармоқларини ривожлантиришга мутахассис ва замонавий технологияларни жалб этишни рағбатлантириш туфайли Малайзия миллий иқтисодиётнинг хом-ашё базаси ўрнига янги саноати ривожланган давлатига айланган.

Умуман олганда, Малайзия тадбиркорлик субъектлари учун иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларни ҳамда давлат ва бизнес хўжалик ҳамкорлигининг замонавий институционал шаклини ярата олди. Ўзбекистон иқтисодиёти

учун ҳозирги босқичда янги ривожланиш поғонага чиқишда саноатни модернизация қилиш ҳал қилувчи омил сифатида хизмат қилади. Шунингдек, бу вазифа янги технологиялар, янги билимлар, янги инвестицияларни жалб этишни талаб этади. Малайзиянинг муваффақиятли тажрибаси Ўзбекистон шароитида бутун иқтисодиётини диверсификация қилиш ҳамда мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишга кўмаклашадиган ислохотларни амалга оширишда қўлланилиши мумкин. Умуман олганда, ижтимоий-иқтисодий тизимини саноатлаштириш ва модернизациялаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича Малайзия тажрибасини ўрганиш айнан аҳамиятлидир.

Малайзия иқтисодиётни ривожлантириш пайтида глобал иқтисодий инқирозлари оқибатларига бир неча бор дуч келган ва улардан муваффақиятли тарзда чиққан. Бироқ, 1997 йилдаги Осиё иқтисодий инқирози оқибатлари давлат учун оғир кечди, 2008 йилдаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози эса аҳволни янада қийинлаштирди. Натижада иқтисодий ўсиш суръатлари кескин тушиб кетди, давлат лойиҳаларини амалга ошириш сустлашди, ишсизлик даражаси ошди ва х.к. Малайзия очиқ иқтисодиётига эга бўлган давлат бўлиб, инқироз чоғида шаклланган ташқи бозорнинг ёмонлашган конъюнктуранинг салбий таъсирини бошдан кечирди — экспорт ва саноат ишлаб чиқариш ҳажмлари кескин камайди. Эҳтимол, ташқи бозорида Малайзи-

яда ишлаб чиқилган маҳсулотга бўлган талабнинг камайиши хусусий инвестиция ва ички истеъмол даражасига салбий таъсир кўрсатди, Малайзия меҳнат бозоридаги аҳволини мураккаблаштирди.

Инқироз оқибатида Малайзия иқтисодиёти тўртта асосий муаммога дуч келди:


- жаҳон иқтисодиёти танг ҳолга тушиши ва оқибатда Малайзия экспортининг қисқариши. Малайзия статистика вазирлиги маълумотларига кўра 2009 йил январ ойида экспорт 27,8 %га тушган;

- хом-ашё товарлари, айниқса нефт, газ ва пальма ёғи нархларининг кескин тушиши;

- йил якуни бўйича тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар қарийб 50 %га ёки 26 млрд. ринг.га тушиб кетган. Ваҳоланки, 2008 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ҳажми 51 млрд. ринг.ни ташкил этган;

- биржада акция нархларининг тушиб кетиши хизматлар соҳаси ва инвесторларнинг кайфиятига салбий таъсир кўрсатган.

Умуман олганда, Малайзия саноат тармоғининг ривожланишини шартли равишда беш босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқич 1957-1968 йилларни ўз ичига қамраб олади. Бу босқичда асосан импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қаратилган ислохотлар олиб борилган.



Манба: Asian Development Bank (ADB), Key Indicators for Asia and the Pacific 2013 // [www.adb.org/statistics](http://www.adb.org/statistics)

1-расм. Малайзия саноатининг ривожланиши, млрд.АҚШ доллари.

Иккинчи босқич (1968-1982 йй.) экспортга Иккинчи босқич (1968-1982 йй.) эса экспортга йўналтирилган саноатининг ривожланиши билан тавсифланади. Яъни мазкур даврда янги иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш натижасида Малайзияда қайта ишловчи саноатнинг кескин ривожланишига сабаб бўлди.


Учинчи босқич 1982-1999 йилларни ўз ичига олган бўлиб, саноатнинг янги йўналиш (электроника, машинасозлик ва бошқа шу каби тармоқ)ларини ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича сиёсатни олиб орган. Бунинг натижасида саноат тармоғи янги ривожланиш босқичига қадам қўйди.

Тўртинчи босқич (1999-2010 йй.) иккита (1996-2003 йй. ва 2004-2010 йй.)ни ривожланиш фазасини ўз ичига олади. Ушбу босқичда илм-фан ривожланишга ва кибер-марказла-

рини (йирик шаҳарлар)ни барпо этиш бўйича ишлар амалга оширила бошланган ва янги ишлаб чиқариш қувватлари барпо этила бошланган.

Бешинчи босқич (2010 йилдан бошлаб то ҳозирги кунгача) мамлакат иқтисодиёти ривожланишининг учинчи фазаси (2010-2020 йй.га мўлжалланган давр)нинг натижаси ҳисобланади. Мазкур даврда замонавий ахборот технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда саноатни тубдан янгилаш ва модернизациялаш орқали саноат тармоғини юқори талабларга жавоб берадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширила бошланган.

Натижада Малайзия иқтисодиётида таркибий ўзгаришлар рўй берган, Малайзия ЯИМ-да саноатнинг улуши тобора ошиб борган. 2-расм



Манба: Asian Development Bank (ADB), Key Indicators for Asia and the Pacific 2013 // [www.adb.org/statistics](http://www.adb.org/statistics)

**2-расм. Малайзияда саноатнинг ЯИДагиг улуши, %**

Малайзия ҳукумати ички талабни ушлаб туриш, инқироздан кўпроқ зарар кўрган иқтисодиёт тармоқлари учун глобал иқтисодий ўсишнинг камайишини олдини олишни юмшатишга қаратилган бир қатор чоралар қўлланилган. 2008 йил 4 ноябрда Малайзия ҳукумати қарори билан биринчи иқтисодиётни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланган бўлиб, уни амалга ошириш учун жами 7 млрд. ринг ажратилган. Улар асосан чора-тадбирлар доирасида бутун миллий иқтисодиётини мультипликацион самара берадиган лойиҳаларга йўналтирилган.

2009 йил март ойида иккинчи чора-тад-

бирлар дастури қонуний кучга кириб, уни амалга ошириш учун 60 млрд.ринг ажратилган, бу эса ЯИМнинг 9 %ни ташкил этган. Иккинчи чора-тадбирлар дастури 2009 ва 2010 йилларга мўлжалланган бўлиб, таълим, янги иш ўринларни, инфратузилмани яхшилаш, банк қўйилмаларини кафолатлаш ва х.к.га кетган харажатларни ўз ичига олган. Ҳукумат Малайзия марказий банки кўмагида облигацияларни чиқармоқчи бўлган компаниялардаги қимматли қоғозларнинг ишончилигини ошириш учун молиявий кафолатлар дастурини ишлаб чиққан. Ушбу мақсад учун 15 млрд. ринг га тенг маблағ ажратилган.

Меҳнат бозорида аҳволини мувозанатлаш

учун хорижий ишчи кучини ёллаган тадбиркорлар учун солиқ солиш ставкаси икки баробарга оширилган, қурилиш, шахсий хизматлар соҳаларга жалб қилинган хорижий ишчи кучи бундан мустасно. Агар тадбиркор хорижий ишчи кучи билан тузилган шартномани муддатдан олдин бекор қилса, иш берувчи тўлаган солиқ тўлов миқдорини қайтариш механизми жорий қилинган. Шунингдек, ихтисослаштирилган агентликлар томонидан хорижий ишчи кучини жалб қилиш учун лицензияни бериш ҳам таъқиқланган. Шунини таъкидлаш керакки, ушбу чоралар бир марталик тавсифга эмас, балки Малайзиянинг узоқ муддатли сиёсатининг бир қисми бўлган. Ҳукумат хорижий малакаси ишчи кучини мамлакатни модернизациялаш йўлидаги асосий тўсиқлардан бири сифатида қараган.

Шундай қилиб, 2010 йилда қабул қилинган 2010-2020 йилларга мўлжалланган иқтисодий дастурлари Малайзия иқтисодиётини 2020 йилга бориб илм-фан ва инновацияларга асосланган янги ривожланиш босқичига кўтариш вазифаси қўйилган. Унда номоддий соҳаси иқтисодиёт рақобатбардошлигининг муҳим омили сифатида хизмат қилади.

Малайзия иқтисодиётининг кескин ўсишида ҳукумат томонидан қабул қилинган Иқтисодиётни ўзгартириш бўйича дастурининг ҳам ҳиссаси каттадир. Бунинг учун Иқтисодий ўзгартириш кенгаши ташкил этилган бўлиб, бу татбиқ этилаётган чораларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Мазкур дастурда 12 устувор йўналишлари белгиланган бўлиб, уларга эришиш учун 131 махсус лойиҳаларни амалга ошириш ва мазкур соҳаларда фаолият кўрсатувчи корхоналарнинг молиявий имкониятларини кенгайтириш бўйича 60 лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Айни дамда Малайзияда 1990-2020 йилларга мўлжалланган “билимлар иқтисодиёти” концепцияси амалга оширилмоқда. Мамлакатда юқори технология маҳсулотларини экспорт қилишга йўналтирилган иқтисодиёти шаклланган, бунда юқори технологиялар ривожланган давлатлардан олинган. Малайзия ҳукумати хорижий юқори технологияларни ва илмий муассасаларини жалб қилиш учун қулай шароитларни яратади. Ушбу мақсадларда Малайзия тегишли инфратузилмаларни шакллантириш – бизнес-инкубаторларни, ахборот-коммуникацион технологияларни ривожлантириш, электрон ҳукумат концепциясини амалга ошириш, амалга оширилаётган дастурларни режалаштириш, мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича давлат тизимини шакллантириш, инсон салоҳиятини

ривожлантириш ва х.к.га катта эътибор бермоқда. Инновацияларнинг ривожланишини белгилловчи бошқа муҳим омили сифатида инновацион ишланмаларни тижорат йўли билан амалга ошириш институтлар тизимини шакллантириш ҳисобланади. Малайзияда бу масала кўпинча бизнес-инкубаторлар доирасида ўз ечимини топмоқда.

Малайзия экспортга йўналтирилган иқтисодиёти шароитида “билимлар иқтисодиёти”ни ҳамда инновацион иқтисодиётга эришишда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг модернизациялашган салоҳиятини баҳолаб бўлмайди.

Умуман олганда Ўзбекистон учун Малайзия иқтисодиётини ривожлантириш моделида қўйидагилар айнан жозибали ҳисобланади: Малайзиянинг иқтисодий ривожланиш стратегиясининг самарадорлиги кўплаб омиллар билан шартланган; сиёсий барқарорлик ва иқтисодий сиёсатининг изчиллиги, ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг эгилувчанлиги ҳамда давлат ва бизнеснинг шерикчилик тизимини яратиш ва х.к.

Малайзия давлатининг стратегик ёндошувлари асносида ташқи ва ички конъюнктуранинг ўзгаришига тезкор таъсир кўрсатиши, иқтисодиёт ривожланишининг умумий мақсадларига мос келадиган касбий чора-тадбирлар, мамлакатнинг ихтисослашувига қараб замонавий ёндошувлар ётади. Бу жиҳатлар Ўзбекистон учун ҳам муҳим ҳисобланади.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда қўллаш мумкин бўлган яна бир жиҳатлардан бири, Малайзиянинг ривожланиш стратегияси негизида инновацияларни тижорат йўли билан амалга оширишни сифат ва сон жиҳатдан баҳолаш бўйича илғор услубиётлар ётади. Асосий муваффақиятга эришиш омиллари бўйича турли янги ғояларни таҳлил қилиб ва синовдан ўтказиб, уларни аҳамиятлилигига қараб алоҳида тармоқ, тармоқ ости, алоҳида ҳудуд, давлат каби гуруҳларга ажратиб, Малайзия иқтисодий қурилиш кенг миқёсли лойиҳаларни амалга оширмоқда. Бунда баҳолаш, мониторинг ва таъсир кўрсатиш конъюнктуранинг ички ва ташқи ўзгариши, ривожланиш омиллари, ижтимоий муҳити ҳамда маркетинг, технологик, иқтисодий, инсон омилларини таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ҳисобига амалга оширилмоқда.

Умуман олганда, Малайзия тадбиркорлик фаолияти учун сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларни ҳамда давлат ва бизнес ўртасидаги шерикчилик замонавий институционал шаклини ярата олди.

Иқтисодиётни ўзгартириш дастури кўп



қиррали бўлиб, Малайзияни 2020 йилга бориб аҳоли юқори даромадига эга бўлган давлатга айлантиришга қаратилган.

Мазкур дастур иккита асосий қисмлари – 12 та асосий миллий иқтисодий ҳудудлари ва олти та ислохотларни амалга ошириш бўйича стратегик ташаббусларини ўз ичига олади. 12 та асосий миллий иқтисодий ҳудудлар ўн битта саноатлашган ҳудуд ва битта географик ҳудуд (Куала-Лумпур шаҳри –Кланг водийси) дан иборат бўлиб, улар қуйидаги соҳаларга ихтисолашган: нефт, газ, энергия, пальма ёғи, молиявий хизматлар, туризм, бизнес-хизматлар, электроника ва электр техникаси, чакана ва улгуржи савдо, таълим, тиббиёт, коммуникацион контент ва инфратузилма, қишлоқ хўжалиги ва бошқалар. Улар мамлакатнинг асосий иқтисодий сектори бўлиб, миллий иқтисодиёти учун ўсиш нуқтаси ҳисобланади.

Малайзиянинг ўнинчи режаси юқори даромад, очиқлик ва барқарорликка асосланган янги иқтисодий моделида ўз аксини топади. Мазкур режа кейинги беш йилда миллатнинг ривожини кўрсатиб бериб, юқори даромадга эга бўлган иқтисодиётни шакллантириш учун имкониятларни таъминлаб беради. У янги сиёсат, стратегия ва дастурларни ўзи ичига олади.

Масалан, ушбу режада қишлоқ хўжалиги, саноат, туризм ва логистика каби иқтисодиёт учун муҳим бўлган тармоқлари алоҳида ажратилган, чунки улар ўлкан инвестицион салоҳиятига эга, ҳам инвесторлар, ҳам инвестицияларни қабул қилувчиларга катта фойда

олишга имкон беради. Мамлакат шартли равишда “иқтисодий ривожланиш йўллари” деб номланган ўсиш нуқталарга бўлинган.

Бугунги кунда Малайзия ўзининг ҳудудида етакчи давлатларга даъво қилувчи давлатлардан бири ҳисобланади ва 2020 йилга мўлжалланган дастурларни амалга оширишда дунёнинг тез ривожланувчи давлатлардан бири ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, Малайзиянинг илғор тажрибаси Ўзбекистон шароитида бутун иқтисодиётини, шу жумладан саноат тармоғини экспорт салоҳиятини диверсификация қилишни амалга оширишга имкон берувчи ислохотларни олиб боришда қўлланилиши мумкин. Малайзиянинг ижтимоий-иқтисодий тизимини саноатлаштириш ва модернизациялаш бўйича чоратадбирларни олиб бориш бўйича тажрибаси айниқса муҳим ҳисобланади. Чунки Малайзия иқтисодиётини саноатлаштиришни ўрганиш ва тажрибасини, шу жумладан Малайзия янги саноат ҳудудларининг фаолият кўрсатиш тажрибаси, индикатив режалаштириш тизими ва “янги ахборот иқтисодиёти”ни қуриш бўйича маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш ушбу давлатнинг саноат-ахборот ривожланиш унсурларини Ўзбекистонга татбиқ этишни мослаштиришга имкон беради. Бу эса, ўз навбатида, саноатда фаолият кўрсатувчи кичик субъектларининг фаолиятини ва бутун иқтисодиётининг самарадорлигини ошириш масаласини оптимал тарзда ҳал этиш учун имкон яратиб беради.

#### *Манба ва адабиётлар:*

1. [Etp.pemandu.gov.my/About.ETP-@-overview\\_of\\_ETP.aspx](http://Etp.pemandu.gov.my/About.ETP-@-overview_of_ETP.aspx)
2. Сиражиддинов Н. *Опыт Малайзии для стран с переходной экономикой // Экономическое обозрение. – Т.-2003, № 8, С. 28-29.*

---

## ТАРМОҚЛАР ИҚТИСОДИЁТИ ОТРАСЛЕВАЯ ЭКОНОМИКА

---

### ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА ҲУДУДИЙ ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ ИННОВАЦИОН ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

**Отажонов Шухрат Ибраимович**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси  
“Менежмент назарияси ва амалиёти” кафедраси доценти, и.ф.н.

**Аннотация.** Мазкур мақолада инновацион кластерларнинг ўзига хос хусусиятларини ёритилган, шунингдек минтақаларда кластерларни ташкил этиш механизмини жорий этиш орқали ҳудудларда инновацион кластерларни ташкил этиш учун талаб этиладиган шарт-шароитларни таъминлашнинг методологик масалалари тадқиқ этилган.

Шу асосда ҳудудларда инновацион кластерларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш ҳамда тегишли соҳаларда инновацияларни доимий равишда яратиш, жорий қилиш ва кенг ёйишни амалга оширувчи ва инновация жараёни орқали ўзаро боғлиқ бўлган корхоналар, илмий муассасалар, давлат ташкилотлари, илмий тадқиқот марказлари, истеъмолчилар уюшмаларидан таркиб топган инфратузилмани яратиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Таянч тушунчалар:** инновация, инновацион кластер, инфратузилма, интеграция.

**Аннотация.** В статье раскрыты особенности инновационных кластеров, исследованы методологические вопросы обеспечения условий, требуемые для создания инновационных кластеров на территориях путем внедрения механизма создания инновационных кластеров в регионах.

На этой основе даны предложения и рекомендации по обеспечению эффективной деятельности инновационных кластеров в регионах, созданию через инновационных процессов инфраструктуры, состоящей из смежных предприятий, научных учреждений, государственных организаций, научно-исследовательских центров, ассоциаций потребителей.

**Ключевые слова:** инновация, инновационный кластер, инфраструктура, интеграция.

Хозирги кунда замонавий тараққиёт тенденциясида барқарор иқтисодий ўсишнинг самарали ресурсларидан бири сифатида иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини рағбатлантириш биринчи ўринга қўйилмоқда. Барча ривожланган мамлакатлар ўзларининг юксак тараққиёт даражасига фан ва техникада эришилган энг сўнгги инновацияларни ишлаб чиқаришга тез ва кенг кўламли жорий этиш ҳисобига эришмоқдалар. Шу жиҳатдан, фаол инновацион-инвестициявий сиёсатни амалга ошириш Ўзбекистонда иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Инновацион фаолият иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим шартларидан, ишлаб чиқариш ва тармоқларни модернизациялаш-

нинг реал механизмларидан бири ҳисобланади.

Инновацион сиёсат узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган мамлакат қудрати ва салоҳиятининг ўсишида муҳим омил ҳисобланиб, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу стратегик муҳим илмий-технологик ва истиқболли инновацион лойиҳаларни жорий этиш орқали етакчи ишлаб чиқариш тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, маҳаллий инновацион технологияларни фаоллаштиришни кўзда тутди.

Ҳозирги кунда кластерлар сиёсати ва миллий иқтисодиётни кластерлаштириш замонавий иқтисодиёт фанида муҳим ўринга эга. Кластерларга иқтисодий тараққиётнинг тезкор суръатларда ривожланишини таъминловчи

ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг интеграцион шакли, кластерлаштириш жараёнига эса минтақалар иқтисодиётини сифатли равишда ислоҳ қилиш имконини берувчи бозор механизми сифатида қаралади. Минтақалар иқтисодиётини кластерлар асосида ташкил этиш истиқболлари иқтисодиётда кузатилаётган макроиқтисодий тенденциялар, минтақада ҳукмрон бўлган ишлаб чиқариш сегментлари ва мавжуд истеъмолчилар туркумига боғлиқ. Кластер иштирокчилари ўртасида вужудга келадиган алоқаларнинг асосида минтақа иқтисодиётининг тараққиётини таъминловчи соғлом рақобат муҳити шаклланади.

Азал азалдан минтақа иқтисодиётининг ўсиши минтақадаги иқтисодиётнинг асосини ташкил этувчи соҳа ва тармоқларга таянади, деб ҳисоблаб келинади. Бу соҳалар, одатда, минтақанинг асосий экспортчилари ҳисобланишади ва улар бошқа саноат соҳаларини ҳам қўллаб-қувватлаб туради. Ҳозирги пайтда анъанавий саноат сиёсати ва кластерлар сиёсати ўртасидаги фарқлар шундан иборатки, мақсад қилиб қўйилган гуруҳ вертикал секторлардан нисбатан кенг маънодаги тушунча, “қиймат занжири”га томон силжийди. М.Портернинг фикрига кўра[1] “алоҳида олинган мамлакат ёки минтақанинг иқтисодиёт тармоқлари, агар улар тармоқ оқимларга жалб этилсагина, рақобат устунлигига эга бўлишади”. Яхши шакллантирилган тармоқ нафақат иқтисодиёт тармоғидаги фирмаларро алоқалар, балки бир бирига боғлиқ бўлган соҳалар, илмий текшириш марказлари, таълим муассасалари, инновацион корхоналар ва мижозлар билан тўғридан тўғри алоқалар асосига қурилади.

Кластерлар бўйича илк тадқиқотлардан бирини Альфред Маршалл ўтказган бўлиб, у Буюк Британиядаги саноат ҳудудларини ўрганган. Кластерларни ташкил этиш ва улар фаолият кўрсатишининг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш юзасидан кўплаб хорижлик олимлар, жумладан М.Портер, М.Энрайт, Э.Бергман, Э.Фезер иш олиб боришган. Кластерларни ривожлантириш масалаларига МДХ олимларидан В.П.Третьяк, А.А.Мигранян, Г.Б.Клейнер, И.В.Пилипенко, Т.В.Цихан ва А.А. Полидилар муҳим хисса қўшишган.

Олимлар ва мутахассисларнинг иқтисодиётни кластерлаштиришга иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш қуроли сифатида эътибор қаратаётганлиги кластерларнинг самарадорлиги ва “эгилювчанлиги” билан изоҳланади. Кластерларнинг ушбу самарадорлиги ва “эгилювчанлиги”ни уларнинг иқтисодий фаолиятни ташкил этишнинг бошқа шакллариغا қараганда, қуйидаги устунликларга эгаллигини белгилаб беради:

- корхоналар турли ресурслардан фойдаланиш имкониятига эга бўлишининг сезиларли

даражада осонлашиши;

- бир томондан, молиявий ва кредит таваккалчиликларининг қисқариши ва, иккинчи томондан, пул ҳаракати оқимлари барқарорлиги ва уларни прогноз қилиш мумкинлигининг ошиши;

- кластер корхоналари ўртасида оқимларнинг барқарорлиги ҳисобига сотиш самарадорлигининг ошиши;

- бизнесни ташкил этиш, ахборот олиш, музокаралар ўтказиш, таъминотчиларни излаш, шартномалар тузиш ва расмийлаштириш, юридик ҳимояни таъминлаш, корхонанинг ташқи контрагентлари билан ҳам, кластер иштирокчилар билан ҳам ўзаро муносабатларни йўлга қўйиш харажатлари сифатида қаралувчи транзакцион харажатларнинг камайиши;

- кластерга кирувчи корхоналарнинг инновацион ривожланишида катта сакрашнинг амалга ошиши. Кластер иштирокчилари инновацион фаоллигининг ортиши шу билан боғлиқки, бунда кластер унинг асосий фаолият соҳасида мутахассислар ҳисобланадиган иқтидорли инсонларнинг билимлари, кўникмалари ва тажрибаларини сақловчи “омбор” ролини ўйнайди. Янги билимлар тўпланиб, жамланиб боради ва бутун кластер корхоналарига тарқалади, бу иштирокчиларнинг янги ёяларни яратиши ва янги ишланмаларнинг ишлаб чиқишига туртки беради, натижада, кластердаги инновацион жараёнлар тезлашади;

- кластерлар иштирокчилари ўртасида нафақат расмий, балки норасмий, шахсий алоқаларнинг шаклланиши. Зеро, бу бизнесни юритишни енгиллаштиради ва ташқи иқтисодий муҳитдаги мунтазам ўзгариб турувчи шароитларга мослашиш учун куч ва ҳаракатларни янада самаралироқ мувофиқлаштиришга ёрдам беради[2];

- технологик тенденцияларни ўз вақтида аниқлаш асосида инновацияларни прогноз қилиш ва режалаштиришни амалга ошириш;

- замонавий технологиялар асосида кластер корхоналари ўртасида ахборот ва маркетинг алоқаларининг ривожланиши, минтақаларро иқтисодий интеграция доирасида қиймат яратиш занжиридаги етишмайдиган бўғинларнинг тўлдирилиши, ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва бошқарув умумий стандартларининг шаклланиши, кластер брендларининг жадал ривожланиши.

Бироқ, шуни инобатга олиш керакки, кластерлар ҳудудий иқтисодиёт учун устувор йўналиш ҳисобланмайди, чунки улар устун томонларидан ташқари, бир қатор камчиликларга ҳам эга, хусусан:

- кластер корхоналарининг керагидан ортиқ даражада кластер доирасидаги ички алоқаларга эътибор қаратиши ва кластердан ташқаридаги ҳаётга бефарқ бўлиши технологияларнинг эскириши, бу корхоналар рақобатбардошлигининг

пасайишига олиб келиши мумкин;

- кластернинг ўзгалар учун ёпиқлиги иштирокчи корхоналар “эгилювчанлиги”нинг пасайишига сабаб бўлиши мумкин;

- кластер доирасида рақобатнинг йўқлиги ишлаб чиқариш ва сотиш тизимини мунтазам такомиллаштириб бориш заруратини “йўққа чиқаради”;

- ҳар бир кластернинг ўзига хослиги ушбу кластер фаолияти самарадорлигини баҳолашда қийинчиликлар вужудга келишига сабаб бўлади, бунда кластерни бошқаси билан солиштириш имкони бўлмайди;

- бутун бошли кластер фаолияти натижаларининг ундаги ҳар бир иштирокчининг фаолият самарадорлигига боғлиқлиги.

Миллий иқтисодиётни кластерлаштириш минтақаларни ривожлантиришнинг бутунлай янги бўлган механизми эмас, балки буйруқбозликка асосланган иқтисодиёт шароитларида яратилган ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуасининг (ҲИЧМ) ўзига хос бир тимсоли ёки намунаси ҳамдир. Миллий иқтисодиётда кластерларни ташкил этиш, аслида, минтақада ишлаб чиқариш кучларини шакллантиришдаги ҳудудий ишлаб чиқариш усулининг “клони” ҳисобланади. Шундай қилиб, бугунги кунда республикамиз иқтисодиётида бу каби тузилмаларни ташкил этиш бўйича муайян тажриба тўпланган, аммо миллий инновацион тизимларни яратиш ва ривожлантириш шароитида кластерлаштириш жараёни алоҳида аҳамият касб этади ва бутун бир миллий инновацион тизимнинг таркибини ташкил қилувчи минтақавий инновацион тизимларни шакллантириш механизми бўлиб хизмат қилади.

Минтақада кластерларни ташкил этиш механизми турли иштирокчиларнинг саъй-ҳаракатларини ҳамда турли соҳаларга доир билим ва тажрибаларни бирлаштириш асосида амалга оширилади. Мазкур соҳалар вакиллари сифатида хомашё ишлаб чиқарувчи ва уни қайта ишловчи саноат корхоналари, маҳсулотни сотиш билан шуғулланувчи тижорат ташкилотлари, логистика, молия, консалтинг соҳаларидаги хизмат кўрсатувчи компаниялар, илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари, бошқарувчи ва тартибга солувчи ташкилотларни киритиш мумкин. Кластер иштирокчиларининг тарқоқ ҳаракатлари юқори натижага эришиш учун бир йўналишга солиниб, жипслаштирилади. Бу эса минтақа иқтисодиёти рақобатбардошлигининг юқори даражада бўлишини таъминлайди.

Кластерлар нафақат минтақаларни тараққий эттиришнинг самарали механизми бўлиб хизмат қилади, балки бизнес, фан ва давлат ўртасида самарали алоқаларни ўрнатиш учун қулай шароитларни ҳам яратилди. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, инновацион кластерларни шакллантириш ҳисобига минтақа

рақобатбардошлигининг энг юқори даражасига эришилади. Инновацион кластерни аниқлашда асосий жиҳат барча иштирокчиларда инновацион синергиянинг мавжудлигидир. Ушбу синергия тўғрисида инновациялар яратилиши, капиталлашуви ва тарқалиши таъминланади. Инновацион кластерни шакллантиришда давлат органлари кўмагида фан ва таълим ташкилотларининг ишлаб чиқарувчи корхоналар билан интеграцион алоқалари муҳим рол ўйнайди. Саноат салоҳиятини илмий инновацион салоҳият билан қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш учун инновацион инфратузилмани яратишга фаол ҳаракат қиладиган минтақаларда кластерлаштириш жараёни юқори самара беради.

Инновацион кластер атамасига берилган расмий таъриф биринчи марта 2000 йилда Инновацион сиёсат ва технологиялар бўйича халқаро анжуманда пайдо бўлди[3]. Кластернинг классик таърифи М.Портер томонидан берилган бўлиб, у қуйидагича ифодланади: “ўзаро рақобатлашувчи, аммо шу билан бирга, ҳамкорликда иш олиб борувчи ўзаро боғлиқ компаниялар, тегишли соҳалардаги ихтисослашган хизмат кўрсатувчи корхоналар, фирмалар, шунингдек, уларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган ташкилотлар (масалан, университетлар, стандартлаштириш агентликлари, савдо бирлашмалари)дан таркиб топган, жуғрофий нуқтаи назардан бир ерда жамланган гуруҳ”[4]. Анъанавий ёндашувлар таъсири натижасида инновациявийлик тушунчасини технологик ёки тармоқ доирасидаги кластернинг хусусияти, сифатида эътироф этиш одат тусига кирган. Бу эса “инновацион кластер” тушунчасига аниқ таъриф беришда қийинчиликларни келтириб чиқаради. Иқтисодий адабиётларда инновацион кластерга қуйидагича таърифлар берилган:

- инновациялар соҳасида фаолият кўрсатувчи, технологик ихтисослашувидан қатъий назар, бир бирини тўлдирувчи, жуғрофий жиҳатдан қўшни бўлган ва ўзаро боғлиқ компаниялар ва уларга алоқадор бўлган бошқа ташкилотлардан таркиб топган ҳамда кластернинг ҳар бир иштирокчиси ҳамда бутун бошли минтақа инновацион салоҳиятининг ривожланишига ёрдам берувчи гуруҳ[5];

- эришиш мумкин бўлган максимал самарадорлик ва рақобатбардошликни таъминлаш мақсадида инновация соҳасидаги ҳамкорлик тармоқлари орқали бир бирига боғланган корхоналар, илмий, таълим ва жамоат ташкилотларининг бир ерга жамланиши[6];

- янги билимлар, илмий янгиликлар ва ихтироларни бозор талаби асосида инновацияларга айлантиришга қодир бўлган турли ташкилотлар (саноат компаниялари, илмий-тадқиқот марказлари, олий ўқув юртлири, давлат илмий муассасалари ва бошқалар) куч ва ҳаракатларининг норасмий бирлашуви[7];

- ўзаро бир бирига боғлиқ бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва шахслар ўртасидаги инновацияларга асосланган барқарор шерикчилик[8];

- инновацияларни яратиш, ишлаб чиқиш ва тижоратлаштириш жараёнларининг ривожланишига имконият яратувчи хусусиятларга эга ўзига хос кластер тури[9].

Юқорида келтирилган таърифларни таҳлил қилган ҳолда инновацион кластернинг асл жиҳатларини аниқлаш имконини берувчи ва уни ажратиб турувчи хусусиятларини аниқлаб олиш лозим.

Биринчидан, инновацион кластер бир неча кичик тизимларни ўз ичига олувчи катта тизим ҳисобланади, чунки у минтақадаги кластерда инновацияларни яратиш ва кенг ёйишни кўзда тутувчи инновацион фаолият жараёни орқали бирлашган турли хилдаги кластерларни (қурилиш, нефт ва газ, тиббиёт ва ҳоказо) ўз ичига олиши мумкин.

Иккинчидан, инновацион кластер иштирокчилари фаолиятининг натижалари нафақат ишлаб чиқариш соҳасидаги инновациялар, балки бошқарув, ташкилотчилик ва ижтимоий ва бошқа ишлардаги инновациялар ҳамдир.

Учинчидан, инновацион кластерда, бир қарашда, “турли туман” корхоналар кўзга ташланса да, улар учун ягона ривожланиш концепцияси амал қилади ва ушбу корхоналар ягона инновацион жараён орқали бир бирилари билан боғланган. Мазкур инновацион жараёнда ҳар бир корхона ўзи учун қатъий белгилаб қўйилган функцияларни бажаради.

Тўртинчидан, инновацион кластерни шакллантириш учун инновация соҳасидаги корхоналар сони ёки ҳажмининг ўзи етарли эмас, балки соҳага оид билим ва тажриба, техник имкониятлар, логистика йўллари ва алоқа тармоқлари, доимий инновацион ривожланишни амалга оширишни кўзда тутувчи муносабатлар тизими ҳам зарур.

Бешинчидан, кластер иштирокчилари ўртасида ўзаро муносабатлар рақобат ва ҳамкорликни биргалиқда олиб бориш асосида қурилади. Бу эса, пировардида, муваффақиятли ҳамкорлик ва умумий натижага эришиш учун шерикларнинг муҳим билим, тажриба ва ютуқларидан фойдаланиш имкониятининг пайдо бўлишига олиб келади.

Шундай қилиб, инновацион кластер ўз инновацион фаолиятини тизимли равишда ривожлантириш ва минтақа иқтисодиётига ижобий синергетик натижа олиб келиши мумкин бўлган интеграциялашиш ҳаракатлари асосида турли соҳаларда инновацияларни доимий равишда яратиш, жорий қилиш ва кенг ёйишни амалга оширувчи ва инновация жараёни орқали ўзаро боғлиқ корхоналар, илмий ташкилотлар, давлат ташкилотлари, илмий тадқиқот марказлари,

истеъмолчилар уюшмаларидан таркиб топган мажмуани ўзида намоён этади.

Бизнинг фикримизча, минтақада инновацион кластерни ташкил этиш учун қуйидаги шартларнинг бажарилиши зарур:

- йирик корхоналарнинг мавжуд бўлиши. Зеро, шу корхоналар базасида инновацион лойиҳалар синаб кўрилиши ва саноат миқёсида амалга оширилиши мумкин;

- минтақада барча кластер иштирокчилари инновацион фаоллигининг доимий ривожланиши учун шарт-шароитларнинг яратилиши;

- кичик инновацион тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш ҳамда йирик корхоналарнинг кичик бизнес билан ҳамкорлигини таъминлаш учун инновацион инфратузилмларнинг яратилиши;

- инновацион ғоялар ва лойиҳалар ишлаб чиқиш учун пойдевор ва илмий база бўлиб хизмат қилувчи илмий-тадқиқот марказларининг мавжуд бўлиши;

- кластердаги инновацион корхоналар учун кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни амалга оширувчи университетнинг мавжудлиги;

- барча кластер иштирокчилари ўртасида алоқалар боришини таъминловчи мавжуд инновацион транспорт ва логистика тизимини яратиш, шунингдек, бу борада мавжуд тизимдан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш;

- минтақавий инновацион сиёсатни амалга ошириш доирасида шартнома муносабатлари асосида минтақа ҳудудидаги корхоналарда шаклланган бизнес юритиш анъаналари ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар амалиётининг мавжудлиги;

- кластер корхоналарининг инновацион маҳсулотларга бўлган талабини аниқлаш, шунингдек, минтақа ва унинг ташқарисида инновацион маҳсулотлар савдосини авж олдириш бўйича минтақавий инновацион сиёсатни белгилаш;

- мавжуд ва потенциал кластерларнинг битта тизимга бирлашиши учун замин яратиш, зеро бу минтақа иқтисодиётининг инновацион ривожланишини таъминлайди (бу ерда инновацион кластерга катта тизим сифатида қаралади).

Инновацион кластерларни ташкил этиш учун кластерлар асосида ривожлантириш воситаларини шакллантириш, қўллаб қувватлаш инфратузилмасини яратиш, кластерлар асосида ривожланишни мониторинг қилиб бориш методикасини ишлаб чиқиш, кластер таркибига кирувчи корхоналарнинг инновацион фаоллигини рағбатлантириш тизимини белгилаш зарур.

Кластерлар асосида ривожлантириш инструментларига қуйидагилар киради:

- тармоқларнинг ривожланишини ва билимлар ва технологиялар олиб кирилишини қўллаб қувватлаш;

- ихтисослашган корхоналарнинг ташкил этилишига кўмаклашиш;

- инновацион фаолият соҳасида кадрларни қайта ўқитиш ва қайта тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқиш;

- брендингни ривожлантириш;

- корхоналарни технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга кўмаклашиш;

- минтақалараро ва халқаро инновациялар алмашинувини ривожлантириш;

- марказлашган тарзда инвестициялар жалб этилишини таъминлаш ва инновацион лойиҳаларни субсидиялаш.

Шу жиҳатдан, ҳудудларда инновацион кластерларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун маълум тайёргарлик тадбирларини амалга ошириш зарур:

- кластерни ташкил этиш ва бошқариш концепциясини ишлаб чиқиш;

- ўзаро алоқаларнинг тармоқли модели асосида кластерни ривожлантириш лойиҳасини бошқариш тизимини белгилаш;

- кластернинг маркетинг салоҳиятини ва бошқа минтақаларда кластернинг инновацион маҳсулотларга бўлган талабни вужудга келтириш имкониятларини баҳолаш;

- кластер корхоналарининг ишлаб чиқариш имкониятлари “инвентаризация”сини ўтказиш ва бутун саноат тизимининг мавжуд ишлаб чиқариш жараёнлари операцион самарадорлигини ошириш;

- барча кластер иштирокчилари ўртасида функциялар, ваколатлар, соҳа бўйича билим ва тажрибалар ҳамда жавобгарликларни тақсимлаган ҳолда улар ўртасида шартнома муносабатларини белгилаш;

- кластерлар ривожланишини қўллаб-қувватлаш тадбирларининг самарадорлигини баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш.

Шундай қилиб, минтақада инновацион кластерларнинг бўлиши минтақа иқтисодий сиёсатининг мазмун моҳиятини тубдан ўзгартиради ва бунда ҳаракатлар алоҳида бир корхоналарни қўллаб-қувватлашга эмас, балки, иқтисодиёт субъектлари ва давлат муассасалари ўртасида ўзаро муносабатлар тизимини ривожлантиришга қаратилади. Минтақавий сиёсат ушбу стратегик мақсадларни амалга оширишда амалий натижа берадиган механизм сифатида инновацион кластерларни ташкил этиш асосида минтақанинг рақобат устунлигини яратишга қаратилган бўлиши керак. Минтақавий кластер сиёсати минтақанинг инновацион ривожланишига қаратилган бош режани ифода этадики, унда нафақат минтақадаги янги ва муҳим аҳамиятга эга технологиялар атрофида шакллантирилган бошланғич тармоқлар изчил алоқадорлиги, балки мавжуд ресурслар, инфра-тузилмалар ва бозор шароитларини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган истиқболли ишлаб чиқариш ва технологиялар схемаси ҳам ўз аксини топиши керак. Инновацион кластер динамик тизим бўлиб, синергетик натижадан фойдаланиш асосида ўз тараққиётини таъминлайди. Кластер сиёсати инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича минтақадаги алоқаларнинг бошланғич ҳолатини белгилаб олишга ёрдам беради. Кластер сиёсати минтақада илмий тадқиқот базаларининг ривожланиши учун шарт-шароит яратган ва унинг илмий салоҳиятини ривожлантирган ҳолда ҳудудларнинг технологик даражасини юксалтириш имконини бериши керак. Шу жиҳатдан, минтақаларда инновацион кластерларни ривожлантиришнинг устивор йўналишларидан бири ички ва ташқи бозорда илғор технологияларни юзага чиқара оладиган инновацион бизнесни шакллантиришдан иборат бўлиши лозим.

#### Манба ва адабиётлар:

1. Портер М. Конкуренция. – СПб. – Москва – Киев, 2003, -Б. 201.
2. Van den Berg L., Braun E., van Winden W. Growth Clusters in European Cities: An Integral Approach. *Urban Studies*, 2001, -P. 43.
3. Шерешева М.Ю. Инновационные кластеры // Региональные аспекты формирования национальной инновационной системы. – М.: Статус, 2007, -С. 39.
4. Портер М. Конкуренция. – СПб.; М.; Киев, 2003, -С. 142.
5. Фияксель Э.А., Назаров М.Г. Роль инновационного кластера в формировании РИС (региональной инновационной системы) // Инновации. – СПб., 2009. - № 6 (128). - С.86-88.
6. Сташевская Г.Н. Формирование инновационного кластера на базе профильного технопарка как механизм регионального развития // Инновации. – СПб., 2009. - №4 (126). - С.82-87.
7. Ахтариева Л.Г. Кластерный механизм повышения конкурентоспособности региона // Экономика и управление. 2009. - №34 (127). - С.54-61.
8. Быкова А.А. Проблематика формирования инновационных кластеров // Инновации. – СПб., 2009. - № 8 (130). - С.39-45.
9. Andersson T., Schwaag-Serger S., Sorvik J., Hansson E.W. *The Cluster Policies Whitebook*. IKED, 2004. -P. 67.

---

## ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИДАН Фойдаланишни РАЃБАТЛАНТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

Зокиров Шухрат Эркиналиевич

Кичик илмий ходим, ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази

**Аннотация.** Мақолада жаҳондаги айрим давлатларда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кўлами ошишининг иқтисодий ўсишга таъсири ўрганилган. Шунингдек, Ўзбекистонда ва айрим давлатларда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш бўйича мақсадли стратегиялар таҳлил қилинган. Мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантиришнинг иқтисодий механизмлари ишлаб чиқилган.

**Таянч тушунчалар.** Қайта тикланувчи энергия манбалари, энергия истеъмоли, энергия баланси, “яшил” сертификат, “яшил” тариф, барқарор ривожланиш.

**Аннотация.** В статье изучено влияние расширения масштаба использования возобновляемых источников энергии на экономический рост в некоторых странах мира. А также, проанализированы целевые стратегии по расширению масштаба использования возобновляемых источников энергии в некоторых странах и Узбекистане. Разработаны экономические механизмы стимулирования возобновляемых источников энергии в нашей стране.

**Ключевые слова.** Возобновляемые источники энергии, энергопотребление, энергодбаланс, «зеленый» сертификат, «зеленый» тариф, устойчивое развитие.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат бериб турибдики, яқин келажакда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кўламининг ошиши мамлакатларнинг барқарор ривожланишга эришишидаги асосий омиллардан бирига, узоқ муддатли даврда эса энергия стратегиясининг негизига айланади ва катта ҳажмдаги иқтисодий самарани беради.

Халқаро қайта тикланувчи энергия агентлиги (International Renewable Energy Agency - IRENA) нинг 2016 йилда чоп этилган “Қайта тикланувчи энергиянинг фойдаси: иқтисодий ўлчов” (“Renewable energy benefits: measuring the economics”) номли ҳисоботидаги таҳлиллар натижаларига кўра, 2030 йилга бориб дунё бўйича умумий энергия истеъмолида қайта тикланувчи энергия манбалари улшининг икки баробарга ошиши жаҳон ЯИМнинг 1,1 фоизга, яъни 1,3 трлн. АҚШ долларига ошиши учун шароит яратади. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кўламининг бундай ошиши 2030 йилга бориб дунё аҳолиси турмуш даражасининг 2,7 фоизга, иссиқлик ва транспорт соҳасининг юқори даражада электрлаштирилиши ҳисобига, ҳаттоки, 3,7 фоизга кўтарилишига олиб келади. Шунингдек, қайта тикланувчи

энергияни ишлаб чиқариш соҳасидаги бандлик кўрсаткичи 2030 йилга бориб 2017 йилдаги 7,7 млн. кишидан 24,4 млн. кишига ортади [1].

IRENA томонидан олиб борилган тадқиқотлар қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш мамлакатнинг макроиқтисодий кўрсаткичларига, хусусан, ЯИМ ўсиши, аҳоли бандлиги, ташқи савдо ва бошқа иқтисодий кўрсаткичлар билан бир қаторда атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олишга ижобий таъсир кўрсатади. Масалан, Европа Иттифоқи мамлакатларида 2030 йилгача сув энергиясидан фойдаланиш ҳажмининг ошиши ҳисобига парник газларининг 40 фоизга камайиши, бунинг оқибатида ЯИМни ўртача 0,46 фоизга, бандлик даражасининг 0,5 фоизга ошиши прогноз қилинмоқда. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантиришга қаратилган турли чора-тадбирлар туфайли 2030 йилгача Германияда ЯИМ 3 фоизга, иш ўринларининг сони 1 фоизга ошишига, Ирландияда 2020 йилга бориб шамол энергияси улшининг оширилиши туфайли ЯИМ 0,2-1,3 фоизга, иш ўринлари сонининг 7450 гача ошишига, Саудия Арабистонида қайта тикланувчи энергия қувватининг 54 ГВт га ортиши туфайли 2032

йилгача ЯИМнинг 4 фоизга, иш ўринлари сонининг 137 мингга ортишига, атмосферага CO<sub>2</sub> чиқаришга қарши сиёсат орқали АҚШ да 2030

йилгача ЯИМ 0,6 фоизга, иш ўринларининг сони бир миллионга ўсишига эришилади (1-жадвал).

1-жадвал

**Жаҳондаги айрим давлатларда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кўлами ошишининг иқтисодий таъсири (2020-2030 йиллар прогнозлари) [2]**

Давлат/ҳудуд	Прогноз қилинаётган йил	Қайта тикланувчи энергия бўйича сиёсат	ЯИМга таъсир	Бандликка таъсир
Европа иттифоқи (European Commission, 2014)	2030	Сув энергияси ҳисобига парник газларини 40 фоизга камайтириш	+0,46 фоиз	+1,25 млн. ш ўрни (+0,5 фоиз)
Германия (Lehr et al., 2012; Blazejczak et al. 2014; Bohringer et al. 2013)	2030	Қайт тикланувчи энергия истеъмолини оширишнинг турли чоралари	+3 фоиз	+1 фоиз иш ўрни
Ирландия (Pöyry Management Consulting and Cambridge Econometrics, 2014)	2020	Асосан шамол энергияси улушини ошириш	+0,2 фоиз дан +1,3 фоизгача	+1,150 дан +7450 гача иш ўрни
Япония (IRENA and CEM, 2014)	2030	23,3 ГВт қувватли қуёш энергиясининг қўшилиши	+0,9 фоиз (47,5 млрд. АҚШ долл.)	-
Чили (NRDC and ACERA, 2013)	2028	Қайта тикланувчи усулда электр энергиясини ишлаб чиқаришнинг 20 фоизга ошиши	+0,63 фоиз (2,24 млрд. АҚШ долл.)	+7800 (+0,09) иш ўрни
Мексика (PwC, 2015)	2030	Қайта тикланувчи энергия қувватининг 21 ГВт га ортиши	+0,2 фоиз	+134000 иш ўрни
Саудия Арабистони (K.A.CARE, 2012)	2032	Қайта тикланувчи энергия қувватининг 54 ГВт га ортиши	+4 фоиз (51 млрд. АҚШ долл.)	+137000 иш ўрни
Буюк Британия	2030	Табиий газ ўрнини шамол энергияси деярли эгаллаши	+0,8 фоиз	+70000 иш ўрни
АҚШ	2030	CO <sub>2</sub> чиқаришга қарши сиёсат	+0,6 фоиз	+1 млн. иш ўрни


Энергияга бўлган умумий талабни тўлиқ қондириш, юқори иқтисодий самарадорлик, атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш каби қатор масалаларни ҳал қилиш имконини берганлиги учун, сўнгги йилларда мамлакатимизда умумий энергия балансида қайта тикланувчи энергия манбаларининг улуши ортиб бормоқда. Ушбу энергия манбаларининг умумий қуввати 2006-2016 йилларда жами 162 МВт га ошиб, 2016 йилда 1761 МВт ни ташкил қилган. Мамлакатимиз энергия балансида у қарийб 3 фоизни ташкил қилади (1-расм).

Мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кўламини оширишда ички молиялаштириш манбалари билан бир қаторда ташқи инвестицияларни жалб қилишга катта эътибор берилмоқда. Осиё тараққиёт бан-


ки (Asian Development Bank - ADB) томонидан 2010-2016 йилларда мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларини молиялаштиришга 215,7 млн. АҚШ доллари миқдоридан инвестициялар жалб этилди. Ушбу молиявий маблағларнинг 85,3 фоизи қуёш энергияси қувватларини оширишга йўналтирилган. Осиё тараққиёт банки томонидан Ўзбекистонга ажратилган молиявий маблағларни Марказий Осиё ва Кавказнинг айрим давлатларига ажратилган маблағлардан сезиларли даражада юқори эканлигини кўришимиз мумкин. Мазкур кўрсаткич Қирғизистонда 360,7 млн. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, Тожикистонда 136 млн., Арманистонда 25 млн., Грузияда 15 млн. ва Озарбайжонда эса 5 млн. АҚШ долларини ташкил қилган (2-расм).



Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантиришнинг иқтисодий механизмлари



1-расм. Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбалари улиши ўсишининг динамикаси [3,4]




2-расм. Осиё тараққиёт банки (ADB) томонидан 2010-2016 йилларда Кавказ ва Марказий Осиёнинг айрим давлатларида қайта тикланувчи энергия манбаларини молиялаштирилиши, млн. АҚШ долл. [5]

Жаҳоннинг аксарият мамлакатларида “барқарор ривожланиш” концепцияси давлатнинг асосий мақсадига айланиб, юқори углеродли ишлаб чиқаришдан воз кечиб, тоза ёқилғи ва технологиялардан фойдаланиш йўлига ўтилмоқда. Қайта тикланувчи энергия манбаларининг атроф-муҳитга салбий таъсири

даражаси жуда пастлиги яқин келажакда ушбу турдаги энергия манбаларининг аҳамиятини янада оширади. Ўзбекистонда умумий энергия истеъмолида қайта тикланувчи энергия манбаларининг улуши 2015 йилда 1995 йилдаги 1,46 фоиздан 2,93 фоизга кўтарилган. Электр энергияси истеъмолида қайта тикланувчи энергиянинг

улуши 2015 йилда 1995 йилдаги 13 фоиз дан 21 фоизгача ошган. Умумий энергия истеъмолида қайта тикланувчи энергия манбалари улушининг ошиши мамлакатимизда атмосферага чиқарилаётган CO<sub>2</sub> миқдорининг сезиларли да-

ражада камайишига таъсир кўрсатган, хусусан, 1995 йилда бу кўрсаткич 4,39 метрик тоннани ташкил қилган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 3,41 метрик тоннагача пасайган (3-расм).



**3-расм. Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбалари ва атмосферага чиқарилаётган CO<sub>2</sub> миқдори [6]**

Мамлакатимиз қайта тикланувчи энергия манбаларининг асосий қисмини қуёш, сув ва қисман шамол энергияси ташкил қилади. Ўзбекистоннинг йиллик қуёш энергияси салоҳияти 51 млрд. тонна нефть эквивалентини ташкил қилса, бу кўрсаткич бўйича шамол энергияси 360 млн. ва сув энергияси 1,8 млн. тонна нефть эквивалентини ташкил қилади. Соф энергия олиш учун фойдаланилиши мумкин бўлган ер майдонининг умумий ҳажми 11 млн. гектарни ташкил қилади. Мамлакатимизда 2030 йилга келиб энергиянинг энг катта улушини деразали қуёш панелларидан олиш режалаштирилмоқда. Ўзбекистонда йилига 200 мингдан ортиқ энгил автомобиллар ишлаб чиқарилади. 2030 йилга келиб уларнинг 48,5 фоизи қайта тикланувчи ёқилғи турлари билан таъминланади. Қайта тикланувчи энергия манбалари мамлакатни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади. Бу ёқилғи сарфини 50 фоизга, ҳавонинг ифлосланишини 80 фоизга камайтиради [7]. 2030 йилга қадар мамлакатимиз умумий энергия истеъмолида қайта тикланувчи энергия манбалари улушининг 16 фоизга, 2050 йилгача 19 фоизга етказилиши прогноз қилинмоқда [8].

БМТнинг Атроф-муҳит ташкилоти (United

Nations Environment Programme), Америка тараққиёт банки (Inter-American Development Bank – IDB) ва нуфузли ташкилотлар томонидан ҳар йили чоп этиладиган “Қайта тикланувчи энергия манбалари” халқаро ҳисоботининг 2017 йилги сонидан келтирилган таҳлилларга кўра, бугунги кунда дунё умумий энергия истеъмолида қайта тикланувчи энергия манбаларининг улуши 19,3 фоизни ташкил қилмоқда [9]. Яқин келажакда қайта тикланувчи энергия манбаларининг аҳамияти янада ошади. Ушбу турдаги энергиядан фойдаланиш кўламини кенгайтириш кўпчилик мамлакатлар энергия сиёсатининг асосига айланади. Европа Иттифоқи мамлакатларида қайта тикланувчи энергия манбаларининг сўнги энергия истеъмолидаги улуши 2020 йилгача 20 фоизни, 2030 йилгача 27 фоизни ташкил қилиши прогноз қилинмоқда. Ушбу кўрсаткич ривожланган ва саноатлашган давлатларда, хусусан, Австрияда 2020 йилгача 45 фоизни, Данияда 2020 йилгача 35 фоизни, 2050 йилгача 100 фоизни, Бразилияда 2030 йилгача 45 фоизни, Германияда 2030 йилгача 30 фоизни, 2050 йилгача 60 фоизни ташкил қилиши прогноз қилинмоқда. Осиёнинг ривожланган давлатларида қайта тикланувчи энергия манбаларининг энергетик балансда-

ги улуши нисбатан паст кўрсаткичга эга, хусусан, Хитойда бирламчи энергия истеъмолида қайта тикланувчи энергия манбаларининг улуши 2017 йилда 10 фоизни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2020 йилгача 15 фоизга, 2030 йилга бориб эса 20 фоизга, Жанубий Кореяда 2020 йилгача 6,1 фоизга, 2030 йил-

гача 11 фоизга етиши прогноз қилинмоқда (2-жадвал). Мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларининг умумий якуний энергия истеъмолидаги улуши 2,92 фоизни ташкил қилмоқда, бу кўрсаткич 2030 йилда 16 фоизга, 2050 йилгача 19 фоизга етиши прогноз қилинмоқда [10,11].

## 2-жадвал

### Айрим давлатларда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш бўйича мақсадли стратегиялар [12]

Давлат	Бирламчи энергия истеъмоли		Сўнги энергия истеъмоли	
	Улуши	Мақсадли стратегия	Улуши	Мақсадли стратегия
Европа Иттифоқи (EU-28)			16%	20% - 2020 й. 27% - 2030 й.
Албания		18% - 2020 й.	35%	38% - 2020 й.
Австрия			33%	45% - 2020 й.
Белоруссия			5,7%	32% - 2020 й.
Бразилия			39,4%	45% - 2030 й.
Хитой	10%	15% - 2020 й. 20% - 2030 й.		
Дания			30%	35% - 2020 й. 100% - 2050 й.
Финландия			39,3%	40% - 2025 й.
Германия			14%	18% - 2020 й. 30% - 2030 й. 45% - 2040 й. 60% - 2050 й.
Франция			15%	23% - 2020 й. 32% - 2030 й.
Греция			15%	20% - 2020 й.
Жанубий Корея		6,1% - 2020 й. 11% - 2030 й.		
Япония	5,8%	14% - 2030 й.		
Нидерландия			6%	16% - 2020 й.
Норвегия			69%	67,5% - 2020 й.
Португалия			28%	40% - 2030 й.
Швецария		24% - 2020 й.		
Полша		12% - 2020 й.	12%	15,5% - 2020 й.
Ўзбекистон			2,9%	16% - 2030 й. 19% - 2050 й.

Бугунги кунда мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбалардан фойдаланиш кўламининг кенгайтириши учун тўсиқ бўлаётган айрим омиллар мавжуд. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Қонунчилик омиллари. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантиришнинг иқтисодий механизмлари бўйича қонунчилик базасининг етарли даражада шакллантирилмаганлиги.

Иқтисодий омиллар. Қайта тикланувчи энергия манбаларини ишлаб чиқариш қийматининг юқорилиги ва анъанавий энер-

гия манбаларига нисбатан камроқ қувватга эга эканлиги, қайта тикланувчи энергия манбаларини қўллашни рағбатлантирувчи чоралар (тариф ва солиқлар) ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг аниқ молиявий механизмлари мавжуд эмаслиги, анъанавий энергия манбалари бирлигининг бошқа давлатларга нисбатан арзонлиги.

Технологик омиллар. Замонавий бошқарув тизимларига асосланган прогрессив техника ва технологияларнинг етарли даражада ривожланмаганлиги.

Ахборот-психологик омиллар. Қайта тикла-

нувчи энергия манбаларининг имкониятлари тўғрисида ахборотларнинг етишмаслиги.

Жаҳон тажрибасида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантиришнинг қатор иқтисодий механизмлари мавжудлиги маълум. Ушбу механизмлар орасида “яшил” сертификатлаш тизими, технологик улаш ҳаражатларининг давлат томонидан қопланиши, қайта тикланувчи энергия манбаларига қатъий тарифлар, соф ўлчов тизими каби иқтисодий механизмлар муҳим аҳамиятга эга.

“Яшил” сертификат тизими – бу қайта тикланувчи энергия манбалари асосида электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишни ҳисобга олиш ва мониторинг қилиш воситасидир. Ушбу тизим дунё тажрибасида кенг тарқалган бўлиб, турли атамалар билан номланган. Масалан, бу иқтисодий механизм Европада “Яшил сертификат” (“Green Certificate”), АҚШда “қайта тикланувчи энергия сертификати” (“Renewable Energy Certificates” - RECs), “Қайта тикланувчи энергия кредити” (“Renewable Energy Credits”), “Яшил ёрлиқ” (“Green tags”), “Қайта тикланувчи электр сертификати” (“Renewable Electricity Certificates”) деб номланади [13]. Бу тизимда қайта тикланувчи энергия манбалари асосида энергия ишлаб чиқарувчилар “яшил” сертификатлар олиши мумкин ва бу сертификат уларнинг бозорда белгиланган ҳажмда қайта тикланувчи характердаги, яъни “яшил” энергияни ишлаб чиқарганлиги ва сотганлигини билдиради. Ушбу сертификатлар миқдори ишлаб чиқилган энергия миқдорига боғлиқ бўлади. “Яшил” сертификатлар, аксарият ҳолларда, конкрет давлатлар ичидагина амал қилади. Бунга сабаб миллий “яшил” сертификатлар тизимларининг етарли даражада уйғунлашмаганлигидир. Шунинг учун масалаларни ҳал қилиш мақсадида, 2002 йилда Европада қайта тикланувчи энергия сертификати бўйича Халқаро ассоциация RECS International (Renewable Energy Certificate System) ташкил қилинган.

“Яшил” сертификат тизими қуйидаги асосий мақсадларга эришиш учун қўлланилади:

1. Қайта тикланувчи манбалар асосида электр энергияси ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш ҳажмини баҳолаш. XX аср 70-йилларининг охири 80-йилларининг бошига келиб аксарият мамлакатлар қайта тикланувчи манбалари асосида энергетикани ривожлантиришнинг давлат томонидан молиялаштирилувчи махсус дастурларини қабул қила бошлашди. Молиявий ёрдам турли усуллар ва шаклларда тақдим қилинган, ammo унинг кўлами туфайли дав-

латлар қўллаб-қувватлашнинг турли усуллари қўллашнинг натижадорлигини мониторинг қилиш тизимини яратиш заруриятини англаб етишди. Қўйилган талаблардан бири Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда белгиланган меъёрдан кам бўлмаган қайта тикланувчи энергия ишлаб чиқариш ва истеъмол даражасининг белгиланиши бўлди. Тегишли даража бутун Европа Иттифоқида ҳам алоҳида мамлакатларда ҳам ўрнатилган. Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ўзлари учун қайта тикланувчи энергия истеъмоли даражасини нисбатан юқори қилиб ўрнатиши мумкин, лекин ўрнатилган ва қабул қилинган миллий кўрсаткичларга эришилиши Европа Иттифоқининг умумий қоидалари бўйича кўрилади. Аъзо мамлакат томонидан ўрнатилган кўрсаткичларнинг бажарилмаслиги Европа Иттифоқининг ўша давлатга нисбатан молиявий санкцияларига сабаб бўлади.

2. Мамлакатда энергия ишлаб чиқаришда фойдаланилган ёқилғининг таркиби ва турлари тўғрисидаги маълумотларни ойдинлаштириш ва тасдиқлаш. “Яшил” сертификатлаш тизими сотилаётган электр энергиянинг келиб чиқиш манбалари тўғрисидаги маълумотнинг юқори даражада шаффофлигини эришишга ёрдам беради. Шунингдек, бу сертификатлар компания томонидан чиқариладиган товарларни маркировка қилишда ҳам фойдаланилади. Ўз мамлакатининг экологик ҳолати ва иқлим ўзгаришлари тўғрисида ғамхўрлик қилувчи истеъмолчиларнинг товар маркасидаги қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланганлик даражасини кўрсатувчи сертификатларга нисбатан ижобий қизиқиши товарлар сотувига ва оммалашшига сабаб бўлади. Бир қанча давлатларда қайта тикланувчи энергиядан фойдаланишга нисбатан қўйилган мажбуриятлар туфайли энергия истеъмолчиларининг айрим гуруҳлари бу турдаги энергия учун кўпроқ тўлашга тайёр бўлишади.

3. Корпорациялар ихтиёрий мажбуриятлари ривожлантириш мақсадлари учун кафолатловчи сертификатлардан фойдаланиш. Қайта тикланувчи энергия сертификати бўйича нафақат давлат балки бошқа алоҳида компаниялар олдида турган экологик ва ижтимоий мажбуриятларини бажарганлигини тасдиқлаш учун фойдаланилади.

Қайта тикланувчи манбалар асосида энергия ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги муносабатга нисбатан ҳар бир давлатнинг ўз қонунчилиги тизими ишлаб чиқилган бўлиб, бунда ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг турли гуруҳларига турлича талаблар ва имтиёзлар берилади. Маса-

лан, айрим мамлакатларда мажбурият энергияни етказиб берувчиларга, бошқаларида ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчиларга, яна бир бошқа давлатларда энергиянинг истеъмолчиларига юклатилади. Баъзида эса, қайта тикланувчи манбалар асосида энергия истеъмоли меъёри турли гуруҳ истеъмолчилари учун турли даражада ўрнатилади. Масалан, нисбатан экологик тоза бўлмаган истеъмолчиларга қайта тикланувчи энергия истеъмолида нисбатан юқори меъёрлар ўрнатилади. Ишлаб чиқарувчилар ўзларининг давлат олдидаги қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича юклатилган мажбуриятларини бажарганлигини тасдиқлаш мақсадида ўзлари қайта тикланувчи манбаларга асосланган энергия ишлаб чиқара бошлайди, ёки ушбу турдаги энергияни ишлаб чиқарувчи бошқа оптимал компаниялар билан ҳамкорлик қилади. Истеъмолчилар, ўз навбатида, қайта тикланувчи энергия ишлаб чиқарувчиларига айланадилар. Истеъмолчилар, ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчиларнинг қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш бўйича мажбуриятларни тасдиқлаш, бошқа қоида ва шартлар, сертификат ва гувоҳномаларни бериш, улардан фойдаланиш, уларни олиш тартиби мамлакатлар ҳукуматлари томонидан ўрнатилади. Шуни таъкидлаш жоизки, қайта тикланувчи энергиядан фойдаланишни тасдиқлаш тизими нафақат мажбурий тарзда, балки ихтиёрий асосда ҳам тасдиқланиши мумкин. Бугунги кунда кўпчилик компания ва корпорациялар ўзининг шахсий ишлаб чиқариш ва тижорат мақсадлари йўлида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш мажбуриятларини ихтиёрий равишда қабул қилишади. Бу икки усул орқали амалга оширилиши мумкин ва ҳар икки усулда ҳам қайта тикланувчи энергия сертификатларига эга бўлинади. Биринчи усулда компаниялар ўзлари қайта тикланувчи энергияга асосланган электрогенераторларни, хусусан, қуёш батареялари, шамол агрегатлари ва бошқа турдаги электр ишлаб чиқарувчи қурилмаларни ўрнатади. Иккинчи усулда компания қайта тикланувчи энергия ишлаб чиқарувчиларининг истеъмолчисига айланади.

4. Қайта тикланувчи энергия манбаларини қўллаб-қувватлашда сертификатлардан фойдаланиш. “Яшил” сертификат қайта тикланувчи энергия ишлаб чиқарувчилари, истеъмолчилари ва етказиб берувчиларига давлат томонидан дотациялар, мукофотлар, имтиёзлар ва бошқа турдаги молиявий ёрдамлар кўрсатилишига сабаб бўлади.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан

фойдаланишни рағбатлантиришнинг яна бир муҳим механизмларидан бири – бу “яшил” таърифлар, яъни қатъий таърифлардир. Бугун дунёда 65 дан ортиқ мамлакатда “яшил” таърифлар жорий қилинган. Бу қўллаб-қувватлаш чоралари остида қуйидаги асосий уч рағбатлантириш ётади:

1. Тармоққа уланиш кафолати.

2. Қайта тикланувчи манбалар асосида ишлаб чиқарилган барча электр энергиясини сотиб олиш бўйича узоқ муддатли шартнома.

3. Ишлаб чиқарилган электр энергиясини қатъий таърифларда сотиб олиш тўғрисида кафолат. Кўп ҳолларда янада рағбатлантириш мақсадида, қайта тикланувчи манбалар асосида ишлаб чиқарилган электр энергиясини харид қилиш ёқилғи энергия ресурслари орқали ишлаб чиқарилган электр энергияга нисбатан юқорироқ таърифларда бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, қайта тикланувчи энергия манбаъларидан фойдаланишни рағбатлантиришнинг иқтисодий механизмларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- анъанавий энергия манбаларига бўлган таърифларни ошириш;

- қайта тикланувчи энергия манбаъларини ишлаб чиқарувчиларнинг (уй хўжаликлари ва юридик шахслар) тармоққа уланиши ва истеъмолдан ортиқча энергияни тармоққа узатиш ва сотишни жорий қилиш;

- электроэнергия бозорига эркин киришни таъминлаш, жумладан, хусусий секторда қайта тикланувчи электроэнергияни ишлаб чиқариш ва ўз эҳтиёжидан ортган қисмини сотишга рухсат бериш;

- айрим тармоқларда қайта тикланувчи энергия манбаъларини истеъмол қилиш ва ишлаб чиқариш бўйича мажбурий квоталарни жорий қилиш;

- қазиб олинувчи энергия манбаларидан фойдаланиш орқали атроф-муҳитга зарарли моддаларни чиқарганлик учун жарималар ва солиқларни жорий қилиш;

- қайта тикланувчи энергия манбаълари учун имтиёзли кредитлар, субсидиялар бериш ва бошқалар.

Юқорида кўриб чиқилган қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантиришнинг қатор иқтисодий механизмларидан фойдаланиш мамлакатимиз умумий энергия истеъмолида қайта тикланувчи энергия улушининг ошишига, ўз навбатида, юқори иқтисодий самарага эришиш, атроф-муҳитга салбий таъсирнинг камайитириш ва пировардида, барқарор ривожланишга эришиш имконини беради.

**Манба ва адабиётлар:**

1. International Renewable Energy Agency – IRENA. (“Renewable energy benefits: measuring the economics”. 2016. –P. 10.
2. International Renewable Energy Agency – IRENA. (“Renewable energy benefits: measuring the economics”. 2016. –P. 16.
3. International Renewable Energy Agency (IRENA). Renewable Capacity Statistics 2017. – P. 2-4. [http://www.irena.org/DocumentDownloads/Publications/IRENA\\_RE\\_Capacity\\_Statistics\\_2017.pdf](http://www.irena.org/DocumentDownloads/Publications/IRENA_RE_Capacity_Statistics_2017.pdf)
4. Жаҳон банки маълумотлари: <http://data.worldbank.org/indicator/EG.FEC.RNEW.ZS>
5. The United Nations Economic Commission for Europe (UNECE). 4. Renewables 2017 Global status Report. REN21 Steering Committee. –P. 75.
6. Жаҳон банки маълумотлари асосида тузилган: <http://data.worldbank.org/indicator/EG.FEC.RNEW.ZS?view=chart>  
<http://data.worldbank.org/indicator/EG.ELC.RNEW.ZS?view=chart>  
<http://data.worldbank.org/indicator/EN.ATM.CO2E.PC?view=chart>
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси маълумотлари: <http://uznews.uz/article/5412>
8. The United Nations Economic Commission for Europe (UNECE). 4. Renewables 2017 Global status Report. REN21 Steering Committee. –P. 60.
9. Renewables 2017 Global status Report. REN21 Steering Committee. –P. 30.
10. International Renewable Energy Agency (IRENA). Renewable Capacity Statistics 2017. – P. 2-4. [http://www.irena.org/DocumentDownloads/Publications/IRENA\\_RE\\_Capacity\\_Statistics\\_2017.pdf](http://www.irena.org/DocumentDownloads/Publications/IRENA_RE_Capacity_Statistics_2017.pdf)
11. Жаҳон банки маълумотлари: <http://data.worldbank.org/indicator/EG.FEC.RNEW.ZS>
12. Renewables 2017 Global status Report. REN21 Steering Committee. –P. 187-194.
13. <https://www.epa.gov/greenpower/renewable-energy-certificates-recs>

---

## НАПРАВЛЕНИЯ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ГУП «МЕЖДУНАРОДНОГО АЭРОПОРТА «САМАРКАНД»»

### Холбоев Шахриёр

Старший преподаватель, Институт повышения квалификации и переподготовки работников народного образования Самаркандской области

### Усманова Диляфруз Каршиевна

К.э.н., старший преподаватель, Самаркандский государственный университет

**Аннотация.** «Самарқанд» аэропорти фаолиятининг иқтисодий самарадорлигига кўплаб омиллар таъсири кўрсатади. Унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш учун даромадларини ошириш, харажатларни оптималлаштириш, корхонанинг бошқариш тизимини такомиллаштириш лозим. Шунинг учун аэропортнинг натижадорлигига, рентабеллигига ўз таъсирини ўтказадиган омилларни аниқлаш лозим.

**Таянч тушунчалар:** Омилий таҳлил, корреляция, регрессия, аэропортнинг иқтисодий самарадорлиги, авиация хавфсизлиги учун ставка, келган пассажирларга хизмат кўрсатиш учун ставка, доимий рейсларни жорий этиш, авиаташувлар сони, жўнатилган пассажирлар сони, келган пассажирлар сони.

**Аннотация.** На экономическую эффективность деятельности аэропорта «Самарканд» оказывает воздействие большое количество факторов, которые поддаются влиянию предприятия в разной степени. Для повышения экономической эффективности необходимо решать комплекс задач, направленных на повышение доходов, оптимизацию расходов и совершенствование системы управления предприятием. Поэтому необходимо определить факторы, которые оказывает значительное влияние на результативность, рентабельность аэропорта.

**Ключевые слова:** Факторный анализ, корреляция, регрессия, экономическая эффективность деятельности аэропорта, ставка за авиационную безопасность, ставка за обслуживание прибывших, ввод новых регулярных рейсов, частота полетов, количество отправленных пассажиров, число прибывших пассажиров.

Туризм является важным источником валютных, экспортных поступлений, повышения занятости населения, развития экономики регионов. Одним из существенных барьеров, ограничивающих доступ в Узбекистан иностранных посетителей структура рынка пассажирских перевозок. Что касается неразвитости рынка пассажирских перевозок, то это является очень важным для развития туризма и повышения его экспортного потенциала, особенно с учётом того, что Узбекистан находится вдалеке от стран Европы, Северной Америки и Японии, генерирующих основные туристические потоки. Объём перевозок самого крупного Ташкентского аэропорта составляет 940 тыс. пассажиров в год, что сопоставимо с такими провинциальными аэропортами, как Екатеринбургский (Кольцово) и Красноярский. Аэропорт Дубай (ОАЭ), к примеру, обслуживает 7,5 млн. пассажиров в год.

Объёмы перевозок Самаркандского аэропорта свидетельствуют о низкой заинтересованности потребителей лететь через эти города, в частности, Ташкент. О низкой заинтересованности говорит и факт ухода с рынка авиаперевозок Республики Узбекистан таких авиакомпаний, как Lufthansa и Air France, а также не состоявшийся выход на него Al Italia, и то, что Аэрофлот совершает в Ташкент всего 3 рейса в неделю, а в Бишкек – 10. Официальная статистика также подтверждает сокращение объёмов перевозок в Узбекистане, как международных, так и внутренних.

На экономическую эффективность деятельности аэропорта «Самарканд» оказывает воздействие большое количество факторов, которые поддаются влиянию предприятия в разной степени. Для повышения экономической эффективности необходимо решать комплекс задач, направленных на повышение доходов, оптимизацию расходов

и совершенствование системы управления предприятием. Повышению доходов будут способствовать: увеличение объёмов деятельности путем привлечения авиакомпаний, расширения маршрутной сети, а также совершенствование тарифной политики, развитие неавиационных видов деятельности. С целью оптимизации расходов предприятия предлагается на регулярной основе осуществлять оптимизацию использования производственных ресурсов и реализацию политики управления недвижимым имуществом.

Одной из приоритетных направления развития деятельности аэропорта «Самарканд» является повышение его экономической эффективности. Поэтому необходимо определить факторы, которые оказывает значительное влияние на результативность, рентабельность аэропорта. Среди большого количества факторов нами выявлены те, которые по мнению руководства компании оказали влияние на положительный сдвиг показателей за последние 5 лет. Управление этими факторами позволит рационально использовать производственные ресурсы аэропорта и обеспечит более высокие прибыли транспортным организациям. В целях анализа необходимо провести комплексное исследование факторов с помощью разработки моделей. В анализе эффективности деятельности были применены традиционные статистические приёмы: группировки, абсолютных и относительных величин, средних величин. Однако эти методы не дают возможность определить размер влияния факторов на эффективность организации. Эконометрические методы позволяют одновременно применять традиционные приёмы и сочетать качественно-теоретический анализ с количественно-математическим, выявлять существование взаимосвязи факторов и размер влияния этих факторов на стоимость туристического продукта.

Определение всех неизученных факторов и их целенаправленное использование для повышения эффективности является важнейшим элементом стратегического планирования и разработки смет, размеров вмешательства в определение тарифов. Экономико-математические методы анализа создают большие возможности для исследования силы связи и выявления закономерностей и эмпирического наблюдения за сложными социально-экономическими явлениями. В настоящее время создано огромное число программных продуктов, ускоряющих процесс применения этих методов и позволяющих произвести отбор наиболее значимой модели прогнозирования.

В нашем исследовании поставлена задача разработки модели повышения эффективности деятельности аэропорта на базе существующих и вовлекаемых в оборот ресурсов. В этой связи были рассмотрены научные работы ряда ученых таких, как О.Э.Башина[1], М. Иванова[2], Эндрю Ф.Сигел[3], Р.А.Шмойлова[4], И.И.Жуманов[5], М.К.Пардаева[6], которые разработали и усовершенствовали методы прогнозирования на основе корреляционно-регрессионного анализа.

В деятельности аэропортов с помощью методов корреляционно-регрессионного анализа возможно выявления связи между факторами и силы этой связи, а также определения размера вмешательства в процессы регулирования, контроля, оценки и управления деятельности аэропортов.

Важнейшим этапом построения модели является выбор формы связи, характеризующей зависимость результативного, прогнозируемого показателя от установленных факторов, влияющих на этой показатель.

Задача заключается в нахождение аналитического выражения, показывающего как величина  $Y$  - доходность организации зависит от величин  $x_1, x_2, \dots, x_n$  факторов. В нашем исследовании таковыми являются ставка за авиационную безопасность, ввод новых регулярных рейсов, ставка за обслуживание прибывших, частота полетов, количество отправленных пассажиров, число прибывших пассажиров.

Необходимо найти зависимость  $Y = f(x_1, x_2, \dots, x_n)$ . Для этого следует использовать метод корреляционно-регрессионного анализа.

Основным методом решения задач нахождения параметров уравнения прогнозирования является метод наименьших квадратов, разработанный К.Ф.Гауссом, заключающейся в минимизации квадратов отклонений фактически измеренных значений зависимой переменной  $y$  от её значений, вычисленных по уравнению связи с факторными признаками.

В прогнозировании параметров наиболее распространенными и изученными являются следующие уравнения:

Линейное уравнение  $-Y = a + b_1x_1 + b_2x_2 + \dots + b_nx_n$ ;

Параболическое уравнение  $-Y = a + b_1x + b_2x^2$ ;

Гиперболическое уравнение  $-Y = a + b/x$ ;

Логарифмическая  $-Y = a + b_1 \ln x_1 + b_2 \ln x_2 + \dots + b_n \ln x_n$ ;

Степенная  $-Y = ax_1^{b_1} x_2^{b_2} \dots x_n^{b_n}$ .

При изучении зависимости доходности аэропорта и факторов используем линейную форму многофакторных связей не только как наиболее математически обоснованную, но и как форму, предусмотренную пакетами прикладных программ для ПЭВМ.



С целью выявления факторов, влияющих на цену туристского продукта, нами были отобраны 55 показателей производственно-хозяйственной деятельности аэропорта за последние 5 лет.

В процессе наблюдения было выявлено 5 основных фактора, влияющих на эффек-

тивность деятельности аэропорта ставка за авиационную безопасность, ввод новых регулярных рейсов, ставка за обслуживание прибывших, частота полетов, количество отправленных пассажиров, число прибывших пассажиров.

Таблица 2

**Факторы, влияющие на цену туристского продукта**

№	Фактор	Обозначение
1	Эффективность деятельности аэропорта	Y
2	Ставка за авиационную безопасность, у.е.	x1
3	Ввод новых регулярных рейсов, единиц	x2
4	Ставка за обслуживание прибывших, у.е.	x3
5	Частота полетов, единиц	x4
6	Количество отправленных пассажиров, человек	x5
7	Число прибывших пассажиров, человек	x6

С помощью программы Excel мы получили результаты регрессионного анализа данных об эффективности деятельности. Высокий показатель R свидетельствует о сильной положительной взаимосвязи между выявлен-

ными факторами, данные довольно плотно сгруппированы (с небольшим случайным разбросом) вокруг прямой линии, направленной вверх и вправо.

Таблица 3.

**Результаты регрессионного анализа**

Регрессионная статистика	
Множественный коэффициент регрессии R	0.879968255
Коэффициент детерминации R квадрат	0.77434413
Нормированный R квадрат	0.734522506
Стандартная ошибка оценки Se	7.175414006

Установленные факторы на 77.4 % объясняют изменчивость цены туристского продукта, а остальные 22.6% объясняются влиянием других неустановленных факторов.

Таблица 4

**Результаты множественной регрессии**

	Коэффициенты	Стандартная ошибка	t- статистика	P- значение	Нижние 95%	Верхние 95%
Y-пересечение	-37474225,01	168840	65535	0.812	37474225,01	37474225,01
Переменная X 1	0	0.2809	65535	0.000	0	0
Переменная X 2	593324,5284	137.8	65535	0.374	593324,5284	593324,5284
Переменная X 3	0	0	65535	0.001	0	0
Переменная X 4	36164,68024	0.3696	65535	0.233	36164,68024	36164,68024
Переменная X 5	88,59101018	23167	65535	0.763	88,59101018	88,59101018
Переменная X 6	-184,6722759	7643	65535	0.214	184,6722759	184,6722759

Стандартная ошибка оценки  $Se = 7.17$  млн. сум говорит о размере расхождения фактической эффективности и прогнозируемой эффективности деятельности. Уравнение регрессии в нашем случае имеет вид:

$$Y = -37474225,01 + 593324,53x_1 + 36164,68x_2 + 88,59x_3 + 184,67x_4;$$

Постоянные расходы аэропорта составляют **37474225,01 млн. сум**, остальные расходы относятся к переменным расходам. В нашем случае к постоянным расходам относятся расходы на содержание офиса, заработная плата администрации и прочие расходы административно-управленческого характера.

Результаты F теста говорят о том, что данная модель является значимой. Коэффициент регрессии  $b_1 = 593324,53$  указывает на то, что ввод 1 нового регулярного рейса увеличивает эффективность на 593324,53 млн. сум. Увеличение частоты полетов приносит дополнительные 36164,68 млн. сум в год. Ежегодно

аэропорт должен увеличить число прибывших пассажиров как минимум на 88 тыс. человек., каждый отправленный пассажир увеличивает доходность аэропорта на 185 тыс. сум

Наибольшее влияние на эффективность деятельности аэропорта оказывает ввод новых регулярных рейсов. Можно быть уверенным на 95% в том что ввод 1 нового рейса увеличивает доходность аэропорта по меньшей мере на 593324,53 млн. сум в год (одностороннее значение из t-таблицы для n-k-1- 17 степеней свободы составляет  $t = 1.746$ ). Это еще раз свидетельствует о необходимости концентрации капитальных вложений в разработку новых регулярных рейсов

Таким образом, для определения влияния факторов на эффективность деятельности аэропорта нами разработана следующая многофакторная модель:

№	Показатель	Вид уравнения	Модель	Вид модели
1	Эффективность деятельности аэропорта	$Y = a + b_1x_1 + b_2x_2 + \dots + b_nx_n;$	$Y = -37474225,01 + 593324,53x_1 + 36164,68x_2 + 88,59x_3 + 184,67x_4;$	Многофакторная линейная модель

Применение этой модели обеспечит научную обоснованность повышения экономической эффективности деятельности аэропорта.

Уменьшение постоянных расходов аэропорта являются важным резервом повышения экономической эффективности аэропорта.

#### Источники и литература:

1. Башина О.Э. *Общая теория статистики. Учебник.* – М., 2002.- С.120-138.
2. М.Иванова. *Экономическая статистика. Учебник.* – М., ИНФРА. 2000. – С. 117-128.
3. Эндрю Ф.Сигел. *Практическая бизнес-статистика. 4-е издание, М.-СПб, 2002.* – С. 389-450.
4. Шмойлова Р. А. *Теория статистики. Учебник.* – М., 2004. - С.230- 250.
5. Жуманов И.И. *Моделирование процессов обработки информации для директивных органов области.* – Самарканд: СамДУ нашриёти, 2004. -128 с.
6. *Туристтик корхоналар фаолиятини тахлил қилишда кулланиладиган математик моделларнинг типлари.* ИАҚ, Самарканд, 2008.- Б. 257-259.
7. Львовский Е.Н. *Статистические методы построения эмпирических формул. Учеб. пособие для ВУЗов. 4-е изд., перераб. и доп.* – М., 1998. –70с.
8. Новиков В.С. *Инновации в туризме. Учебное пособие* – М.: Туризм, 2010.– 203 с.
9. Магнус Я.Р., Катышев П.К., Пересецкий А.А. *Эконометрика. Учебник.* – М., 2005. – 499 с.
10. Папирян Г.А. *Менеджмент в индустрии гостеприимства. М.: Экономика 2000.–207с.*

## ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ЭНЕРГИЯ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Мирзарайимов Дилшод Умар ўғли

Кичик илмий ходим, ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодий ва илмий-тадқиқот маркази” илмий-тадқиқот маркази

**Аннотация.** Мақолада энергия тежовчи технологияларнинг иқтисодий ҳаётдаги роли ёритиб берилган. Шунингдек, иқтисодий тизим сифатида энергия тежовчи технологияларнинг амал қилиш жараёни, уларни ривожлантиришнинг шарт-шароитлари, энергия тежовчи технологиялар самарадорлигини баҳоловчи кўрсаткичлар, уларни ҳисоблаш усуллари ҳақида фикр юритилган.

**Таянч тушунчалар:** Энергия тежовчи технологиялар, энергия истеъмоли, энергиянинг муқобил манбалари, энергия самарадорлиги, энергия сервис компания

**Аннотация.** В данной статье освещена роль энергосберегающих технологий в экономике. Также, рассмотрены процессы функционирования энергосберегающих технологий как экономической системы, выявлены условия и предпосылки их развития. Приведены показатели по оценке эффективности энергосберегающих технологий и методы их расчета.

**Ключевые слова:** Энергосберегающие технологии, потребление энергии, альтернативные источники энергии, эффективность энергии, энергосервисные компании.

Дунёда энергия ишлаб чиқариш ва унинг истеъмоли йилдан-йилга ортиб бориши илмий-техника тараққиётини жонлантириш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтирмоқда. Бу эса дунё халқлари фаровонлигининг яхшиланишига имкон беради. Аммо шу билан бирга энергия истеъмолининг ортиб бораётган ҳажми чекланган углеводород хомашё захирасини катта ҳажмларда бўлишини тақазо қилмоқда. 1973-1974 йиллардаги халқаро энергия таназзули кўп мамлакатларни ЯИМдаги энергия истеъмолини пасайтириш ва энергияни тежаш бўйича керакли чора-тадбирларни қайта кўриб чиқишга мажбур қилди [1]. Бунда асосий эътибор энергия тежамкорлиги ва энергиятежовчи технологияларни татбиқ қилиш ҳисобидан ёқилғи-энергетикага бўлган эҳтиёжни қондиришга қаратилади.

Энергия тежамкорлиги - техник жиҳатдан амалга оширилган бўладиган, иқтисодий жиҳатдан асосланган, экологик ва ижтимоий нуқтаи назардан мақбул бўлган, ҳаётимизнинг оддий тарзини ўзгартирмайдиган инновацион қарорларни қабул қилиш ҳисобидан энергия ресурслардан самарали фойдаланиш имкониятларидир. Сўнги пайтларда “энергия тежамкорлиги” атамаси юқори долзарблик касб этмоқда. Чунки дунё ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиб бориши натижасида электр энергияга бўлган эҳтиёж уни ишлаб чиқариш ҳажмидан ҳам ортиб кетмоқда. Бугунги кунда мазкур тушунчанинг кўп таърифлари мавжуд. Халқаро амалиётда ушбу атама ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарали фойдаланишга, энергиянинг қайта тикланувчи манбаларини такрор ишлаб чиқариш жараён-

ларига татбиқ этишга йўналтирилган ҳуқуқий, ташкилий, илмий, ишлаб чиқариш, техник ва иқтисодий характердаги чора-тадбирларнинг амалий ифодаси сифатида намоён бўлади.

А.А. Андрижиевскийнинг фикрига кўра, энергия тежамкорлиги бу, энергия ресурсларидан самарали фойдаланишга йўналтирилган ва техник, иқтисодий, ҳуқуқий методларни қўллаш орқали амалга ошириладиган ташкилий, илмий, амалий ва информацион фаолият[2].


О.Л. Данилов, П.А. Костюченколар эса энергия тежамкорлигини ҳуқуқий, ташкилий, илмий, ишлаб чиқариш, техник ва иқтисодий жиҳатдан нафақат бирламчи энергия ресурсларидан самарали фойдаланишга балки, энергиянинг ноанъанавий қайта тикланувчи манбаларини ҳам жалб қилиш орқали органик ёқилғи истеъмолини пасайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тизимисифатида таърифлашади[3].

Энергия тежамкорлигининг иқтисодий моҳияти энергия ресурсларидан рационал фойдаланиш орқали хўжалик муносабатлари тизимини оптималлаштиришдан иборат. Энергия тежамкорлигини қўллашнинг амалий натижаси ресурслар истеъмоли нормасининг пасайиши ва энергия ресурсларига қилинадиган ҳаражатларни камайтириш бўлади. Шу йўсинда хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, таннархни пасайтириш ва бозорда эгаллаган ўрнини мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлади. Моҳиятан энергияни тежаш ҳар қандай соҳада ушбу ресурсларнинг ортиқча йўқолишларини камайтиришга эришишдан иборат.

Энергия тежамкорлиги алоҳида ташкилий ва

техник қарорларда акс этади. Унинг моҳияти ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва ишлаб чиқариш ҳажмлари сифатини сақлаган ҳолда барча турдаги энергия ресурсларининг истеъмолини пасайтиришдан иборат. Энергия тежовчи тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан мақсад – ишлаб чиқариш жараёнини модер-

низациялаш ва харажатларни пасайтириш учун замонавий технологиялардан фойдаланиш. Бу пайтда акс жараён ҳам бўлиши мумкин. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш пайтида одатдакорхоналарнинг энергия самарадорлиги кўтарилади. (1-расм)



Манба: Тадқиқотлар давомида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

### 1-Расм Ишлаб чиқариш жараёнини энергетик самарадорлиги ва хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичларининг ўзаро алоқадорлиги

Бугунги кунда электр энергиясини тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнлари давомида ишлаб чиқариш соҳасидаги йўқотишлар таҳлили шуни кўрсатадики, йўқотишларнинг 90% гача энергия истеъмоли соҳасига тўғри келади. Қолган атиги 9-10% қисми уни узатиш пайтидаги йўқотишларга тўғри келади [4]. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, энергиядан фойдаланиш самарадорлигини оширишда асосий ўринлардан бирини замонавий энергия тежовчи технологиялар ўйнайди. Мазкур технологиялар янги ва такомиллаштирилган технологик жараён бўлиб ёқилғи энергетика ресурсларидан самарали фойдаланишнинг юқори кўрсаткичларини ифодалайди.

Ҳозирги даврда энергия тежовчи технологиялардан фойдаланиш уларни миллий иқтисодиётимизга жалб қилишнинг устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Энергия тежовчи технологияларни хўжалик фаолиятига киритиш корхоналар ҳамда хусусий тадбиркорларнинг маиший ҳаётида иқлим ўзгаришлари, атмосферанинг ифлосланиши, қазилма бойликларнинг камайиши каби кўплаб экологик-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда муҳим қадамлардан бири ҳисобланади. Бу биринчи навбатда, асосий энергия ресурсларининг тақчиллиги ҳамда уларни қазиб олиш билан боғлиқ сарф-харажатларнинг ошиб бориши билан боғлиқ.

Такидлаб ўтиш керакки, энергия тежамкор-

лигини ошириш негизда энергия тежамкорлигини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш билан бирга энергия тежовчи технологияларни кенг татбиқ қилиш ҳамда энергия ресурсларининг тўғридан-тўғри ва билвосита йўқолишларини камайтириш ётади [5]. Одатда корхоналар замонавий технологияларнинг катта энергия тежовчи самара берадиган турларини татбиқ қилишади. Буларга қуйидагилар мисол бўлади:

- энергия истеъмоли билан боғлиқ бўлган кўплаб корхоналар учун умумий технологиялар (айланиш тезлиги ўзгарувчан частотали двигателлар, иссиқлик айрибошловчилар, сиқилган ҳаво, ёруғлик, буғ, совутиш ва қуритиш ускуналари ва бошқалар) ётади;

- замонавий қозонхоналар (иссиқлик ва электр) билан бирга энергия ишлаб чиқаришсамарадорлигини ошириш ҳамда эски саноат асбоб-ускуналарини янги самаралироқларига алмаштириш.

- энергиянинг муқобил манбалари (қуёш ва шамол энергиялари)дан фойдаланиш.

Энергияни тежаш айниқса паст юкламали конвернлар, насослар, вентиляторлар ва шунга ўхшаш бошқа ускуналар учун муҳим аҳамият касб этади. Электр ускуналарни ишлатиш пайтида йўқотишларни камайтиришга имкон берадиган кўплаб қурилмалар мавжуд. Улардан асосийлари конденсатор қурилмаси ва частотали бошқариладиган узатмалар. Ча-

стотали бошқариладиган электр узатмалар реал юкламага боғлиқ ҳолда фойдаланилаётган электр энергияни 30-50% гача тежаш имконини беради ҳамда айланиш частоталарини керакли томонга тез ўзгартиради. Бу пайтда стандарт электр двигателларни тез-тез алмаштириш талаб қилинмайди. Бу айниқса ишлаб чиқаришни модернизациялаш даврида муҳим ҳисобланади. Бундай энергия тежовчи электр узатма ва автоматлаштириш мосламалари саноат корхоналарининг кўпчилигида татбиқ қилинади.

Энергия тежайдиган технологиялардан фойдаланиш самарадорлиги қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

- истеъмолчилар учун иқтисодий таъсир (сотиб олинadиган энергия ресурслари қийматининг пасайиши);

- рақобатбардошликни оширишга таъсири (ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлигига нисбатан олинadиган энергия ресурслари истеъмоли ҳажмининг пасайиши);

- электр, иссиқлик ва газ тармоғи учун таъсири (тармоқни кенгайтиришга сарфланиши лозим бўладиган инвестиция ҳажмининг минималлашиши);

- экологик таъсири (атроф муҳитга етказилadиган зарарларнинг ўртача даражаси ёки келтирадиган фойданинг нисбати сифатида намоён бўлади);

Хўжаликни бошқаришнинг замонавий шароитларида харажатларни пасайтиришга ва ишлаб чиқариш жараёнини модернизациялашга имкон берадиган энергия тежовчи технологиялардан фойдаланиш саноат корхоналарини ривожлантиришнинг муҳим омили.

Ҳозирги даврда энергия тежовчи технологияларни татбиқ қилиш етарли даражада кенг тарқалган экан, бунинг натижасида энергия тежовчи технологиялар бозори ҳам жонланади. Энергия тежовчи дастурларни ишлаб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатадиган энергия сервис компаниялари пайдо бўлади. Энергия тежамкорлиги ва энергия самарадорлигининг ошиши мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларидан бири ҳисобланади.

Энергия тежовчи воситаларни қўллаш, энергия тежовчи технологияларни хўжалик фаолиятига татбиқ этиш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларининг мавжудлиги корхоналар ва хусусий тадбиркорлар фаолияти учун керакли бўлган энергия тежамкорлигини оширишга ёрдам беради ҳамда ихтисослашган энергия сервис компаниялари бозорини ривожлантириш учун ҳам кенг имкониятлар очиб беради.

Энергия сервис компанияларининг асосий функционал вазифаси энергия тежовчи дастурларни ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш бўйича корхоналарга хизмат кўрсатиш ишларини бажаришдан иборат. Энергия сервис компанияларининг функционал иши тўғри йўлга қўйилса, у

ҳолдакорхонада энергия тежовчи операцияларни ташкиллаштириш учун хусусий ресурслардан фойдаланиш зарурати йўқолади. Шу йўсинда саноат корхоналари ўз ваколатларини энергия сервис компанияларига ўтказишади.

Энергия сервис компанияси – энергияни тежаш бўйича юқори самарадорликни таъминлайдиган лойиҳани татбиқ этишнинг барча босқичларини бошқарадиган ва бир-бирига яқин бошқа хизматларни таъминлайдиган алоҳида ташкилот. Бундай компаниялар қуйидаги асосий операцияларни амалага оширади:

- энергия аудити;

- техник таснифлашни ҳисобга олган ҳолда лойиҳани татбиқ этиш шартларини ишлаб чиқиш;

- амалиётга лойиҳани жорий қилиш жараёнини бошқариш;

- лойиҳаларни молиялаштириш;

- лойиҳани амалиётда ишлаши ва энергия тежашнинг кафолати мониторингини олиб бориш;

- асбоб-ускуналар хизматива эксплуатациясини назорат қилиш [6].

Энергия сервис компаниялари хизматидан фойдаланиш сифатли стандартлаштирилган сервисни кўзда туттади. Модомики, энергия сервис компанияси ўз зиммасига у ёки бу операцияни бажариш учун жавобгарликни олар экан, бу билан у корхонанинг молиявий рискларини камайтиришда катта роль ўйнайди. Бундан ташқари, энергия сервис шартномасига мувофиқ бундай компанияларнинг даромади энергия тежовчи дастурларни татбиқ этиш натижасида олинган маблағлар (соф фойда)дан ташкил топади.

Корхоналар шароитида энергия тежовчи технологияларни татбиқ қилиш орқали лойиҳаларнинг таҳлили мавжуд вазиятни ўзига хос барча жиҳатларини ҳисобга олишга имкон беради. Бунда лойиҳалар самарадорликни баҳоловчи қуйидаги тадбирларни ўтказиш мумкин бўлади.

Мутлақ самара биринчи формула орқали ҳисобланади. У ўхшаш вазифаларни бажарадиган техникани алмаштирмаган, шунингдек, алмаштирилувчи техника мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳолларда фойдаланишда давом эттирилган ҳолатдаги лойиҳа натижаларини кўрсатади. Энергия тежовчи технологиянинг (Эа) мутлақ самараси қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$Эа = Д - К, \quad (1)$$

Бу ерда Д – энергия тежовчи технология бўйича ҳисобот даври учун солиштирма даромад;

К – энергия тежовчи технология бўйича капитал қўйилмалар.

Мавжуд техникани алмаштириш учун шунга ўхшаш вазифани бажарадиган рақобатбардош муқобил варианты мавжуд пайтда лойиҳанинг

натижасини кўрсатадиган техниканинг алмаштириш самарасини топиш керак. Мавжуд техниканинг алмаштириш самараси (Эт) қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$Эт = Д - Дб - К, \quad (2)$$

Бу ерда Дб – асосий вариант бўйича ҳисобот даври учун солиштирма даромад.

Юқоридаги формулада энергия тежовчи технологиянинг самараси вариантлар бўйича даромаднинг айирмаси асосида аниқланади. Агар асосий ва янги вариантлар фақат харажатлар билан фарқланса, унда мавжуд техникани алмаштириш самараси қуйидаги формула орқали

аниқланади:

$$Эт = Сб - Сн - К, \quad (3)$$

Бу ерда Сб ва Сн - асосий ва янги вариантларга мувофиқ, ҳисобот даври учун амортизация ажратмаларидан ташқари, солиштирма операция харажатлар. Техникани алмаштириш самарасини ҳисоблаганда эски техникадан воз кечиш ёки ундан янги усул билан фойдаланиш учун харажатлар ва даромадни ҳисобга олиш керак.

Энергия тежовчи технологиялар самарадорлиги таҳлилин асосий вазифаларини қуйидагича таснифлаш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

**Энергия тежовчи технологияларнинг самарадорлиги таҳлили**

Технологиялар таҳлилининг вазифалари	Технологияларни баҳолашни ўзига хос хусусиятлари
Технологияларни мутлақ самарасини баҳолаш	Муайян корхонада технологияни татбиқ этиш имкониятларини соф шаклда ҳам лойиҳа шаклида ҳам баҳолаш мумкин. Лойиҳада техникани алмаштириш кўзда тутилмайди ва таққослаш вариантларисиз кўриб чиқилади.
Техникани алмаштириш самарадорлигини баҳолаш	Техникани алмаштириш самараси соф шаклда баҳоланади. У ўхшаш вазифани бажарадиган ( фаолиятнинг мавжуд варианты) техникани таққослашни кўзда тутди.
Технологияларни таққослаш	Солиштириладиган технологиялар соф шаклда баҳоланади. Таққосланадиган технологиялар вазифасига кўра ўхшаш бўлиши керак. Таққослаш базаси учун технологиялардан бири қабул қилинади.

Хулоса қилиб айтганда энергия тежовчи технологиялардан фойдаланиш хўжалик фаолиятида харажатларнинг қисқариши ва миллий иқтисодиёт умумий ўсишининг муҳим шарти ҳисобланади. Хўжалик фаолиятида энергия тежовчи технологияларни самарали жорий қилиш учун энергия самарадорлигини оширишга асосий ва биринчи қадам бўладиган энергия сиёсатини ишлаб чиқиш

ва уни қабул қилиш керак. Шу ўринда таъкидлаш жоизки жамият ҳаётининг барча бўғинида электр энергиясига бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш, корхона ва хўжалик юрүтүвчи субъектлар орасида электр энергиядан фойдаланишда янгича муносабатни шакллантириш бугунги кунимизни зарүрий шарти ҳисобланади.

**Манба ва адабиётлар:**

- [http://www.aselibrary.ru/press\\_center/journal/irr/2010/number\\_2/number\\_2\\_2/number\\_2\\_21552/](http://www.aselibrary.ru/press_center/journal/irr/2010/number_2/number_2_2/number_2_21552/)
- Андрожевский А.А., Володин В.И. Энергосбережение и энергетический менеджмент: учеб. пособие. Минск: Выше. шк., 2005. 240с
- О.Л. Данилова, П.А. Костюченко, Практическое пособие по выбору и разработке энергосберегающих проектов/ под общ.ред. М., 2006, 668 с
- <https://ria.ru/eco/20081205/156573930.html>
- А.И. Довгялло, Д.А. Угланов, Исследование и оценка энергетической эффективности производственнооборудования учеб. пособие / Самара: Изд- во Самар, гос. аэрокосм, ун-та, 2008.24 с.
- Фрейдкина Е.М. Методы и критерии оценки эффективности энергосбережения: учебное пособие / СПбГТУРП. СПб., 2013. –30с.

## КОММУНАЛ ХИЗМАТ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШДА ИЛҒОР ЁНДОШУВЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Эрназаров Ғулом Бекбоевич

Мустақил изланувчи, Тошкент давлат иқтисодиёт университети

**Аннотация.** Мазкур мақолада миллий иқтисодиётни либераллаштириш шароитида мамлакат уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган. Уй-жой коммунал хизматларини ривожлантириш тизимининг бошқарув механизмларини такомиллаштиришда корпоратив бошқарув принципларини татбиқ этиш жиҳатлари баён этилган.

**Таянч тушунчалар:** иқтисодиётни либераллаштириш, уй-жой коммунал хўжалиги, уй-жой коммунал хизматлари бозори, стратегик бошқариш, уй-жой коммунал хизматларини ривожлантириш тизими, уй-жой фонди, корпоратив бошқарув принциплари.

**Аннотация.** В данной статье исследованы особенности развития жилищно-коммунального хозяйства в условиях либерализации национальной экономики. Освещены аспекты применения принципов корпоративного управления по совершенствованию механизмов управления системы развития жилищно-коммунальных услуг.

**Ключевые слова:** либерализация экономики, жилищно-коммунальное хозяйство, рынок жилищно-коммунального хозяйства, стратегическое управление, жилищной фонд, система развития жилищно-коммунальных услуг, принципы корпоративного управления.

Миллий иқтисодиётни либераллаштириш шароитида коммунал хизматларни ривожлантириш тизимини замонавий асосда шакллантиришга қаратилган ислохотларни чуқурлаштириш ҳамда соҳа бошқарувида илғор усулларни жорий қилиш долзарб вазифа ҳисобланади. Айниқса, коммунал хизматлар самарадорлигини тубдан оширишда: тизим фаолиятининг очиқлиги ва жозибадорлигини таъминлаш; замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш; стратегик бошқаришда барча иштирокчилар фаоллигини ошириш муҳим аҳамият касб этади [2].

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда республика аҳолисининг сифатли уй-жой коммунал хизматлари билан қамраб олинишини тубдан яхшилаш, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида барча ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги ўйғунлашган технологик занжирини шакллантириш асосида уй-жой фондидан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш, кўп хонадонли уйларнинг сақланиши талабларига риоя этилиши устидан техник назоратнинг самарали тизимини яратиш, шунингдек, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг иш сифатини ошириш ва молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш (“Уйжойкомхизмат”) вазирлиги ташкил этилди [3].

Мазкур вазирлик ва унинг ҳудудий тузилмалари фаолиятининг йўлга қўйилиши республика аҳолисининг сифатли уй-жой коммунал хизматлари билан қамраб олинишини тубдан яхшилаш, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида барча ташкилотларнинг

ўзаро ҳамкорлиги ўйғунлашган технологик занжирини шакллантириш учун норматив манба бўлиб хизмат қилди. Чунки, шу асосда қўйидаги муҳим дастурлар ва чора тадбирлар тизими барпо этилди.

1.“2017-2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури” да аҳоли сонининг муттасил ортиб бориши, янги турар жой массивлари барпо этилиши, шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг тобора кенгайиши энергия ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни фаол жорий этиш асосида сув олиш иншоотларини, сув қувурлари, насос станциялари, тақсимлаш узеллари ва водопровод тармоқларини модернизациялаш ва илдам ривожлантиришга йўналтирилган кафолатланган сув таъминоти тизимини тубдан яхшилаш бўйича амалий чоралар кўришни тақозо этилаётгани таъкидланган [4].

2.“2018-2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш дастури” да истеъмолчиларга иссиқлик энергияси етказиб бериш сифатини ошириш ва узлуксизлигини таъминлаш, иссиқлик таъминоти тизимини замонавий тежамкор ва кам энергия сарфлайдиган технологияларни жорий этиш асосида янгилаш ва модернизация қилиш, ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишга доир чора-тадбирларни изчил амалга ошириш белгиланди [5].

3.Қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб кетиш ишларини ташкил этиш, чиқиндиларни тўплаш, утилизация қилиш ҳамда қайта ишлаш бўйича аниқ ва амалий тизимни йўлга қўйиш борасидаги энг муҳим вазифа ва муаммолар ино-

батга олинган ҳолда қабул қилинган Президент қарори мамлакатимиз туман ва шаҳарларининг санитария-эпидемиология ҳолатини яхшилаш, 2017-2021 йилларда чиқинди билан боғлиқ ва-зифаларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантиришни янада кучайтиришга қаратилди [6].

4. Кўп хонадонли уй-жой фондининг техник ҳолатини тубдан яхшилаш ва ундан оқилона фойдаланиш, таъмирлаш-тиклаш ишларини белгиланган муддатларда олиб бориш, шунингдек, кўп хонадонли уйларга туташ ҳудудларни янада ободонлаштириш учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилинди ва кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини ташкил этишнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди [7].

Мазкур норматив ҳужжатлар мамлакатимиздаги коммунал хизматларни ривожлантириш тизимида амалга оширилаётган ислохотларда ҳар бир таркибий субъектнинг барқарор рақобатбардош тарзда фаолият кўрсатишига қаратилганини таъкидлаш лозим [9]. Бундай вазият хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятлари учун илғор ҳорижий амалиётлардан бири бўлган корпоратив бошқарув стандартларидан унумли фойдаланишни кун тартибига қўймоқда. Бинобарин, иқтисодиётнинг етакчи тармоқ ва соҳаларидаги йирик корхоналарга бундай илғор принцип ва функциялари мажмуасининг татбиқ этилиши уларнинг барқарор ўсиш суръатларига эришишларида муҳим аҳамият касб этади. Шу орқали ички ва ташқи омилларнинг ўзаро муносабатлари мувофиқлиги ва мувозанати талаб этилади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, иқтисодиётнинг муҳим ижтимоий инфратузилмаси ҳисобланган коммунал хизматлар тизими тасарруфидаги корхона ва муассасаларнинг модернизация дастурларини пухта ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишнинг долзарблиги ўта даражада ортиб бормоқда.

Ўз навбатида коммунал хизмат тизими ички технологик боғлиқлиги ҳамда рақобат шароитларини шакллантиришда ўзига хос хусусиятларни намоён этиши сабабли, тизим миллий қонунчилигимизнинг табиий монополия объектлари туркумига киритилган [1].

Айни чоғда, коммунал хизмат тизимини либераллаштириш йўналишидаги ислохотларда бошқарув функцияларини марказлашган тизимдан чиқариш ва бевосита хизмат кўрсатувчиларга топшириш муҳим ўрин тутди [2]. Бунда хўжалик юритишнинг акциядорлик шаклидаги устуворликлардан фойдаланиш диққатга сазовор.

АЖ фаолиятининг ҳуқуқий жиҳатдан мустақамланишига бир қатор янгиликлар асос бўлди. Масалан: Корпоратив бошқарув кодекси (11 боб 42 та банд)нинг тасдиқланиши бунга мисол бўла олади [8]. Тавсиянома хусусиятига эга бўлган Кодексни жорий этишда акциядорлик жамиятларининг тармоққа оид хусусияти ва фаолияти тури ҳисобга олинаши белгиланган.

Кодексда тавсия характериға эга бўлган намунавий ҳужжатлар: Ахборот сиёсати тўғрисида низом, Ички назорат тўғрисида низом, Дивиденд сиёсати тўғрисида низом, Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида низом, шунингдек Кодексни жорий этиш талабларидан келиб чиқиб, жамият Уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш бўйича тавсиялар назарда тутилган.

Корпоратив бошқарув деганда (3-модда), акциядорлик жамияти фаолиятини самарали ташкил этиш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, техник ва технология қайта жиҳозлаш, рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни ташқи бозорга экспорт қилиш мақсадида акциядорлик жамиятлари (кейинги матнларда АЖ деб юритилади) ижроия органи, кузатув кенгаши, акциядорлар, меҳнат жамоаси вакиллари ва бошқа манфаатдор томонлар, шу жумладан, кредиторлар ўртасида мазкур шахслар манфаати уйғунлигига эришиш тизими тушунилади.

Намунавий ҳужжатлар коммунал хизмат тизимидаги акциядорлик жамиятлари фаолиятида назорат қилинадиган йўналишларнинг асосий қисмларини ўзида акс эттиради. Шу боисдан, юқорида қайд этилган ҳужжатлардан фойдаланишда, коммунал хизматнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, уларни қайта кўриб чиқиш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш имкониятлари мавжуд.

Бунда юқорида қайд этилган ҳужжатларнинг амалдаги миллий қонунчилик ёхуд Уставга зид келган алоҳида бандлари ўз кучини йўқотиб, бу бандлар орқали назорат қилинадиган масалалар, тегишли ўзгартириш киритилгунга қадар, амалдаги қонунчилик нормалари ва жамият уставига асосан назорат қилинади.

Шунингдек, Давлат рақобат қўмитаси ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази томонидан тасдиқланган саволномадан фойдаланилган ҳолда, жорий этилган корпоратив бошқарув тизимининг белгиланган корпоратив бошқарув стандартларига амал қилиш даражасини мустақил баҳолаш мумкин бўлади.

Юқорида таъкидланган миллий кодекснинг ўзбек ва рус тилларидаги вариантлари мавжуд бўлиб, унинг ишлаб чиқилишига асос бўладиган жиҳатлар қуйидаги фикрлар бешинчи бандда келтирилган: “Кодекс ҳисобдорлик, очиқлик, ҳаққонийлик, юксак ахлоқий тамойилларга риоя этишни ўз ичига олувчи ҳамда АЖни узоқ муддатли истиқболда барқарор ривожлантиришни таъминлашга йўналтирилган тегишли бошқарувнинг асосий принциплари асосида ишлаб чиқилган.

Корпоратив бошқарувнинг халқаро тажрибасида тўртта принципга эътибор берилади: адолатлилик (ҳалоллик), ҳисобдорлик, жавобгарлик ва шаффолик (ошкоралик)дан иборат тўрт асосий тамойил атрофида амал қилади.

Модернизация қилиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишда коммунал хизматлар хусусиятларини инобатга оладиган принциплар мажмуасини жиддий ҳисобга



Коммунал хизматлар хусусиятларини ифодаловчи тамойиллар тавсифи\*

Номи	Тавсифи
1. Мавсумийлик	Мавсумийлик принципи тизимнинг энг муҳим хусусиятларидан бирини ифода этади. Бунда айрим техник ва технологик иншоот ва жиҳозларнинг мавсумий фаолиятидаги шунингдек уларни белгиланган вақт оралиғида жорий ва капитал таъмирлаш ишлари билан боғлиқ ўзгарувчан такрорланадиган ишларни ҳисобга олишни талаб этади.
2. Ижтимоий адолат	Ижтимоий адолат принципи маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан аҳоли турмуш даражаси ва турмуш сифатини барқарор юксалтириш борасидаги фаолиятларда намоён бўлади.
3. Ихтиёрий бирлашув	Ихтиёрий бирлашув принципи уй-жой эгаларининг ширкатларни ташкил этиш билан боғлиқ фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.
4. Улушли даҳлдорлик	Умумий фойдаланиладиган жойлар учун улушли даҳлдорлик принципи ширкатлар томонидан уй-жой эгаларга таъсир этиш ваколатини шакллантиради.
5. Функционал ёндошув	Объектни самарали бошқаришга қаратилган яхлит мақсад бир нечта ўзаро боғлиқ вазифаларни ўз ичига олган асосий таянч ва ёрдамчи фаолиятларнинг моделлаштириш қулай бўлган самарали мажмуаси сифатида қаралади.
6. Узлуксизлик	Узлуксизлик принципи орқали тизимнинг турли моддий(совуқ сув, иссиқ сув, табиий газ), электр ва иссиқлик энергияси оқимлари барқарорлигини таъминлашдаги яна бир хусусият намоён бўлади.
7. Сифат учун жавобгарлик	Сифат учун жавобгарлик принципи коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари учун белгиланган меъёрларга барча жиҳатдан тўлиқ амал қилишни тақозо этади.
8. Вазиятли ёндошув	Вазиятли ёндошув принципига амал қилиш таркибий тузилмаларнинг самарали фаолият кўрсатиш талабларидан келиб чиқади. Масалан, тизимдаги таркибий тузилмаларни модернизация қилиш шароитида марказлашган иссиқлик таъминотининг қисқариши ва аста-секин алоҳида (локал) қозонхоналарга ўтиш жараёни.
9. Жараёнли ёндошув	Жараёнли ёндошув принципида моддий(газ, совуқ ва иссиқ сув, иссиқлик таъминоти ) ва энергия оқимларини ташкил этишдаги барқарорлик ва узлуксизлик талабларининг устуворлиги ҳисобга олинади. Жараёнли ва функционал ёндошувлар бир-бирини ўзаро инкор этмайди. Жараёнли ёндошув қамров жиҳатидан нисбатан кенгроқ миқёсни ўз ичига олади.
10. Тизимли ёндашув	Тизимли ёндашув принципининг моҳиятига кўра, коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси учун алоҳида қисмлардаги ҳар бир фаолият мақсади қамраб олинишини таъинлайдиган умумий мақсаддан кутилаётган узок муддатли устувор йўналишларнинг якуний натижалари аниқланади.
11. Вариантлик	Вариантлик принципи ҳар бир муаммони ҳал этишнинг муқобил ҳаракатларини аниқлаб олишни, уларнинг самарадорлик даражасини харажатлар миқдори бўйича баҳолашни талаб этади.
12. Адолатлик(ҳа лоллик)-	барча акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва жумладан, миноритарлар(озчилик) учун адолатли муомала таъминлаш ва адолатнинг ҳар қандай бузилган ҳолатида самарали чора-тадбирларни қабул қилиш талаб этилади.
13. Ҳисобдорлик масъулияти	компаниянинг ижроия органи Қузатув кенгаши олдидаги ўз масъулиятини ва Қузатув кенгаши эса, акциядорлар олдида ўз ҳисобдорлигини таъминлаши талаб этилади.
14. Жавобгарлик масъулияти	акциядорларнинг қонуний ҳуқуқларини таъминлаш, компаниянинг молиявий барқарорлиги ва фаровонлиги йўлида жамоа ва унинг акциядорлари ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантириш талаб этилади.
15. Шаффофлик(ош коралик)	молиявий вазият; фаолият натижалари; мол-мулк тузилишига оид барча масалалар бўйича барча манфаатдор томонларни жамият бошқаруви қарорларига таъсир қилиши мумкин тўғри ва ошкор ахборот билан ўз вақтида таъминлаш талаб этилади.

Манба: Жадвал илмий адабиётлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

олишнинг долзарблиги ортади.

Мазкур мажмуа таркиби: мавсумийлик; ихтиёрий бирлашув; ижтимоий адолат; функционал ёндошув; улушли даҳлдорлик; узлуксизлик; сифат учун жавобгарлик; вазиятли ёндошув; тизимли ёндашув; вариантлик каби ўн битта долзарб принципдан иборат(Жадвал).

Бу билан жами принциплар сони ўн бештани ташкил этади.

Мазкур принциплар таркибида мавсумийлик принципи етакчи принцип ҳисобланади. Бинобарин ҳар йили ҳукумат томонидан соҳанинг куз-қиш мавсумида барқарор ишлашига қаратилган чора тадбирлар дастури ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Масалан, жойлардаги маъмурий ҳудудлари томонидан “Республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2017-2018-йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 июндаги ПҚ-3079 сон қарорига мувофиқ равишдаги тегишли қарорлар қабул қилиниши далил ҳисобланади.

Қарорда ўтган куз-қиш даврида мазкур тизимнинг барқарор ишлаши бўйича юзага келган масалаларни ўз вақтида ҳал этишда йўл қўйилган камчиликлар ва юзаки муносабатда бўлиш ҳолатлари учун бир қатор мутасадди шахсларга нисбатан интизомий жавобгарлик чоралари кўрилгани таъкидланган. Шунингдек, жорий мавсум учун муҳандислик коммуникациялари, иншоотлари, ижтимоий соҳа ва уй-жой фонди объектларини куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш борасида кўйидаги учта йўналиш белгиланган:

- кўп хонадонли уйларни куз-қиш даврида

ишлашга тайёрлаш, иссиқлик ва сув таъминоти ишларини, умумий фойдаланиш жойларини, лифт ускуналарини тартибга келтириш ва тегишли ҳолда сақлаш, маҳалла ҳудудида санитария ҳолатини таъминлаш, ободонлаштириш ишларини ташкил этиш;

- ижтимоий соҳа объектларини, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолини асосий ёқилғи-энергетика ресурслари билан ўз вақтида ва етарли даражада таъминлаш, электр таъминоти, газ таъминоти объектлари ҳамда кўмир тармоқлари корхоналарини куз-қиш даврида ишлашга тайёрлаш ишларини ташкил этиш;

- ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш, уларнинг санитария ҳолати ва ободонлаштириш талабларига мувофиқлигини таъминлаш ишларини ташкил этиш.

Мазкур фаолият йўналишлари асосида ишлаб чиқилган тадбирлар ва ишларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун коммунал хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар томонидан корпоратив бошқарувнинг устувор тўрт принципи ҳамда соҳа фаолияти хусусиятларини ҳисобга олувчи ўн бир принципнинг ўзаро уйғунлигига таяниб иш тутиш талаб этилади. Бу эса, тизим бошқарув механизмидаги ижро самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Пировардида, истеъмолчиларга узлуксиз коммунал хизмат кўрсатиш, уй-жой фондини техник ҳолатини яхшилаш ҳамда атроф ҳудудни ободонлаштириш борасида амалга ошириладиган ишлар самарадорлиги юқори поғонага кўтарилади, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолият юритиши таъминланади, халқимиз ҳаёт сифатининг оширилишига эришилади.

### Манба ва адабиётлар:

1. Табиий монополиялар тўғрисида (янги таҳрири). Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1999 йил 19 август, 815-1-сон.
2. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. Халқ сўзи газетаси 2017 йил 8 февралдаги, №27(13.360) сони.
3. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5017-сон фармони. 2017 йил 18 апрель.
4. 2017-2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 2017 йил 20 апрель.
5. 2018-2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш дастури тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 2017 йил 20 апрель.
6. 2017-2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 2017 йил 21 апрель.
7. 2017-2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 2017 йил 24 апрель.
8. Корпоратив бошқарув кодекси. Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича Ҳукумат Комиссиясининг 2015 йил 31 декабрдаги йиғилиши 9-сон баённомаси. (Молия вазири тасдиқлаган имзо 2016 йил 11 февралдаги 02-02/01-187-сон билан рўйхатдан ўтган).
9. Эрназаров Ғ.Б. Уй-жой коммунал хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш. Монография. Т.: Иқтисод-молия. - 2007.-76 б.

---

## ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ГОСУДАРСТВЕННОЕ УПРАВЛЕНИЕ

---

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ АСАРЛАРИДА БОШҚАРУВ ҚАРОРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШГА ДОИР ҚАРАШЛАР

**Холов Ақтам Хатамович**

Катта илмий ходим-изланувчи, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов асарларида бошқарув қарорларини қабул қилишга доир қарашлар таҳлил қилинган. Шунингдек, бошқарув қарорларига қўйиладиган замонавий талаблар, самарали бошқарув қарорлари қабул қилиш мезонлари тадқиқ этилган.

**Таянч тушунчалар.** Концепция, Президент, бошқарув қарорлари, жараён, демократия, давлат бошқаруви, қонун, самарадорлик, тизимли таҳлил.

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются взгляды Первого Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова на предмет принятия управленческих решений. А также, исследуются современные требования и критерии эффективности принимаемых управленческих решений.

**Ключевые слова.** Концепция, Президент, управление, процессы, принятие решений, государственное управление, исследование, закон, демократия, эффективность, системный анализ.

Иנסоният тарихидан маълумки, ҳар қандай бошқарувда самарадорликка эришиш оптимал бошқарув қарорларининг қабул қилинишига боғлиқ. Бугунги кунда бошқарув қарорларини қабул қилишга доир турли хил ёндашувлар ва қарашлар мавжуд. Бошқарув қарорларини қабул қилишга доир назариялар ва концепцияларнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд бўлиб, уларнинг устуворлиги бошқарувда турли хил вазиятларда қарор қабул қилиш жараёнидаги мураккабликларни бартараф этиш бўйича муқобил вариантларнинг кўплиги билан изоҳланади.

Бугунги кунда бошқарув қарорлари қабул қилишнинг назарий-методологик асосларини таҳлил қилиш борасида кўпгина қарашлар мавжуд. Бунда аксарият тадқиқотларда бошқарув қарорларини қабул қилишнинг иқтисодий жиҳатларига эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида бошқарув қарорларининг ижти-

мой-сиёсий аҳамиятини ва унинг мазмун-моҳиятини бугунги куннинг воқелиги, замонавийлик ва анъанавийликнинг уйғунлиги нуқтаи-назардан талқин этиш муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов давлат раҳбари сифатида фаолият бошлаган пайтдаёқ - "Илм-фан ходимлари ҳам ўз масъулиятларини тўла тушуниб олишлари керак. Олимлар ишламай роҳатда яшайдиган, фақат маъмурий-бўйруқбозлик системаси тайёрлаган қарорларга назарий пардоз берадиган вақтлар ўтиб кетди.

Эндиликда илм-фан янги йўллар очиши, сифат жиҳатидан янги технологияларни жадаллик билан яратиши, жамиятнинг янги ҳолатга ўтишини таъминлаши лозим" [1], деб таъкидлаган эди.

XX асрнинг иккинчи ярмида кибернетика, психология, иқтисодиёт, менежмент, математика ва ҳарбий соҳаларда бошқарув қарорларини қабул қилишга доир назари-

ялар ривожлантирилди. Бу борада мавжуд илмий-амалий тажрибани умумлаштириш асосида, бошқарув қарорларига доир назарияларни қўйидаги шаклда тизимлаштириш, гуруҳлаштириш мумкин:

- бошқарув қарорларининг илмий асосларини акс эттирувчи услубий назариялар;

- бошқарув қарорларини қабул қилишнинг турли даражадаги иерархик структураларини ташкилий жиҳатларини ўрганувчи ташкилий назариялар;

- бошқарув қарорларини иқтисодий самардорлиги белгиловчи мезонлар, иқтисодий омиллар ва ресурсларни таҳлил қилувчи иқтисодий назариялар;

- қарор қабул қилишга кўмаклашувчи дастурлар ва технологиялардан фойдаланиш тизимини татбиқ этувчи технологик назариялар;

- бошқарув қарорлари қабул қилишнинг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилувчи ҳуқуқий назариялар;

- бошқарув қарорларини қабул қилишда инсон омилини ўрганишга қаратилган ёндашувларни ўз ичига олган ижтимоий-руҳий назариялар ва ҳоказо.

Анъанавий бошқарув қарорларини қабул қилиш назариялари учта концепция асосида ривожланади: 1) Тавсифловчи ёндашув: сифат-предмет концепцияси; 2) Норматив ёндашув: қарорни математик танлаш концепцияси; 3) Комплекс таҳлил концепцияси [2].

Тавсифловчи ёндашув (сифат-предмет концепция) асосан раҳбар кадрлар (одамлар жамоаси) ва эмпирик тадқиқотларда бошқарув қарорлари қабул қилиш асосини ташкил қилади. Мазкур концепция бошқарувчи ва бошқарувчиларнинг хулқ-атворини, бошқарув хусусиятларини, бошқарув жараёнининг ижтимоий-руҳий моделини тавсифлайди. Яъни, сифат кўрсаткичларга асосланган концепция (тавсифловчи ёндашув)нинг мақсади – қарор қабул қилувчи субъектга муаммонинг вужудга келиш тавсифи ва параметрларини аниқлаш қонуниятларини билишга имкон беради. Одатда сифат кўрсаткичларга асосланган концепцияда илгари сурилган қарашларда қарор қабул қилувчи субъектнинг роли кучли бўлади (умумий тассавурлар ҳам ҳисобга олинади).

Қарорни математик танлаш концепцияси рационал қарор қабул қилишнинг ташкилий-методологик асосларини тушунтириш эмас, балки оптимал қарор қабул қилиш, ноаниқлик шароитида энг самарали қарор лойиҳаларини танлаш имкониятини берадиган математик моделлар (математик усул ва алгоритмлар)ни ўз ичига олади. Шунингдек, қабул қилинаётган бошқарув қарорларининг иқтисодий-математик ечимларини ишлаб

чиқишга йўналтирилган бўлади. Одатда қарор қабул қилиш жараёнида иштирокчилар сони чекланган, асосан математиклар, кибернетиклар фаолиятида намоён бўлади.

Комплекс таҳлил концепцияси бошқарув қарорларини қабул қилишда барча жиҳатларни ҳисобга олишни тақозо этади. Шунингдек, барча соҳа мутахассислари ҳамкорликда ишлаши талаб этилади. Мазкур концепцияда қарор қабул қилишда самардорлигини белгиловчи мезонлар фақат миқдор кўрсаткичлар (Quantitative indicators) билан эмас, балки сифат кўрсаткичлари (qualitative indicators) билан ҳам баҳолади. Бошқарув қарорлари қабул қилишда муаммони барча хусусиятларини комплекс ўрганишга қаратилган усул ва услублардан фойдаланилади.

5. Семейный Кодекс Республики Узбекистан [Family Code of the Republic of Uzbekistan]. – Ташкент, 1998. – 38 с. (in Russian).
6. Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2014 год. Статистический сборник [Socio-economic situation of the Republic of Uzbekistan in 2014. Statistical Yearbook]. – Ташкент: Государственный Комитет по статистике Республики Узбекистан, 2015. – 425 с. (in Russian).
7. Введение в демографию/ Под ред. В.А. Ионцева, А.А. Саградова [Introduction to Demography/ Ed. V.A. Iontsev, A.A. Sagradova]. – Издание второе, дополненное и переработанное – М.: Экономический факультет МГУ имени М.В. Ломоносова, ТЕИС, 2003. – 450 с. (in Russian).



---

# ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯ ИННОВАЦИИ И ИНВЕСТИЦИИ

---

## ҲУДУДЛАРГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Арипов Улугбек Баходир ўғли**

Таълим-тарбия маслахатчи, Тошкент давлат иқтисодиёт университети

**Аннотация.** Мақолада инвестицияларнинг назарий, меъёрий-ҳуқуқий асослари ўрганилган, Ўзбекистон Республикаси ва айрим мамлакатлар иқтисодиётига хорижий капитални қўйиш шароитларининг қиёсий тавсифи келтирилган, мамлакат ҳудудларига киритилаётган инвестицияларнинг ўзига хослиги Самарқанд вилояти мисолида таҳлил қилинган. Шунингдек, ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштиришга хизмат қиладиган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Таянч тушунчалар:** Инвестиция, хорижий инвестиция, капитал қўйилма, чет эл сармояси, ҳудуд, ҳудудий жиҳатлар.

**Аннотация.** В статье рассмотрены теоретические и правовые основы инвестиций, сравнительная характеристика потоков иностранного капитала в экономику Узбекистана и в другие страны, а также специфика инвестиций на территории страны на примере Самаркандской области. Кроме того, были разработаны предложения и рекомендации, которые будут способствовать стимулированию иностранных инвестиций в регионы.

**Ключевые слова:** Капиталовложения, иностранные инвестиции, капитальные инвестиции, иностранный капитал, регионы, региональные измерения.

**К**ириш қисми (introduction). Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда инвестициянинг аҳамияти катта. Шу боис юртимизда чет эл сармояси иштирокидаги саноат корхоналари сонини кўпайтириш ҳамда маҳаллий хомашёдан экспортбоп маҳсулотлар тайёрлашга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Бунда хорижий инвесторлар учун яратилган қулай инвестиция муҳити муҳим омил бўлмоқда. Инвестиция муҳитидан фойдаланиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев қуйидагича фикрларни билдирдилар: “Хорижий инвестицияларни, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича ишлар қандай аҳволда экани танқидий таҳлилни талаб этади. Бундай инвестицияларнинг улуши 30 фоизга тушиб қолган. Халқаро молия институтларининг кредитлари, айниқса, лойиҳалар буюртмачилари бўлмиш Республика йўл жамғармаси ва «Ўзкоммунхизмат» агентлиги

томонидан самарасиз ишлатилмоқда. Чунки уларнинг фаолиятида тизим, назорат ва масъулият йўқ. Лойиҳаларни экспертиза қилиш ва тендерларни ўтказиш бюрократлашиб кетгани энг асосий тўсиқлардан бири ҳисобланади. Лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосланишини экспертиза қилиш агентлиги ташкил этилганидан кейин ҳам сезиларли ўзгариш ва натижалар йўқ. Ушбу масалага доир ҳукуматнинг 110-қарори ишламасдан, таъбир жоиз бўлса, жойида тошдек қотиб қолган ва ўн йилдан буён қайта кўриб чиқилгани йўқ. Бундан экспертиза органларининг айрим қўли эгри раҳбарлари ва мутахассислари усталик билан нопок мақсадларда фойдаланмоқда. Маҳаллий ҳокимларнинг айби билан мамлакатимиз ҳудудларига хорижий инвестицияларни жалб этиш ўта қониқарсиз аҳволда қолмоқда” [1].

Хорижий инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланилиши натижа-

сида мамлакатимизда янги саноат корхоналари қурилмоқда ва юқори технологияли тармоқлар шаклланмоқда. Ушбу ҳолат сифатли ва юқори рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, энг муҳими янги иш ўринларини яратилиши, шунингдек, мамлакатимиз экспорт салоҳиятининг юксалишига имкон яратмоқда.

Қўлланилган материаллар ва услублар (Materials and methods). Хорижий инвестицияларни жалб этиш асосида илғор технологияларни ишлаб чиқишга татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш асосида мамлакат иқтисодиётининг барқарор суръатларда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади. Ривожланган давлатлар тажрибаси кўрсатадики, хорижий инвестицияларнинг жалб қилиниши миллий иқтисодиётнинг юксак даражада тараққий этишида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотни амалга оширишда анализ ва синтез, қиёсий баҳолаш ҳамда илмий абстракция усулларида фойдаланилди. Тизимли таҳлил қилишда 1991-2016 йиллардаги статистик маълумотлар қўлланилди. Статистик манба сифатида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларидан кенг фойдаланилди.

Илмий адабиётлар обзори (Literature Review). Иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишнинг назарий ва амалий масалалари хорижий иқтисодчи олимлар - С.Брю., В.Беренс., Л.Гитмат., Т.Густафсон., М.Жонк., Э.Долан., Д.Эргин., А.Идрисов., С.Картишев., Ж.Кейнс., В.Коссов., Р.Кемпбелл., К.Кемпбелл., И.Липсиц., К.Макконелл., В.Миловидов., П.Самуэльсон., П.Хавранек., С.Фишер., М.Фридмен ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ўзига хос жиҳатлари, унинг зарурлиги ва тамойиллари, бу жараёнда давлатнинг вазифалари МДҲлик иқтисодчи-олимлар -А.Ивасенко., Я.Никонова., Ю.Лапыгина., А.Балакирев., Е.Бобкова., А.Боровкова., О.Гойхер., М.Догаин., Д.Лапыгин., Е.Сокольских., С.Кориева., Е.Орлова., О.Зарянина ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан А.Ўлмасов., А.Вахобов., Н.Ҳайдаров., Д.Ғозибеков., Н.Каримовларнинг илмий тадқиқот ишларида хорижий инвестицияларнинг фаолиятини тартибга солиш, инвестиция муҳити ва унинг жозибadorлигини ошириш йўллари, миллий иқтисодиётни модернизациялашда хорижий инвестицияларнинг ўрни, хорижий инвестициялар мамлакат иқтисодиётини инновацион ривожланиш

йўлига ўтказишдаги ўрни масалалари чуқур ёритилган.

Натижалар (Results). Ўзбекистон Республикасида инвестиция тўғрисида қонуний ҳужжатлар мустақиллик йилидан бошлаб қабул қилинган бўлиб, улар такомиллаштириб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция тўғрисида”ги қонунда кўрсатилишича, “инвестиция - иқтисодий самара (фойда, даромад) олиш ёки ижобий ижтимоий натижага эришиш учун сарфланган пул маблағлари, банкларга қўйилган омонатлар, пайлар, қимматли қоғозлар (аксия, облигациялар), технологиялар, машиналар асбоб-ускуналар, лицензиялар ва самара берадиган бошқа ҳар қандай бойликлардир” [2]. Бу иқтисодий таъриф инвестициянинг бозор иқтисодиёти шароитига мос келишини тўлалигича тасдиқлайди. Унда, биринчидан, инвестициянинг ўзи ва инвестиция фаолиятининг объектларига кенг таъриф берилган. Иккинчидан, инвестициянинг бевосита иқтисодий ва ижтимоий самара олишга боғлиқлиги таъкидлаб ўтилган.

“Инвестиция” атамаси латин тилидаги “инвест” сўзидан келиб чиққан бўлиб “қўйиш”, “мблағни сафарбар этиш”, “капитал қўйилмаси” маъносини англатади. Кенг маънода инвестиция маблағни кўпайтириб ва қайтариб олиш мақсадида капитални сафарбар этишни билдиради. Кўпгина ҳолларда “инвестиция” тушунчаси иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар тарзида таърифланади [3]. Инвестиция дейилганда барча турдаги миллий ва интеллектуал бойликлар тушунилиб, улар тадбиркорлик фаолияти объектларига йўналтирилиб даромад келтириши ёки бирор-бир ижобий самарага эришиши зарур.

Ривожланган мамлакатлар халқаро капитал ҳаракатини асосан капитал экспорти-импортини миллий ва халқаро даражада рағбатлантириш орқали амалга оширадilar. Капиталнинг қарзлар, портфел инвестициялар ва бошқа шакллар борасидаги давлат сиёсати унинг ҳаракатидаги барча чекловларни олиб ташлаш мақсадида олиб борилади.

Давлат инвестиция сиёсатида тартибга солишнинг қуйидаги усулларида фойдаланади:

1) молиявий – жадаллаштирилган амортизация; солиқ имтиёзлари; субсидиялар, қарзлар бериш; кредитларни суғурталаш ва кафолатлаш;

2) номолиявий – ер участкалари ажратиш; зарур инфраструктура билан таъминлаш; техник ёрдам кўрсатиш.

Ўзбекистон Республикаси ва айрим мамлакатлар иқтисодиётига хорижий капитал  
қўйиш шароитларининг қиёсий тавсифи [4]

Давлатлар	Хорижий инвестиция иштирокида барпо этилган корхона устав фондида хорижий инвестиция иштирокининг чегараси	Солиқдан бутунлай ёки қисман озод қилиш муддати (йил)	Иш ҳафтасининг давомийлиги (соатда)
1	2	3	4
Ўзбекистон	30% дан кам бўлмаган	2-7	48
Россия	Чекланмаган	2	47-49
Хитой	25% дан кам бўлмаган	2-5	40
Сингапур	Чекланмаган	5-10	48
Жанубий Корея	50% дан кам бўлмаган	5	47-49
Малайзия	70% дан кам бўлмаган	2-5	50-60
Таиланд	49% дан кам бўлмаган	3-8	45-50
Индонезия	Чекланмаган	2-6	47-51

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда айрим шароитлар кўпгина бошқа давлатлар шароити билан деярли ўхшаш. Масалан, солиқ ставкасининг паст ставкадир. Ойлик маоши эса миллий валютамизнинг АҚШ валютасига нисбатан пастлиги, ҳозирча валютани конвертациялаш ишлари олиб борилганлиги сабабли бошқа давлатлардаги бу кўрсаткичдан пастдир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда учта иқтисодий ҳудуд фаолият юритади. Бу ерда сармоядорлар бизнес юритиш учун имтиёзлар ва алоҳида имкониятлар тақдим этилади. Булар, Навоий вилоятидаги “Навоий” саноат-иқтисодий зонаси, Тошкент вилоятидаги “Ангрен” махсус индустриал зонаси ва Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятидаги “Жиззах” махсус индустриал зонасидир.

Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёев “Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисидаги фармонни имзоланди. ЭИЗнинг фаолият юритиш муддати 30 йил бўлиб, мазкур муддат келгусида узайтирилиши мумкин. Ушбу давр мобайнида ЭИЗларда алоҳида имтиёзли солиқ, божхона ва валюта тизими амал қилади. Хусусан, ЭИЗ иштирокчилари солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилади. Масалан, 300 мингдан 3 миллион долларгача маблағ киритилса, имтиёзлар уч йилга берилди, 3 миллиондан 5 миллион долларгача бўлса, беш йилга, 5 миллиондан 10 миллионгача етти йилга. Агар иштирокчи 10 миллион доллардан ортиқ инвестиция кирица, у 10 йил давомида солиқ ва йиғимлардан озод қилинади ва кейинги беш йилда даромад солиғи ва ягона солиқ тўловининг амалдаги ставкасининг 50 фоизини

тўлайди.

“Навоий” ЭИЗ - Марказий Осиёда йилнинг энг яхши эркин иқтисодий зонаси деб топилди. Бундан ташқари, фармонга асосан эркин иқтисодий зоналар бутун фаолияти кўрсатиш даврида олиб келинадиган хомашё, материал ва бутловчи қисмлар учун божхона тўлови тўлашдан озод қилинди. Бу йил эркин иқтисодий зоналар инфратузулма ривожлантириш учун 23,7 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилиши режалаштирилган.

Самарқанд вилоятининг Ургут туманида эркин иқтисодий ҳудуд барпо этилиб айни вақтда туманнинг 42 гектарлик саноат ҳудудида 40 та ишлаб чиқариш корхонаси фаолият юритса, шулардан 19 таси хорижий ҳамкорлар билан ташкил этилган. Бу ерда 1200 киши иш билан таъминланган ва ўтган йили мазкур қувватларда 20 дан ортиқ, 157,5 млрд сўмлик саноат маҳсулот ишлаб чиқилган, экспорт ҳажми 10 млн. доллардан ошиб кетган.

Саноат ҳудудида гиламлар ва гилам маҳсулотлари, сунъий тола, электр печкаси, газ плиталари, бир марталик пластик идишлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқилади, 2017 йили туманда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўғича яна 78 та лойиҳани амалга ошириш ва 3400 иш ўрнини яратиш режалаштирилмоқда.

“Ургут” эркин иқтисодий зонасининг Ургут туманида “Ургут-1”, Нуробод туманида “Ургут-2” ва Пастдарғом туманида “Ургут-3” ҳудудлари ташкил этилди. Ушбу ҳудудлар учун жами 816 гектар ер ажратилиб, уларни зарур муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш ишлари бошлаб юборилган.

Бугунги кунда енгил саноат, маиший техника, тиббиёт жиҳозлари, фармацевтика, чарм-

пойабзал, канцелярия моллари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда. 2017-2018-йилларга мўлжалланган 83 лойиҳа тайёрланган, уларнинг 20 таси жорий йилда ишга туширилади.

Умумий қиймати 250 миллион долларни ташкил этувчи ушбу лойиҳалар тижорат банклари кредити ва таъсисчилар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Натижада 5,5 минг янги иш ўрни ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ушбу стратегик ҳудудни ташкил этиш борасидаги ишларни тизимли йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади. Ҳудудга салоҳиятли тадбиркорларни жалб этиш, хориждаги индустриал зоналар фаолиятини ўрганиш ва илғор тажрибаларни амалиётга татбиқ этиш лозим.

Ургут туманида муайян коллежни танлаб, иқтисодий зонада фаолият юритувчи кадрлар тайёрлаш, бундай тажриба “Қўқон”, “Ғиждувон”, “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналарига ҳам жорий этиш кераклиги борасидаги ишлар олиб борилаёпти.

Ургут туманида ташкил қилинган саноат зонаси 42 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, бугунги кунда мазкур ҳудудда 40 та саноат корхонаси, жумладан, 19 қўшма корхона фаолият юритиб, ўларда 1 минг 200 га яқин киши меҳнат қилмоқда.

Ўтган йили саноат зонасида қиймати 157,5 миллиард сўмлик 20 турдан зиёд саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, экспорт ҳажми 10 миллион АҚШ долларида ошди.

Хусусан, бу ерда маҳаллий хомашёдан гилам ва гилам маҳсулотлари, синтетик тола, электр духовкалар, газ плиталари, бир марта ишлатиладиган пластик идишлар, полимер елим ва бошқа маҳсулотлар тайёрланмоқда.

2017 йилда туманда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича яна 78 лойиҳани амалга ошириш ва 3 минг 400 иш ўрни ташкил этиш режалаштирилди.

Жорий йилнинг иккинчи чорагида йилига 15 минг тонна 100 фоиз импорт ўтнини босувчи экспортга йўталтирилган полеуретан маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи “ДЕРКИМ ПОЛИУРЕТАН УРГУТ” Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасининг ишга туширилиши режалаштирилмоқда. Лойиҳа қиймати 6 млрд. 250 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Ушбу янги корхона ишга туширилиши билан 65 та янги иш ўрни яратилади.

Муҳокама (Discussions). Самарқанд вилоятида иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида хорижий инвестициялар иштирокида юздан зиёд корхона муваффақиятли фаолият юритмоқда. Жалб этилаётган инвестициялар салмоғи йил сайин ортиб бормоқда. Бу эса, иқтисодиётни барқарор ривожлантириш ва унинг истиқболини таъминлашдан хорижий сармоядорлар ҳам манфаатдор эканликларини кўрсатиб турибди. Республика Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони бу соҳа ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда. 2016 йили вилоятда молиялаштиришнинг барча манбалари бўйича 3362,2 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди. Унинг 12,3 фоизини хорижий инвестициялар ташкил этди.

Ўзлаштирилган капитал маблағларнинг 300.1 млрд.сўми давлат бюджети, 107.1 млрд. сўми бюджетдан ташқари фондлар, 331.8 млрд. сўми хорижий инвестиция ва кредитлар, 1761.4 млрд.сўм банк кредитлари, 707.9 млрд. сўми аҳоли маблағлари, корхона ва ташкилотлар маблағи 153.8 млрд. сўм ҳисобига тўғри келди. Пудрат ташкилотлари томонидан ўз кучлари билан бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажми 2497,1 млрд.сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 115,7 фоиз ўсишга эришилди.

## 2-жадвал

### Самарқанд вилоятида 2016 йилда молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши [5]

Кўрсаткичлар	Млрд сўм	Ўсиш суръати %	Яқунга нисбатан фоиз
<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</b>	<b>3362,2</b>	<b>111,2</b>	<b>100</b>
шу жумладан			
<b>Марказлашган инжвестициялар</b>	<b>739</b>	<b>109,1</b>	<b>22,0</b>
бюджет маблағлари	300,1	279,5	8,9
давлат мақсадли фонд маблағлари	107,1	106,9	3,2
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	331,8	70,9	9,9
<b>Марказлашмаган инвестициялар</b>	<b>2623,1</b>	<b>110,7</b>	<b>78,0</b>
корхоналарнинг ўз маблағлари	153,8	95,7	4,6
аҳоли маблағлари	707,9	114,2	21,1
тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	1761,4	109,8	52,4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 25 декабрдаги ПҚ-2458-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил инвестиция дастури тўғрисида»ги қарори бўйича умумтаълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш ва жихозлаш жамғармаси ҳисобидан 101376,0 млн.сўм режалаштирилган бўлиб, шундан:

-умумтаълим мактаблари учун 71500,2 млн.сўм (7 та 2106 ўқувчи ўринли янги мактабларни қуриш, 41 та 11078 ўқувчи ўринли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш ва 6 та умумтаълим мактабларини капитал таъмирлаш);

-касб-ҳунар коллежларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш учун 11357,3 млн.сўм (2 та коллеж реконструкция, 7 та коллежни капитал таъмирлаш) Соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш учун 29875,8 млн.сўм (Самарқанд шаҳридаги вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, Вилоят руҳий асаб касалликлари, Нуробод, Оқдарё, Каттақўрғон, Нарпай, Ургут туманларида туман тиббиёт бирлашмалари, Каттақўрғон шаҳар тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш, Самарқанд шаҳридаги 2-онли оилавий поликлиника ва Ургут туманидаги вилоят руҳий касалликлар шифохонасини капитал таъмирлаш, Самарқанд шаҳридаги 6-сонли оилавий янги поликлиника биноси қурилиши).

-Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Республика Фонди ҳисобидан 5614,0 млн.сўм маблағ ўзлаштирилиши режалаштирилган.

2016 йил якунида ичимлик суви тармоқлари қурилишида 7487,7 млн.сўм маблағ сарфланиб, йиллик режа 100 фоиз, умумтаълим мактабларини қуриш реконструкция ва капитал таъмирлаш учун 71500,2 млн.сўм маблағ сарфланиб, йиллик режа 100 фоиз 54 та 13184 та ўқувчи ўринли мактаблар, касб-ҳунар коллеж, академик лицейларни реконструкция ва капитал таъмирлашда 11357,3 млн.сўм маблағ сарфланиб, йиллик режа 100,0 фоиз бажарилиши натижасида 9 та 6255 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежи, соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция ва капитал таъмирлаш учун 29875,3 млн.сўм маблағ сарфланиб, йиллик режа 100 фоизга бажарилиши натижасида Самарқанд шаҳридаги вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, Вилоят руҳий асаб касалликлари, Нуробод, Оқдарё, Каттақўрғон, Нарпай, Ургут туманларида туман тиббиёт бирлашмалари, Каттақўрғон шаҳар тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш, Самарқанд шаҳридаги 2-сонли оилавий поликлиникаси ва Ургут туманидаги вилоят руҳий касалликлар шифохонасини капитал таъмирлаш, Самарқанд шаҳридаги 6-сонли оилавий янги поликлиниканинг биноси қурилиб, фойдаланишига топширилди. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Республика Фонди ҳисобидан 2568 млн.сўм

маблағ ўзлаштирилиб, йиллик режа 45,7 фоизга бажарилди.

Ҳисобот даврида барча манбалар ҳисобидан 1270,5 минг м<sup>2</sup> турар жойлар биноларининг қурилиши белгиланган, 315,0 км ичимлик суви ва 84,2 км табиий газ тармоқларининг фойдаланишга топширилиши режалаштирилган бўлиб, амалда 1261,2 минг м<sup>2</sup> турар-жойлар фойдаланишга топширилди ва йиллик режа 104,5 фоизга, шунингдек, 369,8 км ичимлик суви ва 78,4 км табиий газ тармоқлари фойдаланишга топширилиб, йиллик режа мос равишда 100,5 ва 118,9 фоизга бажарилди.

Кейинги йилларда кимё, энергетика, машинасозлик, металлни қайтаишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, хусусий бизнес, энгил ва озиқ-овқат саноати объектларида юзлаб янги лойиҳалар амалга оширилди. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш тадбирлари изчил амалга оширилмоқда.

3-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 2010 йилда ишлаб чиқариш соҳасига жалб этилган инвестициялар жамига нисбатан 89,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб жалб этилган инвестициялар жамига нисбатан 94,7 фоизга етди. Бунда ёқилғи-энергетика 2010 йилга нисбатан 2016 йилга келиб, (32,5%) га ўсди ва транспорт ва алоқа соҳаларига 2016 йилда жалб этилган инвестицияларнинг улуши (22,1%) бўлиши қолган соҳаларнинг улуши ортиши натижасидир.

Шунингдек, жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, ёқилғи-энергетика тармоғига жалб этилган чет эл инвестицияларининг улуши 2016 йилда 2015 йилга нисбатан 24,9 фоизли пунктга ошган, транспорт ва алоқа тармоғининг улуши эса, аксинча 40,3 фоиздан 22,1 фоизга қисқарган. Бу ҳолат, иқтисодийнинг ёқилғи-энергетика соҳасида янги инвестицион лойиҳаларнинг амалга оширилатганлигидан далолат беради.

Саноат маҳсулотлари таркибида машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноатининг ўсиш суръати 1038,1 млрд. сўм ёки 112,9 фоизни, қурилиш материаллари саноатида 230,5 млрд. сўм ёки 123,4 фоизни, энгил саноатда 1387,9 млрд. сўм ёки 123,5 фоизни, ун-круп ва комбикорма саноатида 225,2 млрд. сўм ёки 109,4 фоизни, металлургия саноатида 21,7 млрд. сўм, полиграфия саноати 33,5 млрд. сўм ёки 135,9 фоизни, фарфор саноати 37,4 млрд. сўм ёки 106,9 фоизни, электроэнергетика саноатида 118,4 млрд. сўм ёки 102,2 фоизни, озиқ-овқат саноатида 2245,3 млрд. сўм ёки 109,9 фоизни, ёқилғи саноатида 1774,3 млн. сўм ёки 150,9 фоизни, кимё ва нефть кимё саноати 234,9 млн. сўм ёки 123,0 фоизни, медицина саноати 4,7 млрд. сўм ёки 147,2 фоизни, микробиология саноати 265,3 млн. сўм ёки 103,1 фоизни ва бошқа тармоқларда 85,7 млрд. сўм ёки 125,4 фоизни ташкил қилди.

## Самарқанд вилояти иқтисодийнинг жалб қилинган инвестициялар ва қурилиш – пудрат ишлари [6]

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2010 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.
Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг хажми (амалдаги нархда)	млрд сўм	1812.1	2711,3	300,5,8	3362,2
Ўтган йилга нисбатан	%	103.6	109,7	109,8	110,6
шунга туширилган тураржой майдони	минг м <sup>2</sup>	673.1	928,9	1072,8	1261,2
Сони	дона	1127	4222	4876	5686
шу жумладан намунавий уй - жойлар майдони	минг м <sup>2</sup>	-	142,9	165,1	194,1
Сони	дона	-	977	1129	1327
Мактаблар	ўқувчи ўрни	15672	15786	15802	15854
Коллеж ва академик лицейлар	ўқувчи ўрни	217	312	348	360
Поликлиникалар	ўрни	937	1168	1172	1180
Газ узатиш тармоқлари	км	79.3	87,1	86,3	78,4
Сув узатиш тармоқлари	км	261.3	359,8	361,4	369,8
Савдо шоҳобчалари	м <sup>2</sup>	9697	19872	20352	20555
Умумий овқатланиш	ўринлик	97	131	135	140
Маиший хизмат кўрсатиш	бирлик	156	249	258	277
Қурилиш - пудрат ишлари	млрд сўм	874.7	1793,5	2105,1	2497,1
Ўтган йилга нисбатан	%	110.8	113,9	114,8	115,7
Қурилиш ташкилотининг сони (кичик бошқа мулкчилик шакллари қўшган ҳолда)	бирлик	1257	1489	1546	1551
шу жумладан Давлат	бирлик	14	19	21	25
Хусусий	бирлик	498	576	581	587
қўшма	бирлик	-	-	-	2
Ҳиссадорлик	бирлик	-	-	-	-
Бошқа мулкчилик шакллари	бирлик	756	896	918	937

## Самарқанд вилоятининг иқтисодий тармоқлари бўйича чет эл инвестицияларининг тузилмаси (фоизда) [7]

Кўрсаткичлар	2010 й.	2014 й.	2015й	2016й.
<b>Инвестициялар – жами</b>	100.0	100,0	100,0	100,0
<b>Ишлаб чиқариш соҳаси</b>	89.5	92,6	94,9	94,7
Ёқилғи-энергетика	27.4	30,2	35,0	59,9
Металлургия	0.6	0,5	0,8	0,1
Кимё ва наефт кимй	4.1	4,5	3,7	0,8
Машинасозлик	4.9	2,6	1,4	1,0
Энгил саноат	4.1	3,9	3,6	1,3
Озиқ-овқат саноати	2.0	1,3	1,9	3,5
Қурилиш материаллари	0.9	1,4	1,0	1,0
Қишлоқ хўжалиги	3.2	2,8	3,0	2,3
Транспорт ва алоқа	35.7	37,9	40,3	22,1
Бошқалар	6.6	7,3	4,1	2,7
<b>Ноишлаб чиқариш соҳаси</b>	10.5	7,4	5,1	5,3

Саноатда бундай ўсишнинг асосий омиллари қуйидагилар билан изоҳланади:

- саноат соҳаси кўрсаткичининг 47,3 фоизни ташкил қилувчи 27 та асосий корхоналар “8 март” МЧЖ (197,4%), “Самарқанд Автомобил заводи” МЧЖ (107,4%), “Ховренко” ОАЖ (126,9%), “ЖВ МАН” ҚК (100,2%), ООО “Узавтотрейлер” (118,5%), “Жума элеватор” МЧЖ (145,7%), “Пулсар-Групп бревери” ҚК (118,5%), “Амин инвест интернешнл” ҚК (115,3%), “Шердор Плюс Полиграф” МЧЖ (114,2%), “Челлак пахта заводи” АЖ (103,6%), “Жума пахта заводи” АЖ (104,8%), “Карпет сервис” МЧЖ (118,8%) ва бошқа йирик корхоналарда ўтган йилга нисбатан юқори ўсишга эришилди.

Жомбой туманида ишга туширилган “ЖВ МАН” қўшма корхонаси ҳам хорижий инвесторлар билан ҳамкорлик самарасидир. Республика автомобилсозлигининг фахри ҳисобланган “MAN” юк автомобиллари ишлаб чиқарилмоқда.

“ЖВ МАН Ауто-Узбекистон” Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси 2009 йил 9 февралда Вазирлар Маҳкамасининг 7 августдаги 2009 йилнинг 224-қарорига асосан ташкил этилган.

Ўзбекистон томонидан муассис ҳисобланган “Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси ҳамда Германиянинг дунёга машҳур “MAN TRUCK & GROUP” компанияси ҳамкорлигида юртимизда оғир юк кўтарадиган “MAN” автомобилларини ишлаб чиқариш ва уларга техник хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

MAN юк автомобилининг қудратини автомобиль ва темир йўллари қуриш ҳамда реконструкция қилиш, шаҳарлараро юк ташинишда кўриш мумкин. Улардан “Ўзавтойўл” акциядорлик компанияси, “GM Ўзбекистон” АЖ, “Махсустрас” давлат унитар корхонаси, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик компанияси, “Ангрен” логистика маркази, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “Ўздонмахсулот” очиқ акциядорлик жамияти, “12-трест” қурилиш компанияси, “Бекобод-цмент” очиқ акциядорлик жамияти, Навоий, Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари ва бошқа кўплаб корхоналар, жумладан, хусусий корхоналар самарали фойдаланмоқда. Бугунги кунда заводда тайёрланган MAN юк автомобилларини Андижон, Бухоро, Қарши, Қўқон, Навоий, Наманган, Нукус, Самарқанд, Тошкент ва Урганч шаҳарларида жойлашган корхонанинг 14 та диллерлик ҳамда сервис марказида харид қилиш мумкин ва уларда сифатли техник хизмат кўрсатилмоқда.

Айни пайтда “JV MAN Auto-Uzbekistan” қўшма корхонасида қарийб 300 киши меҳнат қилмоқда. Улар таркибида ёшлар кўпчилигини ташкил этади. Ушбу қўшма корхонага дастлаб 45 та касб-ҳунар коллежи битирувчиси жиддий синов ва танловдан ўтиб, ишга қабул қилинди ва 120 нафарга яқин талаба амалиёт ўтадилар.

Самарқанд вилоятини комплекс ривожлантириш борасидаги ишлари 2017–2018 йиллар учун дастурлар тузилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 февралдаги ПҚ-2120-сонли, 2014 йил 11 февралдаги ПҚ-2298-сонли ҳамда вилоят ҳокимининг 2017 йил 16 февралдаги 49-Қ-сонли “2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ 2016 йилда вилоятнинг 7 та ҳудудидан 26 та корхона томонидан 62 та лойиҳа амалга оширилиши ва жорий йилда улар томонидан 428,0 млрд.сўм маҳсулот ишлаб чиқариш режаси белгиланган. Ҳудудий тасарруфдаги 16 та саноат корхонаси томонидан 47 та лойиҳа бўйича 208,3 млрд сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариши белгиланган.

5-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики 2017 – 2018 йилларда жами 2994 та лойиҳа амалга ошириш режалаштирилган бўлса, лойиҳанинг умумий қиймати 2454852 минг сўм бўлиб, шундан ўз маблағлари 1029927 минг сўмни, тижорат банкларнинг кредитлари 1204583 минг сўм, хорижий инвестициялар ва кредитлар миқдори 68857 минг долларни ташкил этади.

Биргина 2017 йилда 2,5 минг гектар ёнғоқзор, шундан 2,1 минг гектар интенсив, 6,6 минг гектар тоқзордан 1,3 минг гектар интенсив тоқзорлар барпо этилиши мўлжалланган. Бу лойиҳаларни амалга ошириш учун 271 миллиард сўм ва 8,4 миллион доллар миқдоридagi маблағлар сарфланиши кўзда тутилган. Бу қўшимча 15 минг тонна ёнғоқ ва 50 минг тонна узум маҳсулотлари экспорт қилиш имкониятини яратади. 2017-2018 йиллар давомида 26 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилади.

Қўшработ туманида 2017-2021 йилларда фермер ва деҳқон хўжаликларида 10 минг бош эчки ва 5 минг бош қўй боқишни ташкил қилиш лойиҳаси ҳам йирик лойиҳалардан. Қиймати 7,7 миллиард сўм бўлган мазкур лойиҳада Россиядан 10 минг бош насли эчки, Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий ва Тошкент вилоятларидан 5 минг бош ҳисори қўйларни сотиб олиш мўлжалланган.

## Самарқанд вилоятини 2017 – 2018 йилларда комплекс ривожлантириш дастури бўйича асосий кўрсаткичлари [8]

Жами	лойиҳа сони дона	2994	
	лойиҳанинг умумий қиймати минг сўм	2454857	
	ўз маблағлари млн. сўм	1029927	
	тижорат банклари кредитлари минг сўм	1204283	
	хорижий инвестициялар ва кредитлар минг (\$)	68857	
	иш ўрни дона	30927	
ш у ж у м ла да н	Саноат	лойиҳа сони дона	640
		лойиҳанинг умумий қиймати минг сўм	1550085
		ўз маблағлари млн. сўм	573337
		тижорат банклари кредитлари минг сўм	756406
		хорижий инвестициялар ва кредитлар минг (\$)	68857
		иш ўрни дона	16115
	Хизмат кўрсатиш	лойиҳа сони дона	1424
		лойиҳанинг умумий қиймати минг сўм	394739
		ўз маблағлари млн. сўм	273544
		тижорат банклари кредитлари минг сўм	121195
		хорижий инвестициялар ва кредитлар минг (\$)	0
		иш ўрни дона	9959
Қишлоқ хўжалиги	лойиҳа сони дона	930	
	лойиҳанинг умумий қиймати минг сўм	510029	
	ўз маблағлари млн. сўм	183047	
	тижорат банклари кредитлари минг сўм	326982	
	хорижий инвестициялар ва кредитлар минг (\$)	0	
	иш ўрни дона	4853	

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислон Каримовнинг 2015 йил 18 декабрдаги қарорига мувофиқ, халқаро молия институтлари – ОПЕК ҳамда Саудия Арабистони тараққиёт жамғармалари томонидан Ўзбекистон иштирокида 2016-2018 йилларда Қўшрабат тумани ичимлик суви таъминотини яхшилашга қаратилган умумий қиймати 36,4 миллион долларлик лойиҳанинг амалга оширилиши белгиланган.

Лойиҳа амалга оширилгач, 77 қишлоқ фуқаролар йиғинида 49 сув олиш иншооти қурилади, 6 таси реконструкция қилинади. 408,1 километр магистрал сув қувурлари ва тармоқлари қурилиши амалга оширилади.

Бундан ташқари лойиҳага 110 сув олиш қудуғини бурғулаш ва реконструкция қилиш, 16,1 километр узунликдаги сув иншоотларини ҳимоя деворлари билан ўраш, 164 қудуқ насосини ўрнатиш, 14 автоматлаштирилган насос станциясини қуриш, 55 комплект электр трансформатор, 3 қуёш генератори ҳамда 52 дизел генераторларини ўрнатиш, 24,5 километр узунликдаги ташқи электр таъминоти тизими билан таъминлаш киритилган.

Якуний қисм (Conclusions). Хулоса қилиб айтганда минтақа иқтисодиёти самарадор-

лиги бевосита инвестиция сиёсатининг тавсифи ва миқёсларига боғлиқ. Инвестициялар республикамиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ҳудудий тафовутлар ва номуносибликларни қисқартиришнинг муҳим воситаси бўлиб, улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ҳудудларда мавжуд табиий-иқтисодий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва шу орқали иқтисодиётнинг ҳудудий таркибини такомиллаштириш имконини беради.

Минтақалар инвестиция жараёнларини тартибга солишнинг иқтисодий асосларини яратиш, ишлаб чиқилган сиёсатни амалга оширишга имкон туғдирувчи шарт-шароитни таъминлаш инвестиция сиёсатининг муҳим вазибаларидан бири бўлиб, ҳудудларда қулай инвестиция муҳити яратишга айнан шу йўл билан эришиш мумкин.

Иқтисодиётнинг инвестицияга бўлган талаби, инвестицияга йуналтириладиган маблағларнинг этишмаслиги инвестиция ресурсларидан самарали фойдаланишни тақозо этади. Чунки қўйилган капитал маблағидан самарали фойдаланиш натижасида кўпроқ фойда олиш мумкин.

Ҳудудларга хорижий инвестицияларни



жалб қилишдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан таклифлар:

- лойиҳа ташаббускорларини хорижий кредит линиялари тўғрисидаги маълумотлар билан кенг миқёсда таништириш бўйича ҳар бир туманда доимий равишда семинарлар ўтказиш;

- ҳар ойда камида 1 марта хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар раҳбарлари билан уларнинг фаолиятига тўсқинлик қилаётган муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказиш амалиётини жорий этиш;

- тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда автомобиль йўллари, муҳандислик - инфратузилма тармоқларини ривожлантириш, ишлаб чиқариш корхоналарини электр энергияси, табиий газ ва сув билан узлуксиз таъминлаш ишларини алоҳида назоратга олиш;

- хорижий инвесторларни ҳудудларнинг инвестиция салоҳияти тўғрисидаги батафсил маълумотлар билан таъминлаш мақсадида ҳар бир ҳудуд бўйича “Вилоятнинг инвестицион салоҳияти” веб-порталини ташкил этиш ва уни доимий равишда янгилаб бориш;

- тижорат банклари, Савдо-саноат палатаси, “Инвестиция лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш жамғармаси” билан биргаликда лойиҳа ташаббускорларига техник иқтисодий асослар ва бизнес-режа ишлаб чиқишда кўмаклашиш;

- хорижий инвесторларни жалб қилиш мақсадида ҳудудларнинг ишбилармон доира вакилларини хорижий мамлакатлар хизмат сафарларини ташкил этиш ва сафарлар доирасида ҳудуднинг инвестиция салоҳиятини кенг ёритиб берувчи тақдимотларни ўтказиш;

- саноати ривожланган етакчи хорижий мамлакатлар билан ҳудудий ҳамкорликни ўрнатиш ва ҳамкорлик доирасида икки томонлама ташрифлар уюштириш.

- хорижий инвестициялар иштирокидаги ҳудудий инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини рағбатлантириш лозим;

- минтақада кичик бизнес ва инновацияни ривожлантиришда хорижий инвестицияларни жалб этиш учун зарур ташкилий, ҳуқуқий, молиявий механизм ва шароитларни яратиш мақсадга мувофиқ.

#### Манба ва адабиётлар:

1. Мирзиёев.Ш.М. Танқидий таҳлил қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. - Т.: Ўзбекистон, 2017.-104 б.
2. [www.lex.uz](http://www.lex.uz). (Ўзбекистон Республикаси электрон қонун ҳужжатлари тўплами)
3. Ваҳобов А.В. Хажибокиев Ш.Х. Муминов Н.Ф. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. -Т.: Молия, 2010 . 328 б.
4. UNCTAD маълумоти асосида тузилди.
- 5-8. Самарқанд вилояти иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармасининг маълумотлари асосида тузилди.

## ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ РОЛИ

Эшева Сарвиноз

Таянч докторант, ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази

**Аннотация.** Мақолада, бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ) бўйича рўй бераётган ўзгаришлар, уларнинг оқими ва ҳудудлар кесимидаги таҳлили амалга оширилган. Шунингдек, бугунги кунда Ўзбекистонда ТТХИ борсида амалга ошириладиган ислоҳатлар таҳлил қилиниб, ўрганилган.

**Таянч тушунчалар:** иқтисодиёт, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, хорижий мамлакатлар, ислоҳатлар, тармоқлар, асосий капитал, ташқи савдо.

**Аннотация:** В статье проанализирована тенденция развития, поток и региональные изменения прямых иностранных инвестиций. А также, анализированы и изучены реформы, проводимые в Узбекистане, в части прямых иностранных инвестиций.

**Ключевые слова:** экономика, прямые иностранные инвестиции, зарубежные страны, реформы, отрасли, основной капитал, внешняя торговля.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги ПФ-4947-сонли Фармони билан “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” қабул қилинди. Унда қайд этилган устувор йўналишлардан бири – “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишари”нинг 3.2-банди “Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш”га бағишланган. Жумладан:

- ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, ярим тайёр ва тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологиялар асосида асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги қайта ишлаш корхоналарини қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилишга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш;

- инвестиция муҳитини такомиллашти-

риш, мамлакат иқтисодиёти тармоқларига ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш;

- янги саноат корхоналари ва сервис марказларини ташкил этиш, кичик саноат зоналарини ташкил қилиш, йирик хўжалик бирлашмаларининг маблағларини, банкларнинг кредитларини ва хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларни жадал ривожлантириш [10].

Ушбу жиҳатдан бугунги кунда жаҳон иқтисодиётининг беқарор ривожланиши ва унинг тобора кескин ўзгариши шароитида миллий иқтисодиётнинг муҳим ривожлантирувчи омили ҳисобланган хорижий инвестицияларни устувор тармоқларга жалб қилиш, уларнинг оқимини ўрганиш, таҳлил қилиш бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиёти учун зарур ва долзарб аҳамиятга эга.

Таъкидлаш лозимки, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида фаол ўрганиладиган ва ўзининг долзарблигини йўқотмаган иқтисодий муаммолардан бири ҳисобланади. Айнан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳозирда иқтисодиёти ривожланаётган айрим мамлакатларнинг фаолиятида катта роль ўйнаган. Иқтисодчилар, мутахассислар ва олимлар томонидан портфель инвестициялар ёки қўшилиш ва қўшиб олиш жараёнлари қаби инвестициявий фаолиятларга нисбатан тўғридан-тўғри хо-

рижий инвестицияларни ўрганишга бўлган интилиши ва қизиқиши юқори бўлишининг сабаби шундаки, айнан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миллий иқтисодиётда тармоқлар ва меҳнат бозорини таркибий ўзгартириш имконини беради [5].

Умуман олганда, сўнги даврларда жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган кескин ва туб ўзгаришлар (геоиктисодий ўзгаришлар, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатлари ва бошқалар) бугунги кунда барча даражадаги мамлакатларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашда маълум даражада зиддиятларни келтириб чиқармоқда. Бу борада, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни қўллаб-қувватлаш ва фаоллаштириш, уни жалб қилиш борасида имкониятларни излаш барча мамлакатларни бирлаштириш

мақсадида Бирлашган Араб Амирликларида Дубайнинг Халқаро савдо марказида сўнги етти йилдан буён “Йиллик Инвестиция Форуми” ўтказиб келинмоқда [4]. Жумладан, 2016 йилда ўтказилган тадбирда 137 та мамлакатдан жами 15222 нафар иштирокчи ва ташриф буюрувчилар, шу жумладан инвестицияларни тарғибот қилувчи 85 та агентликлар, 52 та ҳамкор ва ҳомийлар, 100 нафардан ортиқ ТТХИ бўйича эксперт ва мутахасислар қатнашишган. Ушбу тадбир доирасида 1763 та В2В шаклдаги учрашувлар, 813 та G2В шаклдаги учрашувлар ўтказилди (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### Бирлашган Араб Амирликларида ўтказиладиган инвестиция форумининг ривожланиш тенденцияси кўрсаткичлари [4]

Форумнинг натижалари	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.
Инвестиция Форумига ташриф буюрувчилар (сони)	2300	2850	6070	11356	14687	15222
Иштирок этувчи мамлакатлар (сони)	46	69	84	112	124	137
Тақдимотларда иштирок этувчилар (сони)	80	103	291	469	410	432

1-жадвал маълумотларига кўра, 2011 йилга нисбатан 2016 йилда инвестиция форумига ташриф буюрувчиларнинг сони 12933 нафарга, иштирок этувчи мамлакатлар сони 91 тага, тақдимотларда иштирок этувчилар сони 352 нафарга кўпайганлиги кузатилди. Мазкур тадбирнинг 2017 йилдаги натижаларига кўра, 140 та мамлакатлардан 15000 та тадбиркорлар ва инвесторлар қатнашишган. Ушбу йилдаги форумда 12 та асосий масалаларга эътибор муҳокама қилинган, жумладан:

- халқаро инвестициялар ва рақобатбардошлик ўртасидаги боғлиқлик даражаси;
- рақобатбардошликнинг асл табиати ва унда ҳукуматларнинг рақобат муҳитини шакллантиришдаги ва инвестицияларни жалб қилишдаги ролини ошириш йўллари;
- неъфтга бой мамлакатларда рақобатбардошликни таъминлаш масалалари;
- бизнес муҳитини шакллантиришда компанияларнинг ролини аниқлаш;
- миллий рақобатбардошликни мустаҳкамлаш учун инвестицияларни жалб қилиш агентликлари томонидан стратегияларни шакллантириш масалалари;
- рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришда эркин иқтисодий ҳудудларнинг ва инвестиция агентликларининг ўрни ва роли;

- рақобатбардошлик шаклини танлаш муаммоси;

- халқаро инвестицияларнинг асосий инфраструктураларни шакллантиришдаги роли: технологик, фан, соғлиқни сақлаш, атроф муҳит, таълим ва бошқалар;

- хорижий компанияларнинг мамлакатнинг инвестициявий иқлимига таъсири масалалари;

- ривожланаётган бозорларнинг истиқболда рақобатбардошлик қобилятилари;

- ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда фаолият юритаётган инвесторларнинг фарқи;

- инновацион имкониятларни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг таъсири.


Бу борада аксарият мутахасисларнинг эътирофи этишларича, Бирлашган Араб Амирликлари жаҳон инвестиция марказига айланиб бормоқда, чунки унда мамлакатлар ўртасидаги инвестицияга доир мулоқотлар амалга оширилади, инвестицияларни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган муаммолар ечими топиладиган ва умуман ривожлантириш имкониятлари ўрганиладиган майдон бўлганлиги ва унинг янада кўплаб имкониятлари мавжудлиги алоҳида белгиланган.

Жаҳон иқтисодиётида савдо ва инвестицияларнинг ривожланиши бўйича Бирлашган

миллатлар ташкилоти томонидан амалга ошириладиган тадқиқот натижаларига кўра, 2015 йилда ТТХИнинг жаҳон молиявий иқтисодий инқирозидан кейинги даврда (2008-2009 йй.) юқори даражада қайта тикланиш динамикаси кузатилган бўлиб уларнинг оқими 38 фоизга ёки 1,76 трлн. АҚШ долларга ўсганлиги билан изоҳланади. Глобал даражадаги тикланишнинг асосий омили сифатида, жаҳон иқтисодиётида халқаро қўшилиш ва қўшиб олиш келишувлари деб топилган. Жумладан, 2014 йилда мазкур кўрсаткич 432 млрд. АҚШ долларни ташкил этган бўлса, 2015 йилда 721 млрд. АҚШ долларни ташкил этган [6]. Мутахасисларнинг белгилашича, мазкур келишувлар корпорацияларнинг тар-

кибий ўзгаришлари билан боғлиқ бўлган.

Таҳлил қилинаётган даврда иқтисодиёти ривожланган мамлакатларга ТТХИнинг икки баробарга ошган ва 962 млрд. АҚШ долларни ташкил этган бўлса, бунинг натижасида глобал ТТХИ таркибида иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг улуши ортди, яъни, 2014 йилда 41 фоиз ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2015 йилда 55 фоизни ташкил этган. Таҳлилий маълумотларга кўра, ТТХИнинг юқори суръатларда ўсиши Европа мамлакатларида кузатилган бўлса, АҚШда эса 2014 йилга нисбатан паст бўлса ҳам ТТХИ 2015 йилда тўрт баробарга ўсганлиги қайд этилган [6].




1-расм. 2005-2015 йилларда ТТХИнинг глобал оқими тўғрисида маълумот (млрд. АҚШ доллари ва % ҳисобида) [6, 2-б.]

1-расм маълумотларига кўра, 2005-2015 йиллар мобайнида жаҳон иқтисодиётида ТТХИнинг глобал оқими таҳлил қилинган ва маълумотларга кўра, жаҳон бўйича 1762 млрд. АҚШ долларни ташкил этган, улардан иқтисодиёти ривожланган мамлакатларга 55 фоиз, иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларга 43 фоиз ва

ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатларга 2 фоиз ТТХИ тўғри келганлиги кузатилади.

2013-2015 йиллар маълумотларига кўра, Осиёнинг ривожланаётган мамлакатларида дунёнинг бошқа минтақаларига нисбатан ТТХИнинг оқими юқори суръатларни ташкил этган (2-расм).




2-расм. 2013-2015 йилларда ТТХИнинг ҳудудлар бўйича оқими (млрд. АҚШ доллари) [6, 3-б.]

2-расм маълумотларига кўра, таҳлил қилинаётган даврда Осиёнинг ривожланаётган мамлакатларида (80 фоизга ўсиш) дунёнинг бошқа мамлакатларига нисбатан ТТХИни жалб қилиш бўйича энг юқори ўсиш суръатлари кузатилган бўлса, ушбу кўрсаткич Европада 64 фоизни, Ғарбий Америкада 66 фоизни ташкил қилган.

ТТХИнинг юқори суръатлар билан ўсиши иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларда ҳам кузатилган бўлиб, мазкур кўрсаткич 765 млрд. АҚШ долларига тенг бўлди, бу 2014 йилга нисбатан 9 фоизга кўп демакдир. Масалан, Осиёнинг иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларида ТТХИнинг оқими бўйича ҳудудда

енг юқори кўрсаткичларни ташкил этган, Африка, Латин Америкаси, Кариб ҳафзаси мамлакатларига ТТХИ оқими нисбатан пасайган.

Шунингдек, ТТХИнинг олиб чиқиб кетилиши тенденциясининг таҳлил қилиниши ҳам мақсадга мувофиқдир. Жумладан, иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатлардан ТТХИнинг олиб чиқиб кетилишида ҳам юқори ўсиш тенденцияси кузатилган ва 33 фоизни ёки 1,1 трлн. АҚШ долларни ташкил этган. Масалан, Европа мамлакатларидан 576 млрд. АҚШ доллари миқдорида ТТХИнинг чиқиши ҳисобига Европа дунёда энг йирик инвесторга айланган.



3-расм. 2014 йилда тармоқлар бўйича ТТХИнинг оқими [6, 8-б.]

Мутахасисларнинг қайд этишларича, 2015 йилда ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатларда ТТХИнинг кирими 38 фоизга қисқариши кузатилган ёки 35 млрд. АҚШ долларга қисқарган бўлса, ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатлар гуруҳидаги динамикаси турли хил бўлган. Масалан, Жанубий-Шарқий Европа мамлакатларида ТТХИ оқими яқин истиқболда мазкур мамлакатларнинг Европа Иттифиқига аъзо бўлиши ва макроиқтисодий кўрсаткичлар конъюктурасининг барқарорлашиши омилида 6 фоизга ёки 4,8 млрд. АҚШ долларга ўсган. Мутахасислар томонидан, аксинча ҳолат Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатларида ва Грузияда кузатилганлигини баҳолашди. Жумладан, таҳлил қилинаётган даврда 42 фоизга ёки 30 млрд. АҚШ долларга қисқарган. Бунинг асосий сабаблари сифатида хом ашё нархларининг пасайиши, ички бозорлар конъюктурасининг пасайиши, қонунчиликдаги ўзгаришлар ҳамда геосиёсий зиддиятлар кўрсатилган. Бу бора-

да айрим мамлакатларда яқин истиқболда ҳолат ўзгармаслиги кузатиладиган бўлса, айрим МДҲ мамлакатлари кенг миқёсдаги хусусийлаштириш ислохатларини амалга ошириш режасини илгари суришди, улар жумласига Қозоғистон, Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси киради [6, 18-б.].

Ўзбекистон учун бошқа мамлакатлар сингари, миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгиланиш, саноатнинг юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича жадал ривожлантириш учун ТТХИнинг ўрни беқиёсдир. Бунинг учун мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб фаол инвестиция сиёсати амалга ошириб келинмоқда, жумладан, инвестиция муҳитини такомиллаштириш,

мамлакат иқтисодиётининг тармоқларига ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, ТТХИ-ни фаол жалб қилиш ҳисобига юқори кўрсаткичларга эришилади. Жорий йилнинг март ойида миллий иқтисодиётга жами 4,5 млрд. АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши режалаштирилган бўлиб, улардан ҳукумат кафолати остида 79 та лойиҳа 1,854 млрд. АҚШ доллар миқдорида ўзлаштирилиши ва ТТХИ ҳисобига 120 та лойиҳа доирасида жами 2,65 млрд. АҚШ доллари ўзлаштирилиши режалаштирилган [9]. Амалга оширилаётган лойиҳалар қаторида Қашқадарё вилоятида синтетик ёқилғини ишлаб чиқариш заводини қуриш, Шуртан газ-кимё заводининг кенгайтирилиши ва бошқа қатор лойиҳалар режалаштирилган.

Ушбу борада миллий иқтисодиётимизда ТТХИни ҳуқуқий пойдеворини яратиш борасида ҳам фаол ислохотлар амалга оширилмоқда, айниқса, 2017 йил 31 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида»ги ПФ-4996-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ-2868-сон қарорини ижро этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси инвестициялар бўйича давлат қўмитаси тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида» 2017 йил 23 июнда 415-сон қарори қабул қилинган. Ушбу қарорнинг Низомига асосан, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ягона давлат инвестиция сиёсати шакллантирилишини мувофиқлаштириш ва амалга ошириш, шунингдек чет эл инвестицияларини жалб қилишга масъул ваколатли давлат бошқаруви органи сифатида белгиланган бўлиб унинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланган:

- ягона давлат инвестиция сиёсатини шакллантириш ва юритиш, шу жумладан иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакат минтақаларига инвестициялар ҳажмини кенгайтиришни рағбатлантиришга қаратилган чет эл инвестицияларини жалб қилиш, республикадаги инвестиция муҳитини янада такомиллаштириш, чет эл капитали иштирокидаги корхоналар ривожланишини қўллаб-қувватлаш ишларини мувофиқлаштириш;

- чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестиция фаолиятини кенгайтириш учун янада қулай шароитларни яратиш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаш-

тириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- Ўзбекистон Республикасининг йиллик Инвестиция дастурларини ва минтақавий инвестиция дастурларини, шу жумладан чет эл инвестициялари иштирокидаги лойиҳалар бўйича шакллантиришда қатнашиш, келишиш ва мониторингини амалга ошириш, чет эл инвестициялари, кредитлар ва молиявий-техник кўмаклашиш воситаларини жалб қилиш учун инвестициявий таклифлар ягона базасини юритиш;

- Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлар, халқаро иқтисодий ва молиявий институтлар, хорижий банклар, фондлар, агентликлар, компаниялар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан ўзаро манфаатли асосда инвестициявий ҳамкорлиги йўналишларини ривожлантириш ва диверсификация қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг асосий йўналишларини белгилаш ва амалга татбиқ этишда, шунингдек халқаро молия институтлари ва чет эл инвесторлари билан инвестициявий ҳамкорликни амалга оширишда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлардаги доимий вакилларининг савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчилари фаолиятини мувофиқлаштириш;

- Ўзбекистон Республикасининг чет мамлакатлар, халқаро молия институтлари, хорижий ҳукуматлар молия институтлари, етакчи хорижий компаниялар ва банк тузилмалари билан инвестициявий ҳамкорлик масалалари бўйича халқаро шартномаларини тайёрлашда, келишишда ва имзолашда иштирок этиш;

- тармоқ инвестиция дастурлари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш комплекс дастурлари, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурлари билан уйғунликда чет эл, биринчи навбатда тўғридан-тўғри инвестицияларни, молиявий-техник кўмак воситаларини жалб қилиш;

- инвестиция лойиҳалари бажарилишининг бориши устидан тизимли мониторинг олиб бориш, чет эл капитали иштирокидаги корхоналар фаолиятининг, шунингдек инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари бажарилишининг таҳлилининг ўтказиш, чет эл инвестициялари иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва самарали амалга оширишга тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш юзасидан тезкор чоралар қабул қилиш асосида мамлакат

иқтисодиётига жалб этилаётган чет эл инвестицияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

- халқаро ва хорижий ҳукуматлар молия институтларидан жалб қилинаётган кредит ресурслари ва техник кўмаклашиш воситалари (грантлар), Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари ҳисобига марказлаштирилган инвестициялардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикасида ва чет элларда хорижий инвесторларга мамлакатнинг иқтисодий ва инвестициявий салоҳияти ҳақида кенг ахборот бериш мақсадида халқаро конференциялар, семинарлар, инвестиция форумлари ўтказилишини ташкил этиш;

- тегишли иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳада амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари доирасида технологик жиҳозлар, бутловчи буюмлар ва материаллар хариди бўйича тендер (танлов) савдоларида қатнашиш ва савдолар натижалари бўйича ғолибларни белгилаш, тен-

дер ҳужжатлари экспертизаси ва тендер таклифларини баҳолашни ишлаб чиқиш ва ўтказишда қатнашиш; самарадорлиги, сифати ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг рақобатбардошлиги, энергия ва ресурс тежамкорлиги, экологик стандартлар, таклиф этилган нархларнинг жаҳондаги ўртача нархларга мувофиқлиги ва бозорда юзага келган конъюнктура, шунингдек таклиф этилаётган технологияга мувофиқ лойиҳаларнинг «калители билан» топшириш қиймати бўйича замонавий талабларга жавоб берадиган илғор технологиялар ва жиҳозлар жаҳон бозорининг чуқур таҳлилидан келиб чиқиб, зарур ҳолларда, ўтказилган тендер (танлов) савдолари натижаларини рад этиш, шунингдек тендер натижалари асосида тузилган импорт контрактларининг амал қилишини бекор қилиш.

Таҳлилларга кўра, миллий иқтисодиётимизда асосий капиталга киритилган тўғридан-тўғри инвестициялар ва кредитларнинг улуши 9,3 фоизли пунктга пасайган бўлса, аксинча ҳукуматлар кафолати остидаги инвестициялар ва кредитлар 9,3 фоизли пунктга кўпайганлиги кузатилади (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Асосий капиталга киритилган чет эл инвестицияларининг турлари (жамига нисбатан фоизда) [7,8]**

	<b>2014 й.</b>	<b>2015 й.</b>	<b>2016 й.</b>
Жами инвестициялар ва кредитлар	100,0	100,0	100,0
Тўғридан-тўғри инвестициялар ва кредитлар	78,6	73,8	69,3
Ҳукумат кафолати остидаги инвестициялар ва кредитлар	21,4	26,2	30,7
Шу жумладан, иқтисодиётнинг тармоқлари бўйича			
саноат	67,7	71	73,8
қишлоқ хўжалиги	2,3	2,2	1,6
Қурилиш	0,3	0,8	0,1
транспорт	14,5	13,0	13,1
алоқа	8,7	7,5	7,2
савдо ва умумий овқатланиш	0,5	0,7	1,1
уй-жой коммунал хўжалиги	3,9	1,7	3,0
бошқа тармоқлар	2,1	3,5	0,3

2-жадвал маълумоти таҳлиliga кўра, иқтисодиётнинг тармоқлари бўйича асосий капиталга киритилган чет эл инвестициялари биргина саноат тармоғида 6,1 фоизли пунктга, савдо ва умумий овқатланишда 0,6 фоизли пунктга ўсиш кузатилган. Аксинча қишлоқ хўжалигида – 0,7 фоизли пунктга, транспортда – 1,4; алоқада – 1,5 фоизли пунктга қисқаришни кузатиш мумкин.

Мамлакатга киритилаётган ТТХИнинг юқори самарадорлик кўрсаткичларидан бири бу фаолият натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг экспорт кўрсаткичидир. Жумладан, таҳлилларга кўра, 2014-2016 йй. айрим хорижий ва МДҲ мамлакатларининг республика ташқи савдосидаги улуши кескин ўсиш суръатлари кузатилмаган (3-жадвал).

## Айрим хорижий ва МДХ мамлакатларининг республика ташқи савдосидаги улуши [7, 8]

Мамлакатлар	Экспорт			Импорт		
	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.
<b>Узоқ хорижий мамлакатлар билан</b>						
Афғонистон	8,9	6,1	6,7	0,0	0,0	0,0
Бангладеш	1,1	1,8	1,1	0,2	0,2	0,2
Буюк Британия	0,5	0,7	0,6	1,0	1,0	1,8
Германия	1,0	0,5	0,5	7,2	6,0	6,1
Эрон	4,7	4,4	4,5	0,7	0,7	0,7
Италия	0,3	0,2	0,4	1,9	1,9	2,0
Хитой	31,4	34,0	25,8	27,7	27,9	27,9
Корея Рес.	2,4	2,4	2,6	21,7	19,3	10,7
АҚШ	0,6	0,4	0,7	2,9	3,0	5,1
Туркия	14,3	10,9	8,8	6,2	5,1	6,0
Франция	2,1	2,1	1,5	1,7	1,9	1,8
Швейцария	0,2	0,2	0,3	1,6	1,1	1,9
Япония	0,2	0,1	0,2	2,0	3,0	3,1
<b>МДХ мамлакатлари билан</b>						
Озорбайжон	0,7	0,5	0,4	0,6	0,3	0,1
Арманистон	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Белорусь	0,4	0,4	0,4	2,9	2,1	2,3
Қозоғистон	36,7	35,4	21,4	19,0	19,6	23,6
Қирғистон	2,4	1,9	2,8	1,2	0,8	1,1
Молдова	0,4	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2
Россия	37,6	34,8	40,7	62,3	61,0	59,3
Тожикистон	2,3	3,1	3,7	0,1	0,2	0,8
Туркманистон	3,4	2,0	1,8	3,4	5,0	3,2
Украина	2,9	1,3	1,2	7,8	6,2	5,0

3-жадвал маълумотларига кўра ай-тиш мумкинки, таҳлил қилинаётган даврда узоқ хориж мамлакатларининг экспорт кўрсаткичларидаги улуши Афғонистон, Германия, Эрон, Францияда пасайган бўлса, кескин пасайиш суръатлари Хитой ва Туркияда кузатилган. Импорт кўрсаткичлари Ж.Кореяда кескин пасайган бўлса, АҚШ ва Японияда ўсиш суръатлари қайд этилди. Шунингдек, МДХ мамлакатларининг экспорт кўрсаткичларида кескин пасайиш Қозоғистонда (-15,3 фоиз бандига), Туркманистонда (-1,6 фоиз бандига) кузатилган бўлса, аксинча ўсиш суръатлари Россия билан (3,1 фоиз бандига), Қирғистонда (0,4 фоиз бандига), Тожикистонда (1,4 фоиз бандига) қайд этилган.

Аммо фикримизча, 2017 йилда Ўзбекистоннинг ТТХИ бўйича амалга оши-

рилаётган ислоҳатлари ва сиёсати ҳисобига ушбу йўналишда кескин ўзгаришлар кузатилади. Жумладан, жаҳоннинг етакчи автомобиль ишлаб чиқарувчиси билан интеграциялашуви асосида Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатини янада барқарор ривожлантириш, «Пежо Ситроен» энгил тижорат автомобилларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳисобидан ишлаб чиқарилаётган автомобиль маҳсулотлари номенклатурасини кенгайтириш, ички ва ташқи бозорларда уларнинг савдо ҳажмларини оширишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий инвестициялар иштирокидаги «Uzbekistan Peugeot Citroen Automotive» корхонасини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 13 июндаги ПҚ-3053-сон Қарори қабул қилинган. Мазкур



қарорга асосан «Ўзавтосаноат» АЖ ҳамда «Peugeot Citroen Automobiles S.A» (Франция) компанияси ўртасида 2017 йилнинг 16 май куни масъулияти чекланган жамият шаклида, устав жамғармаси, эквиваленти 29,3 млн. евро миқдоридаги «Uzbekistan Peugeot Citroen Automotive» қўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисида Битим имзоланди. Шунингдек, умумий ҳисоб-китоб нархи, эквиваленти 133,3 млн. евро бўлган «Ўзбекистон Республикасида энгил тижорат автомобилларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш» (кейинги ўринларда – инвестиция лойиҳаси) инвестиция лойиҳасини амалга ошириш шартлари белгиланди. Бунинг учун «Жиззах» эркин индустриал зона ҳудудида 45 га ер майдони ажратилди. Шунингдек, 10 йил мобайнида корхона Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилаётган барча солиқлардан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига тўланадиган мажбурий тўловлардан; ишлаб чиқарилаётган энгил тижорат автомобиллари учун, улар томонидан сотилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматлар қисмида бутловчи буюмлар, материаллар ва технологик асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи - ташкилотлар қўшимча қиймат солиғи ва юридик шахслардан олинadиган даромад солиғидан; корхонанинг хорижий ходимлари, ишлаш доирасида олган даромадлари қисмида жисмоний шахслар даромадларидан олинadиган солиқларни тўлашдан; қурилиш даврида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида бажариладиган ишлар ҳажми ва хизматлар бўйича қўшимча қиймат солиғи тўлашдан озод этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Президентининг Нью-Йоркка ташрифи доирасида Ўзбекистон-АҚШ бизнес-форуми бўлиб ўтди ва унда АҚШнинг 100 дан ортиқ етакчи йирик корпорациялари, жумладан, «General Electric», «Honeywell», «ExxonMobil», «CNH Industrial», «John Deere», «Coca-Cola», «Boeing», «Caterpillar», «City Group», «Visa», «AGCO», «Gilead Sciences» раҳбарлари иштирок этишди. Бунинг натижасида АҚШ компаниялари билан умумий қиймати 2,6 млрд. АҚШ долларга тенг бўлган йирик ҳужжатлар тўплами, жумладан, «General Electric» ва «Honeywell» корпорациялари билан нефть-газ ва нефть-кимё соҳаларида, «CNH Industrial», «John Deere» ва «Caterpillar» компаниялари билан машинасозлик соҳасида, «OSI Systems» ва «Lutron» компаниялари билан электро-

техника соҳасида, «Boeing» компанияси билан фуқаро авиацияси соҳасида истиқболли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувлар имзоланди [11].

Шунингдек, Ўзбекистон Ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги «Ўзтрейд» компанияси томонидан Нью-Йоркда экспорт ҳажмини ошириш ва АҚШ бозоридаги ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида савдо уйи очилди ва мазкур савдо уйи базасида ўзбек ишлаб чиқарувчилари маҳсулотлари шоуруми фаолияти ташкил этилди [12].

Ўзбекистон ва Қозоғистон жорий йилнинг март ойида Остонада ҳамда 16 сентябрда Тошкентда бўлиб ўтган иккита бизнес-форум натижалари бўйича умумий қиймати 1,2 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган шартномаларни имзолади, жумладан, «Ўзавтосаноат» компанияси «Аллюр» Компаниялар гуруҳи билан Қозоғистон ҳудудида GM Uzbekistan энгил автомобилларини саноат усулида йиғиш борасида, «Ўзтадбиркорэкспорт» ва Марказий Осиё сайдо уйи Қозоғистонга мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб бериш бўйича шартномалар, «Техноэкспорт» компанияси «Электрон» компанияси билан Қозоғистонга маиший техникаларни етказиб бериш тўғрисидаги меморандум, «Ўзфармсаноат» ва «Химфарм», «Ўзметкомбинат» ва «Феррум-Втор», «Ўзэлектроаппарат-Электрошит» ва Alageum Electric билан ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумлар шулар жумласидан [13].

Юқорида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб шундай хулоса қилиш мумкинки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан амалга оширилган тадқиқот натижаларига кўра, 2015 йилда ТТХИнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейинги даврдаги (2008-2009 йй.) энг юқори қайта тикланиш динамикаси қайд этилган. Жумладан, иқтисодиёти ривожланган мамлакатларга ТТХИ ҳажми икки баробарга ошган. Ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатларда, шу жумладан МДХ мамлакатларида эса ТТХИ киримининг қисқариши кузатилган.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб фаол инвестиция сиёсати амалга ошириб келинмоқда, айниқса норматив-ҳуқуқий пойдеворнинг мустаҳкамланиши, узоқ хориж мамлакатлари ва МДХ мамлакатлари билан инвестициявий ҳамкорликнинг фаоллашуви ўз самарасини бермоқда.

**Манба ва адабиётлар:**

1. Гуржиева К. Классификация прямых иностранных инвестиций по способам ведения международной хозяйственной деятельности // Вестник Воронежского государственного университета: Серия: Экономика и управление. 2013. № 2. С.62-69.
2. Гусарова С.А. Роль иностранных инвестиций в модернизации экономик стран БРИКС // Международная экономика. 2014. № 9. С. 53-64.
3. Захаров В. К. Иностранные инвестиции в экономике России // Экономический журнал. 2012. № 3. С. 21-27.
4. Международные инвестиции, путь к конкурентоспособности и развитию. Ежегодный Инвестиционный Форум. 4-7 апреля 2017 г. Дубай. [www.aimcongress.com](http://www.aimcongress.com)
5. Шафиев Р.М. Иностранные инвестиции: мирохозяйственный аспект // Международная экономика. 2014. № 10. С. 63-69.
6. Доклад о мировых инвестициях 2016 г. «Гражданство» инвесторов: вывозы политики». Женева. 2016. С.У.
7. Ўзбекистон рақамларда 2016. Т.2016. Б.161-206.
8. Ўзбекистон рақамларда 2017. Т.2017. Б.170-213.
9. <https://www.gazeta.uz/ru/2017/03/09/column/>
10. [http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=3107036](http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3107036)
11. <https://www.gazeta.uz/uz/2017/09/21/aqsh/>
12. <https://www.gazeta.uz/uz/2017/09/21/forum/>
13. <https://www.gazeta.uz/uz/2017/09/18/qozogiston/>

# МЕҲНАТ ИҚТИСОДИЁТИ ЭКОНОМИКА ТРУДА

## АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА РЕАЛ ДАРОМАДЛАРИНИ ИЗЧИЛ ОШИРИШ

**Расулова Дилфуза Валиевна**

И.ф.д., доцент, Тошкент молия институти

**Зайнутдинова Умида Джалаловна**

И.ф.н., доцент, Тошкент молия институти

**Аннотация.** Ушбу мақолада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари таҳлил қилинган. Аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш муҳим масалалар қаторида белгиланганлиги қайд этилган. Аҳолининг реал пул даромадларини ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилалар сонини ва аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиш даражасини камайтириш, шунингдек, бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажмини инфляция суръатларидан юқори миқдорда изчил ошириш масалалари муҳокама қилинган.

**Таянч нушунчалар:** ижтимоий соҳа, аҳоли бандлиги, реал даромадлар, аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиш даражаси, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар, инфляция.

**Аннотация.** В данной статье проанализированы приоритетные направления развития социальной сферы отмеченные в Стратегии Действий Республики Узбекистан на период 2017-2021 годы. Важнейшими задачами являются непрерывное повышение занятости населения и их доходов. Обсуждены вопросы повышения реальных денежных доходов населения и паритета покупательной способности населения, уменьшение количества семей с низкими доходами, а также повышение заработной платы работников бюджетных организаций, пенсии, стипендий и общественных выплат с учетом уровня инфляции.

**Ключевые слова:** социальная сфера, занятость населения, реальные доходы, заработная плата, пенсия, стипендия и общественные платежи, инфляция.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларида аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш муҳим масалалар қаторида эътироф этилган. Бунда аҳолининг реал пул даромадларини ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилалар сонини ва аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиш даражасини камайтириш, шунингдек, бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажмини инфляция суръатларидан юқори миқдорда изчил ошириш назарда тутилган.

Бандлик, меҳнат бозори ва аҳоли даромадларини ошириш масалалари барча мамлакатларда биринчи даражали ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлган устувор ва долзарб масалалар бирдан ҳисобланади.

Ушбу соҳадаги стратегиялар ишчи кучига бўлган талабнинг ўсишини ва бандликнинг кенгайтирилишини, меҳнат бозори бошқарувининг фаол чо-

Халқаро меҳнат ташкилотининг «Global employment trends<sup>1</sup>» маърузасида қайд этилганидек, ҳар йили биринчи марта меҳнат бозорига қирадиганлар 40 млн. кишини ташкил этади. Бугунги кунда жаҳонда 200 млн. нафардан ортиқ ишсизлар мавжуд. Дунё олдида уларнинг бандлигини таъминлаш учун яқин ўн йилликда 600 млн. иш ўрнини яратишдан иборат жуда мураккаб синов турибди.

**World Employment and Social Outlook Trends 2016– Labour market estimates and projections, 68-70**

ра-тадбирлари амалга оширилишини, ёшлар, аёллар, норасмий секторда ишловчиларнинг ишга жойлаштирилишини ва касб малакалари ривожлантирилишини таъминлайдиган макроиқтисодий сиёсатни татбиқ қилишга йўналтирилган бўлиши керак. Ўзбекистон йирик ва тез ўсувчи меҳнат ресурсларига эга. Республикада меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахсларнинг сони 18 млн. нафардан ортиқ кишини ёки аҳолининг салкам 60 фоизини ташкил қилади, меҳнат ресурсларининг сони ҳар йили ўртача 2,3 фоизга ошиб бормоқда, бу эса аҳолининг бандлигини таъминлаш муаммоси доимий равишда долзарб бўлиб туришига сабаб бўлади.

Бандлик ва ишсизлик муаммоси миллий ва жаҳон ҳўжалигининг циклик ривожланиши, улар иқтисодиётидаги таркибий силжишлар, демографик ва маданий – маиший жараёнлар ҳамда ишчи кучи бозорида ўз ўрнига эга бўлган ўзгаришлар билан боғлиқ.

Бугунги кунда меҳнатни татбиқ қилиш соҳаси ва имкониятлари, ўзини ўзи иш билан банд қилиш қўламлари кенгайди. Бозор муносабатларининг шаклланиши жараёнида меҳнат

фаолиятининг шакли ва турлари хилма-хил кўринишга эга бўлди. Мулкчилик ва тармоқ шакллари бўйича ишловчилар таркиби ўзгарди, янги, аҳоли учун янада аввал таниш бўлмаган, қулай бандлик шакллари пайдо бўлди. Унинг илгари норасмий фаолият юритган муайян турлари - касаначилик, ҳўнармандлик ва оилавий тадбиркорлик қонунийлаштирилди, ихтиёрий иш билан банд бўлмаслик ҳўқуқи расмий эътироф этилди. Меҳнат бозорининг ҳўқуқий ва институционал инфратузилмаси яратилди. Янги иш ўринларини ташкил этиш билан бирга кечяётган барқарор иқтисодий ўсиш анъанаси Ўзбекистон аҳолиси бандлиги даражасининг ўсишига объектив шарт-шароитлар яратилиши ва ривожлантирилишини таъминлади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ва тез ривожланиши, давлатнинг фаол ижтимоий сиёсати, аҳоли бандлиги ва реал даромадларининг сони ошиб бориши, уларнинг турмуш фаровонлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

#### 1-жадвал

#### Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурслари ва аҳоли бандлиги динамикаси \* (минг. киши)

Кўрсаткичлар	Й и л л а р							2015 йилда 2005 йилга нисбатан ўзгариши, %
	2005	2010	2011	2012	2013	2014	2015	
Жами аҳоли сони	124231,0	127736,0	129975,0	128261,0	128528,0	130488,0	131025,5	+28.04%
Меҳнат ресурслари сони	14453,2	16726,0	17286,4	17564,3	17814,1	18048,0	18277,1	+26.46%
Доимий аҳоли сонига нисбатан фоиз ҳисобида	54,9	58,6	58,9	59,0	58,9	58,4	59,9	
Шундан:								
Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли	14263,7	16533,9	17169,6	17451,5	17698,7	17994,9	18497,7	+29.56%
Иқтисодиётда банд бўлганларни ўртача йиллик сони	11035,1	11628,4	11919,1	12223,8	12523,3	12818,4	13058,3	+18.33%
Иш билан банд бўлган ўсмирлар ва катта ёшдаги аҳоли сони	189,5	192,1	116,8	112,8	115,4	109,9	113,4	-42.0%

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида тузилди

Таҳлиллар шуни кўрсатиб турибдики, доимий аҳоли таркибида меҳнат ресурсларининг улуши мунтазам ортиб борган. Агар 2005 йилда доимий аҳолининг 54,9 фоизини меҳнат ресурс-

лари ташкил қилган бўлса, 2015 йилга келиб ушбу кўрсаткич 59,9 фоизга етган ёки 3,5 бандга ошган. Маълумки, меҳнат ресурслари меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга қобилиятли аҳоли

ва иқтисодиётда банд бўлган ўсмирлар ва катта ёшдаги аҳолидан шаклланади. 1-жадвалда келтирилган статистик маълумотлар таҳлили меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга қобилиятли аҳоли сонининг 26,1 фоизга ортганлигини, аксинча иқтисодиётда банд бўлган ўсмирлар ва катта ёшдаги аҳоли сонининг 42,0 фоизга камайганлигини кўрсатиб турибди. Бундай тенденцияни меҳнат ресурслари шаклланиш манбаларининг доимий аҳоли ва меҳнат ресурслари таркибидаги улушининг ўзгаришида ҳам кузатиш мумкин. Таҳлил қилинаётган даврда (2005-2015 йй.) меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга қобилиятли аҳолининг доимий аҳоли таркибидаги улуши 54,5 фоиздан 58,0 фоизгача,

меҳнат ресурслари таркибидаги улуши эса 98,7 фоиздан 99,4 фоизгача ошган бўлса, мазкур даврда иқтисодиётда банд бўлган ўсмирлар ва катта ёшдаги аҳолининг доимий аҳоли таркибидаги улуши 0,7 фоиздан 0,4 фоизгача, уларнинг меҳнат ресурслари таркибидаги улуши эса 1,3 фоиздан 0,6 фоизгача камайган.

Аҳолининг тармоқлар бўйича таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, агар 1991 йилда қишлоқ ва ўрмон хўжалигида банд бўлганлар 41,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йилга келиб 27,7 фоизни ташкил этди. Савдо, хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлганларнинг улуши 1991 йилдаги 35,6 фоиздан 49,9 фоизга ўсди.

### 1-диаграмма



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

«Даромад» иқтисодий фаолият натижаларини ифодаловчи кўрсаткич бўлиб, у серқирра ва мураккаб мазмунга эга ҳисобланади. Чунки, даромад бир вақтнинг ўзида бирон-бир фаолият натижасида олинган тушумни, пул маблағларини, натурал кўринишда олинган маҳсулотларни, иқтисодий ресурслар келтирадиган нафни ва бошқа тушунчаларни ифодалаш мумкин. Шунингдек, даромад умумий тушунча бўлиб, унинг таркибида аҳоли даромадлари муҳим ўрин тутди. Аҳолининг пул даромадлари иш ҳақи, тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромад, нафақа, пенсия, стипендия шаклидаги барча пул тушумларини, мулкдан олинган даромадларни, қимматли қоғозлар, кўчмас мулк, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ҳунармандчилик буюмларини сотишдан ва ҳар хил хизматлар кўрсатишидан келиб тушадиган даромадларни ўз ичига олади.


Бозор иқтисодиётида иш ҳақи даромаднинг асосий қисмини ташкил қилади, аммо у ягона даромад манбаи эмас. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда у аҳоли жами даромадларининг 2/3 қисмини ташкил этади. Иш ҳақи миқдорининг кўп ёки оз бўлиши, одатда, меҳнат бозоридида иш кучига бўлган талаб

ва унинг таклифи ўртасидаги нисбатга, меҳнат унумдорлигига, бозор талабига мос равишда ишлай олишига боғлиқ бўлади.

Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришда тадбиркорликдан келадиган даромад муҳим ўрин эгаллайди. Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка яратилган қулайликлар сабабли тадбиркорлик тобора ривожланиб бормоқда ва тадбиркорлар катта миқдордаги даромад соҳиблари бўлишмоқда. Бозор иқтисодиётида иқтисодий эркинлик кафолатлари берилиши фаровонликка эришиш гаровидир.

Мустақиллик йилларида иқтисодиётимиз қарийб 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 12 баробардан зиёдга ошди. Харид қилиш қобилияти бўйича ялпи ички маҳсулот ҳажми аҳоли жон бошига 4 баробардан зиёдга кўпайиб, ҳозир ушбу кўрсаткич, мамлакат аҳолиси сонининг 1,5 карра ошганига қарамадан, 6,9 минг АҚШ долларига етди. Натижада республикамизнинг ўртача даражадаги даромадли мамлакатлар гуруҳига киришига имконият яратилди. 2-диаграмма орқали Ўзбекистон Республикасида аҳоли жон бошига тўғри келадиган умумий ва реал даромадларнинг ўсиши тенденциясини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида аҳоли жон бошига тўғри келадиган умумий ва реал даромадлар, (% ҳисобида)



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида тузилди

Жадал суръатлар билан ривожланаётган ҳар бир давлатда ижтимоий-иқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш ва янада яхшилашда аҳоли реал даромадларини ошириб боришнинг энг муқобил усули аҳоли бандлигини оширишдир. Шунга кўра, иш билан бандлик даражаси қанчалик ошса, ЯИМ ҳам шунчалик ошади ва аксинча.

Мамлакатимизда аҳоли даромадларини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилаётганлиги, ҳаётимизда тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган ўрта синфни шакллантириш имконини бермоқда.

Олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижасида аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиш даражаси янада камайиб бормоқда. Жаҳон тажрибасида жамиятда ижтимоий табақаланиш ва хавфсизлик даражасини баҳолашнинг яна бир мезони – Жинни индексидан кенг фойдаланилади. Мисол учун, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида Жинни индекси кўрсаткичи 0,40 дан 0,296 га пасайди. Бу натижа, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тавсияларига биноан 0,35-0,37 миқдорда белгиланган халқаро стандартлар нуқтаи назаридан қараганда, аҳолининг ижтимоий фаровонлиги муттасил ўсиб бораётганидан далолат беради. Аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиш даражасини халқаро Жинни коэффиценти орқали кўришимиз мумкин бўлади.

Агар Жинни коэффиценти 0 га тенг бўлса, даромадлар аҳоли орасида тенг тақсимланади, агар Жинни коэффиценти 1 га тенг бўлса, да-

ромадлар битта шахс тасарруфида бўлади. 2015 йилда юртимизда Жинни коэффиценти 0,280 га тенг бўлган, яъни аҳоли даромадлари табақаланиши 2010 йилга нисбатан 0,015 га камайган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу дунёдаги энг яхши кўрсаткичдир. Германияда мазкур кўрсаткич ўртача – 0,283, Францияда – 0,305, Испанияда – 0,350, Россияда – 0,420 ни ташкил этади\*.

Жинни индекси аҳоли даромадлари ва уй хўжаликлари кузатуви асосида, халқаро миқёсда белгиланган формула орқали ҳисобланади. Унинг ижобий ёки салбийлигини билиш учун 0 дан кейинги рақамга эътибор бериш керак.

Бу рақам қанча кичик бўлса, аҳоли даромадлари ўртасидаги фарқ шунча кам бўлади. Ўзбекистонда аҳоли сони 1991-2015 йиллар мобайнида 50,2 фоиз ошганига қарамасдан, жон бошига гўшт ва гўшт маҳсулотлари истеъмол қилиш 31,8 фоизга кўпайди, жумладан, сут ва сут маҳсулотлари 42,2 фоизга, тухум 54,3 фоизга, сабзавот 2,4 баробар, картошка 1,8 баробар, мева 3,8 баробар ва шакар 1,6 баробар ошди. Айни вақтда истеъмол таркиби анча сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини кўпроқ истеъмол қилиш ҳисобидан ўзгармоқда. Бунда углеводларга бой озиқ-овқатларни (биринчи навбатда, нон ва нон маҳсулотларини) истеъмол қилишнинг барқарорлашгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Мустақиллик йилларида аҳоли томонидан истеъмол қилинаётган озиқ-овқат

\* Ижтимоий фаровонлик кўзгуси // <http://uza.uz>.

маҳсулотларининг сони, тури ўнлаб баробарга ошди. Юртимизда истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг анча фаол ўсиши асосан 2000 йилдан сўнг, мамлакатимизда уларни ишлаб чиқаришни рағбатлантирадиган шарт-шароитлар босқичма-босқич яратилгандан кейин кузатилди.

Аҳолининг турмуш даражаси кўп жиҳатдан уй хўжалиklarининг жамғарилган активлари ва оилаларнинг жорий даромадларига боғлиқ. Ўзбекистондаги оилаларнинг 98 фоизи, жорий моддий ҳолатидан қатъи назар, ўзларининг хусусий мулки бўлган шахсий турар-жойларига эга. Оилаларнинг, шу жумладан, қишлоқ жойларида яшовчи кам таъминланган аҳолининг катта қисми эса – 96,7 фоизи, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ёки кичик тадбиркорлик фаолиятини юритиш мумкин бўлган, мерос қилиб қолдириладиган томорқа ерларига эга.

Аҳолининг ижтимоий турмуш шароити жамиятнинг барча аъзоларига меҳнат қилиш, дам олиш, ҳар томонлама жисмоний ва маданий ривожланишни таъминлаш, меҳнат шароитини яхши ташкил этиш, кишилар саломатлиги ва меҳнат қилиш лаёқатини сақлашни кафолатлаш, вақтинчалик иш қобилиятини йўқотганларни ижтимоий таъминлаш, нафақалар билан таъминлаш, нисбатан кам даромадли оилаларнинг ижтимоий ҳимояланишини ифодалайди.

2017-2021 йилларда бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақи миқдорини ва аҳоли турмуш даражасини изчил ошириб бориш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди. Чунки, бу нафақа ижтимоий аҳамиятга эга, айни пайтда юртимиздаги ижтимоий-иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашнинг ҳал қилувчи омили бўлиши ривожланган мамлакатлар мисолида исботланган.

Иш ҳақининг муттасил ошиб бориши аҳоли истеъмол талабининг ўсишида кучли омили бўлишини, бу эса иқтисодий юртимизда ишлаб чиқариш ҳажмининг келажакда янада орттишини рағбатлантиришга хизмат қилишини назарда тутиб, иқтисодий имкониятларни эътиборга олган ҳолда, 2017 йилда бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақини йилга 10-15 фоиз миқдорда ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

*Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи 15 фоизга, пенсия ва ижтимоий нафақалар – 12,1 фоизга, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар – 11 фоизга ўсди, 726 минг нафарга яқин аҳолининг, шу жумладан, 438,5 минг коллеж битирувчисининг бандлиги таъминланди<sup>1</sup>.*

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Шавкат Мирзиёевнинг  
мамлакатимизни 2016 йилда  
ижтимоий-иқтисодий  
ривожлантиришнинг асосий  
яқунлари ва 2017 йилга  
мўлжалланган иқтисодий дастурнинг  
энг муҳим устувор йўналишларига  
бағишланган Вазирлар  
Маҳкамасининг кенгайтирилган  
мажлисидаги маърузаси, 14 январь  
2017 йил.

## 2-жадвал

### Ўзбекистон Республикасида аҳоли даромадларининг таркиби, %

Кўрсаткичлар	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.
Аҳолининг реал даромадлари, млрд.сўм	52586,3	61788,1	72293,1	89517,3	98654,1
<b>Умумий даромадлар, ундан:</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>
<b>1) Ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар, шу жумладан:</b>					
Меҳнат фаолиятдан олинган даромадлар, шундан:	71,0	69,1	68,4	71,3	75,5
Шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар	69,4	67,4	66,6	69,2	73,2
Умумий даромадлар таркибидан, кичик тадбиркорликдан олинган даромадлар	1,6	1,7	1,8	2,1	2,3
<b>2) Мол-мулкдан олинган даромадлар</b>	49,0	49,8	50,4	51,2	52
<b>3) Трансфертлардан олинган даромадлар</b>	2,5	2,4	2,9	2,6	2,7
	26,5	28,5	28,6	26,1	21,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

Ўртача ойлик иш ҳақи миқдорининг йиллар давомида босқичма-босқич ошириб борилиши унинг ялпи даромадлар таркибидаги, мустақилликнинг дастлабки йилларида бўлгани каби, улуши янада пасайиб кетишининг олдини олди. Ҳозирги пайтда аҳолининг ялпи даромадларида ойлик иш ҳақининг улуши барқарор ҳолатда, яъни 30 - 32,1 фоиз даражасида сақланиб қолмоқда.

Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда қўшимча даромад манбаини яратиш мақсадида тижорат банклари томонидан фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, қорамол боқиш ва гўшт етиштириш, паррандачилик ва асаларичиликни ривожлантириш, ихчам иссиқхоналар ташкил этиш, шунингдек, уруғ ва кўчатлар учун микрокредитлар ажратиш хажмини ошириш белгиланган. Биргина жорий йилнинг ўзида тижорат банклари томонидан ушбу мақсадлар учун 400 миллиард сўм кредит маблағларини ажратиш кўзда тутилган.

Иқтисодийнинг таянч тармоқларини қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, сервис соҳаси ва хизмат кўрсатишни

шиддат билан ривожлантириш учун қулай муҳит яратилганлиги, иш билан банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш бўйича меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг кучайтириш бўйича қатор чоралар қабул қилинмоқда.

Ҳудудларни комплекс ривожлантириш дастурлари ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш мақсадида 2017 йил давомида саноатни (5440 та лойиҳа 131 мингта иш ўрни билан\*), қишлоқ хўжалигини (8430 лойиҳада 55,8 мингта иш ўрни билан) ва хизмат кўрсатишни (11 мингта лойиҳа 69,5 мингта иш ўрни билан) ривожлантириш бўйича вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг фаолиятини кучайтириш чора-тадбирлари қабул қилинган. Унга кўра, республикада жами 1 миллион 800 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Саноат, хизматлар соҳасида 200 минг атрофида, шахсий ва ёрдамчи хўжаликларда 272 мингдан ортиқ иш ўринларининг яратилиши мамлакатимиз аҳолисининг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

### 3-жадвал

#### 2017 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ДАСТУРИ

	Иш ўринларини ташкил этиш, жами шу жумладан қуйидагилар ҳисобига:	Иш ўрни (минг киши)
		1812,1
1.	Саноатда	131,1
2.	Хизматлар соҳасида	69,5
3.	Қишлоқ хўжалигида	55,8
4.	Қурилишда ва инфратузилма лойиҳаларида	88,9
5.	Бўш турган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига	44,0
6.	Якка тартибдаги тадбиркорлик соҳасида	97,7
7.	Аҳолининг ўзини иш билан таъминлашини рағбатлантириш ҳисобига	308,6
8.	Қишлоқ хўжалигида ва қурилишда йилига ўртача мавсумий ҳамда вақтинчалик иш ўринлари	199,1
9.	Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида	272,7
10.	Ҳунармандчиликда ва оилавий тадбиркорликда	35,9
11.	Ўрта махсус ва олий ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштириш	508,8

Банк кредитлари тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратмоқда. Бу маблағларнинг асосий қисми янги технологиялар харид қилиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш турларини кенгайтиришга йўналтирилмоқда. Аҳоли, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз бизнесини ташкил этишига кўмаклашиш мақсадида 2017 йил давомида бандлик кўрсаткичларини ҳамда аҳоли даромадларини ошириш мақсадида 10 минг нафар таълим муассасалари битирувчисига ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун 60000,0 (млн.сўм) кредит маблағлари ажратиш

кўзда тутилган.

Меҳнат бозорига оид сиёсатнинг самарадорлик мезони бўлиб, ишчи кучига бўлган талаб ва унинг таклифи ўртасидаги мувозанатни таъминлаш даражаси ҳисобланади, бунга ишчи кучининг тақчиллиги ва ҳаддан зиёдлигини огоҳлантириш орқали эришилади.

Иқтисодийни эркинлаштириш ва янгилаш шароитида ишчи кучининг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда меҳнат салоҳиятидан оқилона фойдаланиш талаб этилади. Меҳнат бозорида ишчи кучи рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш натижасида ишсизликни камайитириш ҳамда аҳолининг иш билан бандлигини оши-

\* Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги Ахборот хизмати



риш орқали уларнинг даромади ва фаровонлигини ошириш асосий мақсад ҳисобланади. Дастурда 390 минг кишини доимий иш жойи билан, 200 минг кишини – қишлоқ хўжалиги ҳамда қурилишда мавсумий ва вақтинчалик иш билан, 309 минг кишини – шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари, ҳунармандчилик ва оилавий тадбиркорлик орқали иш билан таъминлаш назарда тутилган.

Жумладан, қурилиш ва инфраструктурани ривожлантириш, туман ва шаҳарларда кичик sanoat зоналарини ташкил этиш ҳисобига иш ўринлари яратишнинг йўналишлари кенгайтирилган. Ҳудудлардаги мавжуд ички имкониятларни тўлиқ сафарбар қилиш орқали иш ўринларига талаб юқори бўлган 34 та туманда аҳоли бандлигини таъминлашга доир махсус чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Бу нафақат аҳоли бандлигини таъминлаш имкониятларини кенгайтиради, балки ушбу ҳудудларда бугунги кунда мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини юксалтириш ҳамда замонавий инфратузилма объектларини барпо этиш имкониятини яратади.

Туман (шаҳар) ҳокимликлари қошидаги махсус ишчи комиссиялар фаолиятининг натижадорлигини ошириш асосида аҳоли бандлиги дастури ижроси мониторингини самарали ташкил қилиш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бундай ёндашув иш жойлари қисқаришининг олдини олиш, ишсиз аҳолини касбга қайта ўқитиш ҳажмларини кенгайтириш ва шу орқали кафолатланган иш билан таъминлаш имконини беради. Шунингдек, таълим муассасалари битирувчилари ишга жойлашганлигининг ҳаққонийлигини тегишли вазирлик ва идоралар ўртасида электрон ахборот алмашинуви тизими асосида мониторинг қилиш тажри-

басини кенг жорий қилиш лозим.

Ўзбекистонда бандликнинг таъминланиши ва меҳнат бозорини бошқаришнинг юқорида қайд этилган асосий устувор йўналишларининг амалга оширилиши:

биринчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермер хўжаликлари, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси соҳаларида янги юқори иш ҳақи тўланадиган иш ўринларида ишлаётганлар сонини ошириш ҳисобига аҳолининг унумли, фойдали бандлик соҳаларини кенгайтириш;

иккинчидан, аҳолининг иқтисодий фаоллигини ва бандлик даражасини ошириш, меҳнат бозорига биринчи марта кираётган ёшларни, шунингдек ишдан бўшатиладиган ходимларни ва аҳолининг иш билан банд бўлмаган, ишга жойлаштиришга эҳтиёжманд қисмини меҳнат фаолияти соҳасига жалб қилиш;

учинчидан, иқтисодиётнинг реал секторига бандлик даражасини ошириш ва норасмий секторда ушбу кўрсаткични камайтириш, sanoat тармоқларида, қурилиш, хизмат кўрсатиш, коммуникация соҳаларида ишлаётганлар сонини ошириш ҳисобига аҳоли бандлигининг оқилона таркибини шакллантириш;

тўртинчидан, аҳолини ишга жойлаштириш бўйича махсус чора-тадбирлар қабул қилиниши ва татбиқ этилиши оқибатида меҳнат бозорининг юқори даражадаги бандсизлик ва ишсизлик кўрсаткичига эга айрим маҳаллий ҳудудларида кескинликни бартараф қилиш;

бешинчидан, иш берувчилар эҳтиёжлари ҳамда тармоқлар ва ҳудудлар талабини ҳисобга олган ҳолда, малакали мутахассислар тайёрла- ниши тўфайли меҳнат бозорида иш кучига талаб ва унинг таклифни ўзаро мувофиқлаштириш, унинг рақобатбардошлигини ошириш учун шарт-шароитлар яратади.

#### Манба ва адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси, 14 январь 2017 йил.

2. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ. 302 Б.

3. “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам”. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – 140 б.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси Ўзбекистон рақамларда. – Тошкент, 2015, 43-бет

5. Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик. – Тошкент, 2015. 28-бет.

Интернет сайтлари:

- <http://www.stat.uz> – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий веб-сайти.

- <http://www.mineconomy.uz> – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги расмий веб-сайти.

- <http://www.uzreport.uz> – UzReport ахборот агентлиги расмий веб-сайти.

- [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz) – Ўзбекистон ахборот технологиялари “infoCOM.UZ” ойлик журнали расмий веб-сайти.

## БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ

**Насриддинов Фазлиддин Нажмиддинович**

Катта ўқитувчи и.ф.н., Тошкент давлат иқтисодий университети

**Джураева Севара Кахрамоновна**

Таянч докторант, Тошкент давлат иқтисодий университети

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистонда аҳоли бандлиги ҳамда меҳнат унумдорлиги макроиқтисодий кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси таҳлил қилинган. Мамлакатда барқарор ривожланиш ва юқори иқтисодий ўсиш суратларини таъминлашда меҳнат унумдорлигини ошириш омилларининг гуруҳлари асосланган.

**Таянч тушунчалар:** иқтисодий ўсиш, меҳнат унумдорлиги, аҳоли бандлиги, инфляция даражаси, инвестициялар, меҳнат сарфи, техник тараққиёт.

**Аннотация.** В статье проанализирована динамика изменения макроэкономических показателей занятости населения и производительности труда в Узбекистане. Обоснована группа факторов по повышению производительности труда в обеспечении устойчивого развития и высоких темпов экономического роста в стране.

**Ключевые слова:** экономический рост, производительность труда, занятость населения, уровень инфляции, инвестиции, затраты труда, технический прогресс

Ўзбекистонда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясининг пировард мақсади барқарор иқтисодий ўсишни, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда халқнинг фаровонлиги, турмуш даражаси ва сифатини янада оширишга қаратилади[1]. Мазкур йўналишдаги устувор вазибалар янги иш ўринларини яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка янада кенг йўл очиш, иқтисодий реал секторининг йирик ишлаб чиқариш субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва бошқа чора-тадбирларнинг амалга оширилишини кўзда тутди.

Меҳнат унумдорлигининг ўсиши реал иш ҳақининг ўсиш суръатларини тезлаштириш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилашнинг асосини ташкил қилади. Ишланган вақт бирлиги учун реал даромад фақат ишлаб чиқариш ҳажми реал ошган даражада ошиши мумкин. Ҳар бир ишланган вақт бирлиги учун қанчалик кўп маҳсулот ишлаб чиқарилса, ўша ишланган вақт ҳисобида шунчалик кўп реал даромад тақсимланиши мумкин. Халқ турмуш даражасининг энг умумий кўрсаткичи – аҳоли жон бошига реал ЯИМнинг ўсиши, меҳнат унумдорлиги динамикасидан кейин юз беради. Шўларни ҳисобга олганда иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омилларни ўрганиш мавжуд

муаммони ечиш имконини беради.

Ўзбекистонда меҳнат унумдорлиги 1991-1995 йилларда аҳоли жон бошига реал ЯИМнинг 6,8 фоизи даражасида қайд этилган. Ушбу даврда аҳолининг сони 2,2 фоизга ошди. Шу билан бир вақтда мамлакатда таъминланган макроиқтисодий барқарорлик ҳамда иқтисодий ўсишни интенсив омилларидан фойдаланишни фаоллаштириш, хусусан, асосий капиталга киритилаётган ҳорижий ҳамда ички инвестицияларнинг ошиб боришини, ЯИМ ҳажмининг барқарор ўсиш суръатларини таъминламоқда. 1991-1995 йилларда ЯИМ йилига ўртача 4 фоизга камайган бўлса, 1996-2003 йилларда унинг ўсиши ҳам 4 фоизга тенг бўлди. 2004 йилдан 2008 йилгача ЯИМнинг ўсиши ўртача 8,1 фоизни, кейинги 8 йил мобайнида ўртача ўсиш 8,2 фоизни ташкил қилди. Бундай ўсиш суръати, аҳоли сонининг доимий равишда кўпайиб боришига қарамасдан, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, 1996 йилдан бошлаб ЯИМ ишлаб чиқаришнинг доимий равишда ўсиб боришини таъминламоқда. Шу даврда ўртача меҳнат унумдорлигининг ўсиши 2,8 фоиздан (1996-2003 йй.), 2009-2015 йилларда ўртача 11,7 фоизга тенг бўлди (1-жадвал).

## Ўзбекистонда аҳоли сони, реал ЯИМ ўсиши ва меҳнат унумдорлиги динамикаси

Йиллар	Ўсиш суръатлари, %			
	Аҳоли сони	ЯИМ	Аҳоли жон бошига ЯИМ	Меҳнат унумдорлиги
1991-1995	2,1	-4,0	-6,8	-
1996-2003	1,5	4,0	2,9	2,8
2004-2008	1,2	8,1	6,8	3,9
2009-2016	2,0	8,2	13,8	11,7

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида ҳисобланди

Мамлакатимизда 2009-2015 йиллар мобайнида қўлай ишбилармонлик муҳитини яратишга, шунингдек меҳнат бозоридаги тармоқлар таклифини кенгайтиришга

қаратилган чора-тадбирлар натижасида йилга 900 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди (1-расм).



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.  
1-расм. Янги иш ўринларини яратиш динамикаси (минг)


Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётдаги банд аҳоли сонининг муттасил ошиб боришида муҳим омил бўлди. Бизга маълумки, иқтисодий ривожланишда, аҳолининг бандлиги даражасини ошириш муҳим ўрин тутди. Негаки, янги иш ўринлари сонининг ортиши, иқтисодиётдаги банд аҳоли сонининг ошишига, бу эса аҳоли ялпи даромадларининг кўпайишига олиб келади.

Аҳоли даромадларининг муттасил ошиб бориши, ўз навбатида, миллий иқтисодиётга бўлган ички талабнинг ошишига замин яратиб, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларидаги иқтисодий фаолликни оширади ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмларининг янада кўпайишига олиб келади.

Хар бир мустақил давлат ўзининг валюта сиёсати стратегиясида валюта курси режими танлаш ва уни ислоҳ қилиш борасида комплекс чора-тадбирлар тизимига таянилган (фундаментал макроиқтисодий тадқиқотлар таъсиридаги) концептуал илмий асосларига эга бўлиши зарур. Бу борада қўйилган биринчи муҳим қадам (гап аввал бошданоқ валюта сиёсатидаги концептуал стратегиянинг мавжуд бўлиши ҳақида боряпти) кейинги даврлар ислохотлари учун дастурул амал ҳисобланади.

Валюта сиёсати муносабатларида амалга оширилаётган ислохотлар жараёни мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнларига замин яратишга ҳисса қўшмоқда. Мана шу замин асосида амалга ошириб келинаётган валюта сиёсати ислохотларининг валюта курси режими билан боғлиқ айрим жиҳатларига ўз эътиборимизни қаратмоқчимиз.

Валюта курси режими оқилона танлаш нафақат ички муносабатлар, шу билан бирга ташқи муносабатлар учун ҳам энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Айниқса ушбу омил мамлакатимизнинг асосий савдо шериклари ҳудудида юритилаётган валюта курси режимига жуда катта таъсир кўрсатади. Ҳар хил ёки бир хил валюта курси режимида бўлган мамлакат-

лар ўртасида ташқи савдо алоқаларини юритиш ўзига хос афзалликлар ва камчиликларга эгаки, бу, ўз навбатида, давлатлар ўртасидаги савдо алоқалари ва рақобат муҳитини ривожлантириш масалаларини долзарб вазифага айлантиради.

Масалага шу нуқтаи назардан ёндашилганда, мазкур жиҳат кўпгина мамлакатларда ўз валюта сиёсати методологиясини жаҳон иқтисодий-молиявий конъюнктурасида юз бераётган ўзгаришлардан келиб чиқиб, мунтазам мониторинг қилиб боришни ва уни босқичма-босқич эркинлаштириш чора-тадбирларини устувор йўналишлар сифатида белгиламоқда.

Мана шундай ёндашувдан келиб чиққан ҳолда биз ушбу мақоламиз доирасида мамлакатимизда амалга оширилаётган валюта сиёсатининг валюта курси режими масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, унинг истиқболдаги ҳаракат траекторияси қайси йўналишда бўлиши лозимлиги ҳақида ўз илмий қарашларимизни баён қиламиз.

Валюта курси режимига оид дастлабки илмий-назарий қарашлар бир қатор иқтисодчи олимларнинг, хусусан Дж.М.Кейнс [1], Р.Манделл [2], Бордо [3], Франкел, Роз [4], Франкел [5], Гош [6] ва бошқаларнинг илмий

тадқиқотларида чуқур ўрганилган.

Валюта курси режимининг кенгроқ таснифланиши эса илк бор 1950 йилда ХВФ томонидан амалиётга киритилган (Бреттонвудс валюта

тизими даврида). Ҳақ давр хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда 15 турдаги де-юре таснифланган валюта курси режимлари амал қилган (1-жадвал).

1-жадвал

Де-юре таснифланган валюта курси режимлари [6]

(жами кузатишларга нисбатан фоиз ҳисобида)

Режимости курслар	Жами (1970-1999)	1970-1979	1980-1989	1990-1999
<b>Қатъий боғлиқликдаги режимлар (Pegged Regimes):</b>	<b>65,4</b>	<b>84,8</b>	<b>68,4</b>	<b>46,6</b>
(1) Қатъий боғлиқ (Hard Pegs)	13,2	10,0	13,8	15,4
- Долларлашган (Dollarized)	0,6	0,5	0,7	0,6
- Валюта кенгаши (Currency Board)	5,2	4,6	4,7	6,1
- Пул-кредит уюшмаси (Monetary Union)	7,4	4,9	8,4	8,7
(2) Битта валютага боғлиқ (Single Currency Pegs)	32,8	61,2	27,4	13,9
(3) Валюта саватига боғлиқ (Basket Pegs)	19,4	13,6	27,1	17,2
- Ошқора саватга боғлиқ (Published Basket Pegs)	9,8	7,3	13,9	8,1
- Махфий саватга боғлиқ (Secret Basket Pegs)	9,6	6,2	13,3	9,1
<b>Оралиқ боғлиқликдаги режимлар (Intermediate Regimes)</b>	<b>20,4</b>	<b>11,0</b>	<b>22,5</b>	<b>26,4</b>
(4) Интервенция таъсиридаги сузувчи (Floats with Rule-based Intervention)	8,4	5,9	9,5	9,6
- Кооперация режими (Co-operative Regimes (EMS))	5,2	3,8	5,7	6,0
- Тебранувчан (Crawling Pegs)	1,4	1,1	1,3	1,9
- Таргет зоналари ёки интервал (Target Zones and Bands)	1,0	0,5	1,8	0,8
- Классификациялашмаган тизим (Unclassified Rule-based Systems)	0,7	0,5	0,8	0,9
(5) Дискретив таъсир оралиғида сузувчи (Floats with Discretionary Intervention)	12,0	5,1	13,0	16,8
- Бошқариладиган сузувчи vs Кучли интервенция (Managed Floating vs Heavy Intervention)	1,4	0,5	3,2	0,6
- Таснифланмаган бошқариладиган сузувчи (Unclassified Managed Floating)	8,1	0,8	6,1	16,1
- Бошқа сузувчи курслар (Other Floats)	2,4	3,8	3,7	0,1
<b>Сузувчи (эркин) режим ( Floating Regimes)</b>	<b>14,2</b>	<b>4,3</b>	<b>9,1</b>	<b>27,0</b>
(6) Сузувчи (Floats)	14,2	4,3	9,1	27,0
- Кучсиз интервенция таъсиридаги сузувчи курс (Floating with Light Intervention)	1,5	1,1	2,6	0,8
- Интервенциясиз сузувчи курс (Floating with no Intervention)	12,7	3,2	6,5	26,2
<b>Жами кузатув (Total observations)</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>
<b>Жами кузатувга нисбатан тақсимот (Total observations in proportion of full sample)</b>	<b>100</b>	<b>30,4</b>	<b>33,1</b>	<b>36,5</b>

Жадвал маълумотларидан кўриб турганимиздек, ҳар ўн йиллик лаг даврида курс режимлари кескин ўзгаришларга сабаб бўлган. Жумладан, 1970-1979 йилларда респондент мамлакатларнинг 84.8 фоизи асосан қатъий валюта курси режими таъсиридаги таснифларга, 11.0 фоизи оралиқ боғлиқликдаги ва 4.3 фоизи эркин (сузувчи) курс режими таснифларида бўлган бўлса, 1990-1999 йилларга келиб

ушбу тенденция кескин ўзгариб, мос равишда 46.6 фоиз, 26.4 фоиз ва 27.0 фоизни ташкил этган. Мазкур ўзгаришлар асосан қуйидаги режим остидаги таснифлар тақрибида юз берган: 1970-1979 йилларда қатъий боғлиқлик режими остидаги “Битта валютага боғлиқлик” таснифига 61.2 фоиз респондент мамлакатлар тўғри келган бўлса, 1990-1999 йилларда ушбу кўрсаткич 13.9 фоизни ёки 3.8 мартага камайган. Шунга мос



равишда “интервенциясиз сузувчи” ва “таснифланмаган сузувчи” таснифидаги курслар мос равишда 0.8 фоиздан 16.1 фоизга ва 3.2 фоиздан 26.2 фоизга ошган.

Хўш, бундай ўзгаришларга қайси омилларнинг таъсири сезиларли даражада бўлган? Фикримизча, ушбу ўзгаришларга қуйидаги омиллар сезиларли даражада таъсир кўрсатган:

**биринчидан**, иккинчи жаҳон уруши натижасида юзага келган талофатли вазиятларни бартараф этиш бўйича кўплаб Европа ва Осиё давлатларида иқтисодий тубдан қайта тиклаш, айниқса ишлаб чиқариш саноатини қайта тиклаш ва ривожлантиришга бўлган ҳамкорликдаги (Европа иқтисодий ҳамкорлик кенгаши, Америка-Япония ҳамкорлиги ва б.) саъй-ҳаракатлар мамлакатлар ўртасида ишлаб чиқариш кооперациясини тез суръатлар билан ривожланишига олиб келди;

**иккинчидан**, иқтисодий жиҳатдан тараққий этиш ҳар бир давлатнинг миллий валютаси барқарорлигини белгиловчи энг муҳим омиллардан бирига айланди ва бу давлатлар ўртасида иқтисодий жиҳатдан рақобатлашиш

муҳитини юксалтиришга хизмат қилди. Халқаро захира пул бирликларининг сони кўпайиш тенденциясига эга бўлди;

**учинчидан**, 1990 йилларда дунё ҳамжамиятида янги мустақил давлатларнинг вужудга келиши ва шунинг баробарида янги миллий валюталар бирлигининг кўпайиши халқаро валюта муносабатлари тизимида барқарор валюталарга нисбатан талаб ва таклиф мувозанатининг янада ўзгаришига таъсир кўрсатди;

**тўртинчидан**, илм-фан, техника ва технологиянинг шиддат билан тараққий этиши натижасида ривожланган ва ривожланаётган давлатлар ўртасида иқтисодий ўсиш суратлари анча мувозанатлашди, ҳатто айрим кўрсаткичлар бўйича улардан ўзиб кетиш тенденциялари ҳам кузатилди (Хитой, Ҳиндистон, Сингапур, Корея Республикаси, Ўзбекистон, Қозоғистон ва б. – ЯИМнинг ўсиш суратлари бўйича).

Юқоридаги валюта курси режимининг ўзгаришлари билан боғлиқ тенденциянинг сўнгги йиллардаги жараёнларини қуйидаги 2-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

## 2-жадвал

### Де-факто валюта курси режимлари, 2008-2016

(ХВФга аъзо мамлакатларнинг жами сонига нисбатан фоизда)

Режимлар	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	Ўзгариш (+/-) 2016-2008
<b>Қатъий боғлиқлик (Hard peg):</b>	<b>12.2</b>	<b>12.2</b>	<b>13.2</b>	<b>13.2</b>	<b>13.2</b>	<b>13.1</b>	<b>13.1</b>	<b>12.6</b>	<b>13.0</b>	<b>0.8</b>
• Алоҳида қонуний тўлов воситаси бўлмаган (No separate legal tender)	5.3	5.3	6.3	6.8	6.8	6.8	6.8	6.8	7.3	2.0
• Валюта кенгаши (Currency board)	6.9	6.9	6.9	6.3	6.3	6.3	6.3	5.8	5.7	-1.2
<b>Юмшоқ боғлиқлик (Soft peg):</b>	<b>39.9</b>	<b>34.6</b>	<b>39.7</b>	<b>43.2</b>	<b>39.5</b>	<b>42.9</b>	<b>43.5</b>	<b>47.1</b>	<b>39.6</b>	<b>-0.3</b>
• Одатдаги боғлиқлик (Conventional peg)	22.3	22.3	23.3	22.6	22.6	23.6	23.0	23.0	22.9	0.6
• Барқарор режим (Stabilized arrangement)	12.8	6.9	12.7	12.1	8.4	9.9	11.0	11.5	9.4	-3.4
• Тебранувчан боғлиқлик (Crawling peg)	2.7	2.7	1.6	1.6	1.6	1.0	1.0	1.6	1.6	-1.1
• Тебранувчанга ўхшаш режим (Crawl-like arrangement)	1.1	0.5	1.1	6.3	6.3	7.9	7.9	10.5	5.2	4.1
• Горизонтал интервалли боғлиқлик (Pegged exchange rate within horizontal bands)	1.1	2.1	1.1	0.5	0.5	0.5	0.5	0.5	0.5	-0.6
<b>Сузувчан (Floating):</b>	<b>39.9</b>	<b>42.0</b>	<b>36.0</b>	<b>34.7</b>	<b>34.7</b>	<b>34.0</b>	<b>34.0</b>	<b>35.1</b>	<b>37.0</b>	<b>-2.9</b>
• Сузувчан (Floating)	20.2	24.5	20.1	18.9	18.4	18.3	18.8	19.4	20.8	0.6
• Эркин сузувчан (Free floating)	19.7	17.6	15.9	15.8	16.3	15.7	15.2	15.7	16.1	-3.6
<b>Бошқалар (Residual):</b>	<b>8.0</b>	<b>11.2</b>	<b>11.1</b>	<b>8.9</b>	<b>12.6</b>	<b>9.9</b>	<b>9.4</b>	<b>5.2</b>	<b>10.4</b>	<b>2.4</b>
• Бошқа бошқариладиган боғлиқлик (Other managed arrangement)										
<b>Жами</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	

Манба: International Monetary Fund, Annual Report on Exchange Arrangements and Exchange Restrictions (Washington, October 2016). p. 8.

Жадвал маълумотларидан кўриб турганимиздек, сўнгги йилларда валюта курси режимларининг таснифи сезиларли даражада қисқариб, тўртта гуруҳга бириктирилган 10 та таснифни ташкил этмоқда (1999 йилга қадар у 15 та эди). Ушбу қисқаришдан сўнг унинг таркибий нисбатларида ҳам сезиларли ўзгаришлар юз берган.

Жумладан, 2014 йилда 2008 йилга нисбатан ўз миллий валютасини чет эл валютасига нисбатан юмшоқ боғлиқликда юритган мамлакатларнинг улуши ўртача 3.6 фоизга ошган бўлса, сузувчи режим остида бўлганлар сони эса 5.9 фоизга камайган.

Алоҳида қонуний тўлов воситаси бўлмаган, яъни “долларлашган” мамлакатлар сони 1.5 фоизга ҳамда бошқа бошқариладиган режимлар остидаги давлатлар сони 1.0 фоизга кўпайган. Ушбу ҳолатни 2016 йил билан тақослаганда эса, вазиятнинг бир мунча ўзгарганлигини (орқага қайтиш) кузатиш мумкин. Жумладан, ўз миллий валютасини юмшоқ боғлиқлик режимида юритган мамлакатларнинг улуши минус 0.3 фоизга, эркин сузувчан режимидаги минус 3.6 фоизга ва барқарор режимдаги минус 3.4 фоизга камайган.

Хўш, бундай ўзгаришларга қандай омилларнинг таъсири сезиларли даражада бўлган? Фикримизча, ушбу ўзгаришларга қуйидаги омилларнинг таъсири сезиларли даражада бўлган:

- 2008-2009 йилларда юз берган халқаро молиявий-иқтисодий инқироз халқаро валюта бозорининг шаффофлиги ва барқарорлигини яна бир карра синовдан ўтказиб, унга реал баҳо берди. Мазкур бозор ўзининг бир қатор ноаниқликларга хос бўлган хусусиятлари билан мамлакатларни муайян бир курс режимини доимий ушлаб туриш сиёсатидан четлашишига сабаб бўлди;

- халқаро молиявий-иқтисодий инқирозларнинг таъсири фақат ўша икки йил давомида сақланган эмас, унинг таъсири ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида узоқ вақт сақланиб қолди. Шунинг натижасида халқаро капиталлар оқими ривожланаётган давлатлар валютасига босим ўтказиши сабабли валюта курси режимининг таснифини юмшоқ боғлиқлик томон тез-тез қайта кўриб чиқишига ундади (2-жадвал: 2014 йилда 43.5 фоиз, 2015 йилда 47.1 фоиз мамлакатлар юмшоқ боғлиқликдаги курс режимини танлаган);

- валюта бозори фаолияти етарлича шаффоф бўлмаган, чуқур ислоҳ қилинмаган, ташқи муҳит таъсирига тез-тез дучор бўладиган, халқаро савдода етарлича рақобатлаша олмайдиган, капитал оқимига курашиш борасида монетар ва молиявий воситалардан етарлича фойдалана олмайдиган ҳамда институционал тизими етарлича ривожланмаган баъзи мамлакатлар валюта алмашув курсида ҳаддан зиёд бир томонлама ёндашув (самарасиз интервенция, самарасиз девальвация) сиёсатида боғланиб қолганликлари;

- айрим мамлакатларда монетар ва валюта сиёсати воситаларини қўллаш услубиётидаги ўзгаришлар жараёни мана шу омиллар жумласидандир (Мисол учун, Хитой 2014 йил 14 июлдан бошлаб юаннинг фунт стерлингга бўлган ўртача курсини аниқлаш усулини ўзгартириб, уни валюта бозори маркетмейкларининг ушбу валютага бўлган кунлик ўртача квоталар

ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқлаш амалиётига ўтган. Илгари ушбу амалиёт Хитой валюта бозори тизимидаги юаннинг АҚШ долларига ва АҚШ долларининг фунт стерлингга бўлган кросс-курсдан келиб чиққан ҳолда аниқланган).

Айни вақтда эса Халқаро Валюта Фонди томонидан 10 хил таснифдаги валюта курси режимлари амал қилаётганлиги қайд этилади<sup>1</sup>. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ХВФ томонидан белгиланаётган валюта курси режимларининг таснифи ўзининг қатъий (ўзгармас) мезонларига эга эмас. Ундаги таснифлар кўпчилик ҳолларда мамлакатлар пул-кредит сиёсатида амалга ошириладиган де-факто жараёнлар билан боғланган [7].

Юқорида қайд этилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиздаги мавжуд валюта курси режими таснифининг айрим жиҳатларига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Ўзбекистон ўз миллий валютасини жорий қилган вақтдан бошлаб (1994 йил 1 июлдан) то ҳозирги кунгача валюта курси режимининг таснифини бир маротаба ўзгартиришга эришган, у ҳам бўлса 2008 йил 30 апрелгача амалда бўлган қатъий валюта курси режими остидаги “Тебранувчан” (Crawling peg) таснифдан “Тебранувчанга ўхшаш (Crawling-like arrangement)” таснифига (2008 йил 30 апрелдан бошлаб) ўзгартирган<sup>2</sup>. Ушбу режим таснифининг ўзгартирилишига асосий сабаблардан бири бу валюта курси девальвация даражасининг ХВФ томонидан қабул қилинган халқаро меъёрлардан ошиб кетишидир. Тебранувчан валюта курси режими таснифида бўлган мамлакатлар (Евро ҳудудидан ташқари) ўз валютаси девальвациясининг тебраниш даражасини (диапазонини) йиллик +2 фоиз атрофида бўлишини таъминлашлари белгиланган. Аммо Ўзбекистоннинг ушбу кўрсаткичи ушбу меъёрга тўғри келмайди.

Қуйидаги 3-жадвал маълумотларида Ўзбекистон ва унинг асосий савдо шериклари бўйича валюта курси режими таснифларининг қиёсий таҳлили келтирилган. Жадвал маълумотларидан кўриб турганимиздек, Ўзбекистон ўзининг ташқи савдо алоқаларида турли хил валюта курси режимининг таснифидаги мамлакатлар билан ўз савдо алоқаларини йўлга қўйган. Хусусан, 4 та асосий савдо шерик мамлакатлар “Сузувчан” валюта курси режимида (Қозоғистон, Корея Республикаси, Туркия ва Украина давлатлари), 2 та шерик давлат (Россия ва Германия) “Эркин сузувчан” валюта курси режимида, битта шерик давлат (Хитой) “Бошқа бошқариладиган боғлиқлик” валюта курси режимида Ўзбекистон билан ташқи савдо алоқаларини амалга ошироқда. Мазкур савдо шерикларининг ушбу валюта курси ре-

1. Annual Report on Exchange Arrangements and Exchange Restrictions. IMF, Washington D.C., October 2014. pp.68-71.

2. International Monetary Fund, Annual Report on Exchange Arrangements and Exchange Restrictions. October 2012. p.14.

Ўзбекистон ва унинг асосий савдо шериклари валюта курси режимларининг таснифи  
(30 апрель 2016 йил ҳолатига)

3-жадвал

	Халқаро савдодаги асосий шерик мамлакатлар							Ўзбекистон
	Россия	Хитой	Қозғоғистон	Корея	Туркия	Украина	Германия	
<b>ХВФнинг Битимлар Келишуви Моддалари остидаги мақоми (Status under IMF Articles of Agreement):</b>								
- VIII-модда (Article VIII)	•	•	•	•	•	•	•	•
- XIV –модда (Article XIV)								
<b>Валюта курси режимлари (Exchange Rate Arrangements):</b>								
Алоҳида қонуний тўлов воситаси бўлмаган (No separate legal tender)								
Валюта кенгаши (Currency board)								
Одатдаги боғлиқлик (Conventional peg)								
Барқарор режим (Stabilized arrangement)								
Тебранувчан боғлиқлик (Crawling peg)								
Тебранувчанга ўхшаш режим (Crawl-like arrangement)								◊
Горизонтал интервалли боғлиқлик (Pegged exchange rate within horizontal bands)								
Бошқа бошқариладиган боғлиқликлар (Other managed arrangement)		• (12/14)						
Сўзувчан (Floating)			• (12/15)	•	•	•		
Эркин сўзувчан (Free floating)	• (07/15)						⊕	
<b>Валюта курси таркиби (Exchange rate structure):</b>								
Икки валютали алмашув (Dual exchange rates)						•		
Кўп валютали алмашув (Multiple exchange rates)								•
<b>Тўловлар ва тушумлар (Arrangements for Payments and Receipts):</b>								
Икки томонлама келишувлар (Bilateral payments arrangements)	•				•	•		
Тўлов қарздорлиги (Payments arrears)								
<b>Жорий трансфертлар ва кўзда тутилмаган тўловлар бўйича назорат (Controls on payments for invisible transactions and current transfers)</b>		•	•		•	•		•
<b>Экспортдан тушумлар ва /ёки кўзда тутилмаган операциялар (Proceeds from exports and/or invisible transactions):</b>								
Репатриация талаблари (Repatriation requirements)	•	•	•	•		•		•
Мажбурий сотув (Surrender requirements)						•		•
<b>Капитал транзакциялар (Capital Transactions)</b>								
Бошқарув элементлари (Controls on):								
Қимматли қоғозлар бозори (Capital market securities)	•	•	•	•	•	•	•	•
Пул бозори воситалари ( Money market instruments)	•	•	•		•	•	•	•
Коллектив инвестицион қимматли қоғозлар (Collective investment securities)	•	•	•		•	•	•	•
Дериватив ва бошқа воситалар (Derivatives and other instruments)		•	•	•	•	•	•	•
Тижорат кредитлари (Commercial credits)			•		•	•		•
Молиявий кредитлар (Financial credit)		•	•		•	•	•	•
Кафолатлар, кафилликлар ва бошқа молиявий талаблар (Guarantees, sureties, and financial backup facilities)		•				•		•
Тўғридан-тўғри инвестициялар (Direct investment)	•	•	•	•	•	•	•	•
Тўғридан-тўғри инвестициялар ликвидацияси (Liquidation of direct investment)		•				•		•
Кўчмас мулк билан боғлиқ операциялар (Real estate transactions)		•			•	•	•	•
Шахсий капиталлар билан боғлиқ операциялар (Personal capital transactions)		•	•			•		•
Тижорат банклари ва бошқа кредит муассасаларига оид тафсилотлар (Provisions specific to: Commercial banks and other credit Institutions)	•	•	•	•	•	•	•	•
Институционал инвесторлар (Institutional investors)		•	•	•	•	•	•	•

Манба: International Monetary Fund, Annual Report on Exchange Arrangements and Exchange Restrictions (Washington, October 2016). p. 6-8.

Изоҳ: • – белгиланган амалиёт валюта алмашув тизимининг ўзига хос хусусиятли эканлигини билдиради (Indicates that the specified practice is a feature of the exchange system); ◊ - АҚШ долларига нисбатан чекланган мослашувчанликни ифодалайди (Indicates that flexibility is limited vis-à-vis the U.S. dollar); (\*) - евро ҳудудни ифодалайди.

жимлари шароитида олиб бораётган монетар сиёсати йўналишларининг таркиби қуйидагича: Қозоғистон, Россия, Жанубий Корея ва Туркия давлатлари “инфляцияни таргетлаш” йўналишида, Хитой “монетар агрегатлар таргети” йўналишида, Украина ва Германия давлатлари “бошқалар” (аниқ эълон қилинмаган, аммо бир қатор монетар индикаторларга асосланган) йўналишда ўз фаолиятини юритмоқда. Ўзбекистоннинг монетар сиёсат йўналиши Хи-

той давлатининг йўналиши билан бир хил, яъни “монетар агрегатлар таргети” йўналишини ифода қилади.

Жадвал маълумотларига алоҳида эътибор қаратадиган бўлсақ, Ўзбекистоннинг асосий савдо шериклари ўз фаолиятини турли хил курс режимда юритишларини қўришимиз мумкин. Аммо режим ости позициялари йўналишида бир қатор ўхшашликлар мавжуд (4-жадвал).

4-жадвал

**Айрим режимлар бўйича Ўзбекистон билан айнан бир хил позицияга эга бўлган асосий савдо шерик мамлакатлар**

	Ўзбекистон	Россия	Хитой	Қозоғистон	Корея	Туркия	Украина	Германия
ХВФнинг Битимлар Келишуви Моддалари остидаги мақом: VIII-модда	•	•	•	•	•	•	•	•
<b>Валюта курси режимлари:</b>								
- Тебранувчанга ўхшаш режим	◊							
<b>Жорий трансфертлар ва кўзда тутилмаган тўловлар бўйича назорат</b>	•		•	•		•	•	
<b>Экспорт тушумлари ва /ёки кўзда тутилмаган операциялар:</b>								
- Репатриация талаблари;	•	•	•	•	•		•	
- Мажбурий сотув	•						•	
<b>Капитал транзакциялар:</b>								
<i>Қимматли қоғозлар бозори</i>	•	•	•	•	•	•	•	•
<i>Пул бозори воситалари</i>	•	•	•	•		•	•	•
<i>Коллектив инвестицион қимматли қоғозлар</i>	•	•	•	•		•	•	•
<i>Тижорат кредитлари</i>	•			•		•	•	
<i>Молиявий кредитлар</i>	•		•	•		•	•	•
<i>Кафолатлар, кафилликлар ва бошқа молиявий талаблар</i>	•		•				•	
<i>Тўғридан-тўғри инвестициялар</i>	•	•	•	•	•	•	•	•
<i>Тўғридан-тўғри инвестициялар ликвидацияси</i>	•		•				•	
<i>Кўчмас мулк билан боғлиқ операциялар</i>	•		•			•	•	•
<i>Шахсий капиталлар билан боғлиқ операциялар</i>	•		•	•			•	
<i>Тижорат банклари ва бошқа кредит муассасаларига оид тафсилотлар</i>	•	•	•	•	•	•	•	•
<i>Институционал инвесторлар</i>	•		•	•	•	•	•	•
<b>Жами позициялар:</b>	<b>17</b>	<b>7</b>	<b>15</b>	<b>12</b>	<b>6</b>	<b>11</b>	<b>16</b>	<b>9</b>

Манба: Муаллиф ёндошуви (юқоридаги 3-жадвал маълумотларига асосан шакллантирилган).

Валюта курси режими позициялари бўйича Ўзбекистон 16 та позиция бўйича Украина билан, 15 та позицияда Хитой билан, 12 та позицияда Қозоғистон, 11 та позицияда Туркия, 9 та позицияда Германия, 7 та позицияда Россия ва 6 та позицияда Жанубий Корея билан бир хилликка эга. Аммо, ушбу позициялар таркибида амалга ошириладиган айрим чора-тадбирлар механизми бўйича кескин фарқлар мавжуд. Мисол учун, Ўзбекистон амалиётида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан валюта курсини аниқлашда

(белгилашда) ички валюта бозори конъюнктурасидаги, яъни маҳаллий валюта биржасидаги талаб ва таклиф жараёнлари таъсирида ёндашилса, унинг савдо шериклари бўйича ушбу ҳолат халқаро валюта бозори конъюнктурасидаги, яъни халқаро валюта биржасидаги талаб ва таклиф таъсирида амалга оширилади.

Агар таҳлилни валюта курси режимининг бошқа элементлари бўйича қарайдиган бўлсақ, мисол учун экспорт тушумидан мажбурий сотув талаблари савдо шерик мамлакатлар

орасида фақат Украина ва Ўзбекистонда мавжуд<sup>1</sup>. Бу ҳолат ўхшаш жиҳатни ифодалайди. Ўзбекистонни ўнинг савдо шерикларидан кескин фарқлантирувчи жиҳат фонд бозоридаги дериватив ва бошқа воситалардан фойдаланиш амалиётининг ривожланмаганлигидир (бу борадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш зарур). Капиталлар ҳаракатини бошқариш чора-тадбирлари бўйича Ўзбекистоннинг позицияси кўпчилик савдо шерикларнинг позициялари билан мос келади. Аммо уларнинг фаолият кўрсатиш самарадорлиги, ташкилий-ҳуқуқий, бошқарув механизми ва бошқа институционал тузилмалар таомилига кўра анча фарқланади.

Маълумки, валюта курсини шакллантиришнинг бир нечта назарий моделлари мавжуд бўлиб, улардан асосийлари монетар модел [8, 9], баланслашган портфелли модел [10, 11], умумий мувозанат модели [12] ҳамда валюта бозоридаги микроструктуравий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда шаклланадиган моделдир [13]. Мазкур моделларнинг илмий-назарий хусусиятлари ва улардан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш бўйича муаллифнинг “Иқтисодиёт ва таълим” илмий журналида чоп этилган илмий мақоласида батафсил танишишингиз мумкин<sup>2</sup>.

Ушбу мақола доирасида мазкур моделларнинг туб замирида ётган концепциялар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирмоқчимиз. Мазкур моделларнинг асосини Харид Қобилияти Паритети (ХҚП) концепцияси ташкил этади<sup>3</sup>. Ушбу концепция илк бор Швециялик иқтисодчи олим Густав Кассель томонидан ишлаб чиқилган [14].

Муаллиф, мазкур концепцияда икки мамлакат ўртасидаги савдо алоқаларида савдо ва носавдо тавсифидаги товар ва хизматлардан ташкил топган истеъмол савати нархларининг таққосланиши натижасида номинал валюта айирбошлаш курсини узоқ муддатли истиқболда прогнозлаш қилиш имконини бериш ҳақида фикр юритади. Дастлаб, ушбу концепция икки мамлакат ўртасидаги айнан бир турдаги товар ва хизматлар нархларини солиштириш орқали

$$(Ягона нарх қонуни<sup>4</sup> –  $P_a^i = E_{a/f} \times P_f^i$  (2.1)$$

ифодаланган бўлса, кейинчалик у истеъмол

саватидаги бир гуруҳ товар ва хизматлар нархларини солиштириш орқали аниқланган

(Абсолют харид қобилияти паритети<sup>5</sup> –

$$E_{a/f} = P_a/P_f \quad (2.2).$$

Бу ерда,  $P_a^i$  – мамлакат ичидаги товар нархи;  $E_{a/f}$  – валюта курси;  $P_f^i$  –

мамлакат ташқарисидagi товар нархи [15].

Абсолют харид қобилиятининг моҳиятига

кўра, агар ички нарх ошса, миллий валютанинг харид қобилияти пасайиб, валюта курсининг девальвацияланиши юз беради. Ва аксинча, агар ички нарх пасайса, миллий валютанинг харид қобилияти ошиб, валюта курсининг ревальвацияланишига олиб келади.

Харид қобилияти паритетига асосланган валюта курси (Purchasing Power Parity exchange rate) – бу икки мамлакатдаги бир хил истеъмол савати нархларини бир-бирига тенглаштирадиган курс ҳисобланади. Амалиётда мамлакатлар ўртасида айнан бир хил истеъмол саватини таъминлаш имкониятининг мавжуд эмаслиги, ушбу паритетга асосланган валюта курсини шакллантириш амалиётини йўққа чиқаради. Шу боис, истеъмол саватлари ўртасидаги номуносивликни олдини олиш мақсадида валюта курсини аниқлашда нисбий харид қобилияти паритетидан фойдаланилади.

Нисбий харид қобилияти паритетига (НХҚП) асосланган валюта курси (Relative Purchasing Power Parity exchange rate)нинг моҳияти икки мамлакат ўртасидаги валюта курсларининг ўзгариши улардаги нарх ўзгаришларига нисбатан пропорционал ҳисобланиши билан ифодаланади.

$$E_{a/f}^1 = E_{a/f}^0 \times \frac{P_a^1/P_a^0}{P_f^1/P_f^0} \quad (2.3) \quad [15]$$

Бу ерда:  $E_{a/f}^1$  – жорий йилдаги валюта курси;

1. Ўзбекистон бўйича жорий йилнинг 5 сентябригача бўлган давр назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5177-сонли Фармонида асосан, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча экспортчи корхоналарнинг чет эл валютасидаги тушумини мажбурий сотиши бўйича талаб бекор қилинди.

2. Бердиназаров З. Валюта курси шаклланиш моделлари ва улардан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш масалалари. “Иқтисодиёт ва таълим” илмий журнали. 2017 йил, 4-сон. 147-159 бетлар.

3. Харид қобилияти паритети (ХҚП) – Purchasing Power Parity (PPP) - ҳар бир мамлакатда нарх-навонинг ўзгаришсиз шароитида валюталар харид қобилиятининг тенглидир.

4. Ягона нарх қонуни (Law of one price) – муқаммал рақобат шароитида айнан бир хил валютада ифодаланган муайян товарнинг баҳоси турли мамлакатларда бир хил бўлишини назарда тутати.

5. Абсолют харид қобилияти паритети деганда – икки мамлакат ўртасидаги валюта айирбошлаш курсининг баҳоси ушбу мамлакатлар ўртасидаги нархларининг нисбатига тенг

$E_{d/f}^0$  – базис йилдаги валюта курси;

$P_d^1$  – жорий йилдаги ички нарх даражаси (CPI);

$/P_d^0$  – базис йилдаги ички нарх даражаси (CPI);

$P_f^1$  – жорий йилдаги ташқи нарх даражаси (CPI);

$P_f^0$  – базис йилдаги ташқи нарх даражаси (CPI).

Агар реал валюта курси муайян вақт оралиғида ўзгармаса, ушбу НХҚП концепцияси ўз мазмунига эга бўлиши мумкин.

НХҚПга муқобил тарзда мувозанатли курсни қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$\pi_d - \pi_f = \frac{E_{(t+1)} - E_t}{E_t} \quad (2.4) [15]$$

Бу ерда:  $\pi_d$  – мамлакат ичидаги инфляция даражаси;

$\pi_f$  – мамлакат ташқарисидаги инфляция даражаси;

$E_{(t+1)}$ ,  $E_t$  – миллий валюта курсининг ўзгаришидаги фарқ, яъни базис ва жорий даврлар ўртасидаги ўзгариш тенденцияси.

НХҚПга асосланган валюта курсининг эркин бозор курсидан фарқланиши уни ортиқча баҳоланишини (Overvalued) ёки кам баҳоланишини (Undervalued) англатади. Overvalued/Undervalued иборалари ХҚП бўйича ҳисобланадиган валюта курсига нисбатан валюта реал курсининг тез ёки секин ўсиши/пасайишига нисбатан қўлланилади.

Агар миллий валюта курси (девальвация даражаси) инфляцияга нисбатан секин пасайса, у ҳолда миллий валюта ортиқча баҳоланган (чет эл валютаси эса кам баҳоланган) ҳисобланади. Ва аксинча, агар миллий валюта курси инфляцияга нисбатан тез пасайган бўлса, у ҳолда миллий валюта кам баҳоланган (чет эл валютаси эса ортиқча баҳоланган) ҳисобланади (5-жадвал).

5-жадвал

Миллий валюта курсининг инфляцияга нисбатан баҳоланиши

Йил	Девальвация, фоиз	Инфляция, фоиз	Фарқ, фоиз	Валюта курсининг баҳоланиши	
				Overvalued	Undervalued
2000	132	28,2	103,8		+
2001	112	26,6	85,4		+
2002	41	21,6	19,4		+
2003	1	3,8	-2,8	+	
2004	8	3,7	4,3		+
2005	12	7,8	4,2		+
2006	5	6,8	-1,8	+	
2007	4	6,8	-2,8	+	
2008	8	7,8	0,2	+	
2009	8	7,4	0,6	+	
2010	9	7,3	1,7		+
2011	9	7,6	1,4		+
2012	11	7,0	4,0		+
2013	11	6,8	4,2		+
2014	10	6,1	3,9		+
2015	16	5,6	10,4		+
2016	15	5,7	9,3		+

Манба: тадқиқотлар асосидаги муаллиф ҳисоби.

Мазкур жадвал маълумотларидан кўриб турганимиздек, миллий валюта сўмнинг инфляцияга нисбатан баҳоланиш ҳолати охиригача етти йилликда (2010-2016 йй.) кам баҳоланган бўлиб чиқмоқда. Чунки, девальвация даражаси инфляция даражасидан сезиларли даражада юқориликда қолмоқда.

Агар ушбу ҳолатни паралел курс бўйича солиштирсак, унда ҳам худди шундай натижани кузатиш мумкин бўлади.

Демак, миллий валютанинг ушбу ҳолатига барҳам бериш учун валюта курси режими таснифини ўзгартириш, яъни эркинлаштириш лозим бўлади. Валюта курсини эркинлаштириш

механизми шароитида дисконт сиёсатининг дастаклари эмас, балки девиз сиёсатининг дастаклари, яъни интервенция дастаги муҳим аҳамиятга эга бўлади. Айнан мана шу жиҳат Марказий банкнинг валюта сиёсати методологиясини ўзгартиришга таъсир этувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, валюта курси режимини танлашнинг ягона андазаси мавжуд эмас. Аммо уни танлашда синалган босқичлар мавжуд. Улар, дастлаб қатъий валюта курси режими, кейинчалик эса эркин валюта курси режимига ўтиш босқичларидир. Аксинча бўлиши мумкин эмас. Эркин валюта курси режимига ўтиш учун барча шароитлар етилган (таъминланган) бўлиши лозим. Хусусан, жорий халқаро операциялар ва капиталлар ҳаракати бўйича эркин конвертация мукамал таъминланган бўлиши керак. Капиталлар ҳаракати бўйича конвертацияни очишда фонд бозорининг иқтисодийётга ижобий таъсири сезиларли даражада бўлиши лозим (капиталлар ва молиявий оқимлар бўйича ижобий қолдиқ назарда тутилмоқда). Шунингдек, тижорат банклари тизимида фоиз ставкаларини белгилаш амалиёти эркинлаштирилган босқичга ўтган бўлиши лозим;

- Ўзбекистон айти вақтда ўз валюта курси режими таснифини ислоҳ қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар стратегиясини ишлаб чиқиши ва қабул қилиши лозим. Хусусан, стратегияда қуйидагилар ўзининг аниқ ечимига эга бўлиши керак: а) валюта курси режими таснифини ислоҳ қилишнинг аниқ мақсадга қаратилган босқичлари ва муддатлари; б) валюта муносабатларини ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришнинг устувор йўналишлари ва мақсадли параметрлари; в) валюта курси шаклланишининг аниқ методологияси; в) валюта сиёсати воситаларидан фойдаланишнинг чекланган меъёрлари ва талаблари (ваколатлар доирасида тақсимланиш, тартибга солиш ва мувофиқлаштириш нуқтаи назаридан); г) электрон валюта бозори тизимига тўлиқ ўтишнинг аниқ босқичлари ва муддатлари (жисмоний ва юридик шахслар бўйича, шу жумладан норезидент жисмоний ва юридик шахслар бўйича табақалаштирилган механизм назарда тутилмоқда); д) валюта муносабатлари қонунчилик асосларини такомиллаштириш шулар жумласидандир.

- айтивақтда Ўзбекистоннинг мавжуд валюта курси режими таснифи асосий савдо шерик мамлакатлар валюта курси режими таснифла-

ри билан етарлича мувофиқлаштирилмаган. Хусусан, 4та асосий савдо шерик мамлакатлар билан (булар Қозоғистон, Корея Республикаси, Туркия ва Украина давлатлари) “Сузувчан” валюта курси режимида, 2 та шерик давлат (Россия ва Германия) билан “Эркин сузувчан” валюта курси режимида, битта шерик давлат, яъни Хитой билан “Бошқа бошқариладиган боғлиқлик”даги валюта курси режимида ўз ташқи савдо алоқаларини амалга ошириб келмоқда. Бу эса ўз навбатида, халқаро валюта муносабатлари механизмларидаги манфаатлар муштараклигига салбий таъсирини ўтказмоқда. Шу боис, мамлакат валюта курси режимини амалга ошириладиган валюта сиёсатининг либераллашув йўналишлари ва аксарият савдо ҳамкорлар валюта курси режимларининг “сузувчан” ва “эркин сузувчан” таснифда эканлигини инобатга олиб, уни “сузувчан” валюта курси режими таснифига ўтказиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади;

- валюта курси режими таснифининг ўзгартирилиши монетар сиёсат йўналишлари таркибининг ҳам қайта кўриб чиқилишини тақозо этади. Шу боис, мазкур жараёнда ҳам асосий савдо шерик мамлакатлар амалиётига эътибор қаратган ҳолда уни “монетар агрегатлар таргети” йўналишидан “инфляцияни таргетлаш” йўналишига ўтказиш мақсадга мувофиқдир;

- ХВФ томонидан валюта курси режимининг таснифларига нисбатан қўйиладиган талаб ва мажбуриятлар тизимида амал қилиш механизми етарлича такомиллашмаган. Фикримизча, мамлакатлар олдида валюта курси режимининг таснифига оид ислохотлар талабларини қатъий равишда белгилаш ва унга амал қилиш тизимини кучайтириш лозим. Бунда ҳар бир давр ва ислохотлар босқичи аниқ муддат билан белгиланиши ва орқага қайтиш кучига эга бўлмаслиги лозим. Бошқача айтганда, валюта курси режими таснифидаги ислохотлар жараёнига “орқага қайтмаслик” тамойилини жорий мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида, ХВФга аъзо бўлган давлатларнинг ислохотларни амалга ошириш бўйича қабул қилинаётган қарорларининг ижроси ва аҳамиятини ошириш борасидаги масъулиятини юксалтиришга хизмат қилади.

**Манба ва адабиётлар:**

1. Keynes J.M. (1924). *A Tract on monetary reform*. p.5-7.
2. Mundell R.A. *A Theory of Optimum Currency Areas*. *The American Economic Review*, Vol. 51, No. 4 (Sep., 1961), pp. 657-665.
3. Bordo M. (2003). *Exchange Rate Regime Choice in Historical Perspective*. NBER Working Paper No. 9654.
4. Frankel J., Rose A. (2002). *An Estimate of the Effect of Common Currencies on Trade and Income*. *The Quarterly Journal of Economics*, vol. 117, issue 2, 437-466.
5. Frankel J.A. (1999). *No single currency regime is right for all countries at all times*. NBER Working paper series, 7338.
6. Ghosh A., et all. (1995). *Exchange Rate Regimes: Classification and Consequences*. p.7.
7. Habermeier K., et all. (2009). *Revised System for the Classification of Exchange Rate Arrangements*. IMF Working Paper, WP/09/211.
8. Frankel J.A. (1976). *A Monetary Approach to the Exchange Rate: Doctrinal Aspects and Empirical Evidence*. *The Scandinavian Journal of Economics*, Vol. 78, No. 2, *Proceedings of a Conference on Flexible Exchange Rates and Stabilization Policy* (Jun., 1976), pp. 200-224.
9. Dornbusch, R. (1976). *Expectations and Exchange Rate Dynamics*. *Journal of Political Economy*, vol. 84, Dec. 1976. P. 1161–1176.
10. Black S.W (1985). *The Effects of Alternative Intervention Policies on the Variability of Exchange Rates: the Harrod Effect*. In *Exchange Rate Management under Uncertainty*, ed. Bhandari J.S., Cambridge MA and London: MIT Press.
11. Kouri P.J.K., Porter M.G. (1974). *International Capital Flows and Portfolio Equilibrium*. *Journal of Political Economy*, vol 82, issue 3. P. 443–467.
12. Obstfeld M., Rogoff K. (1995). *The Mirage of Fixed Exchange Rates*. *Journal of Economic Perspectives*, vol. 9, no. 4, Fall 1995. P. 73–96.
13. Taylor M.P., Allen H.L. (1992). *The Use of Technical Analysis in the Foreign Exchange Market*. *Journal of International Money and Finance*, vol 11, issue 3. P. 304–314.
14. Cassel G. (1922). *Money and foreign exchange after 1914*.
15. Киреев А.П. *Международная экономика: открытая экономика и макроэкономическое программирования. В двух частях. Часть вторая. М.: Международные отношения. 2001. стр.87-89.*
16. Бердиназаров З. *Валюта курси шаклланиш моделлари ва улардан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш масалалари. "Иқтисодиёт ва таълим" илмий журнали. 2017 йил, 4-сон. 147-159 бетлар.*



### **Жаҳон валюта тизими эволюцияси**

1867 й. - XX асрнинг 20-йиллари	<p><b>Париж валюта тизими (Олтин танга стандарти).</b> Асосий талаб ва тамойиллар:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• олтин танга стандарти (100 фоиз олтин паритети);</li> <li>• олтиндан жаҳон пули сифатида фойдаланиш;</li> <li>• пул бирликлари олтин паритетига кўра белгиланган (1 унция олтин -20.672 долл.; 4.248 фунт стерлингда. Валюта курси: 20.672/4.248=4.866 долл., яъни 1 фунт стер. 4,866 долл. айирбошланган –“олтин нуқта” деб ном олган);</li> <li>• валюталарни олтинга алмаштириш эркин ҳолда бўлиши;</li> <li>• қатъий валюта курси режимининг амал қилиши (валюталарнинг олтинга алмашуви қатъий курс бўйича амалга ошган (“олтин нуқта” доирасида, +1 фоиз);</li> <li>• захира валютаси Фунт стерлинг ҳисобланган.</li> </ul>
1922 й.- XX асрнинг 30-йиллари	<p><b>Генуя валюта тизими (Куйма олтин ва олтин-девиз стандарти).</b> Асосий талаб ва тамойиллар:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• олтин-девиз стандарти (куйма олтин -50 фоиз олтин паритети, АҚШ долл. (1 тр.унц. олтин 35 долл. – 169.3 фоизга девальвацияланган (1933-1934 йй.) ва Фунт стерлинг);</li> <li>• валюталарни олтин-девиз стандарти бўйича эркин алмаштириш;</li> <li>• эркин (сузувчи) валюта курси режимининг амал қилиши;</li> <li>• захира валютаси АҚШ доллари ва Фунт стерлинг ҳисобланган.</li> </ul>
1944-1976 йй.	<p><b>Бреттонвудс валюта тизими (олтин-девиз стандарти).</b> Асосий талаб ва тамойиллар:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Халқаро Валюта Фондининг ташкил топиши;</li> <li>• олтин-девиз стандарти (30 фоизгача олтин паритети, АҚШ долл.(1 тр.унц.олтин - 35 долл.) ва Фунт стерлинг);</li> <li>• АҚШ долларини олтинга алмаштириш фақат АҚШ Ҳазначилик бўлинмаси орқали амалга оширилиши;</li> <li>• қатъий валюта курси режими (курснинг олтин-девизга нисбатан қатъий белгиланиши: расмий паритетга нисбатан +- 1 фоиз; Европа учун +0.75 фоиз, кейинчалик 2.25 фоиз);</li> <li>• АҚШ долларининг гегемонлик даври (доллар стандарти).</li> </ul>
1976-1978 йй.	<p><b>Ямайка валюта тизими (кўп босқичли валюта стандарти).</b> Асосий талаб ва тамойиллар:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• мамлакатлар ўз ҳожишларига кўра валюта курси режимини мустақил белгилашлари (қатъий ёки эркин, 1973 й.);</li> <li>• ХВФнинг ваколоти кучайтирилди (валюта курслари бўйича қаттиқ назорат олиб бориш ва ўзаро келишувга кўра белгилаш);</li> <li>• олтиннинг валюталарга бўлган қатъий расмий баҳоси ва халқаро тўлов сифатидаги роли бекор қилинди (олтин демонетизацияси);</li> <li>• махсус қарздорлик ҳуқуқи (СДР) деб номланган янги халқаро захира активига асос солинди (АҚШ долларининг улуши 40 фоиздан ортиқ). Ушбу актив шу билан бирга валюта паритетлари учун базавий актив ҳисобланади;</li> <li>• халқаро захира валюталар – АҚШ доллари, Британия фунт стерлинги, Германия маркаси, Япония иенаси, Франция франки (5 та валюта +СДР).</li> </ul>
1979 – 1998 йй. 1999 – ҳ.в.	<p><b>Европа валюта тизими (ЕВТ-1) – Европа Иқтисодий Ҳамжамияти доирасида (1945-2004 йй.).</b> Асосий тамойиллар:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• валюта курсини белгилаш механизмини жорий қилиш – МОК-1 (курс тебраниши +2.25 фоиз-4.5 фоизгача “тоннелдаги илон” деган ном олган (1979-1982йй.), +15 фоиз (1993-1999 йй.));</li> <li>• Халқаро Европа пул бирлиги ва захира валютани жорий қилиш (ЭКЮ – 1999 йилгача амалда бўлган);</li> <li>• Европа Валюта Фондини ташкил этиш;</li> <li>• Германия маркаси асосий “якорь” валюта ҳисобланган (1982-1993йй.);</li> <li>• ягона валюта иттифоқига ўтиш жараёни (1999 й.).</li> </ul> <p><b>Европа валюта тизими (ЕВТ-2) – Европа Иттифоқи (2004 й.-ҳ.в.) доирасида (Маастрихт Келишуви).</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• ягона валюта иттифоқининг ташкил топиши (19 та мамлакат);</li> <li>• ягона Евро пул бирлигининг жорий қилиниши (1:1 нисбатада ЭКЮ/Евро);</li> <li>• Европа марказий банкининг ташкил топиши (Франкфурт-на Майне, Германия);</li> <li>• Евро - халқаро тўлов ва захира валюта ҳисобланади (АҚШ долларининг гегемонлигига қарши курашиш мақсадида);</li> <li>• валюта курсини белгилаш механизми -МОК-2 (Дания +2.25 фоиз; бошқа валюталар +15 фоиз).</li> </ul>

*Манба: Муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган.*

---

## МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИНИНГ ЎРНИ ҲАМДА УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Алиева Шахло Тоҳир қизи

Мустақил тадқиқотчи, Тошкент давлат иқтисодиёт университети

**Аннотация.** Ушбу мақолада мамлакатимизда тижорат банкларнинг инвестициявий фаолигини ошириш, уларни кенгайтириш йўналишлари ҳамда тижорат банкларининг инвестиция салоҳиятини оширишга қаратилган қатор чора-тадбирлар ёритиб берилган.

**Таянч тушунчалар:** тижорат банки, инвестициявий кредит, микрокредитлаш, ликвидлик, қимматли қоғозлар, инвестиция лойиҳаси, инвестициявий молиялаштириш.

**Аннотация.** В этой статье излагаются меры по увеличению инвестициявийной активности коммерческих банков, тенденциям их расширения и инвестициявийному потенциалу коммерческих банков.

Банк тизимини ривожлантириш масалалари доимо давлатимиз эътиборида бўлиб, уни янада мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида глобал жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ҳам мамлакатимиз банк тизими нафақат барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолди, балки айрим кўрсаткичлар бўйича халқаро стандартлар талабларидан ҳам юқори даражани қайд этди. Бугунги кунда банк бизнеси республикамиз иқтисодиётининг энг тез ривожланаётган сегментларидан бири бўлиб, соҳадаги активлар, капитал даражаси, кредит қўйилмалари ва инвестициявий амалиётлар ҳажми каби асосий кўрсаткичларининг ўсиш суръатлари буни яққол тасдиқламоқда. Яратилган қулай инвестициявий муҳит, жумладан, банклар кредит портфелининг таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб табақалаштирилган фойда солиғи ставкаларининг жорий этилганлиги тижорат банкларининг инвестициявий фаолигини оширишга хизмат қилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонида ҳам банк тизимининг ўрни ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилган. Жумладан, ушбу фармонга мувофиқ “банк тизимини ислоҳ қилиш, банклар депозит ба-

засининг капитализациясини чуқурлаштириш ва барқарорлигини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлигини ва ишончлигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестициявий лойиҳалар ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини кредитлаштиришни янада кенгайтириш” йўлга қўйилган [1]. Зеро, иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлаш, реал сектор корхоналарини қўллаб-қуватлаш ва уларда ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини янада ошириш каби муҳим масалалар бевосита тижорат банклари ва уларнинг самарали кредит ва инвестициявий фаолияти билан боғлиқдир. Шу боис банклар инвестиция жараёнларининг фаол иштирокчиларига, инвестиция лойиҳаларини ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурларини жорий этишда корхоналар ва кичик бизнес субъектларининг ҳақиқий ҳамкорларига айланиши керак.

Мамлакат иқтисодиётида тижорат банкларнинг ўрни, уларнинг кредит, инвестициявий ҳамда эмиссион фаолияти бир қанча хорижлик ҳамда мамлакатимиз олимлари томонидан алоҳида ёритиб берилган. Жумладан: О.И.Лаврушиннинг фикрига кўра, банклар - иқтисодиётнинг ўзига хос “қон томири”

бўлиб, уларсиз замонавий хўжалик механизми тасаввур қилиш мумкин эмас. Ривожланган хорижий давлатларнинг банк амалиётида ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган банк инвестициялари юқори салмоққа эга эканлигининг асосий сабаблари, унинг фикрича кўра, қўйидагилардан иборат: ҳукуматнинг қимматли қоғозлари юқори ликвидлилик хусусиятига эга. Чунки, уларга нисбатан қимматли қоғозлар бозорида ҳар доим барқарор талаб мавжуд. Бу эса, ҳукуматнинг қимматли қоғозлари ҳисобидан тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш имконини беради [2]. АҚШлик таниқли иқтисодчи олим Эдвин Ж.Долан тижорат банкларининг ликвидлиги асосан юқори ликвидли активлар ҳисобидан таъминланади, деган фикрни илгари суради [3].

Ўзбек олимларидан профессор Д.Ғозибеков ҳам тижорат банклари инвестициявий салоҳияти, инвестициявий кредитлаш тизими ва уни амалга ошириш механизми-ни такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этган ҳамда илмий жиҳатдан қўйидаги таклифларни берган:

– инвестициявий лойиҳада статистик ҳисоботга қўйиладиган талабнинг қисқартирилиши, талаб этилаётган маълумотларни умумлаштириш, яъни ишлаб чиқарувчилар фаолиятининг имкон қадар мустақиллигини таъминлаш;

– лойиҳани бажариш учун масъул ходимларга ўз қарорлари юзасидан жавобгарликлари бир мунча оширилиши лозим, шунда уларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига бир қадар чек қўйилади;

– янги таклиф этилаётган лойиҳада жаҳон бозорига чиқиш стратегиясини бирламчи мақсад қилиб белгилаб олиш [4].


Қайд этилганидек, банк тизимида амалга оширилаётган ўзгаришлардан асосий мақсад, банкларнинг иқтисодиётдаги молиявий воситачилик ролини мустаҳкамлаш билан уларнинг аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг ишончли ҳамкорига айланишига эришишдан иборат.

Сўнги йилларда мамлакатимиз тижорат банкларининг инвестициявий фаолиятга маблағларни йўналтириш бўйича фаолияти кенгайиб бормоқда. Тижорат банклари томонидан ажратилаётган инвестициявий кредитлар асосан «2015-2019 йилларда устувор равишда иқтисодиётнинг саноат тармоқларини таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, замонавий инфратузилмани шакллантиришга қаратилган Давлат дастурлари»га киритилган инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш мақсадларига йўналтирилмоқда.

Тижорат банкларида инвестиция жараёни асосан қўйидаги 3 та йўналишда амалга оширилади [5]:

1-чизма


### Тижорат банкларида инвестиция жараёни



Ўз навбатида, банкларнинг инвестициявий фаолияти 2017 йилги Инвестиция дастури, жумладан, енгил саноат, фармсаноат, чарм-пойабзал ҳамда бошқа саноат тармоқларини модернизация қилиш ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига киритилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратилганлиги банк тизимининг республика тараққиётидаги ўрнини акс эттиради.

Хусусан, келгуси 5 йилда республикада минерал-хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича умумий қиймати қарийб 40 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган 649 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ҳамда унинг ҳисобидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 бараварга кўпайтириш вазифасини бажаришда тижорат банкларининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади.

## Тижорат банкларининг инвестициявий кредитлари (трлн.сўм) [6]



Бундан ташқари, жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг кенг қатламларини микрокредитлаш тизимини янада соддалаштириш борасидаги Қарорига асосан, жами 4 минг 900 дан зиёд аҳоли пунктларидаги 6 млн. 130 мингдан ортиқ хонадон ўрганилиб, 2 трлн. сўмлик 300 мингга яқин кредитлар ажратилганлиги бу борада амалга оширилаётган ва келгусида бажарилиши лозим бўлган ишларнинг кўламини акс эттиради.

Банкларнинг инвестиция мақсадларига ажратилган инвестициявий кредитлари миқдори ҳам 2016 йилга нисбатан 2 трлн.

сўмга ортиб, 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 12,2 трлн. сўмни ташкил қилди.

Кичик бизнесни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш борасида қабул қилинган директив ҳужжатлар ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган кенг кўламли тадбирлар кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажмининг 2016 йилга нисбатан 3,8 трлн.сўмга кўпайишига, 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 15,9 трлн. сўмдан ошишига имкон берди.

## 1-жадвал [7]

## Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ажратилган кредитлар (трлн.сўм)

2016 йил 1 январ	2017 йил 1 январ
12,1	15,9

Инвестициявий кредитлар билан таъминлаш иқтисодий ўсишнинг энг муҳим омилли эканлигидан келиб чиқиб, инвестициявий кредитлаш сиёсати ва инвестициявий кредитларнинг фаоллигини оширишнинг барқарор йўналиши мамлакатда вужудга келган барқарор ижтимоий иқтисодий аҳвол ва иқтисодий иқлимнинг қулайлигидан ташқари, инвестициявий кредитларнинг жалб қилишни бугунги ҳолатини ҳам ифодалайди.

Тижорат банклари инвестиция фаолиятининг кенгайтирилишини янада рағбатлантириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга йўналтирилган узоқ муддатли инвестиция лойиҳаларини молиялаш

ҳажмларини ошириш учун уларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида тижорат банкларининг тузилмалари қайта ташкил этилди, энг йирик банкларда инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш бўйича департаментлар (бошқармалар) тузилди, инвестиция лойиҳаларини экспертиза қилиш, молиялаш ва амалга оширилишини мониторинг қилиш билан шуғулланувчи банкларнинг таркибий бўлинмалари сезиларли равишда ўзгартирилди ҳамда уларнинг функциялари кенгайтирилди;

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳозирда тижорат банкларидан иқтисодиёт тармоқлари ва бизнес соҳалари бўйича кенг инвестиция имкониятлари тадқиқотларини ўтказиш,

уларнинг натижасига асосан тармоқлар ва бизнес соҳалари бўйича инвестицияларни йўналтириш талаб этилмоқда. Ҳукуратимиз томонидан яратилиб берилаётган имтиёзлар банкларнинг инвестициявий фаолиятини янада ривожлантиришга имкон яратмоқда. Банклар инвестициявий фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Тижорат банклари инвестиция фаолиятининг кенгайтирилишини янада рағбатлантириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга йўналтирилган узоқ муддатли инвестиция лойиҳаларини молиялаш ҳажмларини ошириш учун уларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш;

2. Тижорат банкларида инвестициявий портфелни диверсификациялашни янада такомиллаштириш зарур.

3. Банкларимиз узоқ муддатли ресурсларини кўпайтириш воситасида узоқ муддатли самарали лойиҳаларга инвестицияларни йўналтириш лозим. Узоқ муддатли ресурслар-

ни кўпайтириш учун, авваламбор, банкларни капиталлашув даражасини ошириш, кейин банклар томонидан узоқ муддатли депозит сертификатларини чиқариш, аҳоли ва юридик шахсларнинг муддатсиз депозитлари ўрнига узоқ муддатли депозитларини кўпроқ жалб қилиш даркор. Бунга ҳар хил имтиёзларни жорий қилиш, жозибадор омонат турларини таклиф этиш орқали эришиш мумкин.

4. Хорижий банкларда инвестициявий таваккалчиликларни бошқаришда кенг қўлланиладиган усуллардан фойдаланишни маҳаллий банклар амалиётига жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

5. Тижорат банкларида, хусусан, иккиламчи қимматли қоғозлар бозорида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларни кенгайтириш лозим. Жами активларда қимматли қоғозларнинг улуши 1 фоизга ҳам етмайди. Ваҳоланки, ривожланган мамлакатларда унинг улуши 20-30 фоизни ташкил этган ҳолда, кредитлардан сўнг иккинчи ўринда туради.

#### Манба ва адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. // *Халқ сўзи*, 2017 йил 8 февраль, 28 (6722)-сон.

2. Лаврушин О.И. *Банковское дело*. М.: Ф и С. 2013г. стр.271.

3. Долан Э.Дж. *Деньги, банки и денежно-кредитная политика*. – Санкт Петербург оркестр, 1996г. стр. 496.

4. Ғозибеков Д.Ғ. *Инвестицияларни молиялаштириш масалалари*. Т.: «Молия» нашриёти, 2003. – 332 б.

5. Мазурина Т.Ю. *банковское инвестициявийное кредитование: современное состояние, проблемы и перспективы развития*// *Деньги и кредит*. – Москва, 2013. - №4. – С. 33.

6. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) Марказий Банк расмий сайти, тижорат банкларининг 2016-йил якунлари бўйича ҳисоботи.

7. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) Марказий Банк расмий сайти, тижорат банкларининг 2016-йил якунлари бўйича ҳисоботи.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори. 2009 йил 28 июль. ПҚ-1166-сон. Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш ва тижорат банклари фаолиятини тартибга солишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 237-243 б.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-2344- сонли қарори

10. *Монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари* // *Бозор, пул ва кредит*. – Тошкент, 2017. – №1. – 28-б.

---

# БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ, ЭКОНОМИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ И АУДИТ

---

## АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Тўраев Абдурахим

И.ф.н., катта илмий илмий ходим изланувчи, Тошкент молия институти

**Аннотация.** Мақолада акциядорлик жамиятларида ички аудит хизматининг меъёрий-ҳуқуқий асослари, ҳужжатлаштириш жараёни, режалаштириш, кунлик операцияларини қайд этиш, иш натижаларини якуний йиғма ҳисоботларда акс эттириш тартиби ва кузатув Кенгашига тақдим этиш жиҳатлари кўрсатилган.

**Таянч тушунчалар:** акциядорлик жамиятлари, ички аудит хизмати, режалаштириш, ҳужжатлаштириш, йиғма ҳисоботлар, Кузатув кенгаши.

**Аннотация.** В статье предусмотрено правовые и нормативные основы службы внутреннего аудита, документирование процесса, планирование, регистрация ежедневных транзакций, порядок представления результатов работы в итоговых сводных отчетах и представление в наблюдательный совет.

**Ключевые слова:** акционерных обществ, служба внутреннего аудита, планирование, документация, сводные отчеты в Наблюдательный совет.

Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш шароитида акциядорлик жамиятларининг фаолиятини самарали ташкил этишда компаниянинг молиявий ҳолатини назорат қилиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ-475-сонли қарорига мувофиқ, қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш, унинг ошкоралиги ва барқарор фаолиятини таъминлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан инвестициялар жалб этилишини фаоллаштириш, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ҳамда акциядорлар ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида активларининг баланс қиймати 1 млрд. сўмдан ортиқ бўлган корхоналарда кузатувчи кенгашлар томонидан тайинланадиган ва уларга ҳисобот берадиган ички аудит хизматини ташкил этиш ҳамда уни такомиллаштириш акциядорлик жамиятлари фаолиятини янада мувофиқлаштиришнинг муҳим шартини ҳисобланади [4].

Ички аудит хизмати акциядорлик жамият-

лари учун иқтисодий самара бериши билан бирга мулкдорлар манфаатини ҳам ҳимоя қилади. Акциядорлик жамиятларида бухгалтерия ҳисобининг тўғри юритилиши ва унинг таҳлили, ҳисоб юритиш сиёсати, мақсадга мувофиқ бошқарувнинг тўғри ва ишонарли олиб борилишини таъминлаш ички аудит хизматининг асосий мақсади ҳисобланади. Бироқ, акциядорлик жамиятларида ички аудит хизматини ташкил этилишининг ҳозирги кундаги ҳолати талаб даражасида эмаслиги сезилмоқда.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларида ички аудит хизматини ташкил этиш ва уни такомиллаштиришнинг бозор муносабатлари талабларига мослаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бунинг учун иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар тажрибасини чуқур ўрганиш ва аҳамиятли жиҳатларини амалиётга татбиқ этиш лозим.

Ички аудиторлар халқаро институти (Institute of Internal Auditors - АҚШ) ички аудитни "хўжалик юритувчи субъект фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган мустақил ва объектив қафолатлар ва маслаҳатлар тақдим этиш бўйича фаолият. Ички аудит хўжалик юритувчи субъектга таваккалчилик хавфларини бошқариш, назорат қилиш

ва корпоратив бошқарув жараёнларини баҳолаш ва уларнинг самарадорлигини оширишга нисбатан тизимли ва кетма-кетликдаги муносабатдан фойдаланган ҳолда қўйилган мақсадларга эришишни ташкил этишга ёрдам беради”[14] деб таърифлаган.

Россиялик иқтисодчи олими В.В.Бурцев ички аудитга янада тўлиқроқ таъриф берган. Унинг фикрича “Ички аудит – бу хўжалик юритувчи субъектнинг ички ҳужжатлари билан белгиланган бошқарув бўғинлари ва корхона ҳаракатланишининг турли жиҳатлари назорати юзасидан махсус назорат органлари (хўжалик бирлашмаси, жамияти иштирокчилари ёки ишлаб чиқариш кооперативлари қатнашчилари, кузатув кенгаши, директорлар кенгаши, ижрочи органларга ёрдам бериш доирасида амалга ошириладиган фаолиятдир”[7].

А.М.Богомоллова ва Н.А.Голощяповалар эса: “ички аудит умумий аудитнинг негизидан иборат бўлиб, мулкдорлар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи тизим сифатида ташкил этилган ҳамда унинг фаолияти бухгалтерия ҳисоби мулкнинг сақланиши ва ички назоратнинг ишончилиги ҳужжатларга асосан деган ғояни илгари сурдилар”[8].

Я.В.Соколовнинг фикрича эса ички аудит - аудиторлик хулосаси ва текшириш натижалари бўйича ёзма ахборотга, назорат таваккалчилигининг мазмуни, аудиторлик қоидалари муддатлари ва ҳажмини аниқлашга тўлиқ масъул эканлигини ҳисобга олиши лозим. Бу эса ички аудит самарадорлигини баҳолашни батафсил ўтказишини тақозо қилади. Бунда ички назорат элементлари ҳолатини баҳолашда қўлланиладиган усуллар ва шакллардан фойдаланилади [9].

“Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида Низом”га кўра: “Ички аудит – корхона бошқарувининг ижро этувчи органи ва таркибий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатларига ва ички ҳужжатларга риоя қилинишини текшириш ва мониторинг олиб бориш йўли билан улар ишини назорат қилиш ва баҳолаш, маълумотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда акс эттиришининг тўлиқчилиги ва ишончилигини таъминлаш, хўжалик операцияларини амалга оширишининг белгиланган қоидалари ва тамойиллари, активларнинг сақланиши ҳамда корпоратив бошқариш принциплари жорий этилиши бўйича корхона таркибий бўлинмасининг (ички аудит хизмати) фаолияти тушунилади”[4].

Б.А.Хасановнинг фикрича ички аудит бу - корхона активларининг бут сақланишини текшириш, муомалаларни аудиторлик текши-

рувидан ўтказиш, ҳисоб сиёсатига риоя этилишини таъминлайдиган усул ва чора – тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда мувофиқлаштириш режасидан иборат бўлмоғи керак [10].

К.Б.Аҳмаджоновнинг таъкидлашича ички аудит – хўжалик юритувчи субъектларга рискларни бошқариш, назорат қилиш ва корпоратив бошқарув тизимига мақбул ёндашув асосида қўйилган мақсадларга эришишда ёрдам берувчи, молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган объектив кафолатлар ва маслаҳатлар берувчи мустақил тизим бухгалтерия маълумотларининг тўғри бўлишини таъминлашга ва корхонада самарали ички назорат тизимини ташкил этишга йўналтирилган фаолият [11].


Ички аудит хизмати ҳам аудиторлик фаолиятининг бир қисми бўлиб, мазкур фаолият тури тавсиф жиҳатидан ташқи аудиторлик фаолиятдан бир қанча фарқ қилади. Ички аудит хизматининг акциядорлик жамиятларида фаолият юритиши қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишига асос бўлиши лозим. Умуман олганда, ички аудиторлар ўзлари ишлайдиган корхоналар фаолиятини текширади ва самарадорлигини баҳолаб боради. Улар қоидага кўра, корхонанинг кузатув кенгашига бўйсунди.

Ички ва ташқи аудит тизимининг фарқли жиҳатлари қуйидагича: (1-расм).

Акциядорлик жамиятларида ички аудитни ташкил қилишга туртки сифатида қуйидаги кўрсаткичларни келтириш мумкин:

- қонунчилик тизимининг мураккаблашувви;
- молиявий вазиятларни бошқаришга интилиш;
- корхонанинг ўзи ва тузилмавий бўлинмалари фаолиятини бошқариш самарадорлигини ошириш;
- ресурслардан оқилона фойдаланиш устидан назорат;
- мажбуриятларни бажариш;
- ҳисоб тизимини оптималлаштириш.

Ички аудитни ташкил қилиш давлат томонидан қонунчилик асосида тартибга солинади ҳамда корхона ўзига тааллуқли ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар асосида иш фаолиятини давом эттиради. Шунга қарамай, унинг фаолияти самарадорлигига нафақат иқтисодий субъект активлари сақланганлиги, балки корхонанинг иш қобилятига ҳам боғлиқ бўлади. Ички аудит акциядорлик жамиятининг бошқарув тизимини яхшилаш, мақсадга мувофиқ қарорлар қабул қилиш ва уни такомиллаштириб боришининг асосий йўналишларини кўрсатиб беришга хизмат қилиши керак.



**1-расм. Акциядорлик жамиятида ички ва ташқи аудит тизимининг тавсифи**

Жаҳон иқтисодий амалиётида ички аудитга бўлган қизиқиш бир қатор омиллар билан асосланади.

Биринчидан, ички аудит фаолияти ишдан фойдаланиш имконияти кенг йўлга қўйилган. Шунингдек, унинг ташкил этилиши жамият самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Иккинчидан, АҚШ ва Ғарбий Европадаги бир қатор йирик корпоратив бошқарувдаги жамиятларда ташқи аудит фаолиятига катта эътибор берилган, бунинг натижасида ҳатто энг йирик фирмаларнинг ҳам банкротлик ҳолатлари кузатилган.

Учинчидан, компанияда яхши корпоратив бошқарув, унинг ажралмас бўғини сифатида ички аудитнинг мавжудлиги, инвестор ва кредитор учун ижобий белги бўлиб, компаниянинг инвестициясини ўзига жалб этиш имкониятини оширади.

Авваломбор, бунинг учун мулк эгалари ва

раҳбариятнинг корхонадаги активларининг тежалишига олиб келадиган бизнес жараёни тизимини бошқариш ва ташкил этишни тартибга солиш бўйича хоҳиши ҳам керак бўлади.

Бундан ташқари, ички аудитнинг мавжудлиги мулк эгалари учун зарур. Сабаби, улар жамиятдаги иш юритувидан бевосита узоқлашадилар, бошқарувни профессионал менежерлар қўлига беришади ва охир оқибат капиталнинг халқаро бозорларга қисқа ёки ўртача муддатларда режаларини яратиш зарурлигини билдиради.

Мамлакатимизда ички аудит хизмати-ни ташкил этишда унинг ҳуқуқий базасини босқичма - босқич шакллантириш ва уларнинг фаолиятини норматив ҳужжатлар асосида мустаҳкамлаш лозим. Ҳозирги кунда ички аудит хизматини ташкил этишда ҳуқуқий базасини қўйидаги босқичларга ажратиш мумкин.



Ички аудит хизматини ташкил этишнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини шаклланиш босқичлари

Босқичлар	Ҳуқуқий ҳужжатлар номи	Назорат қилиш доираси	Ишлаб чиқиш доираси
Биринчи босқич	“Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги” Қонун	Аудитнинг моҳияти ва вазифаларини, умумий қоидаларини белгилаб беради.	1992 йилда қабул қилинган ва 2000 йилда янги таҳрири қабул қилинган.
Иккинчи босқич	“Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари”	Аудиторлик текширувларини ва талабларин ўз ичига қамраб олади.	Халқаро аудиторлик стандартлари асосида жорий этилмоқда.
Учинчи босқич	Аудиторлик фаолиятига оид Вазирликлар ва ташкилотларнинг меъёрий ҳужжатлари	Аудиторлик фаолиятини тартибга солади ва махсус масалаларни ҳал қилади	Аудиторлик фаолияти стандартлари, сертификациялаш тизими, низомлар ишлаб чиқилмоқда.
Тўртинчи босқич	“Корхоналарда ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низом	Ички аудиторларнинг низомда белгиланган талаблар бўйича иш олиб боришини таъминлайди	Ҳар бир ташкилот ички аудитори мустақил ишлаб чиқади ва кузатув кенгашига тасдиқлатади.
Бешинчи босқич	Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби тўғрисидаги Низом	Аудиторлар жамоат бирлашмалари томонидан сертификатлаш тизими йўлга қўйилган.	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган ва амалда фаолият олиб борилмоқда
Олтинчи босқич	Ички аудитнинг миллий стандарти	Ички аудит фаолиятининг мустақилигини ва маъсулиятини оширади	Стандартларни ишлаб чиқиш бўйича тақлиф берилди ва амалиётга татбиқ этилмоқда
Еттинчи босқич	Ички аудитнинг иш режаси ва дастури	Ҳар бир объект бўйича маълумотлар тўлиқ сақланади ва назорат қилинади	Ички аудит томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади

Ички аудитнинг ҳуқуқий базаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.09.2006 й. N ПҚ-475 сон «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори катта аҳамият касб этди, унга мувофиқ 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб активларининг баланси қиймати 1 млрд. сўмдан кўпроқ бўлган корхоналарда, шунингдек баланс активлари қиймати энг кам иш ҳақининг юз минг баробаридан юқори бўлган акциядорлик жамиятларида кузатув Кенгаши томонидан тайинланадиган ва уларга ҳисобот берадиган ички аудит хизматлари ташкил этилди. Бу йирик корхоналар ва акциядорлик жамиятларининг молиявий хўжалик фаолиятида бизнес режаларини тузишдаги ва бажарилишидаги камчиликларини ўз вақтида тўғрилашга, корпоратив бошқарув принципларига риоя қилишга, солиқлар ўз вақтида ҳисобланиши ва тўланиши, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг тўғри тузилиб тақдим этилишига, активларнинг бутлигини таъминлашга ҳамда ички назорат тизимининг ишончлигини оширишга хизмат қилади.

Акциядорлик жамиятларида ички

аудит хизматини ташкил қилиш қўйидаги афзалликларга эга:

Биринчидан, корхона бошқарув кенгашига бўлимлар устидан самарали назорат ўрнатиш имконини беради.


Иккинчидан, ички аудиторлар ўтказадиган мақсадли текширув ва таҳлилнинг истиқболли йўналишларини аниқлаб беради.

Учинчидан, ички аудиторлар текширув билан бирга бош корхона, унинг филиалларидаги молиявий – иқтисодий, бухгалтерия ва бошқа бўлимлар ходимларига маслаҳатлар бериш вазифасини ҳам бажарадилар.

Ички аудит нафақат хусусий мулк эгалари, балки жамиятнинг бошқаришга ҳам зарур. Улар бизнесни самарали бошқаришда уларнинг хизматидан фойдаланишда ва муаммоларни ижобий ҳал этиш икки масалага боғлиқ:

- бошқарувчи масалаларини тўғри ҳал этиш учун етарли маълумотга эгаллиги;

- ички аудит бошқарувчига ўз зиммаларига қўйилган вазифани бажаришда ёрдам бериш.



2-расм. Акциядорлик жамиятларида ички аудит хизматини жараёни


**Ички аудит хизмати жорий этилган акциядорлик жамиятларининг ҳудудлар бўйича тақсимланиши [9]**

№	Ҳудудлар	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2016 йил 2007 йилга нисбатан
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	22	22	24	22	23	23	24	8	6	6	-15
2.	Анджон	29	26	33	28	29	24	20	19	9	11	-18
3.	Бухоро	14	14	16	35	37	37	37	4	4	5	-9
4.	Жиззах	5	8	12	13	13	18	23	15	6	6	+1
5.	Қашқадарё	37	32	35	33	33	33	33	13	10	10	-27
6.	Навоий	16	16	16	17	17	17	17	11	8	8	-8
7.	Наманган	11	11	15	25	26	25	25	15	6	6	-5
8.	Самарқанд	28	29	31	34	36	39	43	12	9	9	-19
9.	Сурхондарё	35	38	38	33	33	33	33	9	7	8	-27
10.	Сирдарё	16	16	16	14	14	13	13	9	7	9	-7
11.	Тошкент вилояти	22	24	16	31	33	35	37	24	19	22	-
12.	Фарғона	31	31	32	30	32	37	43	13	13	13	-18
13.	Хоразм	33	20	21	19	19	19	19	6	5	6	-27
14.	Тошкент шаҳри	49	61	73	85	85	96	107	44	44	68	+18
	<b>ЖАМИ</b>	<b>348</b>	<b>348</b>	<b>378</b>	<b>419</b>	<b>430</b>	<b>449</b>	<b>476</b>	<b>202</b>	<b>153</b>	<b>187</b>	<b>-161</b>

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, ички аудит хизмати ташкил этилган акциядорлик жамиятларида кузатув Кенгашига бўйсунадиган ички аудит сертификатига эга бўлган ички аудит хизмати ходимлари ўз фаолиятини амалга ошириб келмоқди.

Ҳозирги кунда ички аудит хизмати ходимлари республика аудиторларнинг жамоат

бирлашмалари томонидан “Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби тўғрисида”ги Низом асосида 80 соатлик ўқув курсларида ўқиб, ички аудиторлик сертификатини олиш бўйича махсус комиссияси томонидан имтиҳон топшириб ички аудиторлик сертификатига эга бўлмоқдлар ва уларнинг сони қуйидаги расмда келтирилган (3-расм).



**3-расм. Сертификатланган ички аудиторлар сони [9].**

Акциядорлик жамиятларида ҳозирги кунда 617 та ички аудиторлик малака сертификатига эга бўлган ходимлар фаолият юритиб келмоқда.

Акциядорлик жамиятларида ҳисоб сиёсатини ва бошқарув тамойилларини оқилона

юритилишини ҳисобга олиб, ички аудит бўлимининг йиллик умумий режасини ишлаб чиқиши ва ишчи ҳужжатларни расмийлаштирилиши керак бўлади. Ички аудитнинг умумий режасини амалга ошириш учун режалаштирилган аудиторлик амалларининг тав-

сифи, муддати ва ҳажмини белгиловчи ички аудит дастурини ишлаб чиқиши ҳамда ушбу ҳужжатларни акциядорлик жамиятининг қузатув кенгашига тасдиқлатиши лозим.

“Ички аудитни ўтказиш режаси” ички аудит режалаштириш жараёнининг натижаси ҳисобланади. Бу режа чораклик тартибда ишлаб чиқилади. Ички аудит режаси корхона

молия-хўжалик фаолиятининг умумий стратегиясининг бир қисми ҳисобланади. Шу боис, уни ишлаб чиқиш ички аудит бўлими бошлиғининг мажбурияти ҳисобланади. Бизнингча, ички аудит ўтказиш режаси қўйидаги шаклда бўлиши мақсадга мувофиқ (2-жадвал).

## 2-жадвал.

**“Ангор пахта тозалаш” АЖнинг 2016 йил молиявий хўжалик фаолиятини ички аудит хизмати ходимлари томонидан ички аудит текширув ўтказилиши юзасидан тузилган ИШ РЕЖАСИ**

№	Тадбир номи	Бажарилиш муддати
1.	Бизнес-режа бажарилишининг бориши юзасидан текшириш: а) бизнес-режа бажарилишининг ҳажм ва сифат кўрсаткичлари таҳлили; б) бизнес-режанинг бажарилиши таъминланмаганда айбдор мансабдор шахсларни номма-ном кўрсатган ҳолда аниқланган сабаблари баёни;	ҳар чоракда
2.	Корпоратив бошқарув принципларига риоя этилишини текшириш: а) корхона бошқарув органлари қабул қилаётган қарорларнинг натижаллиги, корхона қатнашчилари (таъсисчилари) қонуний ҳуқуқ ҳамда манфаатларига риоя этилаётганлиги таҳлили; б) корпоратив бошқарув соҳасида қонунчиликнинг бузилиш фактлари (таъсис ҳужжатларига риоя қилиниши, корхона бошқаруви органларининг умумий йиғилишлари ва мажлисларининг ўтказилиши, дивидендларнинг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида тўланиши ва ҳақозо) баёни;	ҳар чоракда
3.	Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларнинг аҳволини текшириш: а) бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш тартибига риоя этилишига баҳо бериш; б) бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш тартибининг бузилиш ҳолатлари баёни;	ҳар чоракда
4.	Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши ва тўланишини текшириш: а) тузилган ва тегишли органларга тақдим қилинган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисоб китоби тўғрилигига берилган баҳо; б) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш тартибининг бузилиш фактлари, солиққа тортилувчи базани аниқлашдаги четга оғишларнинг баёни;	ҳар чоракда
5.	Молиявий хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонунчиликка риоя этилишини текшириш: а) корхона томонидан амалга оширилган молиявий-хўжалик операцияларини қонунчиликка мувофиқлигига берилган баҳо; б) ички аудит текшируви даврида аниқланган, корхона томонидан молиявий-хўжалик операцияларининг амалга оширилишида қонунчиликка мувофиқ келмаган жиҳатлар баёни;	ҳар чоракда
6.	Активлар аҳволини текшириш: а) активларнинг бухгалтерия ҳисоби амалдаги норматив-ҳуқуқий актларга мувофиқлигига берилган баҳо; б) активлар инвентаризацияси натижалари баёни; в) активлардан фойдаланиш самарадорлигига берилган баҳо;	ҳар чоракда
7.	Ички назоратнинг аҳволини текшириш: а) ички назорат тизими ва ушбу тизим ишидаги мавжуд камчиликлар баёни; б) корхона тузилмавий бўлинмаларидаги ижро интизомининг аҳволи, аниқ бир ходимлар ишидаги камчиликлар ҳақида маълумотлар;	ҳар чоракда
8.	Меъёрий қонунчилик талабларига мос келадиган хўжалик шартномаларини яқуний экспертизадан ўтказиш	ҳар доим
9.	Ташкилот ва унинг бўлимларига бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни тузишга ёрдамлашиш, уларнинг молиявий, солиқ, ва бошқа қонунчилик бўйича саволларига маслаҳат бериш	ҳар доим
10.	Корхона таъсисчиларига техник топшириқларни ишлаб чиқишда, ташқи аудиторлик ташкилотларининг таклифларини баҳолашда ҳамда аудиторлик текширишларини ўтказиш учун ташқи аудиторлик ташкилотини танлаш учун тавсияларни тайёрлашда кўмаклашиш	Зарурият туғилганда
11.	Корхона таъсисчилари учун ҳар чораклик ва йиллик ички аудит хизмати ҳисоботини тайёрлаш ва тақдим этиш	Молиявий ҳисобот топширилгандан сўнг 1 ой ичида

Ички аудитни ўтказиш режаси кузатув кенгашининг раиси томонидан тасдиқланиб ички аудит хизмати раҳбарининг имзоси олинади.

Ички аудитнинг иш режаси ишлаб чиқилиб, унинг бажарилиши аудит дастури орқали амалга оширилади. Аудит дастури аудит иш режасининг ривожланиши ҳисобланиб, текширувнинг ҳар бир аниқ бўлими учун керакли бўлган аудиторлик амаллар рўйхатидан иборат.

Аудиторлик дастурлари қўйидаги икки турга бўлинади:

Биринчидан, акциядорлик жамиятлари

ички назорат тизими тўғрисида маълумот тўплаш учун амаллардан таркиб топган назорат тестлари дастури;

Иккинчидан, бевосита сўётлардаги қолдиқлар тўғрисида маълумот тўплаш учун амаллардан таркиб топган сўётлардаги қолдиқларни текшириш дастури [9].

Ички аудит хизмати ходимлари кузатув кенгаши томонидан тасдиқдан ўтганидан сўнг, ички аудит режасини тузиш даврида ўзининг харажатларини смета тарзда тасдиқлатиб қўйиши лозим бўлади.

### 3-жадвал.

#### Акциядорлик жамиятларида ички аудит хизмати бўйича харажатлар сметаси

№	Харажатлар номи	2016 йилга мўлжалланган харажатлар суммаси	1 чорак	2 чорак	3 чорак	4 чорак
1	Иш ҳақи					
	Ички аудит хизмати раҳбари					
	Ички аудит хизмати ходими					
2	Иш ҳақидан ЯИТ					
3	Мукофот*					
4	Мукофот ЯИТ					
5	Ички аудитор сертификати бўйича малакасини ошириш					
6	Махсус адабиётлар, ўқув қўлланмалар, диск материаллари билан таъминланиши, семинарларга қатнашиши					
7	Алоқа хизматлари					
8	Хизмат сафари харажатлари**					
9	Материал ёрдам***					
10	Канцелярия товарлари					
11	Бошқа харажатлар					
	<b>Жами</b>					

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, ички аудит хизмати ходимлари жамият штатида туради ва ўзи фаолият олиб бораётган жамиятдан харажатлар қопланади. Шу сабабли, “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 2.3.4. Аудиторлик хизматларига ҳақ тўлаш банди келтирилган, шу бандга қўшимча равишда ички аудит хизмати ходимларига иш ҳақи белгилаш тартибини киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бунинг натижасида ички аудит хизмати ходимлари олдида турган харажатлар бўйича ички аудиторлар ҳақ тўлашда қайси харажатга олиб борилиши ҳамда иш ҳақидан тўғридан-тўғри ягона ижтимоий тўлов ҳисобланмаслигига асос бўлади.

Ушбу маблағ ички аудиторларга самарали фаолият юритилиши учун мукофот сифатида тақдим этилса, иш самарадорлигини оширишга хизмат қилади ҳамда жамият олдида

ички аудит хизматининг ишончлилик даражаси ошишига эришилади.

Хулоса ва таклифлар.

Акциядорлик жамиятларида ички аудит хизматини такомиллаштириш бўйича қўйидаги амалий таклифларни бериш мумкин:

- ички аудитнинг мустақиллиги таъминлаш мақсадида унинг ижроия органга қарам бўлмаслигини таъминлаш ва бунга амалда эришиш;

- ички аудиторлар ўз текширувлари натижаси бўйича доимий равишда жамият томонидан камчиликларнинг бартараф этилишини назорат қилиш;

- акциядорлик жамиятларида ички аудит миллий стандартини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

- ички аудит соҳасида хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва илғор амалиётларни татбиқ этиш борасида таклифлар ишлаб чиқиш.

**Манба ва адабиётлар:**

1. Ш.М.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Т.: «Ўзбекистон» 2017.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720 сонли Фармони. 2015 йил 24 апрель.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори. 2015 йил 21 декабрдаги 2454-сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарори билан тасдиқланган «Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида Низом». – Т.: Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006. 42 (230)-сон
5. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисида”ги Қонуни. – Т.: Адолат, 2014.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулот (ишлар, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом. 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори.
7. В.В.Бурцев. Внутренний аудит компании: вопросы организации и управления . Финансовый менеджмент. -2003. - №4. –www.dis.ru/fm
8. Богомолова А.М., Голощапова Н.А. Внутренний аудит. Организация и методика проведения. – М.: «Экзамен», 1999.
9. Я.В.Соколов Основы аудита . – М : Бухгалтерский учёт . 2000. - 201с.
10. Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш масалалари: Иқт.фан.док. дис. ...автореф. – Тошкент: Ўз.Р.БМА. 2004. – 42 б.
11. Ахмаджонов К.Б. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида ички аудит методологиясини такомиллаштириш. Иқт.фан.док. дис. ...автореф. – Тошкент: Ўз.Р.БМА. 2016. – 76 б
12. Р.Д.Дўстмуратов Аудит асослари. Дарслик. Давлат Илмий Нашриёт «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» нашриёти Т ;– 2003. 186 - бет.
13. Аудит. Дарслик. 1 жилд. М.М.Тулаходжаева, Ш.И.Илҳомов, К.Б.Аҳмаджонов ва бошқ. Тошкент давлат иқтисодиёт университети. – Тошкент. NORMA, 2008. – 320 б.
14. Интернет сайтлари  
<http://www.iia-ru.ru>  
<http://www.iasc.org.uk>  
<http://www.uzaudit.uz>  
<http://www.naaa.uz>  
<http://www.gki.uz>

---

# ИҚТИСОДИЁТДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ЭКОНОМИКЕ

---

## ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ КОНКУРЕНТНОЙ КОРПОРАТИВНОЙ СТРАТЕГИИ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

Турсунов Нуриддин Нуруллаевич

Заместитель директора Научно-образовательного центра корпоративного управления, к.э.н.

**Аннотация.** Рақамли технологиялар шиддатли ривожланиб бораётган глобал ўзгаришлар шароитида рақамлаштириш қайсидир даражада бутун дунё бўйлаб барча компанияларга ва соҳаларга ўз таъсирини ўтказмоқда. Эндиликда рақамли технологиялар компания фаолиятининг барча жабҳаларига чуқур кириб борган ва улар ривожланган сари компания мавжуд шароитдан мумкин қадар юқори манфаат олишига қаратилган рақобатбардош корпоратив стратегияларни ишлаб чиқиш тобора мураккаблашмоқда. Ушбу мақолада бизнестда рақамли муҳит ўзгаришининг асосий тенденциялари, ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишга асосланган рақобатнинг ўзига ҳос тарафлари, рақамли иқтисодиёт шароитида инновацияларнинг ўзига хослиги кўриб чиқилган.

**Таянч тушунчалар:** корпоратив стратегия, рақобат стратегияси, рақамли иқтисодиёт, рақамлаштириш, рақамли технологиялар, ахборот-коммуникация технологиялари

**Аннотация.** В эпоху современных глобальных изменений, обусловленных стремительным развитием цифровых технологий, цифровизация в той или иной степени коснулась всех компаний во всем мире и во всех отраслях. Теперь цифровые технологии тесно интегрированы в каждый аспект деятельности компании по мере их развития все сложнее становится формировать конкурентную корпоративную стратегию, которая позволит компании извлечь максимальную выгоду из текущих условий. В статье рассмотрены ведущие тенденции изменения цифровой среды бизнеса, особенности конкурентной борьбы, основанной на активном использовании информационно-коммуникационных технологий, специфика инновационной деятельности в условиях цифровой экономики.

**Ключевые слова:** корпоративная стратегия, конкурентная стратегия, цифровая экономика, цифровизация, цифровые технологии, информационно-коммуникационные технологии.

Стремительное развитие цифровых технологий, расширение их возможностей и сфер применения в последнее десятилетие стало принципиально новым и значимым фактором, оказывающим воздействие на экономические процессы. Происходит трансформация не только бизнес-моделей или отдельно взятых отраслей, но и всей системы глобальной экономики. Так, уже сегодня можно наблюдать кардинальные изменения, происходящие в ряде отраслей, включая медиа-индустрию, телекоммуникационную, туристическую, пассажирских перевозок, финансовых услуг и много др.

Не за горами период, когда конкурентоспособность отраслей и компаний будет опреде-

ляться уровнем их цифровизации. Цифровые технологии позволяют повысить эффективность бизнес-процессов, оптимизировать издержки, расширить географию ведения бизнеса, увеличить прибыльность существующих активов и повысить доходность новых инвестиций. Понимая это, ведущие игроки активно внедряют цифровые инструменты в самые разные сектора экономики.

В Узбекистане вопросам развития информационно-коммуникационных технологий уделяется особое внимание. В частности, в качестве приоритетных определены меры по внедрению информационно-коммуникационных технологий в экономику, социальную сферу и системы

управления определены в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Узбекистана на 2017–2021 гг. [1].

Между тем, внедрение и развитие информационно-коммуникационных технологий – условие необходимое, но недостаточное. Для адаптации к происходящим преобразованиям нужны новые модели организации бизнеса, конкретная корпоративная стратегия, определяющая возможность не только постоянной оперативной качественной трансформации предприятия в меняющихся условиях окружающего мира, но и заблаговременной подготовки к будущим изменениям на основе точных прогнозов, обеспечиваемых новыми технологиями [2].

В условиях динамичности современной экономической среды, а также усиления конкуренции практически во всех отраслях стратегическое планирование как разработка долгосрочного направления развития компаний становится одним из важнейших условий обеспечения их конкурентоспособности. В связи с этим проблемы конкурентной корпоративной стратегии вызывают все больший интерес в научных кругах. К числу первых исследователей в этой области можно отнести Х.Ансофа [3], Ж.Кэннона [4], К.Эндрюса [5] и др., поднявших ряд важных вопросов по разработке стратегии. Позже, в 1980-е годы, М.Портером [6] была не только сформулирована концепция конкурентного преимущества, но и предложены конструктивный анализ и методология оценки основополагающих факторов конкуренции в отраслях.

На первый взгляд, с тех пор многое изменилось: появились новые технологии и целые отрасли, иные, чем прежде, методы управления и бизнес-модели. Однако, как показывают реалии дня, не изменилось ничего: начало XXI в. ознаменовалось возвратом теории корпоративной стратегии к своим первоначальным основам – анализу процесса создания стоимости [7]. Лопнувший «интернетовский пузырь» доказал, что, по крайней мере, в ближайшее время нет необходимости создавать новую стратегическую теорию для «новой экономики». В трудах М.Портера и ряда других авторов [6–12] представлена основополагающая методика изучения конкуренции, которая не ограничивается рамками отраслей, конкретных технологий или управленческих подходов. Она применима как к высокотехнологичным отраслям, так и к отраслям с низким уровнем технологий, а также к сфере услуг.

Тем не менее, изменяющееся конкурентное окружение и трансформация потребительских рынков и отраслей под влиянием новых цифровых технологий заставили пересмотреть многие устоявшиеся положения по внутренней организации и системам внешних коммуникаций

компаний, т.е. искать новую «корпоративную архитектуру». В этом плане наиболее интенсивно в последние годы разрабатываются следующие четыре взаимосвязанных направления:

- приемы, методы и модели управления стратегическими инновациями в компаниях в условиях непрерывных изменений в технологиях и на рынках [13–14];
- системы отбора рынков и отраслей для функционирования компаний, создание новых инструментов для анализа оптимального уровня диверсификации и вертикальной интеграции [15–16];
- новая роль корпоративного центра как генератора стоимости [17–18];
- ответственность корпорации перед различными группами («акторами») экономического, политического и социального окружения [19].

Среди отечественных ученых, занимающихся исследованиями в области конкурентной стратегии, следует назвать А. Бекмуродова, М. Сайфутдинова, М. Болтабаева, И. Искандарова, А. Фаттахова, И. Иватова, М. Насритдинову, М. Косимову, Д. Мухитдинова, О. Ахмедова, А. Солиева и др.

Как показал обзор литературы, к настоящему времени теория конкурентной корпоративной стратегии располагает значительным потенциалом средств для анализа самых различных ситуаций и проблем. Однако в то же время рост влияния цифровизации и информации на управление компанией требует дополнительного более углубленного исследования методов их использования как базового ресурса повышения конкурентоспособности компаний в условиях цифровой экономики. Уже сегодня в практике бизнеса можно наблюдать организационные и управленческие проблемы, решить которые традиционным углублением иерархии и настройкой бизнес-процессов становится все сложнее.

Как отмечалось, рост цифровизации обуславливает изменение облика и структуры экономики, повышает роль информационной индустрии. Под влиянием цифровизации более инновационными и наукоемкими становятся производство и услуги, т.е. практически все секторы экономики и общественной жизни – производство, торговля, транспортные и финансовые услуги, образование, здравоохранение, СМИ и т.д.

Цифровые преобразования становятся одним из ключевых факторов мирового экономического роста. Так, по данным The Boston Consulting Group (BCG), доля цифровой экономики в ВВП развитых стран выросла с 2010 г. на 1,2 п.п. и составляет 5,5%. В развивающихся странах этот показатель увеличился с 3,6 до 4,9% к ВВП (табл.1).



Таблица 1

Динамика роста доли цифровой экономики в ВВП стран G20, %

Страна	2010 г.	2016 г.
Великобритания	8,3	12,4
Южная Корея	7,3	8
Китай	5,5	6,9
Евросоюз	3,8	5,7
Индия	4,1	5,6
Япония	4,7	5,6
США	4,7	5,4
Мексика	2,5	4,2
Саудовская Аравия	2,2	3,8
Австралия	3,3	3,7
Канада	3	3,6
Аргентина	2	3,3
Россия	1,9	2,8
ЮАР	1,9	2,5
Бразилия	2,2	2,4

Источник: Boston Consulting Group (BCG)

Развитие цифровой экономики меняет мир вокруг человека, и вместе с ним его предпочтения. Так, уже сегодня человек проживает 31-часовой день [20], поскольку совмещает все больше дел. Его внимание все больше фрагментируется и он отдает предпочтение тем компаниям и продуктам, которые не только наиболее точно угадывают потребности, но и реализуют их за минимальное время и по оптимальной стоимости.

Подобная избирательность в выборе предпочтений приводит к формированию новых более эффективных бизнес-моделей, направленных на получение дополнительной выручки от революционных цифровых решений, оптимизацию взаимодействия с клиентом и улучшение его доступа к товарам и услугам. Так, согласно результатам исследований WSI, представленных на ежегодной конференции в 2015 г. [20], отдельные компании, контролируемые не более 30 секунд пользовательского внимания в день, показывают миллиардную капитализацию: сервис HelloFresh (доставка

ингредиентов и рецептов) оценен в 2.9 млрд долл. США, VICE (Интернет-медиа) – в 2,5 млрд долл. США.

Отдельный интерес вызывает зародившаяся в Германии концепция развития промышленности, известная под названием «Промышленность 4.0.» (или четвертая промышленная революция). «Промышленность 4.0» обозначают составную часть более широкого тренда цифровизации или масштабного внедрения цифровых технологий в самые разные отрасли экономики.

Происходящие в рамках реализации данной концепции технологические сдвиги в промышленности уже в ближайшем будущем приведут к радикальным изменениям в облике предприятий товаров и партнерских отношений. При этом, согласно прогнозам BCG [21], технологическая революция отразится на всей цепочке создания стоимости: от проектирования продукта до послепродажного обслуживания. На смену отдельным автоматизированным участкам производства придут

полностью автоматизированные производственные линии. Продукты, производственные процессы и автоматизация производства будут воплощены в виртуальной среде как единый комплекс, объединяющий поставщиков и производителей. Станут очень гибкими производственные процессы, что позволит компаниям производить товар небольшими партиями.

Наряду с этим также ожидается, что приборы и детали машин получат способность к обучению и оптимизации, что существенно повысит качество продуктов и эффективность производства. Автоматизация логистики с применением автономных машин и роботов приведет к масштабному снижению производственных затрат. Кроме того, ожидаемая четвертая промышленная революция будет способствовать также росту выручки благодаря расширению потребительского спроса на более индивидуализированные и совершенные продукты, а также промышленного спроса на прогрессивное оборудование, автономных роботов, новые приложения для работы с данными и другое «материальное обеспечение» перемен.

Количественные характеристики таких изменений глубоко значительно. Так, производительность труда в промышленных отраслях по оценке BCG [21] увеличится к 2025 г. на 30%, а эффективность работы — на 25%. Только в Германии в ближайшие пять-десять лет применение подходов и технологий «Промышленности 4.0» повысит производительность во всех производственных секторах промышленности с 90 до 150 млрд евро. Рост предельной производительности, за исключением стоимости материалов, составит от 15 до 25%. После включения материалов в затраты будет достигнут прирост производительности в среднем на 5–8%. Производители промышленных компонентов рассчитывают достичь наиболее заметных результатов повышением производительности на 20–30%. Вторым по значимости прогнозируется результат автомобильных компаний — 10–20% — рост производительности.

Кардинальные изменения во всех сферах промышленности и наличие огромного потенциала для дальнейшего развития в рамках реализации концепции «Промышленность 4.0» предусматриваются и в докладе PWC [22]. В частности, проведенные в 2016 г. PWC исследования среди более двух тысяч компаний из девяти крупных отраслевых секторов и 26 стран показали следующее:

- почти три четверти компаний прогнозируют интенсивную цифровизацию горизонтальных и вертикальных процессов в рамках

цепочки создания стоимости в период 2017–2021 гг.;

- ежегодный объем инвестиций в цифровые технологии до 2020 г. составит порядка 907 млрд долл. США;

- ежегодный доход от цифровых решений в период 2017–2021 гг. составит в среднем 493 млрд долл. США (+2,9 %), а сокращение затрат — 421 млрд долл. США (3,6 %).

Однако с новыми возможностями связаны и новые вызовы. Положение компаний на рынке в условиях цифровой экономики становится все более сложным: высоки риски и уровень неопределенности при принятии стратегических решений. Подобная ситуация связана со свойственной цифровой экономике неустойчивой конъюнктурой, обусловленной динамичными изменениями на технологическом уровне и ростом интенсивности конкуренции.

Уже сегодня компоненты для самолетов и гоночных высокоскоростных автомобилей выполняются с использованием 3D-принтеров, что является вызовом для трудоемких фабрик и сложных цепочек поставок: нет длительных задержек между прототипом и продуктом, которые больше не являются неизбежными [23]. Продолжается трансформация сферы туризма, предусматривающая переход от простого онлайн-бронирования билетов (в основном авиа) к полноценному выбору, сравнению и оплате туров. При этом все большую конкуренцию туроператорам составляют электронные поисковые агрегаторы — Booking, Airbnb, Aviasales и пр., что вынуждает традиционных операторов активно развивать онлайн-бронирование и динамическое пакетирование [24].

Следует подчеркнуть, что конкурентная среда, формируемая в условиях цифровой экономики, отличается импульсивными, стремительными и жесткими действиями соперничающих хозяйствующих субъектов. В такой среде достижение конкурентных преимуществ обеспечивается путем слома принципов и обычаев функционирования рынка и общепринятых правил. При этом, на рынке в условиях современной конкуренции нецелесообразно полагаться в долгосрочной перспективе ни на имеющиеся преимущества, ни на любые другие факторы, ассоциирующиеся со стабильностью. Оптимальный путь достижения успеха в такой среде — постоянное создание новых преимуществ. Победа в конкуренции возможна только при обеспечении непрерывной разработки и внедрения инноваций, востребованных рынком. Устойчивое конкурентное преимущество в таких условиях — это динамика и способность меняться.

Трансформация сущности и условий кон-

курентной среды привела к изменению механизмов конкуренции. В современных конкурентных условиях 1) нападают неожиданно, 2) с непредсказуемого направления (зачастую из смежных отраслей), 3) используют неординарные способы противодействия. Ранее соперничество было сосредоточено на распределении рыночных долей. Сейчас применяется совершенно другой принцип: «победитель получает все». Фокус смещается на достижение лидерства, которое уже само является инструментом борьбы, направленным на получение преимуществ над конкурентами через замену текущих «правил игры» на новые [25].

Обеспечение конкурентоспособности в условиях цифровой экономики, потребует от компаний разработки всесторонне продуманной и взвешенной конкурентной корпоративной стратегии, основанной на анализе текущих тенденций и перспектив развития отрасли, конкурентных позиций и ресурсов компаний, а также содержащей тщательно расставленные на этой основе приоритеты организации бизнес-процессов. При этом выиграют те компании, которые не будут тратить время на поверхностные изменения, а сумеют осуществить фундаментальные перемены с опорой на усовершенствованные технологии.

Одной из ключевых тенденций, происходящих в глобальной экономике на протяжении последних десятилетий, является её стремительная цифровизация. Уже сегодня под влиянием последней оказались практически все секторы экономики и общественной жизни: производство, торговля, транспортные и финансовые услуги, образование, здравоохранение, СМИ и т.д.

Уровни международного интереса политики, инвестиций и срочности отражают ожидание того, что цифровизация уже в скором будущем сможет кардинально перекроить производственные системы, цепочки добавленной стоимости и источники национальных конкурентных преимуществ. Сложность цифровых производственных систем, разнообразие воспринимаемых возможностей и проблем, различие политических подходов к их решению предполагают, что до сих пор не существует единого мнения о том, как "Промышленная четвертая революция" будет развиваться, как доходы будут перераспределяться по всей глобальной производственной сети, какие возможности будут определять и кто победит, а кто проиграет.

Технологические изменения, свойственные цифровой экономике, создают новые ры-

ночные правила игры и для производителей и для покупателей. В данных условиях для компаний необходим непрерывный поиск новых конкурентных стратегий и повышение эффективности конкурентной борьбы.

Первым шагом на пути к формированию эффективной в условиях цифровой экономики конкурентной стратегии является определение четких целей и расстановка приоритетов бизнес-процессов, т.е. выявление ключевых областей бизнеса, требующих оптимизации (производительность, гибкость, скорость и качество). Далее необходимо проанализировать, как именно ключевые тренды технологического развития могут способствовать оптимизации в целевых областях.

Кроме того, компания должна следить за ситуацией на рынке: изучать тенденции развития цифровых технологий, которые влияют на отрасль (или с большей вероятностью повлияют в ближайшие годы), а также оценивать ресурсы конкурентов в цифровой сфере. Для этого не нужно проводить комплексный, всеобъемлющий анализ. Напротив, полная оценка в условиях быстро меняющейся среды цифровой экономики должна занимать не более четырех недель. Как и для всех проектов в области цифровых технологий, ключевое значение имеют скорость и инициативность.

Стратегически важным активом в эпоху цифровой экономики являются знания. Они играют ключевую роль в устойчивом экономическом развитии компаний различных отраслей. В связи с этим целесообразно формировать новые подходы к разработке конкурентных стратегий, основанных на современных инструментах и методах интеграции корпоративных знаний в систему управления компанией. Управление знаниями, как одно из наиболее важных направлений деятельности в системе управления, должно быть сфокусировано на формировании интеллектуальных ценностей, развитии организационного, потребительского и человеческого капитала предприятий. Интенсивное использование интеллектуальных активов предоставляет возможности для формирования внутренних и внешних компетенций, которые совместно образуют систему ключевых компетенций компании [24].

Прежде чем компания приступит к освоению цифровых технологий, она должна оценить свою готовность к трансформации с учетом доступности и качества данных имеющейся у нее ИТ архитектуры (включая степень своей готовности к цифровизации), наличия специалистов в сфере инноваций, а также общей культуры и готовности к изменениям.

При этом наличие высококвалифицированных специалистов является одним из важнейших условий достижения успеха в цифровой трансформации компании. В данном контексте все большую актуальность приобретает стратегическое кадровое планирование, предусматривающее заблаговременное формирование кадрового состава с теми навыками в области цифровых технологий, которые потребуются в будущем, а также адап-

тацию под решение этой задачи должностных регламентов, рекрутинга и образования.

Таким образом, развитие цифровой экономики открывает поистине безграничные возможности для компаний, способных обеспечить устойчивые конкурентные преимущества в современных условиях жесткой конкуренции. Вместе с тем, как и прочие революционные трансформации, цифровая экономика несет в себе угрозы отстающим.

#### Источники и литература:

1. Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».
2. Колесов А. Вступая в эпоху цифрового бизнеса// [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://www.itweek.ru/idea/article/detail.php?ID=186515> (дата обращения: 29.08.2017).
3. Ansoff I. *Corporate Strategy: An Analytical Approach to Business Policy for Growth and Expansion.* / New York, McGraw-Hill, 1965.
4. Cannon J.T. *Business Strategy and Policy.* / New York: Harcourt, Brace and World, 1968.
5. Andrews K.R. *The Concept of Corporate Strategy.* / New York: Dow Jones-Irwin, 1971.
6. Porter M. *Competitive Advantage: Creating and Sustaining Superior Performance.* / New York: Free Press, 1985.
7. Collis D.J., Montgomery C.A. *Creating Corporate Advantage* // *Harvard Business Review.* Vol. 76, May–June 1998. – No. 3. – P. 70–83.
8. Porter M. *What is Strategy?* / *Harvard Business Review.* November–December, 1996.
9. McGahan A. *The Influence of Competitive Positioning on Corporate Performance.* / *Harvard Business School working paper,* May, 1997.
10. Портер М. Конкурентные преимущества. / Пер.с англ. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2005
11. Brandenburger A. and Nalebuff B. *Competition, Currency/Doubleday.* / New York, 1996.
12. Porter M. *Competitive Strategy: Techniques for Analyzing Industries and Competitors.* / Simon and Schuster, 2008
13. Куприяновский В. П. и др. Трансформация промышленности в цифровой экономике—проектирование и производство // *International Journal of Open Information Technologies.* – 2017. – Т. 5. – №. 1. – P. 50–70
14. Morua J., Marin A. *Building a new representation of the dynamics of organizational systems to make more suitable strategic decisions on innovation and technology management* // *International Journal of Technology Management & Sustainable Development.* Vol. 15. – 2016. – No 2.
15. Yücel E., Önal Y.B., "Industrial Diversification and Risk in an Emerging Market: Evidence from Turkey". / *Emerging Markets: Finance and Trade.* Vol.51. –2015. –P.1292-1306
16. Monios J., Wilmsmeier G. *The Impact of Container Type Diversification on Regional British Port Development Strategies.* / *Transport Reviews.* Vol. 34. – 2014. –No. 5. –P.583–606.
17. Krühler M., Pidun U., Rubner H. *First, do no harm: How to be a good parent.* / BCG: Munich, 2012.
18. Kunisch S., Müller-Stewens G. and Collis D.J. *Housekeeping at Corporate Headquarters: International Trends in Optimizing the Size and Scope of Corporate Headquarters, Survey Report.* / St. Gallen/Cambridge: University of St.Gallen. –Harvard Business School, 2012.
19. Rasche A., Morsing M., Moon J. *Corporate Social Responsibility: Strategy, Communication, Governance.* / UK: Cambridge University Press, 2017.
20. *Tech and Media Outlook 2016. WSJD Live Conference, October 20, 2015.*
21. Waldne M. and others. *BCG Review – October 2015.* / BCG, 2015
22. *Всемирный обзор реализации концепции «Индустрия 4.0» за 2016 год* // PWC, 2016.
23. Куприяновский В.П. и др. *Принятие решений в цифровой экономике. Опыт Великобритании* // *International Journal of Open Information Technologies* Vol. 5. –2017. –No.4.
24. Банке Б. и др. *Россия онлайн? Догнать нельзя отстать*/ BCG, 2016.
25. Кунцман А.А. *Трансформация внутренней и внешней среды бизнеса в условиях цифровой экономики* // [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://cyberleninka.ru/article/n/transformatsiya-vnutrenney-i-vneshney-sredy-biznesa-v-usloviyah-tsifrovoy-ekonomiki> (дата обращения: 29.08.2017).

---

# ИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ ИНТЕГРАЦИОННЫЕ ПРОЦЕССЫ

---

## АСЕАН ШАРҚИЙ ВА ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁДА МАРКАЗИЙ ИНТЕГРАЦИЯВИЙ ТУЗИЛМА СИФАТИДА

Шералиев Ойбек Рихситиллаевич

С.ф.н., Мустақил тадқиқотчи, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

**Аннотация.** Ушбу мақолада Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ассоциацияси (АСЕАН) нинг Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиёда марказий интерациявий тузилма сифатида шаклланиши ва тараққий этишининг илмий-назарий ва амалий-тадбиқий муаммолари тадқиқ этилган. Мақолада асосий эътибор АСЕАНнинг минтақа давлатлари ўртасида иқтисодий интеграциявий тузилма сифатида фаолият қирралари ва муаммоларини очиб беришга қаратилган.

**Таянч тушунчалар:** АСЕАН, АСЕАН+3, АСЕАН+7, интеграция, иқтисодий интеграция, эркин иқтисодий зона, эркин савдо зонаси, преференциал савдо зонаси, инвестициявий зона, сармоялар, Шарқий Осиё, Жануби-Шарқий Осиё.

**Аннотация.** В настоящей статье исследованы научно-теоретические и практико-прикладные проблемы становления и развития Ассоциации государств Юго-Восточной Азии (АСЕАН) как центральной интеграционной структуры в Восточной и Юго-восточной Азии. В статье основное внимание уделено раскрытию проблем и граней деятельности АСЕАН как экономической интеграционной структуры между странами региона.

**Ключевые слова:** АСЕАН, АСЕАН+3, АСЕАН+7, интеграция, экономическая интеграция, свободная экономическая зона, свободная торговая зона, преференциальная торговая зона, инвестиционная зона, инвестиции, Восточная Азия, Юго-Восточная Азия.

Хозирги назарий тадқиқотларда минтақавийлашувнинг икки асосий типни фарқланади. Биринчи тип минтақавий давлатларнинг пайдо бўлиши ва фаол юксалиши ҳамда бунинг натижаси ўлароқ, минтақавий муҳитни ўз манфаатларида ташкиллаштиришга, яъни унча йирик бўлмаган минтақавий давлатлар билан минтақавий давлатнинг сиёсий ва иқтисодий вазибаларига мос келувчи муносабатларни келишувлар ёки норасмий амалиётлар воситасида ўрнатишга уларнинг интилиши билан боғлиқ.

Осиё-Тинч океани минтақасида минтақавий ва субминтақавий даражадаги савдо-иқтисодий ташкилотлар фаолият кўрсатади. Субминтақавий ташкилотлар жумласига Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмаси – АСЕАН ҳам қиради. Осиё-Тинч океани минтақасида интеграция жараёни айни шу ташкилотдан бошланган.

АСЕАН сиёсий, иқтисодий ва маданий минтақавий ҳукуматлараро ташкилот ҳисобланади. У ўз сафларида Жануби-Шарқий Осиё (ЖШО)да жойлашган мамлакатларни бирлаштирган. Уни бевосита ташкил этган давлат-

лар Индонезия, Малайзия, Сингапур, Тайланд ва Филиппин ҳисобланади. АСЕАН таркибига қуйидаги давлатлар қиради: Индонезия, Малайзия, Сингапур, Филиппин (1967 й.), Бруней (1984 й.), Вьетнам (1995 й.), Лаос (1997 й.), Мьянма (1997 й.), Камбожа (1998 й.). АСЕАН аъзолари эгаллаган умумий майдон 4,5 млн. кв. км.га тенг. Мазкур ҳудудда 570 млн. кишидан иборат аҳоли яшайди. Уюшма аъзолари 14 расмий тилда сўзлашади, камида 7 динга эътиқод қилади[1].

Жануби-Шарқий Осиёда умумминтақавий интеграцион гуруҳни тузиш ғояси таниқли япон таҳлилчиси К.Кодзима Шарқий Осиё эркин савдо зонаси концепциясини таърифлаб берган 1960-йилларнинг ўрталарида илгари сурилган. 1970-йилларда Тинч океани минтақасини шакллантириш концепцияси пайдо бўлган. XX аср 80-йилларининг охири – 90-йиллари бошида Жануби-Шарқий Осиёда Австралия ва Янги Зеландия ҳам қўшилган “йена” интеграцион гуруҳини шакллантириш имкониятлари муҳокама қилинган. Бу сценарий “йена валютаси” доирасида фаолият кўрсатувчи Осиё мамла-

катлари блокининг вужудга келишини назарда тутлади. Бунда унинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сиёсат эмас, балки иқтисод, яъни мазкур блокни шакллантирувчи кенг савдо-инвестиция оқимлари ҳисобланиши кўзда тутилади. Япония бу ерда бош ўйинчи ҳисобланади (масалан, Ғарбий яримшарда АҚШ сингари). Бу сценарий жаҳонда уч блокнинг мавжудлигидан келиб чиқади: шулардан бири – Япония атрофида бирлашган мамлакатлардан иборат бўлган, Шимолий Америка ва Европа блоклари билан рақобатлашадиган блок[2].

Ўз миллий мустақиллиги ва суверенитетини ҳимоя қилиб, Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари 1967 йилда Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмаси (АСЕАН)га бирлашди. АСЕАН Бангкок дек-ларациясида қайд этилишича, мазкур бирлашнинг мақсади минтақада жадал иқтисодий ва маданий ривожланиш, ижтимоий тараққиёт, тинчлик ва барқарорликни сақлашни таъминловчи ташкилотни тузишдан иборат. Минтақа мамлакатлари томонидан тузилган АСЕАН ташкилоти Жануби-Шарқий Осиёда минтақа доирасида давлатлараро муносабатлар учун замин яратди. Халқаро воқеаларни баҳолашда келишмовчиликлар мавжудлигига қарамай АСЕАН давлатлари ташкилотнинг мавжудлик даври мобайнида жаҳонда юз бераётган сиёсий жараёнларга нисбатан умумий нуқтаи назарни шакллантириш муваффақ бўлди. Бу жараёнда Европа билан ўзаро муносабатларни четга суриш ва Япония билан яқинлашиш биринчи даражали аҳамият касб этди. Мазкур яқинлашиш энг аввало иқтисодий алоқаларнинг ривожланишида, шунингдек ушбу минтақада АҚШ таъсирининг чекланишида намоён бўлди.

АСЕАН доирасида интеграция жараёни қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Преференциал савдо зонасини ташкил этиш тўғрисидаги битимга (1977 й.) мувофиқ иштирокчи-мамлакатларга савдога оид имтиёзлар бериш;
- АФТА (ASEAN Free Trade Arrangement) битими мувофиқ эркин савдо зонасини ташкил этиш. Битим 2002 йил 1 январдан кучга кирган;
- АСЕАН саноат соҳасида ҳамкорлик схемалари;
- АСЕАН инвестициялар зонаси (АИА) тўғрисидаги ҳадли битимга мувофиқ капиталнинг ҳаракатини либераллаштириш.

1980-йилларнинг охирида Малайзия сиёсий етакчиси М.Мохаммад “Look East” деган ном остида “Осиёни осийлаштириш” концепциясини таклиф қилди. Бу концепцияга биноан Осиёнинг ривожланаётган мамлакатлари иқтисодий ривожланишнинг япон моделини қабул қилишлари, Япония эса минтақавий иқтисодий ҳамкорликнинг марказига айланиши лозим эди. Шу ўринда Р.Акамацу томонидан ишлаб чиқилган “учаётган ёввойи ғозлар галалари”

(wild flying geese) ёки қувиб етувчи ривожланиш концепциясини қайд этиш мумкин. Японияда эъзозланадиган мазкур образ Жануби-Шарқий Осиёнинг шаклланиш ва саноатлашиш жараёнининг асоси эмас, балки мамлакатлар ўртасидаги кучлар нисбатини ҳам намоён этади. Концепцияга кўра, гала (Жануби-Шарқий Осиё) бошида бошловчи (Япония) учадди, унга қолган ғозлар (Осиё мамлакатлари – Сингапур, Гонконг, Корея Республикаси, Тайвань, Малайзия, Тайланд, Филиппин, Индонезия ва бошқалар) эргашади[3].

Жануби-Шарқий Осиё, шунингдек мазкур минтақа мамлакатлари сўнги ўн йилликлар мобайнида ташқи сиёсат соҳасидаги тадқиқотларнинг муҳим объектига айланди. Бу, энг аввало, жаҳон сиёсати ва иқтисодий тизимида мазкур минтақа ва бош минтақавий марказ – АСЕАНнинг аҳамияти ошгани билан белгиланади. 1980–90-йилларда минтақанинг етакчи мамлакатлари – Индонезия, Малайзия, Сингапур ва Тайланд ЯИМ ҳажмини ҳар йили ўрта ҳисобда 7% гача кўпайтириш ва ўн йиллик ичида уни икки баравар ошириш йўли билан иқтисодий сакрашни амалга оширди. 2000 йилда жаҳон умумий ЯИМда Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларининг улуши 3,9% ни ташкил этди. Минтақадаги аксарият мамлакатларнинг жами ички маҳсулоти миқдори 2-3 баравар ўсди. Айни вақтда, 4,5 минг кв. км. майдонни эгаллаган Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида жаҳон аҳолисининг тахминан 8,3% (500 млн. киши) яшайди, уларнинг йиллик жами миллий маҳсулоти миқдори қарийб 800 млрд. АҚШ долларини ташкил этади. 2003 йилда АСЕАН аҳолисининг жон бошига ЯИМ миқдори 1266 АҚШ долларини ташкил қилди[4].

Шунга қарамай, Осиёда 1997 йилда юз берган иқтисодий инқироз Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларининг заиф жиҳатларини намоён этди. Молиявий инқирознинг олдини олиш имконини берувчи воситалар уларда мавжуд эмаслиги аён бўлиб қолди. Инқирознинг минтақа мамлакатларига таъсири минтақавий алоқаларнинг сиёсий жиҳатдан нозик тизими бузилиши хавфини пайдо қилди.

Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари инновацион ривожланиш моделига амал қилади. Мазкур модель иқтисодий ўсиш учун янги имкониятлар яратишни, экспортга хос ашё ишлаб чиқаришдан воз кечишни, ахборот-коммуникация соҳасидаги ютуқлардан фойдаланишни, жаҳон даражасидаги инфратузилмани давлатнинг фаол иштирокида амалга жорий этишни, Жануби-Шарқий Осиёда интеграция жараёнларини жадаллаштириш ва чуқурлаштириш учун янги шарт-шароитлар яратишни назарда тутди.

Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари жадал суръатларда ривожланиши АСЕАН доирасида еврога ўхшаш ягона валютани жорий этиш имкониятлари билан интеграция жараёнини олға силжитиш учун замин яратди. Европа комисси-

яси иқтисодиёт ва молия бош бошқармасининг раҳбари К.Реглинг фикрига кўра, “ҳозирги вақтда Осиеда, шу жумладан Жануби-Шарқий Осиеда юз бераётган иқтисодий жараёнлар Европа қитъасида бирлаштириш ва ягона валютани жорий этишдан олдинги йилларда содир бўлган жараёнларга кўп жиҳатдан ўхшаш. Минтақа мамлакатларига хос бўлган макроиқтисодий барқарорлик, молия вазирлари ва Осиедаги етакчи банклар раҳбарларининг яқин ҳамкорлиги бунга мисол бўлиши мумкин”[5]. Бизнингча, Жануби-Шарқий Осие мамлакатларида ягона валюта жорий этилиши мумкин, лекин бунга ҳали анча вақт бор. Айни вақтда, шу нарса аёнки, Жануби-Шарқий Осие мамлакатлари интеграциянинг мавжуд самарали моделларидан нусха кўчириш ниятида эмас, лекин ўз минтақасининг хусусиятлари, ишлаб чиқариш ва иқтисодий тизимларнинг ривожланиш даражаси, шунингдек давлатларнинг мақсад ва вазифалари билан тўқнашмайдиган элементларни улар танлаб олади.

АСЕАН ташкил топган пайтдан бошлаб кескин муаммоларга дуч келди: Уюшма аъзолари ҳаракатларининг келишилмаганлиги, улар ўртасидаги ишончсизлик, мамлакатларнинг ривожланиш даражаси ва тарихий шарт-шароитларидаги фарқлар салбий таъсир кўрсатди. Сиёсий келишмовчиликлар ва миллатчилик омиллари “ягоналик ранг-барангликда” деган шиор остида миллий манфаатларнинг устунлигига асосланган ўзаро алоқа жараёнига, умумий саъй-ҳаракатлар билан ўзаро ишонч муҳитини яратишга, интеграцияни чуқурлаштиришга, “коммунизм хуружи”ни қайтаришни ташкил этишга тўртки берди[6].

АСЕАН доирасида хавфсизлик борасида ҳамкорликнинг асосий йўналиши терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши курашишга қаратилган. Шу билан бир вақтда, у ўзгараётган вазиятга мос равишда ривожланади. Ҳозирги вақтда хавфсизлик борасида ҳамкорлик соҳасида АСЕАН уч муҳим йўналишни белгиланган: 1) терроризмга, 2) гиёҳвандликка, 3) транс-миллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш.

Терроризмга қарши курашиш АСЕАН учун азалдан муҳим. Қолган икки йўналиш илгари сурилганига анча вақт бўлган, лекин улар юқорида кўрсатилган даражага яқинда кўтарилган. Бу АСЕАН доирасида хавфсизлик борасидаги ҳамкорликнинг янги тенденциясидир.

XXI талабларига жавоб бериб, АСЕАН мамлакатлари инновацион ривожланиш йўлига кирмоқдалар. Мазкур йўлнинг зарурлиги интеграцион ўзаро алоқани, энг аввало минтақавий интеграцияни кучайтиришни, чет эл мамлакатлари билан ишлаб чиқариш-технологик кооперацияга нисбатан янги ёндашувларни талаб қилувчи глобал ишлаб чиқаришга самарали қўшилишга интилиш билан белгиланади.

Шарқий ва Жануби-Шарқий Осие мамлакатлари капитални самарали жойлаштиришга, инвестицияларнинг самарадорлик даражасини оширишга интилиш жараёнида жаҳоннинг турли молия тизимлари ўртасида ўзаро алоқани кучайтиришга алоҳида эътиборни қаратади.

Минтақавий алоқаларни минтақа доирасидаги ёки глобал алоқалардан устун қўйиш молиявий интеграция кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Бу ерда Жануби-Шарқий Осие мамлакатлари ўртасида жиддий фарқ мавжудлигини ҳам ҳисобга олиш зарур. Айрим мамлакатларда, масалан Филиппинда ташқи молиявий мажбуриятлар ҳажмининг катталиги расмий даражада маблағларни жалб қилиш натижаси ҳисобланса, бошқа мамлакатларда, айтайлик Сингапур ва Гонконгда бу мажбуриятлар мазкур мамлакатларнинг минтақавий молиявий марказлар сифатидаги ролини ва улар глобал молия бозорига қўшилишда энг юқори даражага етганини акс эттиради.

Минтақавий ташкилот сифатидаги АСЕАНнинг самарадорлиги тўғрисидаги масалани таҳлил қилаётганда, ички минтақавий омиллардан ташқари, Уюшма олдида алоҳида ташқи сиёсий мақсадларни қўйган ва қўяётган кенг халқаро контекстни ҳамда Жануби-Шарқий Осие геосиёсий ва геостратегик ҳолатининг хусусиятларини ҳам инобатга олиш зарур.

Уларнинг орасида йирик давлатлар (АҚШ, Хитой, Ҳиндистон, Япония)нинг минтақадаги роли ва манфаатларини мувозанатга солиш, Шарқий Осиедаги макрорегионаллашув жараёнларида иштирок этиш ва маълум даражада уларни бошқариш имкониятига эга бўлиш бор. 1990-йилларнинг иккинчи ярмида АСЕАНнинг Россия билан ҳамкорлик доираси кенгайгани асосан Жануби-Шарқий Осиеда Хитой, Япония, Ҳиндистон ва АҚШнинг ролини мувозанатга солиш зарурияти билан белгиланган эди.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, АСЕАН Шарқий Осиедаги регионаллашув жараёнларида ягона ўйинчи сифатида иш кўришга ва АСЕАНнинг хавфсизлик бўйича Минтақавий форуми фаолиятига қарорлар қабул қилишнинг Уюшма руҳи билан мос келувчи концептуал принципини жорий этишга муваффақ бўлди. Мазкур форум ҳозирги вақтда Осие-Тинч океани минтақасида хавфсизлик ва превентив дипломатия муаммолари бўйича сиёсий мулоқотни кенг иштирокчлар, шу жумладан АҚШ, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Япония ва ЕИни жалб қилган ҳолда амалга ошираётган бирдан-бир ташкилот бўлиб қолаётир.

Айни вақтда, АСЕАН ва АРФ фаолияти минтақавий хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ вазифаларни ҳал қилишда қутилган самарани бермади ва улар асосан кўп сонли иштирокчилар билан халқаро маслаҳатлашувлар учун форум ролини бажарди. Шунинг учун бўлса керак, Жануби-Шарқий Осие давлатлари

ва минтақадан ташқаридаги давлатлар ўзаро алоқаларининг икки томонлама ва уч томонлама форматлари хавфсизлик муаммоларини ечиш нуқтаи назаридан аввалгидек кўпроқ даражада самарали бўлиб қолаётир.

АСЕАНни кенгайтириш (бештадан ўнтагача давлатга) дастлабки жараёни ҳар бир мамлакат ўзининг аниқ мақсадларини кўзлаган, энг аввало давлатлар сиёсатда мафкуравий ёндашувларни юмшатишга тайёр бўлган шароитларда юз берди. Шу даврда муносабатларда муайян “илмилиқлик” пайдо бўлгандек таассурот туғилди, лекин бу хом хаёл экани тез орада аён бўлди.

Юзага келган сиёсий ва иқтисодий шароитларда Шарқий Ҳиндхитой давлатлари АСЕАН доирасида умуман олганда самарали ривожланаётган қўшни мамлакатларга қараб мўлжал олиш зарур деган хулосага келди. 1987 йил декабрда бўлиб ўтган АСЕАНнинг олий даражадаги Учинчи учрашувида Қўшма баёнот имзоланди[7] ва у АСЕАНнинг минтақада бирлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашни давом эттириш аҳдини тасдиқлади[8]. Шарқий Ҳиндхитой мамлакатлари ташқи сиёсатда мафкуравий мўлжаллардан воз кечгани ва АСЕАН билан ҳамкорликни ўз иқтисодий сиёсати доирасида ҳам ривожлантира бошлагани, бизнингча, муҳим аҳамият касб этди. АСЕАНга қўшилиш уларга халқаро майдонда ўз манфаатларини химоя қилиш имконини берди.

АСЕАН улар учун инсон ҳуқуқлари ва тузумларнинг авторитарлиги тўғрисидаги масалалар бўйича АҚШ ва Ғарбнинг бошқа мамлакатлари танқидидан ўзига хос “паноҳ”га айланиши, шунингдек иқтисодий ёрдам камайган ёки тўхтатилган ҳолда донор вазифасини бажариши лозим эди.

Шарқий Осиё интеграциясининг ўсиш жараёнида кенгайтириш ва торайиш цикллариининг ўрин алмашишини (айниқса 1990–2000 йилларда) Шарқий Осиё регионализида икки омил – АСЕАН ва у билан боғлиқ форматлардан иборат Осиё омили ҳамда ОТОИХ форумида муҳимлашган Тинч океани омили ўртасидаги рақобат билан изоҳлаш мумкин. Биринчи омил асосан Осиё доирасида аста-секин, танлаб ва чекланган тарзда яқинлашиш ғоясини ифодалайди. Иккинчи омил Осиёдан ташқаридаги мамлакатлар иштирокида кенг интеграцияни назарда тутди. Бу жараёнлар сиртдан 1950–1970 йилларда Ғарбий Европада континентал ва евроатлантик интеграция ғояларининг ўзаро рақобатлашувини эслатади. Ғарбий Европада бўлганидек, Шарқий Осиёда ҳам тегишли рақобатдош ғоялар бир-бири билан тўқнашгани йўқ, балки бир-бирига таъсир кўрсатган ҳолда ривожланди[9].

1970-йилларда жаҳоннинг етакчи давлатлари, энг аввало Осиё-Тинч океани минтақасидаги илғор давлатлар билан АСЕАН мулоқотлари ти-

зими яратилди. Мулоқот бўйича кенг қўламли ҳамкорлар қаторига 9 мамлакат (Австралия, Ҳиндистон, Канада, Хитой, Янги Зеландия, Корея Республикаси, Россия, АҚШ, Япония), шунингдек ЕИ ва БМТ Тараққиёт дастури киради. Мулоқот тарзидаги ўзаро алоқа ҳамкорлик қўшма қўмиталари ёрдамида амалга оширилади. Мазкур ҳамкорлик Шарқ “учлиги” (Хитой, Япония, Жанубий Корея) билан АСЕАНнинг чуқурлаштирилган ўзаро алоқаси механизмини яратиш учун асос бўлиб хизмат қилди. 10 + 3 форматидаги бу механизм 2000 йилда расмийлаштирилган бўлиб, АСЕАН учрашувлари билан бир қаторда “ўн учлик” ва 10 + 1 форматида саммитлар ўтказишни назарда тутди.

Ҳозирги вақтда АСЕАНга аъзо мамлакатларнинг айримларида Вашингтон томонидан илгари сурилган Тинч океанидаги минтақаларо ҳамкорлик концепциясига қизиқиш пайдо бўлди[10].

Шуни қайд этиш лозимки, Сеул, Токио ва Пекиннинг Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан интеграцион алоқаларининг ривожланиши “АСЕАН плюс уч” мулоқоти доирасида амалга ошмоқда. Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари Япониянинг ташқи иқтисодий алоқаларида муҳим ўрин эгаллайди. Жануби-Шарқий Осиёда эркин савдо зонасининг пайдо бўлиши ҳудудидида 2 млрд. аҳоли яшайдиган мамлакатлар умумий бозорининг шаклланишига олиб келган бўлур эди. 1996 йилда яна бир халқаро ташкилот – АСЕМ тузилди. У ўз сафларида АСЕАН аъзолари, Япония, Хитой, Жанубий Корея ва ЕИни бирлаштирди[11].

АСЕАН плюс Уч (АСЕАН, Хитой, Япония ва Жанубий Корея) ҳукуматлараро форуми туташ минтақалардаги мамлакатлар кенг иштирок этувчи Шарқий Осиё иқтисодий интеграция учун ўзакка айланмоқда. Ҳозирги босқичда мазкур форум доирасида ҳамкорлик шартномавий-ҳуқуқий базасининг табиатига кўра ажралиб туради. У мураккаб, индивидуал-группавий хусусият касб этади. Бу АСЕАН мамлакатлари “10 + 1” форматида коллектив субъект сифатида битимлар тузишини англатади. Шу сабабли “ўнлик” доирасида интеграция суръатлари ва сифати минтақа миқёсидаги интеграциядан илдамроқ ривожланиши лозим.

АСЕАН плюс Уч форумининг Шарқий Осиёда регионализмни ривожлантирувчи етакчи институт сифатидаги ролига биринчи навбатда Япония эътироз билдиради. 2004 йил форумнинг Вьентьяндаги саммитида Малайзии бош вазири Абдулла Бадавий 2005 йилда Куала-Лумпур шаҳрида Шарқий Осиёнинг биринчи саммитини ўтказишни таклиф қилди. Бу таклиф Хитой бош вазири Вэнь Цзябао томонидан маъқулланди. Янги саммит АСЕАН плюс Уч форматидаги учрашувлар ўрнини эгаллаши ва Осиёда интеграция учун кенг йўл очиши назарда тутилди. Бадавийнинг таклифига бошқа



иштирокчилар ҳам қўшилди, лекин янги ташкилот таркиби тўғрисида масала қизғин баҳс-мунозарага сабаб бўлди. Ташкилотга тегишинча мумкин қадар ёпиқ ва очиқ түс беришни таклиф қилган Пекин ва Токио мунозаранинг қарама-қарши қутбларидан ўрин олди[12].

Хитойнинг кучайишидан ҳайиқиш бир қатор давлатларнинг ҳаракатлари моделини белгилади. Улар 2005 йил декабрда Куала-Лумпур шаҳрида бўлиб ўтган Шарқий Осиё инаугурация-он саммитида унинг таркибига АСЕАН плюс Уч форумининг 13 давлатидан ташқари Ҳиндистон, Австралия ва Янги Зеландияни киритишни талаб қилди. Саммит якунлари бўйича берган баёнотида Махатир аъзолик юзасидан қабул қилинган қарор унинг минтақа ҳақида тасаввурини акс эттирмаслигини, Россия ва Шимолий Корея мазкур саммитда иштирок этиш учун Австралия ва Янги Зеландияга қараганда кўпроқ ҳуқуққа эга эканини қайд этди[13].

Бу қарор АСЕАН мамлакатлари бўлғуси уюшманинг ўзаги роли ўйнаши учун ҳам хизмат қилди[14]. Инаугурация-он саммитда синашта модель қўлланилди. 1997 йилги АСЕАН саммитига Япония билан бир қаторда, ХХР ва Корея Республикаси ҳам таклиф қилинган, шу тариқа Токионинг ҳаддан ташқари кучайишига йўл қўйилмаган эди. 2005 йилда айна шу механизмдан фойдаланилди: Малайзия илгари сурган ва Хитой қўллаб-қувватлаган таклиф қабул қилинди, лекин ЖШО мамлакатлари Пекиннинг устунлигига йўл қўймаслик учун ташкилот таркибини кенгайтди. Пекин янги уч аъзонинг қабул қилиниши билан муроса қилишга мажбур бўлди ва саммит ўтказилиши арафасида ХХР ташқи ишлар вазирлиги Шарқий Осиё ҳамжамиятини шакллантиришда бош ролни янги ташкил этилаётган саммит эмас, балки АСЕАН плюс Уч форуми ўйнаши ҳақидаги таклиф билан чиқди. Бу қоида 2005 йилги АСЕАН плюс Уч форуми саммитининг Декларациясида қайд этилди[15].

Жануби-Шарқий Осиё давлатлари уюшмасининг саммити Уюшманинг олий органи ҳисобланади. У ташкил топган 1967 йилдан буён 15 саммит ўтказилди.

Регионализмнинг рақобатдош модели сифатида Шарқий Осиё саммитининг ташкил этилиши кейинги икки йил мобайнида АСЕАН плюс Уч форумининг ривожланиш жараёнини бироз сусайтирди[16]. Уюшманинг интеграциялашувига кўмаклашиш борасидаги ҳаракатлар билан бир қаторда, АСЕАН олдида янги вазифа – Шарқий Осиё ёки Осиё-Тинч океани минтақаси форматидаги минтақавий интеграцияга кўмаклашиш турибди.

АСЕАН+6 (АСЕАН плюс Хитой, Япония, Жанубий Корея, шунингдек Ҳиндистон, Австралия ва Янги Зеландия) доирасида ҳам ўзаро ҳамкорлик амалга оширилмоқда.

Хитой ва АСЕАН эркин савдо зонасини таш-

кил этиш бўйича музокараларга 2002 йилда киришди; 2004 йилда томонлар товарлар савдоси тўғрисидаги битимни[17], 2007 йилда – хизматлар савдоси тўғрисидаги битимни[18] имзолади; ҳозирги вақтда инвестициялар тўғрисида битим ҳам тузилган. АСЕАН бозорига босқичма-босқич қўшилиш жараёнини минтақа мамлакатларининг энг йирик савдо-иқтисодий ҳамкорларидан бири – Ҳиндистон ҳам бошлади[19].

Мазкур ҳамкорлик ташаббусчилари фикрига кўра, янги аҳдлашувлар иштирокчи давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янги даражага кўтаради, Жануби-Шарқий Осиёда ва бутун дунёда иқтисодиётни тиклаш ва ривожлантириш ишига ўз ҳиссасини қўшади. Битимлар амалда ишлаётганини Хитой ва АСЕАН ўзаро инвестициялари мисолида кузатиш мумкин: улар эркин савдо зонасини ташкил этиш жараёнининг фаоллашувига қараб ўсиб бормоқда.

Шундай қилиб, АСЕАН фаолиятининг ички ва ташқи кўрсаткичларини баҳолаш Уюшма ўз фаолиятида муайян ютуқларга эришган, лекин улар ҳали интеграция йўлида Европа эришган ютуқлар даражасида эмас, деган хулосага келиш имконини беради.

Шу нарса диққатга сазоворки, Жануби-Шарқий Осиёда минтақавий ҳамкорлик модели функционал интеграцияга эмас, балки энг аввало умумий қадриятлар (бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик ва суверенитетни ҳурмат қилиш)ни шакллантириш ва сақлаш вазифасини ҳал қилишга қаратилган.

АСЕАН фаолияти сиёсий ва иқтисодий хусусиятга эга бўлган турли омилларни ўз ичига олувчи Шарқий Осиё регионализмнинг муҳим жиҳатига айланди.

Қўйидагилар Осиёдаги интеграциянинг марказга интилувчи кучлари ҳисобланади: жаҳон савдо йўллари чорраҳасида стратегик жиҳатдан муҳим географик ўринни эгаллаганлик; бозор иқтисодиётини ташкил этишнинг чет эл капитални киритиш ва экспортга йўналтирилган реструктуризация қилинган иқтисодиётни назарда тутувчи либерал моделига ўтиш.

Интеграцияга монелик қилаётган марказдан қочма кучлар жумласига иқтисодиётнинг ривожланиш даражасидаги, сиёсий тизимдаги, диний ва маданий анъаналардаги фарқларни, шунингдек давлатларнинг оролар бўйлаб тарқоқ жойлашганини киритиш мумкин.

Ҳозирги босқичда ва яқин келажакда АСЕАН учун хавфсизлик соҳасида асос бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган бир қатор омилларни қайд этиш мумкин. Бу ерда гап энг аввало АСЕАН фаолияти жараёнида ишлаб чиқилган нормалар ва принциплар ҳақида боради: кўп томонлама дипломатияга нисбатан ўз ёндашуви; Уюшманинг асосий ҳужжатларида мустақамланган базавий принциплар; АСЕАНнинг ўзига хос тимсолларини – муросаи мадора принципи ҳамда

нуқтаи назарларни келишиш ва конфликтли вазиятларни ҳал қилиш норасмий механизмларини назарда тутувчи “АСЕАН руҳи” ва “АСЕАН

йўли”ни яратганлик; минтақавий муаммоларни минтақанинг ўзи доирасида ҳал қилиш ниятининг мавжудлиги.

**Манба ва адабиётлар:**

1. Beeson M. *Institutions of the Asia-Pacific. ASEAN, APEC, and beyond.* – London and New York: Routledge, 2009. – P. 24-25.
2. Арин О.А. *Сценарии развития ситуации в Восточной Азии // Азия и Африка сегодня.* – М., 1998. – № 10-11. – P. 32.
3. *Интеграционные процессы в Восточной Азии // <http://www.eer.ru/archive/7613.html>.*
4. *Юго-Восточная Азия в мировой экономике // Коммерсантъ.* – М., 2004. – № 15. – 24 апр.
5. Чекушкин А. *Куала-Лумпур.* – РИА Новости. – 15 июля 2005 г.
6. Миракян Э.Г. *АСЕАН – ЕС. Сотрудничество и региональные интеграции 1967-2008: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук.* – М., 2010. – С. 8.
7. *Joint Communique The Third ASEAN Heads of Government Meeting Manila, 14-15 December 1987, The Third ASEAN Summit // <http://www.aseansec.org/5107.htm>.*
8. *АСЕАН в системе международных экономических отношений.* – М., 1999. – С. 15.
9. Байков А.А. *Сравнительная характеристика интеграционных взаимодействий в Восточной Азии и зарубежной Европе политический анализ: Автореф. дис. ... канд. полит. наук.* – М., 2009. – С. 28.
10. *АСЕАН прилагает усилия по созданию сообщества региона // <http://russian.people.com.cn/31520/6844498.html>.*
11. *Южная Корея: Краткая характеристика страны // [http://catalog.fmb.ru/south\\_korea1.shtml](http://catalog.fmb.ru/south_korea1.shtml).*
12. Севастьянов С.В. *Институты азиатско-тихоокеанского и восточно-азиатского регионализма: динамика развития проблемы и интересы участников // Россия и АТР.* – М., 2008. – № 3 (61). – С. 85.
13. Севастьянов С.В. *Институты азиатско-тихоокеанского и восточно-азиатского регионализма: динамика развития проблемы и интересы участников // Россия и АТР.* – М., 2008. – № 3 (61). – С. 90.
14. Колдунова Е.В. *АСЕАН: проблемы регионализма и перспективы интеграционных процессов // Юго-Восточная Азия: актуальные проблемы региона.* – М., 2008. – № 11. – С. 35.
15. Севастьянов С.В. *«Новый регионализм» Восточной Азии: теоретические и практические аспекты // Политические исследования.* – М., 2009. – № 4. – С. 117.
16. Осипова М.Г. *Региональная и глобальная финансовая интеграция в Юго-Восточной Азии // Юго – Восточная Азия: актуальные проблемы.* – М., 2007. – № 10. – С. 94.
17. *Agreement on Trade in Goods of the Framework Agreement on Comprehensive Economic Co-operation between the Association of Southeast Asian Nations and the People's Republic of China, Tenth ASEAN Summit, Vientiane, 29-30 November 2004 // <http://www.aseansec.org/16635.htm>.*
18. *Agreement on Trade in Services of the Framework Agreement on Comprehensive Economic Co-operation between the Association of Southeast Asian Nations and the People's Republic of China, Twelfth ASEAN Summit, Cebu, Philippines, 9-15 January 2007 // <http://www.aseansec.org/19346.htm>.*
19. Осипова М.Г. *Региональная и глобальная финансовая интеграция в Юго-Восточной Азии // Юго-Восточная Азия: актуальные проблемы.* – М., 2007. – № 10. – С. 91.

---

---

# ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАЪЛИМ

---

---

Босишга рухсат этилди 11.10.2017 й.  
Бичими 60x90 1/8.  
Шартли босма табағи 12,7  
Адади 100 нусха

«IMPRESS MEDIA» МЧЖ босмахонасида офсет қоғози ва усулида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Қушбеги, 6

---

**Таҳририят манзили:**  
100003, Тошкент ш., Ислом Каримов кўчаси 49,  
Телефонлар (99871)239-29-65, 239-28-97